



КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
ТЎПЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика илмий - амалий конференцияси



Ўзбекистон Миллий университети



+99871 - 246 - 96 - 80



www.nuu.uz

2019 йил, 14 - июнь

Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ

“ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ
ТАМОЙИЛЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

Мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2019 йил 14 июнь

Тошкент

а бу
ириш
и.
ёдаги
золик
аксад
ин ва
клик
иятга
енти
ётган
а. Бу
далиқ
ининг
пакат
осита

мой
биний
учун
2021
увор
ияти
гини

чик-
гини
кенг
лари
и. Бу
кўра
изда
влат
илан
шли
оис,

...-Т:

ORLIK
CA
M

Илмий-амалий конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 1-йўналиши 3-банди, 2017 йил 27 мартдаги “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2851 сонли қароридан келтирилган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети “Демократик давлат куриш назарияси ва амалиёти” кафедрасида бажарилаётган ПЗ-2017093070-сонли “Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос келадиган моделларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа режасига асосан ўтказилди.

“Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг тамойиллари, хусусиятлари ва истикболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги №133 фармойиши асосида ташкил қилинди. Конференция материалларидан талабалар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар илмий-ижодий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррирлар: с.ф.д., проф. А.Муминов
ф.ф.н., проф. А.Ўтамуродов

Таҳрир гуруҳи: ф.ф.н., доц.в.б. С.Аллаярова
с.ф.д. (PhD) А.Абдухалилов
доцент в.б. Э.Нишанбаева
катта ўқитувчи Г.Исанова
катта ўқитувчи Х.Солиқов

Тақризчилар: ф.ф.д., проф. А.Бегматов
ф.ф.н., доц. Х.Тўхтаев

Конференция материаллари тўплами ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети Кенгашининг 2019 йил 31 майдаги 10-сонли мажлиси қарорига асосан нашрга тавсия қилинган.

КИРИШ СЎЗИ

Марахимов А.Р.
ЎзМУ ректори, тех.ф.д., профессор

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва бу жараёнда ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштириш механизмларини амалиётга жорий этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

XX аср сўнггида мустақилликка эришган халқимиз дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш, адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат шакллантиришни стратегик мақсад сифатида белгилади. Бу борада демократик давлатларга хос бўлган ва миллий кадриятларимизни ўзида ифодалайдиган ижтимоий шериклик тамойилларининг жамият ҳаётига татбиқ этилиши тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз”¹.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамияти институтлари кўплаб ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишни ўз зиммасига олиши табиий зарурат бўлиб, мамлакатимизда уларнинг эркин фаолият юритишлари учун мустақкам ҳуқуқий қафолатлар яратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш зарур.

Ушбу тарихий ҳужжатда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, давлат ҳамда кенг аҳоли эҳтиёжларини ифодалайдиган, турли жамоат ташкилотлари манфаатларига жавоб берадиган механизмларни яратиш кўзда тутилган. Бу борада асосий механизм сифатида олим ва экспертларнинг фикрига кўра ижтимоий шериклик эътироф этилади. Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий шериклик турли шаклларида ривожланиши, давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш механизмнинг такомиллашуви учун тегишли ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Шу боис,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. –Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б.4.

DENOV TADBIRKORLIK
VA PEDAGOGIKA
INSTITUTI ARM
№ 38186

такомиллашиб ва мустаҳкамланиб бораётган “ижтимоий шериклик” фуқаролик жамиятини ривожлантирувчи муҳим тизим сифатида намоён бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти шароитидаги ижтимоий шерикликнинг бош мақсади инсоннинг барча эҳтиёжларини, жумладан, моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий эҳтиёжларини қондириш, фуқароларнинг турли соҳаларда эркин фаолият юритишини таъминлаш ва фаровон турмуш тарзини ўрнатишга хизмат қилишдан иборат.

Шу маънода ўтказилаётган “Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг тамойиллари, хусусиятлари ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция муҳим аҳамиятга моликдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ: ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хамроқулов А.

ЎЗР Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари, тех.ф.н., доцент

Маълумки, дунёда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги, самарадорлиги, жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнларига фуқаролик институтларини кенг жалб этишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бундай шароитларда давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг махсус механизмларини яратиш талаб этилади. Ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда давлат ва “учинчи сектор” ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини ўзида ифода этувчи ижтимоий шериклик институти ана шундай механизмлардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик деганда биз давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини тушунамиз.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилик базамизда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларини у ёки бу даражада тартибга солиб турувчи 30 та қонун ва юздан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Хусусан, давлатнинг жамоат бирлашмаларига ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши кафолати авваламбор, Конституция даражасида мустаҳкамланган. Бундан ташқари, давлат органларининг ўз ваколатлари доирасида нодавлат нотижорат ташкилотларини турли шаклларда қўллаб-қувватлаш масаласи бир қатор қонунларимизда ўз аксини топган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги каби бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

Ҳуқумат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатини тартибга солувчи нормалар юқоридаги қонунлардан

ташқари ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаларини тартибга солувчи махсус қонуларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонуларда давлат қарорларини қабул қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки масалалари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига жалб қилиш ҳуқуқи “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонулар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонуларда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Регламентларида ва бошқа қатор қонуларда назарда тутилган. Масалан, “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги, “Қасаба уюшмалари ва улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонулар жамоат ташкилотларининг ўз фаолияти соҳасига қирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқларини белгилаб беради.

Шу билан бирга, Президентимизнинг бир қатор қарорларида давлат органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал қилишда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг муҳимлиги тўғрисида сўз боради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли Фармони ва 2018 йил 14 ноябрдаги “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўйилган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори шулар жумласидандир. Бундан ташқари, айрим вазирликлар ва идораларнинг, хусусан соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, маданият ва спорт, адлия вазирликларининг фаолиятини тартибга солишчи низомларда, уларнинг ўз фаолиятини жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириши тўғрисидаги нормалар келтирилган.

Шунингдек, миллий қонунчилик базамизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки назарда тутилган комиссиялар, кенгашлар ва ишчи гуруҳларнинг ташкил этилиши ҳамда фаолиятини тартибга солишчи қатор ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бундай жамоатчилик-маслаҳат органлари

адлия, муҳофаза, соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа идоралар ҳузурида тузилган.

Энди, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини беvosита тартибга солишчи махсус қонунимиз, яъни “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга тўхталиб ўтсак. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун 2014 йилнинг 25 сентябрь куни қабул қилинган. Мазкур қонун мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига, амалга оширилаётган ишловларимизнинг самарадорлигини таъминланишига, уларнинг ролини кучайтишига хизмат қилмоқда. Ушбу қонуннинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 14 январдаги ПФ-3562-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Комиссия томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу Комиссия таркибининг қарийб ярмини нодавлат сектор вакиллари ташкил этганлиги, қонуннинг нечоғли нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ақс эттиришга қаратилганлигини билдиради.

Таъкидлаш лозимки, қонуннинг лойиҳасини ишлаб чиқишда, энг аввало, ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бу борадаги миллий қонунчилик, умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ушбу масала бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганиб чиқилган.

Биламизки, кўпгина хорижий мамлакатларда давлат билан нодавлат секторнинг ўзаро муносабатлари турли қонун ҳужжатлари билан ёки “ҳуқуқмағ ва фуқаролик сектори” ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар доирасида тартибга солинган. Бироқ, шунини ҳеч иккинланмай айта оламизки, ҳатто ривожланган демократик давлатларда ҳам давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро шериклигини ва уни амалга ошириш механизмини белгилаб берувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас. Яъни Ўзбекистонда қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун дунёда ўхшаши йўқ, десак муболага бўлмайди.

Қонун 5 та боб ва 30 та моддадан иборат бўлиб, 1-боб умумий қондаларга бағишланган. Ўз ичига 1-5 моддаларни олган ушбу бобда қонуннинг мақсади, ижтимоий шерикликнинг тушунчаси, субъектлари, асосий принциплари ва соҳалари очиб берилган.

Қонуннинг 2-боби ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартибини белгилаб, ўз ичига 6-11-моддаларни олади. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида:

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи

гурухлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;

- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда талбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш кабилар белгиланиб, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари кўрсатилган.

3-боб ўз ичига 12-22 моддаларни олиб ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланган. Унда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турлари кўрсатилиб, улар орасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкӣ, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари акс эттирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Масалан, 13-моддада ижтимоий шериклик соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида давлат мулки текин ёки имтиёзли шартларда вақтинча фойдаланишга берилиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса давлат томонидан нодавлат секторга бериладиган жуда салмоқли ва муҳим мулкӣ кўмақдир. Айниқса, доимий иш жойига (бино, офис) эга бўлмаётган сарсон бўлиб юрган нодавлат нотижорат ташкилотлари эндиликда давлат томонидан бериладиган бундай имтиёздан тўғри фойдаланиб, ўз вақтларини турли ички ташкилий масалаларга бағишламасдан ижтимоий фойдаланиш мақсадларини кўзлаб фаолият олиб борадилар.

Ўшундан ташқари, қонуннинг ушбу бобида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ўхшаш тузилмаларни жойларда ҳам тузиш назарда тутилган.

Хусусан, қонуннинг 17-18-моддаларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ҳамда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларини тузиш, шунингдек уларнинг вазифалари белгиланган. Жамоат комиссиялари ижтимоий шериклик субъектларининг бир-бирлари билан учрашиб, ўзаро масалаларни ҳал этишлари учун ўзига хос "майдон" вазифасини бажаради, десак хато бўлмайди.

Жамоат комиссиялари Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари Кенгашиларининг депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, адлия ва молия органларининг, шунингдек бошқа давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари билан иборат таркибда шакллантирилди.

Жамоат комиссияларининг давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари орасидан тузилиши, ушбу ҳар иккала субъектнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласида "ўзаро манфаатлар инobatга олиниши" принципининг амал қилишидан далolat беради.

Шунингдек, жамоат комиссиялари фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилсада, улар устидан услубий раҳбарликни Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси амалга оширади. Бундай схема жамоат комиссияларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тобе бўлиб қолишининг олдини олади. Яна шунини таъкидлаш лозимки, қонуннинг юқорида қайд этилган бобида давлат субсидияси, давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси ва уларни бериш тартиби қонун билан мустаҳкамланди.

Ушбу масалада яна бир янгилик бу – давлат гранти ва давлат ижтимоий буюртмасини бериш эндиликда нафақат Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан, балки жойларда ташкил этилган жамоат фондлари орқали ҳам амалга оширилиши белгиланди. Бу эса узок туманларда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат иқтисодий кўмагини олиш учун марказга келиб-кейтиш билан боғлиқ сарф-харажатлари ва вақтларини тежаш имконини беради. Натижада, иқтисод қилинган маблағ бевосита тегишли лойиҳа мақсадларига йўналтирилади.

Қолаверса, грант танловларининг жойларда ташкил қилиниши маҳаллий давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ижтимоий шериклик алоқаларини ўрнатишга қизиқишлари ортади. Уларнинг фуқаролик жамияти институтлари томонидан кўтарилаётган турли хил муаммолардан хабардор бўлиб боришларига ва ушбу муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўришга ёрдам беради.

Қонуннинг 4-бобида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган. Эътиборлиси шундаки, ижтимоий шериклик ҳар иккала субъектларининг мазкур қонунда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро солиштирилганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳуқуқлари давлат органларига нисбатан қарийб икки баравар кўп, мажбуриятлари эса аксинча икки баравар кам қилиб белгиланган.

Масалан, 23-моддада ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

гурухлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;

- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда талбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўргасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш кабилар белгиланиб, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари кўрсатилган.

3-боб ўз ичига 12-22 моддаларни олиб ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланган. Унда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турлари кўрсатилиб, улар орасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкӣ, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жихатдан қўллаб-қувватлаш масалалари акс эттирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Масалан, 13-моддада ижтимоий шериклик соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида давлат мулки текин ёки имтиёзли шартларда вақтинча фойдаланишга берилиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса давлат томонидан нодавлат секторга бериладиган жуда салмоқли ва муҳим мулкӣ кўмақдир. Айниқса, доимий иш жойига (бино, офис) эга бўлмаётган сарсон бўлиб юрган нодавлат нотижорат ташкилотлари эндиликда давлат томонидан бериладиган бундай имтиёздан тўғри фойдаланиб, ўз вақтларини турли ички ташкилий масалаларга бағишламасдан ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлаб фаолият олиб борадилар.

Бундан ташқари, қонуннинг ушбу бобида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ўхшаш тузилмаларни жойларда ҳам тузиш назарда тутилган.

Хусусан, қонуннинг 17-18-моддаларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ҳамда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларини тузиш, шунингдек уларнинг вазифалари белгиланган. Жамоат комиссиялари ижтимоий шериклик субъектларининг бир-бирлари билан учрашиб, ўзаро масалаларни ҳал этишлари учун ўзига хос “майдон” вазифасини бажаради, десак хато бўлмайди.

Жамоат комиссиялари Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари Кенгашиларининг депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, адлия ва молия органларининг, шунингдек бошқа давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларидан иборат таркибда шакллантирилди.

Жамоат комиссияларининг давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари орасидан тузилиши, ушбу ҳар иккала субъектнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласида “ўзаро манфаатлар инobatга олиниши” принципининг амал қилишидан далolat беради.

Шунингдек, жамоат комиссиялари фаолиятини ташкилий-техник жихатдан таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилсада, улар устидан услубий раҳбарликни Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси амалга оширади. Бундай схема жамоат комиссияларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тобе бўлиб қолишининг олдини олади. Яна шунини таъкидлаш лозимки, қонуннинг юқорида қайд этилган бобида давлат субсидияси, давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси ва уларни бериш тартиби қонун билан мустаҳкамланди.

Ушбу масалада яна бир янгилик бу – давлат гранти ва давлат ижтимоий буюртмасини бериш эндиликда нафақат Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан, балки жойларда ташкил этилган жамоат фондлари орқали ҳам амалга оширилиши белгиланди. Бу эса узоқ туманларда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат иқтисодий кўмагини олиш учун марказга келиб-кетиш билан боғлиқ сарф-харажатлари ва вақтларини тежаш имконини беради. Натихада, иқтисод қилинган маблағ бевосита тегишли лойиҳа мақсадларига йўналтирилади.

Қолаверса, грант танловларининг жойларда ташкил қилиниши маҳаллий давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ижтимоий шериклик алоқаларини ўрнатишга қизиқишлари ортади. Уларнинг фуқаролик жамияти институтлари томонидан кўтарилаётган турли хил муаммолардан хабардор бўлиб боришларига ва ушбу муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўришга ёрдам беради.

Қонуннинг 4-бобида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган. Эътиборлиси шундаки, ижтимоий шериклик ҳар иккала субъектларининг мазкур қонунда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро солиштирилганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳуқуқлари давлат органларига нисбатан қарийб икки баравар кўп, мажбуриятлари эса аксинча икки баравар кам қилиб белгиланган.

Масалан, 23-моддада ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилишнинг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, давлат органларига тегишли таклифлар киритиш ҳуқуқи нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига берилган бўлса, бундай ташаббус ва таклифларни кўриб чиқиш қонуннинг 26-моддасида давлат органларининг мажбурияти сифатида белгиланган.

Қонуннинг охириги 5-боби якунловчи қоидалар деб номланиб, қонунчилик техникаси ва амалиётидан келиб чиқиб низоларни ҳал этиш, ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш ҳамда қонуннинг қучга кириши масалаларини тартибга солиди.

Юқорида санаб ўтилган қонунларимиз мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтиришга қаратилган ишларнинг самарадорлигини оширишга, ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда аҳоли кенг қатламлари манфаатларининг ҳар томонлама ҳисобга олинишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ижтимоий шериклик муносабатларини ҳаракатга келтирувчи асосий қуч бу шубҳасиз –шаҳс ва жамият манфаатларидир. Шу сабабли, мамлакатимизда ижтимоий шериклик муносабатларини ривожланиши энг аввало фуқароларимизнинг бевосита фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Жамият аъзоларининг ўз манфаатларни тўлақонли англаши ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизmlарини ишлаб чиқиши ижтимоий шериклик муносабатларидаги кўплаб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК – ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Камнлов Р.- ФЖШМҚМИ директори
Холбеков А. - ФЖШМҚМИ шўъба раҳбари

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоя қилинадиган қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи мустақилликнинг дастлабки қунлариданок кенг қўламли демократик ўзгаришларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистонда аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлайдиган мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Уларнинг эркин фаолият юритишига самарали хизмат қилувчи 200 дан ортиқ қонун ва қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган ҳуқуқий база изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Сўнгги уч йил ичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва унинг институтларини ривожлантиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институт жорий этилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг айна босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари жорий этилган ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий механизмлари асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, гуманитар муаммоларни ҳал этиш бўйича фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг самарадорлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ республиканинг барча вилоятларида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурда Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари фаолият юритмоқда. Улар ўзаро ҳамкорликнинг устувор соҳаларини белгилайди, ташаббусларни кўриб чиқади. Бир томондан, давлат органларининг эътиборини мавжуд муаммоларга қаратади, иккинчи томондан эса ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини энг муҳим ҳудудий давлат дастурларини амалга оширишга жалб қилади.

Бугунги кунда турли ННТлар фуқаролик жамиятининг институционал асосини ташкил этади. Улар давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлайди, мавжуд ижтимоий-иқтисодий, гуманитар муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этишга жамиятни сафарбар қилади, фуқароларнинг ўз салоҳиятини намоён қилишга хизмат қилади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, уларнинг вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида, ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказишда, иштирок этиши, ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар тузиш анъанага айланиб бормоқда.

ФЖШМҚМИ томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинадиган тадқиқотлар натижасига кўра, сўнгги йиллар давомида меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишда ННТларнинг роли янада ошиб, давлатимиз раҳбари ва ҳуқумат томонидан тузилаётган доимий асосда ишловчи идоралараро комиссиялар (кенгашлар, ишчи гуруҳлар) таркибида уларнинг фаолияти сезиларли даражада ўзгарди. ННТ ва давлат органларининг ҳамкорликда ташкил этиладиган кўплаб қўшма тадбирларнинг ташаббускорлари ҳам ННТлар ҳисобланади.

2018 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари сифатида белгилаб қўйилди.

Мазкур қонунга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида, оммавий ва очик тарзда жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш анъанага айланди. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари муҳокамага киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдириб, таклиф ва тавсиялар киритиб бормоқдалар. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5430-сонли Фармони билан мамлакат Президенти ҳузурида давлат ва фуқаролик жамиятининг мамлакатни янада ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатларини муовфиқлаштириб борувчи, замонавий, демократик ва очик майдон вазифасини ўтайдиган Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат Кенгаши ташкил этилди.

2018 йилда Маслаҳат Кенгашининг фаолиятнинг бошланғич босқичида турган устувор йўналишлар ва долзарб вазифаларни белгилаб берган биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Хусусан, мажлисда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини ҳамда унинг асосида ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш, илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш, фуқаролик жамияти ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш, жамоат бошқарувидаги иштирокчини кенгайтириш, ташкилий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама қилиниб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг бошқа устувор йўналишлари каби фуқаролик жамияти инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳамда фуқароларнинг жамият бошқарувидаги иштироки даражасини янада ошириш каби вазифаларни ҳал этишда халқ билан мулоқотни ривожлантиришга йўналтирилган давлатнинг асосий ҳамқори саналади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар орасида энг муҳимлари – ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришдир. Бунда, танлов асосида фуқаролик жамияти

институтлари учун давлатнинг ижтимоий буюртмасини тақдим этиш шакллари кенгайтириш масалалари назарда тутилмоқда.

2008 йилдаги Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарорига асосан Олий Мажлиси хузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳамда ННТ, ОАВ вакилларида иборат жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Парламент комиссияси шакллантирилган.

ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат томонидан уч хил шаклда қўллаб қувватланади:

- давлат субсидияси;
- давлат ижтимоий буюртмаси;
- давлат гранти.

Давлат ижтимоий буюртмасига тўхталиб ўтамиз. Давлат ижтимоий буюртмаси нима - ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органларининг буюртмалари бўйича танлов асосида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

Давлат ижтимоий буюртмаси давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир давлат топшириғидир.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасида Давлат органлари ижтимоий шериклик соҳалари доирасида ўз фаолиятининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қўллаб-қувватлашни талаб этадиган устувор йўналишларини белгилаши кўрсатилган.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида жойларда янги иш ўринлари, ижтимоий ва маиший инфратузилма яратишга, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ногирон аёллар ва кизларни, жазони ўташ жойларидан озод қилинган, муқим турар жойга эга бўлмаган шахсларни жамиятга ижтимоий интеграцияси ва реабилитация қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институти янада мустақамлашга кўмаклашади.

2018 йилнинг июль ойидан бошлаб марказ ва жойлардаги барча давлат органлари хузурида фуқаролик жамияти институтлари

вакилларида бевосита иштирокидаги жамоатчилик кенгашлари ташкил этилмоқда.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг зиммасига жамоатчилик манфаатлари ва фикри ҳисобга олиниши, жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

2017-2019 йилларда қонун ҳужжатларига киритилган муҳим ўзгартиришлар орқали фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокидаги қонун ҳужжатларининг жамоатчилик муҳокамасининг мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий мониторингни ташкил этишда фуқаролик институтлари иштирокининг изчил равишда кенгайтириб борилиши натижасида аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, давлат органлари муҳокамасига киритилмоқда.

Жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг таклифларига мувофиқ 2017 йил октябрь ойида Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги Қарорини қабул қилинишида катта аҳмиятга эга бўлди.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг таклифлари асосида 2018 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасининг бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бир қатор жамоат бирлашмалари ўртасида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти иштирокида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Бош келишув имзоланди. Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган ҳужжатларда нафакат ҳамкорлик алоқаларини ўртнатиш борасида, балки аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш ва тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш борасидаги ишларни сезиларли даражада кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинди.

Фуқаролик жамияти институтларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси, яъни қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимида қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муҳокамасидаги амалий иштироки кенгайтириб бормоқда.

Хулоса килиб айтганда аҳолининг турли катламларини бирлаштирган, уларнинг қонуний манфаатларини ифодалаган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари аҳоли ва давлат ташкилотлари ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Ушбу вазифа ижтимоий масалаларни ҳал этишга таъсир этувчи муҳим омилларни белгилаб, қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда аҳолига янги имкониятлар, қулайликлар яратиш механизмларини такомиллаштириш мумкин бўлади. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ижтимоий шерикликни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳоли ўртасида хизматлардан фойдаланиш тартиби юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш катта самара беради.

Айни вақтда соҳадаги долзарб масалалар сифатида аҳолининг ННТлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни, ННТ вакилларини касбий малакасини оширишни, уларга шароитлар яратишни, услубий кўмак беришни кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида Институт томонидан услубий материаллар ишлаб чиқилган бўлиб, жойларда амалий семинар-тренинглар ва “давра суҳбатлари”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир давлат органи ва муассасасининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга масъул мутасадди раҳбар ўринбосарларининг қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан масъулиятини янада ошириш лозим.

Давлат органлари ва маҳаллий давлат органлари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари фаолиятига оид маълумотларни мунтазам равишда ташкилот ва муассаса веб-сайтида ёритиб боришни йўлга қўйиш ижтимоий шекиликни янада ривожлантиришга асос бўлади.

ННТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Умаров У.А.

ЎзННТМА Бош юрисконсултанти, ю.ф.н.

Бизга маълумки, фуқаролик жамияти ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилганда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти”га ўтиш тамойилларини амалга ошириш жараёнида тугган ўрни муҳим аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин.

Бугунги ривожланиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлари тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5430-сонли тарихий Фармони ва кейинги икки йилда қабул қилинган бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан, *ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.*

Давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Давлат органларининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунга бўйсиниш; тенг ҳуқуқлилиқ; очиклик ва шафоқлик; ҳаммабоплиқ; мустақиллик; ҳолислиқ;



Ўзаро хурмат, манффаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият; мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрлиги.

Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш.

“Давлат ва хусусий сектор шериклигига доир халқаро амалиёт атрофида таҳлил қилинганда, ривожланган давлатларда ушбу ҳамкорлик асосан ижтимоий вазифаларни ижросига йўналтирилган. Европа мамлакатларида жами давлат-хусусий шериклик асосидаги шартномаларнинг 34 фоизи таълимга, 21 фоизи соғлиқни сақлаш тизимида қаратилганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, йирик лойиҳаларни амалга оширишда ҳам давлат – хусусий шериклик механизмдан кенг фойдаланилади ва бу иқтисодий – ижтимоий ҳаётда кенг самара келтиради. 2017 йилда Буюк Британияда шу асосда рўёбга чиқарилган 400 та йирик лойиҳадан 80 фоизининг самарадорлиги юқори бўлган ва муддатидан олдин бажарилган”¹.

Юқоридаги халқаро амалиёт тажрибасидан ҳам кўриниб турибдики, бугунги кунда жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат ва хусусий сектор шериклигини талаб даражасида ривожлантириш иқтисодий самарадорлиқни оширишга ва ижтимоий масалаларни ҳал

¹ Қаранг: Рўзметов Э. Давлат ва хусусий сектор маблағлари ижтимоий максаллар ижросига йўналтирилади. / Халқ сўзи. 2019 йил 15 май сони 3-бет.

этишга қаратилган ечимларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилишга имкониятлар яратади.

“Мамлакатимизда жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича кўриб чиқилган суд ишлари: - жиноят ишлари бўйича судларда 28730 та иш кўриб чиқилди: 590 киши оқланди ва реабилитация қилинди; 2449 киши суд залидан озод қилинди; 1597 киши шартли равишда ҳукм қилинди; - маъмурий судларда: 16567 та иш кўриб чиқилди: 12525 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланди; 43605 кишининг маъмурий ҳуқуқбузарлигига доир 42978 та иш кўриб чиқилди; - фуқаролик ишлари бўйича судларда 171889 та иш кўриб чиқилди: 62567 та иш сайёр судларда кўрилди; - иқтисодий судларда 320983 та иш кўриб чиқилди: 8.8 трлн. Сўм моддий компенсация ундириш бўйича ҳукм чиқарилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир 32097 та иш кўриб чиқилиб, улар фойдасига 772,7 миллиард сўм ундирилди”¹. Судлар томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор, энг аввало, адолатли, қонуний ва асосли бўлиши шартлиги бу Давлатимиз раҳбарини ҳамда амалдаги қонун-ларнинг талаби бўлиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривож-ланишига хизмат қилади.

Шу асосда қайд этиш лозимки, нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятларини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган масалалар ва муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда шундан билан амалга оширилаётган ислохотларда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини фаоллигини таъминлаш асосида “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ижросини реал ҳаётда амалга ошириш механизмларини замон талаблари даражасида ишлаб чиқиш бугунги куннинг талабидир.

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларининг самарадорлигини таъминлашда:

- фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш, бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсати очиклигини таъминлаш;

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфатларига дахлдор қарорлар тўғрисида аҳолини кенг ҳабдор этиш имкониятларини кенгайтириш;

¹ Қаранг: Судлар томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор, энг аввало, адолатли, қонуний ва асосли бўлиши шарт /Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 12 декабрь №256 (7214)-сон. 1 бет.

- жамият аъзолари бўлган фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва маърифий маданиятини юксалтириш аҳолимизнинг коррупцияга қарши курашиш дахлдорлигини оширишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик асосида фуқаролик жамияти муаммоларини ўрганиш кўйида келтирилган бир қатор жиҳатларни ўрганишни ўз ичига олади:

- жамиятдаги ишсизлик масаласини ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш;

- ёшларнинг муаммоларини ижтимоий реаллик сифатида баҳолаш ва уларнинг ёш билан боғлиқ психологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни маънавий ва ватанпарвар ҳамда баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган давлат дастурлари ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-иқтисодий ечимларини илмий асосланттирилган ҳолда ишлаб чиқиш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделларида ҳар йил учун қабул қилинадиган давлат дастурларида таълим ва тарбия беришнинг социологик муаммоларини ўрганиш ҳамда илмий ва амалий ечимларини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишни Конституцияда белгилаб қўйилган нормалар ҳамда халқаро ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкил этиш;

- жамиятда қонуннинг ҳурмат қиладиган фуқароларнинг шахс сифатида шакллантириш асосида ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши тушунган, ўз билими ва лаёқатига ишонган, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англайдиган ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш;

- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни таҳлилий ўрганиш, бу соҳада барча сиёсий қарашларни фикр-мулоҳазаларини тадқиқ қилиш асосида ўрганиш натижаларига мувофиқ илмий ва амалий жиҳатдан асосланттирилган тақлиф, тавсия ва ечимларини ишлаб чиқиш;

- Ватан, оила, маҳалла халқнинг кадр-қимматини ўз ўрнига қўядиган, бугунги замон талабларига жавоб берадиган юксак даражадаги ривожланган – баркамол шахсларни тарбиялаш вазифасини ҳал этишнинг илмий-амалий йўналишларини ишлаб чиқиш ва уни реал ҳаётга татбиқ қилиш орқали мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ижтимоий шерикчилик асосида ривожланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган долзарб масалалардан бири жиноятчиликни, жумладан, коррупция жиноятларини олдини олишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш орқали жиноятлар ичида жамият ва давлат тараққиёти учун энг хавфли бўлган иллат коррупцияга қарши курашиш ишларига жамоатчиликни жалб қилиш

ҳамда бу соҳага давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини таъминлаш орқали коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жамиятда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришда кўйидаги масалаларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, жамиятда юз бераётган туб ислохотлар шароитида коррупцияни олдини олишнинг ҳуқуқий-ижтимоий ва сиёсий моҳиятини тушунтиришга қаратилган ташвиқот ишларини ҳамда ижтимоий шерикчилик, жамоатчилик назорати, давлат органлари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик назоратини амалга оширувчи кенгашлар билан ўзаро ҳамкорликка доир масалалар бўйича тадбирлар ташкил этиш ҳамда ижтимоий шериклик буюртмалари бўйича асосланттирилган тақлифлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий семинарлар материалларида тақлиф этилган тақлифларни умумлаштирилган ҳолда тегишли давлат органларига юбориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамияти институтларини давлат ва жамият ривожлантириш бўйича жамиятда фаол фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар тажрибасини умумлаштириш асосида улар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни ташкил этиш ННТ фаолиятини амалга оширилаётган ислохотлар талабларига мувофиқ ривожланишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ҳулосаси ёки фикр ва мулоҳазасини олиш қонунчилик талаби ҳисобланади ҳамда шу асосда тегишли ҳуқуқий – ҳужжатларни сифатли тайёрланишига хизмат қилади.

Бешинчидан, Ўзбекистонда маърифий исломни ривожлантириш, буюқ аждодларимизнинг дин софлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан амалга оширилаётган хайрли ишларни мазмун моҳиятини ҳамда муқаддас ислом дининг бағрикенглик тамойилларини, маърифий кадриятларини тарғиб қилиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини асраш, диний-маънавий меросни тадқиқ этиш, хавф-хатарларга қарши курашиш борасида бизнинг ватандош боболаримиз ҳисобланган буюқ алломаларнинг бой маънавий меросидан ҳамда бу соҳа бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашга қаратилган дастурлар ижросини таъминлашда нодавлат

нотижорат ташкилотларини фаол иштирок этишини ижтимоий шерикчилик асосида амалга ошириш фукаролик жамиятини янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Олтинчидан, мамлакатимизда Президент Ш.Мирзиёев томонидан давлатни халққа ва жамиятга хизмат қилувчи институтга айлантиришнинг олтин қондаси яратилганлиги асосида амалга оширилаётган ислохотларни ижтимоий-иктисодий ва маърифий ҳаётга тадбиқ қилиш масалаларини ҳал этишда фукаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимли равишда ривожлантиришга қаратилган дастурларни ҳуқуқий асослари ва ечимларини жамиятнинг ривожлантириш қонуниятларига мувофиқ такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш заруриятининг мавжудлиги, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давлат ва жамият олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади.

Етинчидан, фукаролик жамиятини тараққий эттиришга қаратилган муамоларни ўрганувчи жамиятшунос олимлар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга доир ўқув қўлланмаларини яратиш жамиятда учинчи сектор ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларини малакали ходимлар билан таъминланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда шиддатли равишда халқ ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига мувофиқ қўйидаги вазифаларни амалга ошириш фукаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади:

- ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг ўзгариб боровчи шароитларига инсонларни ва айниқса ёшларни тайёрлаш, уларнинг касбий билимларини мунтазам равишда ошириб боришни йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиқор сифатида иктисодий-ижтимоий нуктаи-назарини ишлаб чиқишга қаратилган билимларини мунтазам равишда ошириб бориш, келажак режаларни амалга оширишга қаратилган бизнес лойиҳаларига инновацион лойиҳаларни жорий қилишни назарда тутган билимларини юксалтириш;

- фукаролик жамиятини ривожлантиришда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият тараққиётини кафолати эканлиги, Ўзбекистон Республикасида ННТларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги қонунчиликнинг такомиллаштиришни ҳуқуқий моҳиятини кенг жамоатчиликка мамлакатимизда кейинги йилда Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Обод кишлок” ва “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила - тадбиркор” ҳамда “Ёшлар келажакимиз” ва бошқа дастурлар доирасида амалга оширилган ишлар жамият аъзолари ҳисобланган барча фукароларимиз калбида Она-Ватан билан фахрланиш ҳамда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш, Ватан ва ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси ишончли асосда шаклланишига

олиб келади ва амалга оширилаётган ислохотларни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий шерикчилик асосида инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда фукаролик жамиятини ривожлантириш – кафолати сифатида Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг юксалтиришга хизмат қилишини асосли таҳлиллар ва далиллар билан ёритилган илмий тадқиқот ишларини мунтазам равишда рағбатлантириб бориш тизимини яратилиши жамият фаровонлигига хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗЛИДЕПНИНГ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Якубов Б.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижрония Қўмитаси раисининг ўринбосари, т.ф.н.

Ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий шерикчилик масалалари кейинги вақтларда тобора кенг доирадаги олимлар, тадқиқотчилар фикрини ўзига жалб этётган мавзуга айланиб бормоқда. Бу бежиз эмас албатта. Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида томонлар манфаатларини тартибга солишнинг ўзгача бир тури – ижтимоий ҳамкорликка асосланган қарашлар шаклланиб, ривожланиб боради. У аввало, ўзаро ҳурмат, томонлар ҳуқуқларининг тенглиги, жамиятда қабул қилинган қонунларга асосланган ҳолда иш қўриш каби тамойилларга таяниши билан муҳимдир. Давлат эса, ижтимоий ҳамкорликка асосланган бундай муносабатларнинг ривожланишига ҳар томонлама қўмақлашади. Бу турдаги муносабатларга жамиятда ислохотлар жараёни кетаётган, мулкчиликнинг турли қўрғинишлари юзага келаётган бир даврда ижтимоий-иктисодий, шу жумладан меҳнат муносабатлари соҳасида юзага келадиган масалаларни ҳал қилишнинг цивилизацион шакллари қарор топтириш мамлакат тараққиётининг муҳим йўналишларидан бирига айланаётган пайтда кучли эҳтиёж сезилади.

Қолаверса, бозор иктисодиёти ривожланаётган жойда фукаролик жамиятининг қарор топишига, тараққий этиши зарурий шартдир. Ижтимоий ҳамкорлик эса, шу муҳим жараён ривожининг муҳим омили ҳамдир. Чунки у ҳар қандай фукаролик жамияти учун хос бўлган турли гуруҳлар, қатламлар ўртасида оптимал ижтимоий келишувнинг қарор топишига, шу орқали, бир бирдан канчалик

фарқ қилмасин ушбу гуруҳлар, қатламларнинг ҳуқук ва манфаатларини рўёбга чиқаришга асос яратади.

Келтириб ўтилган иккита асоснинг ўзиёқ ҳар қандай демократик жамият асосида турувчи муҳим таянчлар бўлмиш бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий шерикчиликка асосланган муносабатларнинг нақадар муҳим эканлигини белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти, унинг мавжуд бўлиши учун зарур шароит ҳисобланган фуқаролик жамияти тушунчалари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун энг муҳим бўлган кадриятлар сирасига киришини таъкидлаб ўтиш лозим. Бугунги кунда партия томонидан ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сийёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда демократик институтларнинг ролини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Буни парламент кўриш мумкин. Мазлумки, партия парламент куйи палатасида ўзининг энг йирик фракциясига эга. ЎзЛиДеПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини кенгайтиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Бизнес-омбудсман, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институтларини мустаҳкамлаш бўйича парламент томонидан кўриб чиқилган 20 дан ортиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда бевосита катнашди. Уларнинг айримлари бевосита партия депутатларининг ташаббуси билан илгари сурилди.

Шунингдек, партия вакиллари фаолияти Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликларини ва томорқа ер эгалари кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, “Маҳалла” жамғармаси, Қасаба уюшмалари федерацияси ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ўз ифодасини топади. Ушбу ташкилотларнинг аксарияти билан ЎзЛиДеП ҳамкорлик битимларини имзолаган бўлса, бошқалари билан қўшма дастурлар асосида ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Жамият ҳаётида ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий шерикликнинг ўрни тобора ўсиб боради. Ушбу эҳтиёжлардан келиб чиқиб тартибга солишга эҳтиёж орта боради. Ушбу эҳтиёжлардан келиб чиқиб

2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқилган эди. Қонун ижтимоий шериклик асосида турувчи, уни ривожлантиришга қаратилган кўплаб йўналишларни тартибга солди.

Давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал қилишда уларнинг иштирок этиш шакллари ва усуллари аниқлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг янги таркиби шаклланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва субсидиялар ажратиш тизими такомиллаштирилди.

Маҳаллий ҳокимиятлар ҳузурида, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларини амалга оширишда давлат органлари билан ҳамкорлигини кучайтиришга қўмаклашиш ҳамда ижтимоий шерикчилик бўйича жамоатчилик комиссиялари ташкил этилди. Жамоатчилик комиссиялари аъзолари сафига маҳаллий кенгаш депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, адлия, молия ва бошқа давлат органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари киритилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жамоат комиссиялари аъзоларининг аксарияти қисмини (56%) нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ташкил қилади.

Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат дастурларини амалга оширишда, хусусан, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлаш лозим. 320 банддан иборат Давлат дастурининг 26 тасида нодавлат нотижорат ташкилотлари асосий ижрочи сифатида, 80 тасида ҳамкор сифатида (*жами 106 банд*) белгиланган.

Шу билан бирга, партия Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлари 36 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этди. Қолаверса, уларнинг тўғридан-тўғри иштироки билан яна 35 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат тайёрланди. Партиянинг шу каби фаолияти давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги сифат даражасига чиқишига сабаб бўлди, десак хато бўлмайди.

Бунга қармасдан, хали ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий шериклик йўналишида масалалар етарлича ҳал қилинган деб бўлмайди. Жумладан, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик

тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига кўра “Нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш” кўзда тутилган. Лекин бирор-бир қонун ҳужжатига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида бу масала умуман очиб берилмаган. Натижада, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни, хусусан тадбиркорлик субъектлари томонидан ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи ушбу қонуннинг муҳим банди ишламасдан қолмоқда.

Иккинчидан, ушбу қонуннинг яна бир муҳим нормаларидан бири унинг 13-моддасида ақс этган “Ижтимоий шериклик соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида давлат мулки текин ёки имтиёзли шартларда вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин”лиги тўғрисидаги қондадир. Ушбу нормада белгиланган асослар ҳам кейинчалик бирор қонуности ҳужжати билан аниқ тартибга солинмагани сабабли ҳалигача етарлича ишлатилмасдан қолиб кетмоқда.

Умуман қонуннинг муаммоли жиҳатларидан бири - ҳавола нормаларининг кўплиги ва ушбу ҳавола нормалар кейинчалик тегишли қонуности ҳужжатлари билан регламентланмаганлигидир. Бу эса мамлакатда ижтимоий шериклик, ижтимоий ҳамкорлик масалаларини ривожлантиришга қаратилган ушбу муҳим қонуний актнинг тўлақонли ишламаслигига сабаб бўлиб келмоқда.

Албатта, қонун қабул қилинганидан кейин беш йил вақт ўтди. Шу пайт ичида, айниқса кейинги икки йил ичида мамлакат ҳаётида рўй берган тўб ўзгаришлар ушбу муҳим соҳани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ўйлаймизки соҳага оид, уни тартибга солувчи қонунчиликка оид ўзгаришлар амалга оширилиши ушбу соҳани ҳали ишга солинмаган катта имкониятларини кенг очишга туртки беради.

МЕХНАТ СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АСОСЛАРИ

Исаев М.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир, тех.ф.н.

Ходим ва иш берувчи меҳнатга оид муносабатларининг иккита асосий субъектлари ҳисобланади ва уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келмайди. Табиийки, ходим камроқ ишлаб кўпроқ иш ҳақи олишни хоҳласа, иш берувчи ходимни кўпроқ ишлатиб, унга камроқ ҳақ тўлашни хоҳлайди. Бундай ҳол меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиб туриш заруриятини келтириб чиқаради. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 4-моддасига биноан ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва қафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади. Қонунлардагига нисбатан кўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва қафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин. Жамоа келишувлари ва шартномаларининг тарафи сифатида қасаба уюшмалари иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида “Қасаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар ” деб белгилаб қўйилган. Бундан қасаба уюшмаларига юклатилган иккита ўзаро боғлиқ вазифа келиб чиқади: ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш.

Бугунги кунда қасаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш ишлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- даромадларни тартибга солиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштириш ишлари;
- бандликни таъминлашга кўмаклашиш;
- меҳнатни ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш, қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш;
- ҳуқуқий ҳимоя;
- ижтимоий қафолатлар ва ижтимоий ҳимоя;
- маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш;
- гендер тенгликни таъминлаш;

- ёшлар билан ишлаш.

Бугунги кунда юкоридаги вазифаларни амалга оширишнинг биттаю-битта механизми мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса ижтимоий шериклик механизmidир.

Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик фақат бозор иқтисодиётига хос булган ижтимоий-меҳнат муносабатларининг алоҳида бир тизими бўлиб, у давлат, иш берувчилар ва ходимлар манфаатлари мувозанатини таъминлайди.

Бундай шерикликни амалга ошириш механизми жамоа шартномалари ва келишувлари, қўшма қарорлар, локал ҳужжатлар, касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларни тузиш ва тадбиқ этишига асослангандир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида бу тамойил "ижтимоий мулоқот" деб номланган бўлиб трипартизм (яъни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги уч тарафлама ҳамкорлик) асосида амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича давлат органлари ва касаба уюшмалари томонидан куйидаги янгиликлар жорий этилди:

1. Жамоа келишувлари ва шартномаларининг иерархик боғлиқлиги таъминланди: 1998 йилда Олий суд Пленуми қарори билан белгилаб қўйилдики, жамоа шартномасида ходимнинг аҳволи жамоа келишувига нисбатан ёмонлаштирилиши мумкин эмас.

2. Касаба уюшмаси органлари қошида жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, бунда уларнинг қонун ҳужжатларига ва юкори поғонада тузилган келишувлар меъёрларига мувофиқлиги кўриб чиқилади.

3. Жамоа шартномалари бажарилиши бўйича статистик ҳисоботлар жорий этилди (ЖШ-1, ЖШ-2).

4. Жамоа келишувларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг органларида, жамоа шартномаларини эса – касаба уюшмаси органларида билдириш рўйхатидан ўтказилиши йўлга қўйилди.

5. Иқтисодиётнинг реал секторида тармоқ тариф келишувларини тузиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда 17 та тариф келишувлари амал қилмоқда.

6. Жамоа шартномаларининг ижтимоий нафани ҳисоблаш услубиёғи жорий этилган, бу суммага ходим томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган меъёрлардан ташқари ёки уларга нисбатан юкори миқдорда олинган бевосита ёки билвосита даромад ва манфаатлар киймати қиради.

7. Барча тармоқлар учун ягона музокара жараёни қоидалари жорий этилган бўлиб, унга кўра жамоа келишувлари тегишли йилнинг 1 февралидан, жамоа шартномалари эса - 1 апрелдан кечиктирмай қабул

қилиниш белгилаб қўйилган.

8. Хар йили жамоа шартномасининг базавий ва ихтисослашган тармоқ макетлари ишлаб чиқилиши ва оммавий ахборот воситаларида ва веб сайтларда жойлаштирилиши таъминланди.

Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўртта, яъни умуммиллий, тармоқ, ҳудудий ва локал миқёсларда амалга оширилади.

Хар бир поғонадаги ижтимоий шерикликнинг ўзига ҳос ижтимоий шериклик ҳужжати мавжуд бўлиб, булар бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва жамоа шартномаларидир.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан:

- жамоа шартномаси - корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир;
- жамоа келишуви - муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир;
- жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

Жамоа шартномалари ва келишувлари тузишнинг асосий принциплари куйидагилардир:

- қонун ҳужжатлари нормаларига амал қилиш;
- тарафлар вакилларининг ваколатлилиги;
- тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- жамоа шартномалари, келишувлари мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама эркинлиги;
- мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги;
- олинаётган мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилшини таъминлаш;
- текшириб боришнинг мунтазамлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Жамоа шартномасини тузиш тартиби. Иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига касаба уюшмаси ўз вакиллик органи орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)га эга.

Жамоа шартномалари корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси корхонанинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши керак ва у билдирилган фикр ва таклифлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб такомилга етказилади.

Ишлаб тақомилига етказилган лойиҳа меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) муҳокамасига қўйилади.

Меҳнат жамоасининг йиғилиши, башарти унда ходимларнинг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Меҳнат жамоасининг конференцияси, башарти унда делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Жамоа шартномаси, башарти уни умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётганларнинг эллик фоиздан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади.

Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишда (конференцияда) билдирилган таклиф-истакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб тақомилига етказадилар ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилиш (конференция) муҳокамасига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилишда (конференцияда) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини уч кун ичида имзолайдилар.

Жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда тарафлар белгиланган муддат давомида амал қилади.

Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

Жамоа шартномаси иш берувчига ва мазкур корхонанинг барча ходимларига, шу жумладан жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Корхона қайта ташкил этилганда шу қайта ташкил қилиш даврида жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолади, шундан кейин тарафлардан бирортасининг ташаббуси билан қайта қўриб чиқилиши мумкин.

Корхона таркиби, тузилиши, бошқарув органининг номи ўзгарган, корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолади.

Корхона мол-мулкнинг эгаси ўзгарганда жамоа шартномаси ўз кучини олти ой мобайнида сақлаб қолади.

Бу даврда тарафлар янги жамоа шартномасини тузиш ёки амалдагисини сақлаб қолиш, ўзгартириш ва тўлдириш ҳақида музокаралар бошлашга ҳақли.

Жамоа шартномаси қайта қўриб чиқиладиганида аввалги жамоа шартномасида ходимлар учун назарда тутилган имтиёзларни сақлаб қолиш ва бошқа шартларни бажариш мумкинлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши керак.

Корхона кунун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида тугатиладиганда жамоа шартномаси бутун тугатиш ишлари олиб бориладиган муддат давомида ўз кучини сақлаб қолади.

Жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш қоидалари. Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари текшириб борадилар.

Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб турадилар.

Текшириш олиб бориш вақтида тарафлар ўзларидаги бунинг учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2017-2019 йиллар учун Бош келишув тузилган ва ижроси таъминланмоқда.

Бугунги кунда республикада Бош келишувдан ташқари 105 та тармок (тариф) келишувлари, 14 та ҳудудий (минтақавий) келишувлар, бир катор ҳудудий-тармок келишувлари, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 158 мингтадан кўп жамоа шартномалари амал қилмоқда.

Ижтимоий шериклик соҳасида кўп учрайдиган камчиликлар қуйидагилардан иборат: жамоа келишувлари ва шартномалари лойиҳалари экспертиза билан тўлиқ камраб олинмаган;

- ўтказиладиган экспертиза сифати юқори эмаслиги натижасида жамоа келишувлари ва шартномалари мазмуни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаслик ҳоллари мавжуд;
- ягона музокара жараёни, яъни жамоа келишувлари ва шартномалари тузилишидаги кетма-кетликка риоя этилмаслик ҳоллари мавжуд;
- катор келишувлар жойларга кеч етиб бормоқда, жамоа шартномалари уларга тўлиқ мувофиқлаштирилмаган;
- жамоа шартномалари қабул қилиш қоидаларига тўлиқ риоя этилмайди, улар бажарилиши якунлари муҳокама қилинмайди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ

Бегматов А.

ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти профессори, ф.ф.д.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтган ҳозирги даврда инновацион ёндашувлар ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, ривожланишнинг юқори суръатларини талаб қиладиган инновацион тараққиёт турли ижтимоий, иқтисодий ва бошқарув тузилмаларининг манфаатларини уйғунлаштиришни такозо этади.

Инновацион тараққиётнинг юқори сифатларини таъминлаш мақсадида шу жараёнларга алоқадор барча тузилмаларнинг максад ва вазифаларга эришиш усуллари, воситалари ва шаклларини бир-бирига мослаштириш талаб этилади. Акс ҳолда улар ўртасидаги тафовутлар кучайиб кетиши, бунинг оқибатида ўзаро зиддиятлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолат тараққиётга салбий таъсир ўтказиши, ҳатто уни тўхтатиб қўйиши ва манфий томонга йўналтириб юбориши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш учун бағрикенглик тамойили асосида давлат идоралари, бизнес вакиллари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш такозо этилади.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичларида иқтисодиётни танглик ҳолатидан олиб чиқиш, ривожланиш суръатларини тезлаштириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарурий ҳолдир. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки пайтларда унга бирёклама ва пароканда аҳволга тушиб қолган иқтисод, собиқ иттифокнинг хомашё базасига айланиб қолган хўжалик мерос қолган эди. Мамлакатни бўҳрондан олиб чиқиш, иқтисодиётни тиклаш учун хусусий секторни ривожлантириш давлат органлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эди. Энди шакллана бошлаган хусусий тадбиркорлар оёкка туриб олишлари учун улардаги молиявий ва иқтисодий имкониятлар етарли эмас эди. Уларнинг оёкка туриб олишлари учун кўмак керак эди. Ўша даврда бундай кўмакни фақат давлат бериши мумкин эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлатнинг бизнес вакилларига кўмаги хусусий мулкни эътироф этиш, унинг ривожланиши учун меъёрий –ҳуқуқий базани таъминлашдан иборат бўлди. Ўша пайтларда аҳолининг аксарияти социалистик мафкура колдикларидан тўла кутулиб улгурмаган бўлиб уларнинг онгида хусусий мулкчиликка, бизнесменларга нисбатан салбий карашлар устунроқ эди. Ана шундай вазиятда хусусий мулк ва бизнес вакиллари нафақат қонун йўли билан,

балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш зарур эди. Бу вазифаларнинг барчасини давлат органлари муваффақият билан бажарди. Ўзбекистонда иқтисодий қулаш жараёни МДХга аъзо мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб тўхтатилди ва аста-секин иқтисодий кўрсаткичларнинг юқорига томон силжиги кузатила бошлади.

Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қонуниятлари шундайки, давлат тадбиркорларни иқтисодий жиҳатдан чексиз қўллаб олмайди. Бунинг учун маблағни давлат органлари фақат аҳоли ва бизнес вакилларида солиқ тушумлари сифатида олишлари мумкин ҳолос. Шунинг учун давлат ва бизнес вакиллари ўртасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш такозо этилади. Шу сабабли XXI аср бошларида мамлакатимизда ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги қонунни қабул қилиш тўғрисида мунозаралар бошланди.

Ўтказилган мунозаралар натижаси сифатида 2014 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ҳар қандай қонунда уни қабул қилган қонунчи ва қонуншуносларнинг ўша даврда мавжуд бўлган тасаввурлар ва хоҳишлари акс этади. Қабул қилинган қонунларда ўша йилларда мавжуд бўлган ҳолатни қонунчилар қай даражада англаганлари ифодалангани.

“Ижтимоий шерикчилик тўғрисида” қабул қилинган қонуннинг ҳар бир бандида ва қонуннинг умумий матнида ҳам парламентимизнинг ўша даврдаги депутатлари ва қонуншунос-ларимизнинг тасаввур ва истаклари акс этган. Масалан, мазкур қонуннинг “Ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари” деб номланган 3-моддасида “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”, дейилган. Қонуннинг мазкур моддаси мазмунидан маълум бўладики, ижтимоий шериклик субъектлари сифатида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари эътироф этилмоқда.

Ижтимоий шериклик субъектлари сифатида фақат давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари эътироф этилиши ўша даврда мамлакатда мавжуд бўлган муаммоларнинг энг долзарбларини, яъни давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги доираси ва қондаларини аниқлаш зарурлиги билан боғлиқ эди.

Мазкур моддада бизнес вакиллари ижтимоий шерикчилик субъектлари сифатида тилга олинмаган. Бунинг сабаби ўша даврда депутатларимиз мамлакатдаги фукаролик жамияти институтларини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берганлари туфайли эди. Аслида ижтимоий шерикчилик назариясининг вужудга келиши бизнес вакиллари билан ёлланма ишчилар ва уларнинг вакиллари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ эди.

Мамлакатда мавжуд муаммоларнинг кўпчилигини бизнес вакиллари иштирокисиз ечиш кийин бўлгани учун уларни ҳам ижтимоий шерикчилик жараёнига тортиш зарурати туғилди. Шу заруратни ҳисобга олиб 2018 йил 10 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори¹ қабул қилинди. Бу Қарор номидан ҳам кўриниб турганидек, Давлат-хусусий шериклик тўғрисида тегишли қонун қабул қилингунча пайсалга солиб бўлмайдиган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар мажмуини белгилаш мақсадида қабул қилинган эди.

Қарорда таъкидланганидек, “Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислохотлар инвестиция мухитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга, анъанавий равишда давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этмоқда”² эди.

Бу Қарор асосида мамлакатимизда “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий ва институционал база, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истикболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш механизми ишлаб чиқилмаган”ини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг таклифи маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик деб юритилади) ташкил этилди.

Ордан ярим йил ўтгач, 2019 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда Давлат-хусусий шериклигининг томонлари,

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.10.2018 й., 07/18/3980/2072-сон
² Ўша жойда

уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият принциплари батафсил аниқлаб берилди. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди: давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги; давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги; хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва ҳолислик; камситишга йўл қўймаслик; коррупцияга йўл қўймаслик.¹

Мамлакатимизнинг “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги ва “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунлари биргаликда ижтимоий шерикликнинг нисбатан тўларок ҳуқуқий базасини ташкил қилди.

Ижтимоий шерикчиликни мамлакат ҳаётига тўларок тадбиқ қилиш учун ҳуқуқий база яратилгандан кейин навбатдаги вазифа бу мақсадга эришиш учун ҳалақит бераётган ва бериши мумкин бўлган омилларни бартараф этишдан иборат. Бундай омиллар ижтимоий шерикчиликни мамлакат ҳаётига тўларок тадбиқ қилишга ҳалақит бериш баробарида мамлакат тараккиётининг яна ҳам шиддатлироқ тус олишига тўсиқлик қилади.

Марксизм мафқураси ҳукмрон бўлган собиқ шўролар тузуми даврида Гегель томонидан кашф қилинган қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни баъзи ўзгаришлар билан диалектиканинг асосий қонуни, деб эълон қилинганди. Шуниси ҳам борки, қарама-қаршилиқлар бир-бирларини кўзда тутиши эътироф этилиши билан бирга, улар ўртасидаги бирлик нисбий ва улар ўртасидаги кураш мутлақ, деб эълон қилинганди. Марксча мафқуранинг мана шу фалсафий асоси XX асрнинг 20-, 30- йилларида қандай қон тўкишлар ва қатағонларга олиб келгани ҳамда ижтимоий шерикчиликнинг эътироф этилишига қанчалик ҳалақит бергани жаҳон афкор оммасига маълум.

Ижтимоий шерикчилик қарама-қаршилиқлар ўртасида кураш эмас, бирлик устувор ва улар ўртасидаги қонли тўқнашувларнинг олдини олиш мумкин, деган қоидадан келиб чиқади. Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси мана шундай стратегия, яъни қарама-қаршилиқлар ўртасидаги бирликнинг устуворлигини эътироф этиш ва шу асосда ижтимоий шерикчилик муносабатларини ўрнатиш стратегияси қанчалик самарали эканини кўрсатди. Ўзбекистоннинг 29 йиллик мустақил тарихий йўли таҳлили ҳам ана шундай ҳулосага олиб келади. Шундай ҳулосага МДҲга аъзо мамлакатлар: Россия Федерацияси, Қозоғистон, Беларуссия ва бошқалар тараккиёт йўлини таҳлил қилиш ҳам олиб келади. Лекин, шуни ҳам унутмаслик жоизки, ижтимоий шерикчилик муносабатларини ҳаётга тадбиқ қилиш ҳар бир мамлакатда вужудга келган шарт-шароит, бозор муносабатларига ўтишда танланган йўл, усул ва моделлар билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлади.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/537/3113-сон

Ижтимоий шерикчилик муносабатларини ҳаётга кенг тадбиқ қилиш ва мустаҳкамлаш йўлида муайян кийинчиликлар мавжуд. Бу кийинчиликларни шартли равишда тўрт тоифага бўлиш мумкин. Булар: назарий муаммолар, услубий муаммолар, ҳуқуқий ва амалий муаммолар. Амалий муаммолардан биринчиси шундаки, мамлакатимизда ижтимоий шерикчиликни ҳаётга жорий этиш ва ривожлантириш бўйича етарли тажриба тўпланганича йўқ. Гап шундаки, шўролар тузуми даврида жамоат ташкилотлари ижтимоий шерикчилик муносабатларини ўрнатish бўйича ҳеч қандай тажрибага эга эмас эди. Чунки, бу жамиятда мулкдорлар синфи ва уларга ёлланиб ишловчиларнинг ўзи йўқ эди.

Ижтимоий шерикчиликни меҳнат жамоалари ҳаётига татбиқ қилишда назарий характердаги кийинчиликлар ҳам кўндаланг бўлади. Шўролар тузуми даврида ижтимоий шерикчиликни амалда татбиқ қилиш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрилмасди. Чунки, ўйлаб кўриш учун эҳтиёж йўқ эди. Барча масалалар бўйича қарорлар юқорида қабул қилингани учун бунга ҳожат йўқ эди. Шу сабабли, ижтимоий шерикчиликнинг моҳияти, турлари, шакллари, ҳаётга татбиқ қилиш технологиялари каби назарий масалаларни ҳал қилиш учинчи ёки тўртинчи даражали масала ҳисобланар эди. Ўша даврдаги илмий тадқиқотлар архивини таҳлил қилиш мазкур муаммога деярли эътибор берилмаганини кўрсатади. Бир қатор мамлакатлар янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтаётган ҳозирги шароитда бу муаммо биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий шерикчиликнинг энг умумий ва назарий масалалари жаҳон социология ва сиёсатшунослик фанида етарлича ишлаб чиқилган бўлса ҳам, уни турли мамлакатлар шароитида ҳаётга татбиқ қилишнинг хусусиятлари етарли ўрганилмаган. Масалан, Ўзбекистонда ижтимоий шерикчиликнинг моҳияти ва уни ҳаётга татбиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган йирик ва диссертацион тадқиқотлар йўқ даражада. Ҳолбуки, ижтимоий шерикчилик фуқаролик жамиятига олиб борадиган ҳаракатларнинг асосий тамойилдир.

Ижтимоий шерикчилик низога киришган томонлардан бирининг манфаатларини эмас, балки ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутлади. Томонларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишдан ташқари, низои бартараф этиш ва ҳар бир томон учун мақбул келадиган ечимлар, усуллар ва технологияларни топиш ҳам ижтимоий шерикчилик функцияларига киради. Ана шундай ечим ва усулларни топиш билан касаба уюшмалари, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда судлар шуғулланади. Бу институтларнинг мазкур муаммо билан шуғулланишларидаги ўзига хосликлар шундаки, давлат ҳокимият органлари ва судлар низои ташқаридан туриб ўрганадилар. Маълумки, ҳар қандай низо тадрижида бир неча босқич мавжуд бўлади. Охириги босқичда низо ошқора ва кескин тус олади.

Ҳокимият органлари ва судлар низолар етилиб охириги босқичга ўтганда уларни ўрганишга киришади. Касаба уюшмалари эса, низои меҳнат жамоаси ичида туриб ўрганади. Низоларни ичкаридан туриб ўрганишнинг афзалликлари шундаки, низолар ҳали қуртаклигидаёқ уларни кузатиш ва тузатиш, ривожланиш йўналишлари ва босқичларидаги хусусиятларни ўрганиш имконияти туғилади. Лекин, ана шу имкониятни рўёбга чиқариш жамоат ташкилотлари етакчилари ва мутахассисларнинг билимлари ва тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Айнан мана шу масалада, яъни жамоат ташкилотлари етакчилари ва мутахассисларнинг билимлари ва тайёргарлик даражаси масаласида муайян кийинчилик ва мураккабликлар мавжуд. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ижтимоий шерикчиликни мамлакат, соҳа ва жамоа даражасида ҳаётга тадбиқ қилиш назарияси, усуллари ва механизмларини етарли даражада ўзлаштирган мутахассисларнинг етишмаслиги ва жуда озлигини эътироф этишга тўғри келади.

Меҳнат жамоаларида вужудга келаётган низоларнинг олдини олиш ва бартараф этишда жамоат ташкилоти фаолларидан муайян билим ва кўникмалар талаб қилинади. Касаба уюшмалари ходимлари, етакчилари ва фаоллари низоларнинг турлари, генезис ва уларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Фақат шундагина улар низоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, ижтимоий шерикчиликни ҳаётга тўла тадбиқ қилиш имконига эга бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Муминов А.

ЎзМУ профессори, с.и.с.ф.д.

Ижтимоий шерикчилик ўзининг тарихий ривожини давомидида кўплаб босқичларни босиб ўтган. Бу давр ичида демократик ривожланиш йўлини танилаган мамлакатлар барқарор ривожланишнинг муҳим инструменти бўлган, жамият манфаатларидаги мувозанатни сақлаш, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг мақсад ва вазифаларини ўйғунлаштиришда аҳамиятли ўринга эга бўлган ижтимоий шерикчилик турли мамлакатларда бир қатор модель ва шаклларда намоён бўлган.

Мисол учун, Германия моделига¹ ижтимоий шерикчилик демократияни мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини тинч йул билан ҳал қилиш,

¹ Социальное партнерство в Германии // https://studwood.ru/1079859/menedzhment/sotsialnoe_partnerstvo_germani

ижтимоий кескинликларнинг олдини олиш воситаси сифатида каралса, скандинав моделида¹ у ижтимоий фаровонликнинг кўрсаткичи хисобланади. Америка моделида² иқтисодий ўсишни таъминловчи устуворлик ролини ўтайди. Австрияда³ эса ижтимоий шериклик маслаҳат кенгашлари, умуммиллий ва тармоқлар кўринишларида тенглик асосида фаолият юритувчи комиссиялар шаклида амалга оширилади.

Айтиш зарурки, ижтимоий шерикликнинг бу моделлари самарадорлик кўрсаткичлари буйича бир-биридан фарк қилса-да, уларнинг асосий мақсади жамиятда ижтимоий келишув ва мувозанатни қарор топтиришдан иборатдир.

Ривожланган мамлакатлардаги модель ва шакллар ижтимоий шериклик ғоясининг узок йиллик ривожланиш ва такомиллашиш тарихи давомида турли мамлакатларда хилма хил йўсинда фойдаланиб келинганлиги билан бир қаторда, улар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш борасида бугунги кунда ҳам дунё мамлакатлари амалиётида кенг қўлланиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий шериклик муносабатларини жорий этишда халқаро таъриба атрофлича ўрганилган ва кенг қўлланилган.

Айни чоғда, юқорида қайд этилган модель ва шакллардан фарк қилиб, юртимизда амалиётга татбиқ этилаётган ижтимоий шериклик модели жамиятнинг барча қатламлари интилишларини, ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ барча соҳаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Ижтимоий шерикликда қатнашадиган субъектлар кўлами кенглиги эса жамиятдаги барча аҳоли қатламлари манфаатларини самарали таъминлаш имконини яратади. Мамлакатимизда шаклланиб бораётган ижтимоий шериклик муносабатларида юқорида тилга олинган моделларнинг вақт синовидан ўтган, ижобий жиҳатлари ўзининг яққол ифодасини топганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 4 май, 5430-сонли Фармонида⁴, “давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очик-ошқора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва

¹ Давайте разберемся. "Социальное партнерство" в скандинавском варианте // <http://www.aif.ru/archive/1658795>
² Социальное партнерство в развитых странах в США // <http://эллалесная.рф/besplatnye-gotovyе-studcheskie-raboty/2016-10-15/sotsialnoe-partnerstvo-v-razvitykh-stranakh-v-ssha>
³ Социальное партнерство, как идеология цивилизованного общества рыночной экономики // <https://www.studsell.com/view/166092/>
⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 4 май, 5430-сонли Фармони // <http://www.lex.uz/docs/3721649>

самарали мулоқотини йўлга қўйиш” вазифаси белгилаб берилди. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий шериклик муносабатларининг истикболда янада ривожлантирилиши мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолаверади. Айни шу маънодаги фалсафий ёндашув ижтимоий шериклик феномени, унинг кўп қиррали экани ва мавжуд таърибани турли тадқиқотларда фойдаланиш имконининг хақида илмий таассуротни шакллантириш имконини беради. Ижтимоий шериклик жамиятда эҳтимолли низоларни мақбул йўл билан ҳал этиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш билан ҳам муҳим роль ўйнайди. Кейинги пайтларда турли йўналишдаги ижтимоий фанлар вакилларининг унга қизиқишининг ортиши мазкур феномендан мамлакат ҳаётининг турли жаҳаларида кенг фойдаланиш имкони борлигини кўрсатади.

Ижтимоий шерикликнинг бу жиҳатини уни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги барча соҳаларида амалга оширилишида ҳам кўриш мумкин:

-аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

-аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш; атроф муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

-хар томонлама барқарор ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

-оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

-фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

-аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

-миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий кадриятларни тиклаш ва сақлаш;

-истъмоилчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий шериклик тушунчаси кенг маънони англатади ва ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Хусусан, ижтимоий шериклик муносабатларини аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ, манфаат, эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, экологик муаммоларни ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тарихий-маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш, маънавий

ижтимоий кескинликларнинг олдини олиш воситаси сифатида қаралса, скандинав моделида¹ у ижтимоий фаровонликнинг кўрсаткичи ҳисобланади. Америка моделида² иқтисодий ўсишни таъминловчи устуворлик ролини ўтайди. Австрияда³ эса ижтимоий шериклик маслаҳат кенгашлари, умуммиллий ва тармоқлар кўринишларида тенглик асосида фаолият юритувчи комиссиялар шаклида амалга оширилади.

Айтиш зарурки, ижтимоий шерикликнинг бу моделлари самарадорлик кўрсаткичлари буйича бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг асосий мақсади жамиятда ижтимоий келишув ва мувозанатни қарор топтиришдан иборатдир.

Ривожланган мамлакатлардаги модель ва шакллар ижтимоий шериклик ғоясининг узок йиллик ривожланиш ва такомиллаштириш тарихи давомида турли мамлакатларда хилма хил йўсинда фойдаланиб келинганлиги билан бир қаторда, улар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш борасида бугунги кунда ҳам дунё мамлакатлари амалиётида кенг қўлланиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий шериклик муносабатларини жорий этишда халқаро тажриба атрофлича ўрганилган ва кенг қўлланилган.

Айни чоғда, юқорида қайд этилган модель ва шакллардан фарқ қилиб, юртимизда амалиётга татбиқ этилаётган ижтимоий шериклик модели жамиятнинг барча қатламлари интилишларини, ҳуқуқ ва манфаатларини руёбга чиқариш билан боғлиқ барча соҳаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Ижтимоий шерикликда қатнашадиган субъектлар кўлами кенглиги эса жамиятдаги барча аҳоли қатламлари манфаатларини самарали таъминлаш имконини яратади. Мамлакатимизда шаклланиб бораётган ижтимоий шериклик муносабатларида юқорида тилга олинган моделларнинг вақт синовидан ўтган, ижобий жиҳатлари ўзининг яққол ифодасини топганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 4 май, 5430-сонли Фармонида⁴, "давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган сабъ-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очик-ошқора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва

¹ Давайте разберемся. "Социальное партнерство" в скандинавском варианте // <http://www.aif.ru/archive/1658795>
² Социальное партнерство в развитых странах в США // <http://эллалесная.рф/besplatnye-gotovyce-studencheskie-raboty/2016-10-15/sotsialnoe-partnerstvo-v-razvitykh-stranakh-v-ssha>
³ Социальное партнерство, как идеология цивилизованного общества рыночной экономики // <https://www.studsell.com/view/166092/>
⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 4 май, 5430-сонли Фармони // <http://www.lex.uz/docs/3721649>

самарали мулоқотини йўлга қўйиш" вазифаси белгилаб берилди. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий шериклик муносабатларининг истикболда янада ривожлантирилиши мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолаверади. Айни шу маънодаги фалсафий ёндашув ижтимоий шериклик феномени, унинг кўп қиррали экани ва мавжуд тажрибани турли тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида илмий таассуротни шакллантириш имконини беради. Ижтимоий шериклик жамиятда эҳтимолли низоларни мақбул йўл билан ҳал этиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш билан ҳам муҳим роль ўйнайди. Кейинги пайтларда турли йўналишдаги ижтимоий фанлар вакилларининг унга қизиқшининг ортиши мазкур феномендан мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида кенг фойдаланиш имкони борлигини кўрсатади.

Ижтимоий шерикликнинг бу жиҳатини уни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги барча соҳаларида амалга оширилишида ҳам кўриш мумкин:

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш; атроф муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;
- ҳар томонлама барқарор ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;
- оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;
- фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;
- аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;
- миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий шериклик тушунчаси кенг маънони англатади ва ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Хусусан, ижтимоий шериклик муносабатларини аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ, манфаат, эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, экологик муаммоларни ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тарихий-маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш, маънавий

анъаналарни ва урф-одатларни, миллий маданий ўзига хосликни саклаб қолиш ва уни ривожлантириш, хайрия фаолиятини тараққий эттиришда нодавлат ташкилотлари билан давлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигида кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий шериклик тизимини кенг жорий этиш амалиёти кўпроқ институционал ва норматив-ҳуқуқий даражада муваффақиятли бормоқда, деб айтиш мумкин. Аммо бу борада барча жабҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хали кўп.

Ижтимоий шериклик тизимини шакллантиришда муҳим ва ҳал қилувчи роль давлатга тегишли эканлигини эътиборга олиб бу соҳадаги муносабатлар шаклланишининг мазкур босқичда давлатнинг муҳим функцияси ҳам жорий вақтга, ҳам жамият ривожининг истиқболдаги максадларига, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий шароитларига жавоб берувчи ҳуқуқий чегараларни аниқлаш, шу билан бирга шериклик муносабатларига самарали механизмларни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, истиқболда Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин.

-Жамият ҳаётида демократик жараённинг табора чуқурлашиб бориши натижасида давлат ҳокимиятига муносиб ҳамкор қуч сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари шаклланди. Уларнинг фаол ҳаракатлари тўғрисида давлат ҳокимиятининг моҳияти ўзгарди, давлат ўз вазифаларининг бир қисмини фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқаролар йиғинларига ўтказди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари эндиликда фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда.

Давлат ижтимоий адолат, фуқароларнинг фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида қайғуриш мажбуриятини ўз зиммасига олиб, ижтимоий йўналтирилган сиёсатни маҳалла тизими орқали амалга ошириш имконияти юзага келади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда маҳалла нодавлат нотижорат ташкилотлари билан мунтазам ҳамкорлик қилади.

Бир сўз билан айтганда бу фуқаролик жамияти институтининг жамият ривожининг истиқболда манфаатлар мувозанатини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

- Бугун мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бир қаторда тижорат ташкилотлари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга қадар бу уч субъект ўртасидаги ижтимоий шериклик субъекти сифатидаги муносабатларни тартибга солиш учун ягона қонун мавжуд эмас эди.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар келгусида янада ривожланишини фуқаролик жамияти институтларининг манфаатлари кенгайиб боришини эътиборга олиб ҳамда бизнес тузилмаларнинг ислохотлар натижаси учун масъулиятини ошириш макседида, давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва тижорат ташкилотлари муносабатларини Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик" тўғрисидаги қонунда ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш максадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ижтимоий муносабатлар табора демократлашиб бормоқда. Бу жараёнда қасаба уюшмачилик ҳаракатининг роли ва ўрни катта. Ўзбекистон қасаба уюшмалари уставда белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, юридик шахслар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан меҳнатқашларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек ҳалқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва юрт осойишталигини саклаш борасида ўзаро ҳамкорлик саъй-ҳаракатларни бирлаштириши ва қўллаб-қувватлаши белгиланганлигини эътиборга олиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид қонунларни қабул қилиш жараёнида қасаба ташкилотлари ролини босқичма-босқич ошириб бориш, бунда жамоавий-шартномалар самарадорлигини кўтариш асосида ижтимоий шериклик тизимини кенг жорий қилиш имконияти юзага келади.

Юқоридагилар асосида жамиятнинг турли жабҳаларида ижтимоий шериклик муносабатларининг самарали механизмини ишлаб чиқиш, уни ҳаётнинг барча соҳаларига татбиқ этишнинг мақбул йўллари ва усулларини излаб топиш ҳозирги куннинг энг долзарб муҳим масалалардан бири эканлиги ҳақида ҳулоса қилиш мумкин.

Айни чоғда, мазкур масалага комплекс ёндашиш, мавзуга тарихийлик ва замонавийлик диалектикаси нуктаи назаридан қарашгина ушбу феноменнинг ички тузилиши, элементлари ва дифференциацияси, уни ривожлантириш динамикаси асосида мавжуд ҳолатни баҳолаш имконини беради. Мавзунинг мамлакатимиз ҳаётига хос хусусиятларини чуқур ўрганмасдан ва бу борадаги натижаларни ҳисобга олмай туриб, туб демократик ўзгаришлар ва етук фуқаролик жамияти талаблари даражасидаги ижтимоий шериклик тамойилларини амалга ошириб бўлмадлиги шубҳасиз.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Алимов Ш.Қ.

Ислом Каримов номидаги ТДТУ Термиз филиали катта ўқитувчиси

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи кафолатларни кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид ислохотларнинг аҳамияти катта.

Маълумки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига алоҳида баҳо берилиб, қайд этилганидек, улар ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Шу боис юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш мақсадида янги қонунлар ишлаб чиқилиб, ўз навбатида, бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид концепцияда бошқа соҳалар қатори фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш устувор вазифалардан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, концепцияда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ҳуқуқий демократик давлат қуришдаги ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу қонун, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳаларда давлат идоралари билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутди. Яъни жамият ҳаётининг турли йўналишларида истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этишлари учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, мазкур қонун ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, турли

ижтимоий масалалар ечимини нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этишга шароит яратади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ижтимоий шерикликни тартибга солишга қаратилган айрим қондалар тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Хусусан, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида қурилади. Давлат органлари фондларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашлари мумкин. Қолаверса, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фондлар фаолиятига аралашинишига, шунингдек, фондларнинг давлат органлари фаолиятига аралашинишига йўл қўйилмайди, дея белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 28-моддасида иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради, уларнинг мақсади иқтисодиётни ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда қорхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир, деб кўрсатилган. Ушбу кодекснинг 52-моддасида эса, жамоа келишувларида ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қондалар назарда тутилиши мумкин, дейилган.

Дарҳақиқат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб катта эътибор бериб келинмоқда. Бунинг натижасида охириги йилларнинг ўзида нодавлат нотижорат ташкилотлари сони қарийб 1,5 баробарга ошиб, бугунги кунда 9 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Мазкур ташкилотларнинг вакиллари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва муҳокама этишда, ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир энг муҳим давлат дастурларини рўёбга чиқаришда фаол катнашмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳамкорлик аниқ муаммони биргаликда ҳис этган ва уни ҳал этишга киришган томонларнинг тенгликка асосланган, узок муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларидир. Шу билан у юксак масъулиятни тақозо этади. Шундагина уларнинг ҳамкорлик фаолиятлари самарали бўлади, муаммоларга ечим топилади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш Концепция”си фукаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишида илгари сурган қонунчилик ташаббуслари фукаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ва ваколатларини, масъулиятини кенгайтириши билан бир қаторда, юртимизда ижтимоий шерикликнинг ҳам амалий, ҳам назарий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман, ижтимоий шериклик — турли хил фикрга эга бўлган фукарлар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжихатлигидир. Турли мақсадга эга бўлган инсонларни бир мақсад тинчлиги ва халқ фаровонлигига эришишда анашу эзгу ғоялар, пок мақсад ва ниятлар яқдиллашуви муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ижтимоий шериклик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжихатлиги, турли миллат, ирк ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги, илғор ғояларнинг ўзаро уйғунлиги, ҳар бир шахс ўзининг фукаролик бурчини ҳис этиши, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик асосида шаклланади, ривожланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Концепцияда илгари сурилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқи, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат ноғижорат органларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг тўлақонли ҳуқуқий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ИЛМҲИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Қараходжаева М.Х.
ТҚТИ Қасаба уюшмаси раиси, п.ф.н., доцент

Ҳар бир мамлакатда ижтимоий шериклик тизимининг ҳолати унинг ижтимоий йўналтирилганлиги, яъни қандай даражада ижтимоий давлатлиги билан белгиланади. Давлатнинг ижтимоий хусусияти биринчи марта 1949 йил Германиянинг Асосий қонунда эълон қилинган. Ушбу хусусият давлат жамиятига хизмат қилишини ва асосиз ижтимоий тафовутларга барҳам бериш ёки уларни қамайтиришга ҳаракат қилишини назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14- моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий

адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”¹ деб белгилаб қўйилган.

Ушбу умумий қоидадан Ўзбекистон давлатининг қуйидаги Конституциявий бурчлари келиб чиқади: инсонлар соғлигини муҳофаза қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг қаноқатланган энг кам миқдорини белгилаш, оила, оналик, оталик ва болалик, ногиронлар ва қарияларнинг давлат томонидан қўллаб қувватланишини таъминлаш, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсиялари, нафақалар ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа қаноқатлари каби.²

Ижтимоий шериклик давлат тузилмалари, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро манфаатли учбурчагидир. Уларнинг ҳамкорлиги қанчалик қучайса, жамият шунчалик қучаяди.

Ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб қувватланиш турлари қуйидагилардан иборат: нодавлат ноғижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкрий ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб қувватлаш; нодавлат ноғижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ҳамда жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш; грантлар ва ижтимоий буюртмаларни бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш каби.

Давлатнинг меҳнат муносабатларига маъмурий аралашувига (қасаба уюшмалари ҳуқуқларининг қамситилиши, қонуний иш ташлашларнинг таъқиқланиши ва ҳ.к) нисбатан салбий муносабатда бўлиш мумкин, бироқ иккинчи томондан, давлатнинг ижтимоий муросага эришиш борасида зарур иштирокчи сифатидаги роли муҳим эканлигини ҳам тан олмасдан бўлмайди.

Масалан, қорхонада жамоа шартномасини имзолашда давлат унда бевосита иштирок этмайди, лекин шу ерда ҳам кўз илғамас даражада мавжуд бўлади. Бунда давлат қонунчилик йўли билан энг кам иш ҳақи даражаси ва меҳнат шартларини белгилашда намоён бўлади, шартнома ва келишувларда ушбу белгилаб қўйилган даражадан пасайишига йўл қўймайди.

Давлатнинг ижтимоий шерикликдаги ўрни фақат умумиқтисодий функциялар ва тартибга солувчилик роли билан чегараланиб қолмайди. Давлат ижтимоий шерикликда уч хил ролда иштирок этади: мулкдор, қонун чиқарувчи ва ҳакам (воситачи).

Давлат энг йирик мулкдор, иш берувчи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ижтимоий шерикликда давлатнинг ташкилотчи сифатидаги роли ижтимоий ҳамкорлар эришадиган келишувларни қонунчилик асосида

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Ғ. 2018. - 7-б.
² Уша маиба. - 15-16 б.

мустаҳкамлаш бўйича функцияларни ўз зиммасига олиши, бундай келувларни ишлаб чиқиш учун шароитлар яратиши, уларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан назоратни таъминлаши лозим. Ижтимоий шериклик борасида Ўзбекистонда юзага келган моделнинг асоси бир қатор қонунлар ва норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Хусусан, у бугунги кунда жамоа шартномалари асосидаги муносабатлар жараёнида амалга оширилмоқда.¹

Давлат ҳудудий келишувларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ҳам мувофиқлаштириш ролини ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 50-моддасига мувофиқ: “Худудий келишувлар тегишли қасаба уюшмалари (ҳодимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар(уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра ижро этувчи ҳокимият органлари билан тузилади.

Худудий келишувлар худудларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш шартларини белгилайди”².

Ижтимоий шериклик шароитларида давлатнинг роли меҳнат ва ижтимоий қонунчиликни ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги пайтда ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимизда ривожланиб бормоқда. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларига доир турли масалалар мамлакатимизнинг 30 дан ортиқ қонунлари ва юздан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Улар аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонундир.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия каби 10 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг ижтимоий шерикликка оид бўлган қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти ўрганиб чиқилди. 20 дан ортиқ ННТлар вакиллари бевосита иштирок этдилар. Қонун лойиҳасига билдирилган 1000 ортиқ таклифлар кўриб чиқилган.

Мазкур Қонун 5 та боб ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унинг айрим моддаларига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шерикликнинг тушунчаси ва унинг субъектлари, 4-моддасида эса асосий принциплари белгиланган бўлиб улар қуйидагилардан иборатдир:

3-модда. Ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари.
Ижтимоий шериклик давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармок, худудий

¹ ТКТИ. 2017-2019 йиллар учун Жамоа Шартномаси. 2017 йил 27 февралда тасдиқланган.
² Меҳнат Кодекси. - Т.: 2016. -23-24 б.

дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Давлат органлари, ННТларни ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

4-модда. Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари
Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунга бўйсунуш;
- тенг ҳуқуқлилиқ; мустақиллик;
- очиклик ва шаффофлик; ҳолислик;
- ҳаммабоплиқ;
- ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олинishi ва масъулият;
- мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда ижтимоий шериклик ва ижтимоий ҳамкорликнинг янада ривожланиши имкониятларини анча кенгайтирди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги қонунининг асосий мақсадларидан бири, албатта, давлат органларининг нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ҳамкорлигини янада кўчайтириш ва давлатимиз ривожини таъминлашдан иборат.

Ижтимоий шериклик фуқаролик жамияти институтлари ривожидан муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қаролатларни кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид ислохотларнинг аҳамияти катта.

Ўз навбатида, бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ҳодимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб, ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи Ўзбекистон

¹ “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун. 2014 йил 29 сентябрь.

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2018-2020 йиллар учун Бош келишув тузилган.

Ижтимоий шерикликнинг илмий-назарий асослари Ижтимоий шериклик назарияси замонавий жамиятларнинг ўз ҳолича ҳаракатланиши ва фуқаролик жамияти назарияси билан узвий боғлиқдир. Шу икки назариянинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ва маслақдошлигига эътибор қаратиш ўзаро боғлиқ тамойиллардан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар таракқиётини мувофиқлаштириш имконини беради. Авваллари “ижтимоий шериклик” деганда, ишлаб чиқариш жараёни катнашчилари: иш берувчилар – тадбиркор, мулкдорлар ва ёлланма ишчилар манфаатларининг уйғунлашувига улар орасида борадиган ҳамкорлик алоқалари орқали эришиш борасидаги институционал муносабатлар тушунилар эди. Бу тушунча XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига ҳос дунёқарашлар, ишчилар ва иш берувчилар орасидаги ихтилофларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар натижасида шаклланган эди.

Ижтимоий шериклик асосини ташкил этувчи фуқаролик жамияти ўзида қуйидагиларни акс эттиради: ижтимоий ва биринчи навбатда, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизм тузилади ва самарали амал қилади. “Иш берувчи–иш олувчи” бўғинидаги ўзаро таъсир кўпинча тўғридан-тўғри, давлат органларини четлаб ўтган ҳолда амалга оширилади. Фақат томонлар ўз муносабатларида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга лаёқатсиз бўлган вазиятлардагина давлат тартибга солиши (суд, маъмурий) киритилади. Ижтимоий шерикликнинг сиёсий асосини нафақат демократиянинг ривожланган шакллари, балки қонуннинг олийлиги ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Жаҳон тажрибасига кўра, ижтимоий шериклик учала томон бир-бирининг олдидаги мажбуриятларни аниқ бажарган жойда ўзининг асосли эканлигини исботлаб беради. Агарда, томонларнинг бирортаси ўзаро алоқаларга, шерикликка тайёрлигини намойиш этмаса, тажрибалардан келиб, чиқадик, ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Бугунги кунда республикамизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 9 мингтадан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолияти юритмоқда. Улар қаторида “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи”, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, ННТМА ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин. Биргина, Ўзбекистон ННТМА 400 дан ортиқ ташкилотни ўз сафида бирлаштирган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳамкорлик аниқ муаммони биргалликда ҳис этган ва уни ҳал этишга киришган томонларнинг тенгликка асосланган, узок муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларидир. Шу

боисдан у юксак масъулиятни тақозо этди. Шундагина уларнинг ҳамкорлик фаолиятлари самарали бўлади, муаммоларга ечим топилади.

Юқоридаги фикрларимиздан хулоса қилган ҳолда, ижтимоий шериклик бу шундай муносабатларнинг кўринишики, ундан барча ижтимоий гуруҳлар ва давлат манфаатдор бўлади, бунинг сабаби унда жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, унинг таракқиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожига эришилади, бу эса фуқаролик жамиятини шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙўНАЛИШЛАРИ

Мирзааҳмедов К.
ЎзМУ қатта ўқитувчиси

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш мақсадида 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислох қилишга шунингдек, жамоат бирлашмалари тузилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: “Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқий ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш...”¹ мақсадида тузилади.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари-жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига ҳос белгилардан биридир. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиниш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашинишига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни/Ўзбекистон Республикасининг Қонунилари. 4-сон -Т., Алолат, 1993. Б.155.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сон Фармони мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши раҳбари А.Саидовнинг билдирган фикрича: “хамюртларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда изчил ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, кейинги даврда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) роли ва аҳамияти, ижтимоий фаоллиги, умуман, улар фаолиятининг самарадорлигини кучайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар кўрилди”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майда қабул қилинган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сон фармонида қайд этилганидек, ўтган даврда ушбу соҳага доир 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.² Бу ҳақда сўз борганда, аввало, миллий қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси етакчи ўрин тутганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Асосий қонунимизнинг 34-моддасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи мустақамлаб кўйилган. Яъни: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар”. Конституциямизнинг учинчи бўлимидаги XIII-боб айнан “Жамоат бирлашмалари” деб номланади. Мазкур бобдаги моддалар фуқаролик жамияти анъаналарини тиклаш, жамоат бирлашмалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган конституциявий қондалардан ташкил топган. Энг муҳими, Конституциямизда фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари белгиланган. Конституциявий нормаларни амалда қўллаш мақсадида “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”,

¹Қаранг: <http://www.uza.uz>. Фуқаролик жамияти институтлари юксалик босқичида // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши раҳбари А.Саидов билан суҳбат матнидан. Т.: 2018 йил 8 май.
²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон фармони.

янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Ҳомийлик тўғрисида”, янги таҳрирда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”, шунингдек, “Экологик назорат тўғрисида”, “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Парламент назорати тўғрисида”ги¹ бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли фармонида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга айнан нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш даражаси пастлиги ҳақида алоҳида сўз борган. Бу, ўз навбатида, барча ижтимоий гуруҳларнинг турли ННТлар томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инobatга олиш имкониятини зарур даражада бермаётганлидан далолатдир.

Маълумки, Президент ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси, шунингдек, ушбу дастурий ҳужжат доирасида 2017 ва 2018 йилларда қабул қилинган Давлат дастурлари ҳам жамоатчилик муҳокамасига кўйилиб, сўнгра қабул қилинган. Бундан кўзланган асосий мақсад давлат аҳамиятига молик долзарб масалаларни комплекс равишда таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик қатламлари, экспертлар шарҳи, фикр-мулоҳаза ва таклифларини ўрганишдан иборат эканини таъкидлаш лозим. Бинобарин, давлат ва жамият аҳамиятига молик бундай ҳужжатларни тайёрлашда бутун Ўзбекистон халқининг қизиқишлари тўла инobatга олинганини таъминлаш учун аҳоли ўртасида кенг муҳокамалар ташкил этиш, доимий равишда халқ билан мулоқот қилиш тақозо этилади. Бунда, шубҳасиз, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол бўлиши даркор.

Аввало, нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятни ўзини ўзи бошқариши асосида, яъни жамиятнинг мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида пайдо бўлди. XX асрга келиб нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим ва асосий институтларидан бирига айланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, манфаатлар, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий манфаатлар тушунчаларига аниқлик киритишга эҳтиёж сезилади. Маълумки, манфаатлар - индивидлар

¹Манба: www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

ва гуруҳларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларини белгиловчи сабаблардир. Ўз даврида инглиз олими Томас Гоббс “ҳокимиятга интилиш, инсон хулқини ҳаракатга келтирувчи кучларнинг ўзаро душманлиги-шахсий манфаатларнинг мантикий натижасидир”¹, деб кўрсатган эди. Фукарларнинг маълум ижтимоий гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларга уюшиши натижасида манфаатлар уйғунлашуви рўй беради. Натижада, фукарлик жамиятини қарор топиши шароитида фукарларнинг турли туман ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги, уларнинг ихтиёрий равишда давлат бошқарувида иштирок этиши жараёнларини нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилиши таъминланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятда мавжуд бўлган барча манфаатларни камраб олиб, уларни ифодалагандагина, улар ўз максадларини самарали бажарадилар. Жамиятда турлича, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, миллий, мафкуравий, маданий, экологик, ҳудудий, минтақавий, диний, шунингдек, яна ўнлаб айрим соҳаларга доир манфаатлар мавжуддир. Манфаат гуруҳлари ана шу манфаатларнинг ифодачиси сифатида пайдо бўлади ва фаолият юритади. Манфаатнинг гуруҳлар воситасида ифода этилиши сиёсий қарорлар қабул қилиш учун ёрдам беришидан ташқари, улар давлат ва ҳукумат органлари эҳтиёж сезаётган ахборот ва бошқа маълумотларни етказиб бериб туриши мумкин².

Фикримизча нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гуруҳнинг турли манфаатлари бир тизимга солиниб, уларнинг кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-иродаси сифатида давлат ва ҳукумат органларига етказилиши - сиёсий қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, бунда кўплаб манфаат гуруҳлари ва ижтимоий қатламлар ўртасида ўзаро келишув ва мувофиқлашув рўй беради.

Манфаат гуруҳларининг яна бир функцияси-манфаатларни интеграция қилишдир (бир бутунликка бирлаштиришдир). Бу - айрим ижтимоий гуруҳлар ташқарисида ўз аъзолари манфаатлари асосида фаолият кўрсатаётган турли ижтимоий гуруҳлар билан бошқа бир гуруҳ манфаатларини яқинлаштириш демакдир. Ана шу жараёнда турли гуруҳлар ўртасида битимлар тузилиб, ижтимоий келишувлар ва муросасозликлар мустақамланиб боради³. Ушбу жараён ижтимоий шериклик, ҳамкорлик муносабати деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган кўшма йиғилишидаги

¹Қаранг: Фромм Э. Бегство от свободы. Пер. с англ. -М.: Прогресс, 1989. С.16-17.

²Основы политической науки. Под ред. В.Пугачева, Учебное пособие для вузов. -М.: МГУ, 1996. С.7-8.

³Хейвуд Э. Политология. Учебник. Пер. с англ. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. С.344-355.

маърузасида фукарлик жамияти шаклланиши жараёнида давлат ва жамоат бирлашмалари муносабатларига тўхталиб, бундай ташкилотларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтириш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгиловчи ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштирувчи “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Натижада, 2014 йилда мамлакатимизда “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва у 2015 йил 1 январидан кучга кирди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда давлат органлари ва фукарлик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикчиликни ҳаётга амалий татбиқ қилишда муҳим босқич бўлди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий шерикчилик соҳасидаги ишларнинг яқунланганини эмас, янги маъсулиятли босқич бошланганини аниқлатади. Ижтимоий шерикчилик ҳозирги кунда жаҳондаги кўпчилик мамлакатларнинг Меҳнат кодексларида, мамлакатларни стратегик ривожлантиришга алоқадор ҳужжатларда, турли соҳаларга оид услубий тавсиялар ва меъёрий ҳужжатларда мустақкам ўрин эгалламоқда.

Ҳозирги кунда ижтимоий шерикчиликнинг моҳияти сиёсат субъектлари: давлат тузилмалари, тижорат корхоналари ва нотижорат ташкилотлари ўртасидаги конструктив алоқадорлик сифатида аниқланади. Ижтимоий фанларда ушбу субъектлар 1-, 2- ва 3-сектор номлари билан юритилади. Ижтимоий шерикчилик ҳар уч сектор вакиллари ўртасида ҳамкорлик пайдо бўлганда ва бу ҳамкорлик ҳар уч гуруҳ ва жамият учун манфаатли экани аниқлашганда вужудга келади.

Ҳориж тажрибасига эътибор берилса, қатор давлатлар амалиётида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурда Жамоатчилик кенгашлари фаолият юритиши каби шаклларнинг гувоҳи бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Бош Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа ва бошқа вазирликлар ҳузурда, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурда ҳам шундай Жамоатчилик кенгашларини босқичма –босқич шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай кенгашлар, бир томондан, давлат идораларининг тегишли фаолиятини кузатиб, доимо ундан хабардор бўлиб туради, иккинчи томондан, давлат идоралари билан аҳоли ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотлар, хусусан маъмурий ислохотлар ва модернизациялаш жараёнлари шароитида жамоат назоратининг самардорлиги ва таъсирчанлигини ошириш йўллари ҳақида ўйлаш ниҳоятда муҳим вазифадир. Жамоатчилик назоратининг самардорлиги деганда ушбу назоратнинг мақсадига эришиш, вазибалари

бажарилишига кўмаклашиш, давлат функцияларининг амалга оширилишида ижобий натижаларга эга бўлиш тушунилади. Бу институтнинг самарадорлигини таъминлашда назоратнинг мустақиллиги, ҳолислиги ва назорат субъекти эркин ҳаракатланиши принципларига таянган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган жамоат таъсири чораларини қўллаш оладиган сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга бўлиши муҳимдир.

Фикримизча, жамоатчилик назоратини янада самарали йўлга қўйиш, фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги фаолиятини янада юксалтириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши ўринли бўлар эди:

1. Жамоатчилик назоратини амалга оширишни самарали ташкил этиш учун давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг, ижтимоий шерикчилигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш даркор;

2. Жамоатчилик назоратини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш ва улар орқали жамоатчилик назоратининг самарали натижаларини ифодалашга йўналтирилган дастурлар тайёрлаш ҳамда уларни мунтазам ёритиб борилиши зарур;

3. Жамиятда жамоатчилик назоратини шакллантиришнинг янги йўналишлари ва истикболлари аниқлаш мақсадида халқаро ҳамда республика миқёсида илмий-назарий анжуманлар, конференциялари, давра суҳбатлари ўтказиш ва бу борадаги илмий тадқиқот изланишларни қўллаб-қувватлаш лозим.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

Норбоев Т. - ЎзМУ тадқиқотчиси, ф.ф.н., доцент
Мухторов И. - ТМИ талабаси

Бугунги кунда иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш фаол тадбиркорлик ва ижтимоий ривожлантириш борасида ҳаракатлар стратегиясида алоҳида йўналиш ўз ифодасини топган. Шу ўринда Ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулк ҳуқуқи ва қафолатларини ишончли химоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, давлатимиз раҳбари олға сураётган

“Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади”¹, деган тамойилни амалга ошириш шу кунги долзарб муаммолардан биридир.

Бундан 26 аср олдин буюк Суқротнинг “Ҳаётни ўзгартирмоқчи бўлган кишилар энг, аввало, ана шу ўзгаришларни ўзидан бошлаши керак” деган пурмано сўзлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик заминига айланмоқда. Зеро, мулкка муносабат ўзгармас экан, жамият тараққиётининг иктисодий асосини, унинг пойдеворини мустаҳкам ҳолда яратиш бўлмайди. Шу нуктадан назардан одамларимиз тафаккурида, онгида ўзгариш содир этиш энг мураккаб кечаётган жараёнлардан биридир.

Бу борада хорижий тажрибани ўрганадиган бўлсак, дунёнинг жуда кўплаб ривожланган мамлакатларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакилни ташкил этиш зарурияти вужудга келган эди. Ана шу зарурият туфайли 2017 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ана шундай вакиллик ташкил қилинди.

Маълумки омбудсман (кадимги скандинавчада умбос “ваколат”, “зиммасига юклаш”) – қатор давлатларда ижро ҳокимияти идоралари ва мансабдор шахслар фаолиятида маълум фуқаролар гуруҳининг адолат ва манфаатлари таъминланишини назорат қилиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс. Ҳуқуқшунослар халқаро ассоциацияси фикрига қўра, омбудсман институти – бу конституция ёки қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳамда мустақил жамоатчилик асосидаги юқори даражадаги мансабдор шахс томонидан бошқарилувчи хизмат. Мазкур шахс давлат бошлиғи олдида масъул бўлиб, тадбиркорлардан давлат идоралари, хизматчиларининг ноқонуний ҳатти - ҳаракатлари бўйича шикоятларни қабул қилади ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини намоён этиш, таъминлаш ва химоя қилиш мақсадида ҳаракат қилади.

Ҳозирги вақтда омбудсман институти бошқарувининг турли шакллари - президентлик республикаси (Финландия, Франция, АҚШ) парламент республикаси (Швецария, Австрия, ГФР) конституциявий монархия (Дания Норвегия, Швеция, Испания Австралия, Нидерландия, Буюк Британия, Канада) ҳукмрон бўлган 50 дан ортиқ мамлакатда мавжуд.

Жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистоннинг чорак асрдан кўпроқ вақт давомидаги мустақил тарққиёти демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёни ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг концептуал – методологик асосларидан бири бу ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш жараёни билан боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Шу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947-сон Фармони. Фармони Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 -йил 6 -сон

Ўринда мустақилик йилларида ижтимоий шерикликнинг назарий масалалари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг қатор асарлари, нутқ ва маърузалари, хусусан 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлисининг кўшма йиғилишида “Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция”сида хар томонлама тахлил қилинган бўлса, бу борадаги амалиётнинг ривожлантирилиши яъни мамлакатимизда ижтимоий шериклик концепциясини амалга ошириш жараёни Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилмоқда¹. Қонунда ижтимоий шерикликнинг субъектлари ва мақсадлари куйидагича тарифланган: Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат- нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиш дастурларини шу жумладан, тармок, худудий дастурларни, шунингдек, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир. Ижтимоий шериклик мафқурасининг келиб чиқиш тарихи унинг бугунги кундаги зарурияти айрим давлатлардаги синфий зиддиятларни юмшатиш, мамалакат аҳолиси турли табақаларининг манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилган мафқура эди. Бу мафқура бугунги кунда ҳам ўз вазифасини бажаришга ана шундай зиддиятларни, тўқнашувларни юмшатишга хизмат қилмоқда. Шу ўринда бу мафқуранинг келиб чиқишига нима саба бўлди?, деган ижтимоий фалсафий савол тугилиши табиий ҳолдир. Фикримизча, ижтимоий шериклик мафқурасини келиб чиқишига асосий сабаб аслида меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатлар пайдо бўлиши билан улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида вужудга келган. Демак, ижтимоий шериклик деганда биринчи навбатда меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва аҳоли турли қатламларининг ўзаро манфаатлари уйғунлигини таъминлаш ҳолати билан белгиланади деган фикрдамиз.

Мамлакатимизда ҳам ана шу жараёни юмшатиш борасида фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилганлиги халқаро миқёсида ҳам эътироф этилмоқда ва бу борада бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ана шундай масалалардан бири полиэтник давлат ҳисобланган Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш, диний бағрикенгликни таъминлаш сингари ўта долзарб муаммолар вазминлик билан олиб борилмоқда. Ана шу жараённинг долзарблиги 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947-сон Фармони. Фармони Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 -йил 6 -сон

ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” нинг бешинчи йўналишида алоҳида муҳим вазифалардан бири эканлиги белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйган экан, ижтимоий шерикликни ҳаётга кенг тадбиқ этмок лозим.

Хулоса ўрнида шунини таъкидламок лозимки, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш мамлакатдаги давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамда турли миллатлар ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги шерикликка, ўзаро бир – бирини тушунган ҳолда таяниб амалга ошириш ниҳоятда мураккаб бўлиб мамлакат тарққиётини унинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Иккинчи бир хулоса шундан иборатки, ҳозирги замон фуқаролик жамияти концепцияларида ижтимоий шериклик масаласи етакчи ўринни эгаллаётганлиги унинг нафақат ҳуқуқий асосларини балки, сиёсий - фалсафий жиҳатдан чуқурроқ тахлил қилинишини талаб қилмоқда. Шу ўринда яна бир муҳим масалани, яни ижтимоий шерикликка турлича ёндашувларни мавжуд эканлигини эътироф этмок лозим. Лекин, бу борадаги ёндашувларни амалга ошираётган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси унинг асосий мақсади турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, синфларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш ва муҳофаза қилиш эканлигини таъкидламокдалар. Қўплаб тадқиқотлардаги хулосаларни жамлаган ҳолда ижтимоий шерикликнинг долзарблиги унинг мақсади ижтимоий–сиёсий масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш, мамалакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ҳуқуқий давлат очик фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш ва бу борада Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунида белгиланганидек давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъектлари сифатида фуқаролик жамиятининг муҳим тамойили бўлган ўзини ўзи бошқариш ва қатъий нитизом фуқаролик жамиятининг пойдеворини ҳосил қилади. Ана шундай жамиятдагина инсон, унинг манфаатлари, шаъни ва кадр – қиммати ўзининг ҳақиқий амалий ўрнини топади.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ШАКЛЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Расулов Х.М.
ТерДУ доценти, с.ф.н.

Ижтимоий шериклик тушунчаси ва у билан боғлиқ муносабатлар тарихан турлича талкин қилиниб келинган. Ижтимоий шериклик ходисаси инсон манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш омили сифатида ижтимоий ҳамкорликдаги фаолият субъектларининг муайян меъёрлар ёки ахлоқий қоидаларни ўз ичига олади. Бу ҳамкорлик ўз навбатида 1) кенгайтирилганлигида; 2) ҳамкорларнинг ихтиёрийлиги ва субъектларнинг бир-бири эътироф этиши; 3) ҳамкорликда қарорлар қабул қилишда ўзаро ишонч ва тенглик; 4) ҳамкорликдаги фаолият натижалари бўйича ўзаро жавобгарлик, битим ва мажбуриятларни бажаришда масъулият; 4) шерикчилик субъектларини ўзаро қизиқиш ва ҳурмат қилиш муносабатлар; 5) умумий мақсадга эришиш учун стратегияларни танлашда тенг иштирок этиши; 6) функцияларни дифференциаллаштириш, ҳамкорларнинг мустақиллиги; 7) ўзаро муносабатларнинг ахлоқий асоси сифатида ҳамжихатликни устуворлигининг таъминланишида намоён бўлади.

XX асрнинг ўрталарида Т.Парсонс ва Ю.Хабермаслар томонидан яратилган консенсус назарияси ижтимоий шерикликнинг кенг миқёсда ёйилишига катта туртки берган. Бу назария ижтимоий шартнома назарияси ўрнига келиб, ижтимоий шерикликнинг назарий методологик асоси вазифасини бажара бошлади.

Ижтимоий шерикчилик концепцияси илк бор 1949 йилги 98-сонли Конвенцияда иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари ўртасида ихтиёрий асосда оммавий савдони тўлиқ ривожлантириш ва қўллашни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутган эди.

Ижтимоий ҳамкорлик масаласи 1981 йилги "Коллектив музокараларни илгари суриш тўғрисида" 1981 йилги 154-сонли Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) конвенциясига ва унинг 163-сонли таклифига бағишланган.

Жамоавий шартнома муносабатларига оид алоҳида меъёрлар 1907 йилдаги Дания Фуқаролик кодексига ва 1911 йилдаги Швейцариянинг Мажбуриятлар тўғрисидаги кодексига киритилди. Кейинчалик меҳнат соҳасидаги жамоа-келишув муносабатларини тартибга солувчи маҳсус қонун ҳужжатларини яратиш амалиёти шаклланди. Хусусан, бундай

ҳуқуқий ҳужжатлар Норвегияда – 1915 йилда, Германияда – 1918 йилда, Финляндияда – 1924 йилда қабул қилинган.¹

Ижтимоий шерикликка оид ғояларнинг миллий қонунчиликда, айниқса, Конституцияларда акс этиши асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ғарб мамлакатларида шакллана бошлаган. Халқаро қонунчиликда "ижтимоий шериклик" сифатида, қоида бўйича иш берувчи, ёлланма ходимлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар тушунилади. Масалан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Парламент Ассамблеяси томонидан 2006 йил 16 ноябрда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги намунавий қонунда² ижтимоий шериклик тушунчаси худди шу маънода талкин этилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизимида ҳам ижтимоий шерикликка оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган 50 дан ортиқ ҳуқуқий меъёрлар мавжуд. Улар 10 дан ортиқ амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Қасаба уюшмалари, унинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуниларини киритиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига асосан: "Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш беради". Ёки, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 - моддасида қайд этилишича: «Давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз Низомларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради. Давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

¹ Зарубежный опыт социального партнерства // Украина: аспекты работы. - 1998. - №1. - С. 38-43

² Информационный бюллетень, 2007. №39. - М.: -С. 12.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки бугунги кунда ижтимоий ҳамкорликнинг бир қатор моделлар шаклланган. Ҳамкорлик муносабатларини хусусиятларига қараб Қасаба уюшмаларининг иш берувчилар ва улар билан муносабатларига боғлиқ уюшмалар (Европа - Скандинавия давлатлари, Австрия, Нидерландия, Германия, Швейцария ва бошқалар); плюралистик (Америка - Шимолий Америка, Буюк Британия ва унинг ҳамдўстлигига аъзо); патернализм (Япония); Шаркий Европа; ривожланаётган мамлакат моделлари.

Ижтимоий шерикликнинг асосий босқичлари куйидагиларда намоён бўлади: ижтимоий муаммо; ҳамкорларнинг манфаатлари; ҳамкорликни қонуний асослаш; имкониятлар ва ҳамкорларнинг кучли томонлари; ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро назорат қилиш кондалари; ижтимоий жараёшларни ёритувчи ахборот майдонларининг мавжудлиги; биргаликдаги лойиҳанинг мавжудлиги; ижтимоий ҳамкорлик жараёнининг барқарорлиги; ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг инновацион усуллари.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки ўрта субъект: «давлат – тадбиркорлик фаолияти субъектлари – фуқаролик жамияти институтлари» ўртасидаги ижтимоий шериклик жамияти учун бирдек фойдалидир. Чунки, мазкур ташкилотлар айрим сабабларга кўра давлат томонидан тўлалигича амалга оширилиши қийин бўлган муайян вазифаларни бажаришни ўз зималарига оладилар. Ўз навбатида, бу борада қонунийлик асосларини такомиллашуви асносида фуқаролик жамияти институтларининг мавжуд муаммоларни давлат кўмагидан ташқари грантларни жалб этиш, бадаллар, хусусий тартибдаги хомийлик маблағлари, кўнгилчилар меҳнати натижаларини ёки муайян иқтисодий фаолият асосида оладилар. натижаларини ёки муайян иқтисодий фаолият асосида оладилар. даромадлари ёрдамида турли хил ижтимоий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш имкониятлари янада ортади. Ижтимоий шерикликнинг энг муҳим натижаси – унинг жамиятда ижтимоий келишувга асосланган тинч-тотув ҳаётни таъминлашга қаратилганлигидадир. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва родини янада ошириш масалалари муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик бозор муносабатларига ўтиш ва демократик институтларни ривожлантиришнинг муҳим шarti эканини жаҳон амалиёти тасдиқлади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бозор ислохотларини чуқурлаштириш учун ижтимоий шериклик тамойилларини кенгрок ва тўларок тадбиқ қилиш зарур бўлди. 2014 йилда мамлакатимизда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши мамлакатимизда январидан кучга кирди. Бу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ҳаётга тадбиқ қилишда муҳим босқич бўлди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий шериклик соҳасидаги ишларнинг яқунланганини эмас, янги масъулиятли босқич бошланганини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар ва синфлар манфаатларини келиштириш ва муҳофаза қилиш, долзарб иқтисодий, снёсий вазифаларни ҳал қилишга, демократияни, барқарорликни мустаҳкамлашга, ижтимоий-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш ижтимоий шерикликнинг асосий мақсади ҳисобланади.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИҚДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Тошбекова М.
ЎзМУ докторанти

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Ўз мақсадига эришиш, ўз навбатида бошқа эзгу-ният, орзу – умидларини амалга ошириш ҳар бир фуқаро ва айниқса ҳар бир ёш учун муносиб ҳаётнинг шарт – шароитларни яратиш воситасидир.

Ўртаимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият эканлиги ва шунга мос фуқароларимизни демократия ва ижтимоий адолатга сadoкати асосий қонунимиз – Ўзбекистон Конституциясида ифода этилган. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксак даражага кўтариш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни қафолатли таъминлаш ислохотлар муваффақиятининг муҳим шартларидан биридир. Бу эса шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро ижтимоий шериклик муносабатларида аҳолининг ва ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишни тақозо этади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонида мукамал белгилаб берилган.

Ҳар қандай демократик давлатнинг асосий белгиси жамиятда ижтимоий шерикликнинг муносиблиги, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг ривожланганлигида ифодаланади. Мақбул ижтимоий шериклик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият демократик жамият маънавиятининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Демак, ижтимоий шерикликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онгнинг қамол топиши учун зарур бўлган заминни яратиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун ёшларда ёки маълум гуруҳ ва табақаларда давлатга, ижтимоий шериклик муносабатларига, ҳуқуққа, қонунийликка, ҳуқуқий тартибот ва унинг жамиятда тутган ўрнига тўғри баҳо бериш қонунга

хурмат билан караш ва оғишмай рию килиш кўникмаларини тарбиялаш талаб қилинади. Жамиятнинг ривожланишида ижтимоий шерикликдан оқилона фойдаланишнинг ахамияти катта. Унинг ахамияти Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Мустақиллик туфайли ижтимоий шерикликка эътибор ва қизиқиш кучайди. Бизниёғ миллий кадриятларимиз шу цивилизацияга хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга хурмат, муомилада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам тавсифланади¹.

Ижтимоий шериклик маданий-сиёсий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон йўқ жойда бирон ижтимоийлик, ҳамкорлик бўлмайди. Ижтимоий шериклик инсоннинг турли соҳадаги фаолияти учун зарур бўлган ва фойда келтирадиган нарсалар, ходисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади.

Шериклик муносабатлари ичида энг асосийси бу ижтимоий шериклик яъни инсон ва унинг билан боғлиқ ҳаракатлардир. Шунинг учун ҳам инсон фаолиятини, имкониятларини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил қилади.

Ижтимоий шериклик ҳам маънавий кадриятлар сингари инсон ижтимоий моҳиятини белгилашда муҳим ахамиятга эгадир. Ижтимоий шериклик негизида маънавий кадриятлар, юксак ахлоқ, имон, эътиқод, инсоф-диёнат, яхши хулқ-атвори тарғибот қилувчи бой маънавий меросимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз шаклланади, тараккий этади. Халқимизнинг энг азиз кадриятларидан бири – ахлоқий кадриятларда ҳам ижтимоий шериклик тамойиллари мужассамдир. Бу кадриятлар топган инсоний олижаноб муносабатларини ифодалаб, хулқ атвор, одоб, тартибли хатти-ҳаракат, инсоний муомала қоидалари ва тамойиллари жараёнларида ахлоқнинг ўзига хос таркибий ўлчамлари рўёбга чиқади. Булар: яхшилик, бурч, виждон, ор-номус, сабр, фаросат, камтарлик, андиша кабилардир. Шунингдек, норматив шаклдаги тушунчалар: юкори баҳоланган воқеа-ходисалар, “таъқиқ”лар, мақсаллар, лойиҳаларда ўз аксини топувчи субъектив кадриятлар ҳам мавжуддир. Бундан ташқари, кадриятларни умумийлик даражасига кўра индивидуал, жинсий, ёшга онд, миллий, минтақавий, умуминсоний каби турларига бўлинади. Миллий кадриятлар муайян миллат ёки элат маънавияти ва турмуш тарзига хос бўлган ижтимоий тушунча ёки ҳодиса бўлса, минтақавий кадриятлар

¹ Каримов И.А. Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараккий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. Халқ сўзи. 2012 й. 23 февраль.

муайян минтақа худудида яшовчи руҳий-психик ҳамда касб-кори жиҳатидан бир-бирига хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга хурмат, муомилада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам тавсифланади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислохотларнинг барчаси инсонлар учун муносиб ҳаёт турмуш шароитини яратиш, инсон ўзини чинакам эркини хис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “мустақиллигимизнинг дастлабки қуллаиданок ажодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб колди”¹. Натижада халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тақдирининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятнинг соҳибига айланди. Мустақиллик шарофати билан тикланиб, қаддини ростлаётган, тўхтовсиз ривожланиб бораётган миллий маданиятимизнинг жамиятимиз тараккийетини тезлаштириш, инсонни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва камол топтиришда ўрни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва камол топтиришда ўрни бениҳоя каттадир. Жамиятимизда рўй бераётган маънавий юксалиш, инсоннинг ахлоқий, ғоявий, сиёсий камолоти мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий уйғониш жараёнлари билан узвий алоқадорликдадир. Инсоннинг ижтимоий-маданий камолоти ниҳоятда кенг, кўп қиррали, мазмун моҳияти жиҳатдан чуқур бўлиб, ўз ичига жуда кўплаб соҳаларни камраб олади. Шуларнинг ичида марказий ўринни ижтимоий шериклик масаласи эгаллайди.

Буюк ажодларимиз томонидан яратилган юксак маданият ва илмий кашфиётлар жамиятимизнинг олий кадрияти бўлган – инсоннинг дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришда катта ахамият касб этади. Инсон маънавий камолотининг энг муҳим кўриниши ва зарур шартларидан бири сиёсий маданиятнинг ўсиб боришидир. Сиёсий маданият ўзида ҳалоллик ва покликни, ишчанлик ва узокни кўзлаб иш тутта билиш фазилатларини мужассам этган одамларнинг ғоявий-сиёсий стуқлиги, назарий билимларни истикболни ёркин тасаввур этган ҳолда амалда қўллаб билиш, кун тартибидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафқуравий муаммоларни кенг миқёсда ҳал этиш маҳорати демакдир.

Шарқ мутафаккирлари жамиятни илмий асосда бошқариш ижтимоий шериклик негизида амалга ошириладиган жараёнлар эканлигига катта эътибор бериб келганлар. Жумладан, Форобий, Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ва бошқаларнинг асарларида давлатнинг тузилиши, унинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, давлат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккийет қафолатлари – Т.: 1997. – Б.137-138.

рахбарларининг хусусиятлари, ижтимоий шериклик бўйича муҳим маълумотлар берилган. Уларни синчиклаб ўрганиб, ҳаётга ижобий татбиқ этиш мустақил давлатимизнинг сиёсий асосини янада мустаҳкамлашда замин бўлиши шак-шубҳасиздир. Таълим-тарбия олдида турган асосий мақсад ёш авлодга аждоқларимизнинг доно тажрибаларини сингдириш, инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, ижтимоий шериклик анъаналарига мувофиқ ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятни хис қилишга ўргатиш қонунларга риоя этиш хислатини қарор топтиришдан иборатдир. Бу борада Шарк фалсафаси ва ислом таълимотидан унумли фойдаланмоғимиз лозим, чунки аждоқларимиз томонидан қонунга риоя қилиш, унга бўйсунуш каби масалалар чуқур ва атрофлича ишлаб чиқилган. Бунга ислом таълимотининг дурдонаси хисобланган “Шариат” ва “Ҳидоя”, Амир Темур “Тузуқлари” ва бошқа манбалар, ҳуқуқ масаласига оид фикр – мулоҳазалар мисол бўла олади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки ижтимоий шериклик жамиятимиз маънавий покланишига замин бўлиб хизмат қилаётган экан, ўз навбатида ҳозирги даврдаги миллий тикланиш жараёнлари ҳам ижтимоий шериклик муносабатларини ўзгаришига ҳам олиб келмоқда. Ижтимоий шерикликни моҳиятини янгича фалсафий англаш заруратини келтириб чиқармоқда. Ижтимоий шерикчилигимизда трансформация юз бермоқда ва уларни умуминсонийлик ва миллийлик нуқтаи-назаридан қараб чиқмоғимиз лозим. Бир томондан шуни унутмаслигимиз зарурки, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий шериклик тизими – фан, фалсафа, адабиёт, санъат – фақат миллий урф-одатлар билан чекланиб қолмайди. Бу айниқса ҳозирги юқори даражада ривожланаётган информацион, компьютер технологиялар, алоқа воситаларининг ривожланиши жараёнидаги оламга хосдир.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚ ИШОНЧИГА ЭРИШИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Тургунова Н.Т.
ЎЗР ИИБ Академияси ўқитувчиси

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тавсифловчи асосий омиллардан бири бу фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига бўлган ишончидир. Бундай ишончнинг мавжудлиги амалда шахс, жамият ва давлат муносабатлари узвийлигини ҳамда изчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда, ўзаро муносабатлардаги ишонч жамиятни бирлаштирувчи, унинг барқарорлигини ҳамда ривожини белгиловчи механизм вазифасини бажаради. “Ишонч” ижтимоий-

фалсафий категория сифатида сиёсий ва ижтимоий онгнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда шахс, жамият ва давлат муносабатларидаги муайян салбий ўзгаришларга айнан ишончнинг етишмаслиги (тақчиллиги) сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида жамият таракқиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли эҳтимолий таҳдидлар келиб чиқмоқда. Шу нуқтан назардан, ўзаро муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш, унинг асосларини яратиш ва қафолатлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг туб мазмун-моҳияти фуқаролар манфаатларини таъминлашга қаратилган. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок “кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида фуқаролик жамиятини қуриш вазифаси қўйилди. Ўтган йиллар давомида бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди, жумладан фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Маълумки, фуқаролик жамияти институтларининг асосий фаолият йўналишлардан бири бу фуқаролар манфаатларини таъминлаш, уларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Бундан кўзланган мақсад – халқ ишончига эришиш ҳамда жамиятда ўз нуфузини оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” замирида шахс, жамият ва давлат муносабатларини янги босқичга кўтариш мақсади мужассам. Хусусан, бунинг асосини “ўзаро мулоқот”, “халқ ишончини қозониш”, “одамларни ҳаётдан рози қилиш” каби омиллар ташкил қилмоқда.

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, бу борада кучли ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор йўналиш сифатида белгиланиб қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу асосда инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳамда эркинликлари таъминланиб, унинг салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистонда аҳоли кенг қатламларини қўллаб-қувватлаш, мустақил ва барқарор фуқаролик жамияти институтлари тизимини равнақ топтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилгани диққатга сазовордир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)ларни қўллаб-қувватлаш, уларга замон талаблари асосида зарур шароитлар яратиш жумладан, давлат органлари ва ННТлар ва бошқа жамоат тузилмалари ўртасида ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш, фуқаролик ташаббускорлигини ўстириш ҳамда давлат ижтимоий буюртмалари орқали ННТлар ва бошқа жамоат тузилмаларининг ижтимоий йўналишдаги дастурларини молиялаштириш

каби қатор муҳим масалаларга давлат даражасида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида ННТлар фаолиятини янада эркинлаштириш, соҳада мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш, бу ташкилотларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Адлия вазирлигининг 15 та қонун ҳужжати қабул қилинди¹.

Ушбу қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги энг муҳим вазифаларни ҳал қилиш, фуқароларда дахлдорлик ҳиссини ошириш, жамиятдаги муносабатларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамиятини сезиларли равишда кучайтиришга хизмат қилади.

Охириги йилларда фуқаролик жамиятини жадал равишда таътиришда қатта аҳамиятга эга бўлган "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилди.

Шулар орасида, 2015 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг чегаралари аниқ белгиланган, бу бордаги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилган.

Хўш, Ижтимоий шериклик ўзи нима дегани? Ижтимоий шерикликни қонун билан мустақамлаб қўйиш қандай аҳамиятга эга?

Хусусан, қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шерикликка қўйидагича таъриф берилган: «Ижтимоий шериклик – давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир»².

Мазкур қонун 5 та боб ва 30 моддадан иборат бўлиб, унда ижтимоий шериклик тушунчаси, субъектлари, принциплари ва асосий соҳаларига таъриф берилган. Давлат органларининг ННТ билан ўзаро

¹ www.uza.uz. "Тараққиёт стратегияси" Маркази – замонавий мулоқот майдони // "Тараққиёт стратегияси" маркази Ахборот хизмати.
² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон Ижтимоий шериклик тўғрисида ЎРҚ-376-сон 25.09.2014. 3-м. // <https://www.lex.uz/>

муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал қилишда уларнинг иштирок этиш шакллари ва усуллари аниқ белгиланган. ННТнинг ташаббусларини ривожлантириш ва ролини кучайтириш, шунингдек, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал қилишда жойларда уларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан таркибига маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари, ҳокимликларнинг тегишли бўлинмалари, адлия ва молия органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қирадиган жамоат комиссияларини ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватловчи жамоат фондларини ташкил этилиши кўрсатилган.

Эндиликда, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқарувчи Парламент комиссияси жамоат комиссияларининг Намунавий регламентини тасдиқлайди.

Умуман, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг вазифаси бугунги кунгача юзага келган ижобий ҳуқуқни қўллаш амалиётини мустақам тизимлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қонун мамлакатимизда ННТлар ролини кучайтириш бўйича ўтказилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини янада оширади, қатта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик дастурлар ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларининг улар қўмағида ҳар томонлама ҳисобга олинишига ҳуқуқий шароит яратади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, ушбу қонун қабул қилингунга қадар ижтимоий шериклик соҳасидаги миллий норматив-ҳуқуқий база ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ННТлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларига доир масалалар мамлакатимизнинг 30 та қонун ва юздан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатига мустақамланган. Аммо, давлат органларининг ННТлари билан ўзаро ҳамкорлигининг шакллари, принциплари, механизмлари аниқ тизимини назарда тутувчи ягона кодификацияланган қонун ҳужжати йўқ эди. Бу эса мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштиришга доир долзарб вазифаларни ҳал қилишда улар иштирокининг самарадорлигига бирмунча салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди.

Кейинги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ННТларни рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштирди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг

турли соҳаларида 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда¹.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, чет эллик экспертлар қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг дунёда ўхшаши йўқлигини алоҳида эътироф этишмоқда. Зотан, кўпгина хорижий мамлакатларда давлат билан нодавлат секторнинг ўзаро муносабатлари турли қонун ҳужжатлари билан ёки "Ҳукумат ва фуқаролик сектори" ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар доирасида тартибга солинган бўлиб, жабҳага оид яхлит қонун йўқ. Шулар қаторида улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурдаги ижтимоий шериклик бўйича Жамоат комиссиялари фаолиятига катта қизиқиш билдирмоқдалар².

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари турли соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида хилма-хил дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бундай дастурларда қайси йўналишларда қандай ишларни бажариш табиийки уларнинг ўзлари томонидан белгиланади. Шу сабабли давлат органлари жамият эҳтиёжи, фуқароларнинг хоши-иродасини ҳар доим ҳам тўлиқ камраб ололмаслиги мумкин.

Жамиятда қайси муаммо долзарб, маблағ ва эътиборни кўпроқ қайси масалаларга қаратган маъқул, қандай йўл тутилса, дастурлар янада кўпроқ самара келтиради? Нодавлат нотижорат ташкилотлар, умумий қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтлари иштироки шу каби саволларга энг мақбул жавоб топишда муҳим ўрин тутди. Сийосатчилар, олим ва мутахассисларнинг таъкидлашича, фуқаролик жамияти институтлари жамиятнинг, фуқаролар хоши-иродасини яхшироқ билади.

Демак, ижтимоий шериклик жамиятнинг ич-ичидан чуқурроқ ўрганишда, соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш, муайян муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурларни самарали ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда, фуқароларнинг фаоллиги ҳамда жамоатчилик назорати кучайишида долзарб аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ижтимоий шериклик муносабатлари биз учун янгилик эмас. Негаки, мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида муайян масалаларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос тажрибаси шаклланган. Бу ҳамкорлик жаҳон амалиётидан қамрови кенглиги, фақатгина меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларини ўз ичига олиши, муҳими, аҳолининг кўплаб ижтимоий гуруҳларини жалб этиши билан яққол ажралиб туради.

¹ www.uz.gov. "Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик самаралари".
² "Ижтимоий шериклик бўйича халқаро мулоқот" // Халқ сўзи. – 2015 йил 3 ноябрь.

Жаҳонда давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш соҳасида катта тажриба тўпланган. Қонунчиликда «ижтимоий шериклик» дейилганда, қонда бўйича, иш берувчи, ёлланма ходимлар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тушунилади¹.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ривожига ижобий таъсир этади, яъни давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари родини кучайтириш бўйича ўтказилаётган кенг қўламли ишлар самарадорлигини оширади, катта ижтимоий аҳамиятга молик социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида аҳоли кенг қатламлари манфаатларининг ҳар томонлама ҳисобга олинишига замин яратади. Энг асосийси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда халқ ишончини таъминлаш механизмларининг шакллантиришга хизмат қилади.

“ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН –ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Умурзакова Н.М.
ТДИУ катта ўқитувчиси

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига алоҳида баҳо берилиб, қайд этилганидек, улар ҳозирги кунда демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, ижтимоий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Дарҳақиқат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб катта эътибор бериб келинмоқда. Концепция талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун мазкур жараёнларда иштирок этувчиларнинг фаол катнашиши учун катта имконият яратувчи муҳим ҳужжат бўлиб хизмат

¹ "Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба" // Масъул муҳаррир ю.ф.д. А.Х.Саидов. – Т.: «ART FLEX», 2012. – Б.17.

килиши шубхасиз. Зеро, унда мамлакатимиз аҳолиси турли катламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг чегаралари аниқ белгиланган, бу борадаги ташкилий – ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу қонун қабул қилингунга қадар ижтимоий шериклик соҳасидаги миллий норматив-ҳуқуқий база ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларига доир масалалар мамлакатимизнинг 30 та қонуни ва юздан ортик бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамланган. Аммо, давлат органларининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг шакллари, принциплари, механизмлари аниқ тизимини назарда тутувчи ягона кодификацияланган қонун ҳужжати йўқ эди. Бу эса мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштиришга доир долзарб вазифаларни ҳал қилишда улар иштирокини самарадорлигига бирмунча салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди. Қонунда ҳозиргача тўпланган миллий амалиёт билан бирга илғор хорижий тажриба ва бундай ўзаро муносабатлар тизимининг энг мақбул шакллари ва бугунги кунда сақланган моделларидан киёс олиниб, ижтимоий шерикликнинг Германия, Австрия, Швеция ва бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган энг ривожланган тизимининг салбий ва ижобий томонлари ҳисобга олинган ҳолдаги нормалар ўз аксини топди. Франция, Бельгия, Италия, Германия, Жанубий Корея, Япония, АКШ, Канада, Буюк Британия ва бошқа ривожланган демократик давлатларда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим фойдали қоидалари ҳам қонун нормаларига имплементация қилинди.

Қонунни қабул қилиш жараёнида БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг резолюцияси, Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича “Ок китоб”, Европада ҳуқуқатга қарашли бўлмаган ташкилотлар мақомининг асосий принциплари ҳам ўрганилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 2015 йил 1 январдан қучга кирди. Мазкур қонун 5 та боб ва 30 моддадан иборат. Унда ижтимоий шериклик тушунчаси, субъектлари, принциплари ва асосий соҳаларига таъриф берилган. Давлат органларининг ННТ билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал қилишда уларнинг иштирок этиш шакллари ва усуллари аниқ белгилаб қўйилган. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббусларини ривожлантириш ва родини кучайтириш, шунингдек, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал қилишда жойларда уларнинг фаол

иштирокини рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кегеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан таркибига маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари, ҳокимликларнинг тегишли бўлинмалари, аҳлия ва молия органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қирадиган жамоат комиссияларини ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб қувватловчи жамоат фондларини ташкил этилиши кўрсатилган.

Қонуннинг 4-моддасига кўра ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари этиб қуйидагилар белгиланган: қонунга бўйсунуш; тенг ҳуқуқликлик; очиклик ва шаффоқлик; ҳаммабоплик; мустақиллик; ҳолислик; ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олинishi ва масъулият; мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

Давлат бошқаруви органлари социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмаси бериши мумкин. Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаларини бериш давлат буюртмачиларининг рўйхати ва фаолиятнинг маблағлар ажратиш режалаштиришаётган йўналишлари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ҳузурда жамоатчилик кенгаши тузилади, ушбу кенгаш аъзоларининг ярми нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларидан иборат бўлади. Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танлов ғолиби лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш натижаларига кўра аниқланади. Давлат бошқаруви органи ва танловда ғолиб деб топилган нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузилади.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш, жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартиби, шунингдек танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Умуман, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг вазифаси бугунги кунгача юзага келган амалиётни мустаҳкам тизимлаштириш ва

унинг самарадорлигини янада оширади, катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик дастурлар ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари кўмагида ҳар томонлама ҳисобга олинишига ҳуқуқий шароит яратади.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ДАВЛАТ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Бекназарова Ш.Т.
ЎзМу магистранти

Замонавий ривожланиш шароитида турли даражадаги ижтимоий муаммоларнинг сони тобора ортиб бормоқда, уларнинг таркиби мураккабдир. Ушбу ҳолат объектив равишда жамоат ташкилотларига уларнинг ечимлари учун янги шакллар, усуллар ва технологияларни топиш вазифасини кўяди. Уларнинг орасида ижтимоий шерикликнинг технологиялари назарда тутилиши мумкин. Бу ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни тўплашнинг механизми ҳамдир.

Фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу уч секторнинг: давлат, тижорат ва жамоатчиликнинг конструктив ва самарали ҳамкорлиги. Бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим аҳамиятини чуқурроқ англаш, ҳамкорлар учун кўшимча ресурслар ва муайян манфаатлар, уларнинг бир-бирига бўлган ишончини мустаҳкамлашга асосланган ижтимоий ҳамкорликни шакллантиради.

Сўнги ўн йилликда ривожланган мамлакатларда учта секторнинг мавжудлиги ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ фундаментал ўзгаришлар юз берди: турли секторлардаги вазият ва шарт-шароитларни эмас, балки улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тамойилларини тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилди. Бу ижтимоий буюртмалар амалиётида, ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишда, турли ижтимоий тадбирларни ўтказишда аниқ намоён бўлди.

Уч соҳа турли хил имкониятлар, ресурслар ва ижтимоий муаммоларнинг табиатига нисбатан бошқача нуқтан назар билан қарашга имконият яратади. Шунга қарамай, барча уч сектор вакилларининг ҳамкорлиги зарурлигини билишда: на давлат, на бизнес ва на жамоат ижтимоий адолатсизлик ва низоларни бирма-бир ҳал қила олмайдди. Айни пайтда давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул

қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида” қонуни шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 августда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларида ҳам мустаҳкамланган.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида” қонунининг 4-моддасида қуйидаги ижтимоий ҳамкорлик тизимининг асосий принципларини белгилаб берилди:

- ✓ қонунга бўйсунуш;
- ✓ тенг ҳуқуқлилиқ;
- ✓ очиклик ва шаффофлик;
- ✓ ҳаммабоплиқ;
- ✓ мустақиллик;
- ✓ холислиқ;

ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инobatга олиниши ва масъулият;

✓ мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

Бундан ташқари ушбу қонуннинг 7-моддасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирокчини қуйидагича тавсифланган. Давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини уларнинг розилигига кўра жалб этиши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

-ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслар билан чиқишда, тегишли таклифлар ва лойиҳаларни тайёрлашда иштирок этишга, шунингдек уларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга;

-ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишда, ишлаб чиқувчилар билан келишувга кўра, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқишда иштирок

этишга, лойихалар юзасидан тақлифларни ишлаб чиқишга, уларни тўплашни ва умумлаштиришни амалга оширишга, шунингдек ушбу тақлифларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга:

-биргалликда тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни хал этишга қаратилган лойихаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан давлат органларига тақлифлар киритишга;

-ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, унинг яқунлари бўйича тақлифлар тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли давлат органларига киритишга ҳақли.

Давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда тақлифларини кўриб чиқиши шарт. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий давлат шаклланишидаги тарихий роли бекиёсдир. Улар бу жараёни "қуйидан", омма ичидан туриб кучайтиради, ижтимоий муносабатларга ўзини ўзи бошқаришнинг янгича элементларини олиб қиради, ҳуқуқий қадриятлар устуворлигини қарор топтиради, фуқароларда жамият манфаатларини химоя қилиш борасида ҳокимиятга таъсир кўрсатишга қодир эканликларига ишонч уйғотади.

Нотижорат ташкилотлари қисқа муддат ичида мамлакатнинг барча минтакаларида пайдо бўлиб, фуқаролар ташаббуслари ва ижтимоий фаоллик асосида демократия сари бораётган жамият турли гуруҳларининг манфаатларини рўёбга чиқармоқда. Бундай ташкилотлар қаторига фандрайзинг ташкилотларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Фандрайзинг ташкилоти эса ижтимоий соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60% қисми ижтимоий соҳани ривожлантиришга ажратилади. Бу албатта давлатимиз сиёсатида қанчалик инсонпарварлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ушбу бюджетнинг 60%и давлатнинг иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Бу вазиятда давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки хайрия жамғармалари фаолиятнинг айрим соҳаларида ўзини ўзи молиявий қоплаши билан аҳамиятлидир. Давлатимизда фандрайзинг ташкилотларининг кўпайиши давлат бюджетига ҳам ижобий таъсирини ўтказди. Фандрайзинг ташкилотлар нафақат ижтимоий соҳани балки аҳоли учун муҳим бўлган барча соҳаларни камраб олади. Фандрайзинг ташкилотларнинг халқаро ташкилотлар ва давлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик асосида фаолият юритиши ташкилот ривожланиши ва ижтимоий лойихаларнинг самарали амалга оширилишида муҳим омил ҳисобланади.

ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В СФЕРЕ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА КАК ВАЖНОГО ФАКТОРА РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА

Усманов М.Ш.

Начальник отдела Исполнительного комитета Политического Совета
УзЛиДеП

Следует отметить, что если Стратегия действий по пяти направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах – это стратегия долгосрочного устойчивого развития Узбекистана, то социальное партнерство – залог устойчивого развития (об этом свидетельствует также и опыт зарубежных стран, где неправительственные организации создаются для достижения целей человеческого и устойчивого развития)¹.

Изучение законодательства, всей работы как государственного, так и некоммерческого сектора по формированию сильного, справедливого гражданского общества в Узбекистане показывает, что в стране сформировано пространство для эффективного социального партнерства ННО с государственными органами, которое выступает как специфический тип общественных отношений, присущих цивилизованному обществу с рыночной экономикой.

Во-первых, это – отношения между субъектами, сторонами, имеющими наряду с тождественными интересами и принципиально различные, противоположные социальные, экономические, политические интересы. При этом институты гражданского общества являются важным фактором в повышении эффективности деятельности государственных органов, ответственности руководителей, а также объективности и прозрачности выполнения государственных задач.

Во-вторых, эти отношения ориентированы не на конфронтацию сторон, а на поиск, достижение социального консенсуса. В Узбекистане особое внимание уделяется созданию механизмов такого взаимодействия, при котором все спорные ситуации и пересечение интересов разрешаются в ходе сотрудничества и партнерского диалога, а если конфликтная ситуация все-таки возникает, то ее разрешение будет носить конструктивный характер, посредством политико-правовых механизмов. Отношения между институтами гражданского общества должны

¹ Социальное партнерство. – Москва: Изд-во «Экономика», 1999 – С. 193; Lester M. Salamon «Nonprofits: America's third largest workforce» // <http://ccss.jhu.edu/wp-content/uploads/downloads/2018/04/NED-America's-third-largest-workforce.pdf>; Jennifer Hsu. The developmental state of the twenty-first century: accounting for 46_National-2015_4.2018.pdf; Jennifer Hsu. The developmental state and society // Third World Quarterly. – 2017. – Vol.37. – Issue 10.; Jennifer Hsu. The developmental state and society // Third World Quarterly. – 2017. – Vol.38. – Issue of the twenty-first century: accounting for state and society // Third World Quarterly. – 2017. – Vol.38. – Issue 11. – P.1-17 и др.

ориентироваться не на конфронтацию сторон, а на поиск, достижение консенсуса. В противном случае ход реформ может замедлиться и погрязнуть в дискуссиях и взаимных упреках.

В-третьих, это – такой тип отношений, в котором объективно заинтересованы все важнейшие социальные группы, государство в целом, так как при нем достигается социальная стабильность общества, его прогресс, социально-экономическое развитие. Институты гражданского общества, являясь неотъемлемым атрибутом демократического, правового государства, способствуют обеспечению качества осуществляемых реформ.

Отличительной чертой «социального партнерства» в Узбекистане является то, что оно предполагает достижение общих социально-значимых целей на основе конституционного принципа единства прав и ответственностей (обязанностей).¹ Иными словами, это – наиболее прогрессивный вариант совместной работы разных секторов общества и развитие настоящего социального партнерства основывается на изменении мышления как представителей госсектора, так и «третьего сектора».

Самое важное, гражданское общество в Узбекистане достигло определенного уровня своего развития, при котором сформировался значительный ресурс организационных, экспертных и правозащитных возможностей. Сегодня по всей республике функционируют свыше 9200 ННО, в третьем секторе трудятся более 90 тыс. человек, а количество вовлеченных в их деятельность (членов, добровольцев и волонтеров) составляет миллионы человек. Их деятельностью охвачены все сферы общественной жизни.² ННО осуществляют определенные работы также по реализации положений Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию деятельности оказания негосударственных образовательных услуг».³

Вместе с тем, отметим, что в Узбекистане до сих пор не задействованы такие передовые модели социального партнерства зарубежных стран, как «совместная экономика», «совместное соиздание», «социальное предпринимательство», «экономика солидарности»,

¹ Конституция Республики Узбекистан (Раздел второй. Основные права, свободы и обязанности человека и гражданина) // Газета «Народное слово» от 15.12.1992 г., № 247 (438); Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1994 г., № 1, ст. 5; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003 г., № 3-4, ст. 27; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2011 г., № 12/1, ст. 343; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 15, ст. 152; 2008 г., № 52, ст. 510; 2011 г., № 16, ст. 159; 2014 г., № 16, ст. 176; 2017 г., № 14, ст. 213.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 4.05.2018 г. № УП-5430 «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны» // Национальная база данных законодательства, 05.05.2018 г., № 06/18/5430/1164. Информационные материалы независимого института мониторинга формирования гражданского общества // <http://nimfogo.uz/ru/>

³ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию деятельности оказания негосударственных образовательных услуг» // <http://uz.uz/ru/documents/o-merakh-po-dalneshemu-ravzitivityu-deyatelnosti-po-okazaniyu-15-09-2017>

«платформенный кооператив» - модели сотрудничества между игроками гражданского общества, рынка и государственного сектора¹.

Так, изучение опыта США, Великобритании, Латвии, Польши, Республики Корея, России и других стран, показывает, что социальное предпринимательство («social entrepreneurship») – это практическая деятельность, направленная на решение социальных проблем и достижение социально полезных целей, в т.ч. инновационным методом, изобретая или комбинируя социальные и экономические ресурсы. Оно занимает особую нишу, находясь на стыке между благотворительной деятельностью и бизнесом. Сходство с бизнесом – предпринимательский характер деятельности, организованность, системность, нацеленность на бизнес-модели. Отличия – ориентированность не на прибыль, а на положительные социальные изменения, решение общественно и социально значимых проблем, повышение качества и улучшение условий жизни людей.

В данном контексте отметим, что представляется возможным разработка закона «О социальных предприятиях», в котором будут определены критерии «социального предприятия», их отличия от остальных форм хозяйственной деятельности, предусмотрены льготы и преференции для них и т.д.

Это способствовало бы дальнейшему развитию социального партнерства гражданских институтов и госорганов, повышению гражданской ответственности людей, реализации принципа «социального участия» в осуществляемых в стране реформах.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўтамурадов А.
ЎЗМУ кафедрa мудири, профессор

Ижтимоий шериклик – бу иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги, фукаролик жамияти институтлари томонидан назорат этилувчи ўзаро келишув жарёни бўлиб, унда умумий ижтимоий максадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаб турувчи институтлар, механизмлар ва жараёнлар тизимидир. Ижтимоий шериклик кенг тушунча бўлиб, унинг мазмунини турлича ифодалаш мумкин. Ижтимоий шериклик – бу тор доирада меҳнат муносабатларини ташкил этишнинг махсус тури

¹ Ramey, Stephen, Wakunuma, Kutoma, Stahl, Bernd Civil Society Organisations in Research: A Literature-Based Typology // Voluntas: International Journal of Voluntary & Nonprofit Organizations. – 2017. - Vol.28. - Issue 5. – P.1988-2010, Veress, József. Transformational dynamism of civil society organizations // Vezetéstudomány / Budapest Management Review. – 2017. - Vol.48. - Issue 11. – P.12-21.

хисобланади. Кенг маънода эса – бу турли ижтимоий гуруҳларнинг (менаткаш, иш берувчи, касаба уюшмалари, давлат ҳокимияти органларининг) ўзаро махсус ҳамкорлиги бўлиб, мазкур ҳамкорликка қаратилган объектнинг кандай бўлишидан қатъий назар, яъни нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга ошириш кабилар ҳам бўлиши, манфаатларнинг ягона бир соҳадаги муштараклиги тушунилади.

Ижтимоий шериклик соҳасида умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларини таҳлил этиш, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий шерикликни қонунчилик асосларига биноан тартибга солиш хориж тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий шериклик муносабатларидаги муаммолар ва масалалар ечими, адолатга эришиш тамойиллари, меҳнат муносабатларини демократик кадрятлар талаблари асосида йўлга қўйишнинг ҳуқуқий жиҳатларини БМТнинг Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) мувофиқлаштириб келмоқда. У 1919 йилда тузилган бўлиб, 1946 йилдан буён БМТ таркибидан фаолият юритмоқда. ХМТ қабул қилган конвенциялар ва тавсиялар аксарият мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётига қўлланиб келинмоқда.

ХМТ ўз фаолиятида ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, инсоннинг меҳнат эркинлиги, меҳнат жараёнида ижтимоий аҳволни яхшилаш, иш билан бандлик учун шарт-шароитларни яхшилаш масаларини ҳал этишга ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда. ХМТ меҳнатни халқаро ҳуқуқий мувофиқлаштириш соҳасида – давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги келишувчилик ва шерикликни таъминлаш учун доимий изланиш ва фаолият кўрсатиш унинг асосий мақсад ва вазифаси ҳисобланади. ХМТ меҳнатни мувофиқлаштириш ва ўзаро келишувларга доир 180 та конвенция ва 190 та тавсиялар қабул қилган бўлиб, улар меҳнатни, ижтимоий-иқтисодий ва касбий масаларни мувофиқлаштиришга қаратилган. Ана шу конвенция ва тавсияларда кўзда тутилган меҳнат меъёрлари Халқаро меҳнат кодексини ташкил этади.

ХМТнинг муҳим конвенцияларига қуйидагилар киради: 1948 йилда қабул қилинган “Уюшмалар эркинлиги ва уюшишга ҳуқуқни химоя қилиш” (№87) конвенциясида барча меҳнаткашлар ва тадбиркорларни уюшмалар тузиш, ҳеч қимдан руҳсат олмасдан уларга кириш, фаолият тартибларини ўрнатишга қаратилди. Конвенция давлат ҳокимияти органларини меҳнаткашлар ва тадбиркорлар уюшмалари фаолиятига аралаштиришни таъқиқлайди.

1949 йилда қабул қилинган “Уюшишга ва жамоавий музокаралар олиб боришга ҳуқуқлар принципларини қўллаш тўғрисида” (№98) конвенцияси меҳнаткашларнинг меҳнат соҳасидаги бирлашиш

эркинлигини чеклайдиган ҳар қандай камситувчи ҳаракатларга қарши тегишли равишда химоя қилади. Бундай химоя меҳнаткаш касаба уюшмаси аъзолигига кирмаган ёки ундан чиққан тақдирда ишга қабул қилиш ёки иш жойини сақлаб қолиш шартларига нисбатан, меҳнаткаш касаба уюшмаси аъзоси эканлиги ёки касаба уюшмаси фаолиятидаги иштироки сабабли уни ишдан бўшатиш ёхуд унга бошқа бирон-бир зиён етказишдан химоя қилишда қўлланилади.

1978 йилда қабул қилинган “Меҳнат масалаларини мувофиқлаштириш тўғрисида: уюшиш, роли, функциялари” (№150) конвенциясида ХМТга аъзо давлат меҳнат масалаларини мувофиқлаштириш, ундаги функциялар ва мажбуриятларни самарали ташкил этиш тизимини яратиши лозим. Бу тизим доирасида давлат ҳокимияти органлари зиммасига тадбиркорлар билан меҳнаткашлар ўзаро музокаралар, ҳамкорлик, маслаҳатлар беришни уюштириш кабиларни ташкил этиш вазифаси юкланади.

1981 йилда қабул қилинган “Жамоавий музокараларга қўмақлашиш тўғрисида”ги (№154) конвенциясида иқтисодий фаолиятнинг барча тармоқларига “жамоавий музокараларни татбиқ” қўлланилиши назарда тутилади. Бу музокаралар бир томондан, тадбиркорлар, тадбиркорлар гуруҳлари ва иккинчи томондан, меҳнаткашлар битта ёки бир неча уюшмалари томонидан қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

- жамоавий музокараларнинг барча иш берувчилар ва барча меҳнаткашлар учун ўтказиш имконияти бўлиш;
- меҳнат ва иш билан таъминланиш шартларини белгилаш учун татбиқ этиш;

- иш берувчилар ва меҳнаткашлар уюшмалари ўртасида келишилган тартиботлар қоидалари ишлаб чиқилишини рағбатлантириш;

- жамоавий музокараларни олиб бориш учун уларни тартибга солувчи қондалар мавжуд эмаслиги тўққинчилик қилмаслиги;

- меҳнат низоларини ҳал этиш органлари ва тартиботларини жамоавий музокараларга қўмақлашадиган тарзда яратилишига қаратиш¹.

Шу тариқа, ХМТнинг барча ижтимоий-меҳнат масалаларига доир конвенциялари ва тавсияларида ижтимоий шерикликни мазмун, механизмлари, ҳуқуқлари ва субъектлари мажбуриятларига доир қоидалар мужассамлашган.

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик масалаларига тегишли энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни қайд қилиш, шу асосда ижтимоий шериклик соҳасидаги халқаро стандартларни уларнинг мазмун-моҳияти бўйича таснифлаш мумкин. Улар асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

¹Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари қисқача мазмуни, имплементация, касаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. - Т.:ЎқУФК.2012.-Б 14-15, 37.

а) ходимлар ва иш берувчиларнинг бирлашиш эркинлиги тўғрисидаги стандартлар (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фукарolik ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Халқаро меҳнат ташкилотининг 87-сонли конвенцияси ва 159-сонли тавсияномаси). Хусусан, иш берувчилар уюшмаларининг ҳуқуқий мақоми бутун дунёда ХМТнинг “Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига асосланади (1948 й.).

Конвенция меҳнаткашлар ва талбиркорларнинг бирлашмалар тузиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқини назарда тутлади. Иш берувчиларга нисбатан бирор-бир фарқсиз бирлашма тузиш эркинлиги тамойили конвенцияни ратификация қилган ҳар бир мамлакат конунчилиги ва амалиёти барча иш берувчилар учун истисно қилинмаган ва имтиёзлар назарда тутилмаган ҳолда тенг шарт-шароитлар ва бундай ташкилотлар тузилиши тартиби белгилашнинг асослари. Иш берувчиларнинг ўз танлови бўйича ташкилотлар тузиш ҳуқуқи 87-сонли конвенцияда мустаҳкамланган тамойиллардан яна бири, тегишлича, бирлашиш ҳуқуқининг яна бир унсур, деб эътироф қилиниши керак. Ушбу ҳуқуқ ташкилот тузилиши ва таркибини танлаш, унинг устави ва фаолият тартибини ишлаб чиқиш, ҳаракатлар дастурини яратиш (3-сонли конвенция), шунингдек федерациялар ва конфедерациялар ташкил қилиш (5-сонли конвенция) бўйича ваколатларни назарда тутлади. Иш берувчилар амалдаги ташкилотларга уларнинг уставига бўйсунуш шартини билан аъзо бўлиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар (2-сонли конвенция).

б) корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқлари стандартлари (ХМТнинг 135-сонли конвенцияси, 143-сонли тавсияномаси). “Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-сонли конвенцияда ва “Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 143-сонли тавсияномада меҳнаткашлар вакиллари тушунчаси белгилаб берилган, уларнинг эътироф қилинадиган турлари кўрсатилган, улар учун зарур ҳуқуқлар ва фаолият имкониятлари, ушбу ҳуқуқлар ва имкониятларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар мустаҳкамланган.

в) жамоа музокараларига доир ҳуқуқлар стандартлари (ХМТнинг 98, 154-сонли конвенциялари, ХМТнинг 91, 163-сонли тавсияномалари). Хусусан, “Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи тамойилларини қўллаш тўғрисида”ги 98-сонли Конвенциянинг 4-моддасида мазкур конвенцияни ратификация қилган мамлакат жамоавий музокараларни ривожлантириш учун чора-тадбирлар кўришини назарда тутлади. “Жамоа шартномалари тўғрисида”ги 91-сонли тавсиянома меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномалари ва битимлари муҳим ўрин эгаллаши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. «Жамоа

музокараларига қўмаклашиш тўғрисида”ги 154-сонли конвенция ва у билан боғлиқ меҳнат шарт-шароитларини, бандлик ҳамда ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни белгилашга бағишланган 163-сонли тавсиянома ижтимоий мулоқотнинг ҳуқуқий таъминотида муҳим роль ўйнайди.

г) ижтимоий шериклик соҳасидаги стандартлар (ХМТнинг 144-сонли конвенцияси, 94, 113, 129, 152-сонли тавсияномалари). Масалан, “Корхона даражасида иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги консултациялар ва ҳамкорлик тўғрисида”ги 94-сонли тавсиянома иш берувчилар ва ходимлар ўртасида умумий манфаатларни ифодаладиган масалалар бўйича консултациялар ва ҳамкорлик тизими йўлга қўйилишини белгилаб беради. Ижтимоий шериклик – бу нафақат жамоа шартномаларини тузиш мақсадидаги музокаралар, балки турли даражалардаги доимий жараёндан иборатдир. “Давлат ҳокимияти органлари ҳамда иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари ўртасида тармоқ ва миллий микёсдаги меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилиши кераклигини белгилаб беради”¹.

Хорижий давлатларнинг бу йўналишдаги амалиётга мисол келтирадиган бўлсак, ижтимоий шерикликнинг дастлабки ҳуқуқий асослари Бельгияда 1948 йилда, Германияда 1952 йилда, Австрияда 1957 йилда, Францияда 1958 йилда ва Шимолий Европа давлатларида ХХ асрнинг 70-йилларида шаклланиб, улар мазкур давлатларнинг конституция ва қонунарида ифодаланди. Ижтимоий шериклик муносабатларининг тарафлари бўлиб асосан иш берувчи, ходим (ишловчи) ва давлат органи ҳисобланади. Кўпинча иштиний шериклик жараёнида уч томон иштирок этгани учун маъжозий маънода у “уч партиявийлик” (“трипартизм”) ҳам дейилади. Ижтимоий шериклик учта даражада – миллий, тармоқлараро ва корхоналар даражасида амалга оширилади.

Индустриал мамлакатларда ижтимоий шериклик турли кўринишларда намоён бўлади. Хусусан, бунда корпоратив тизим махсус орган (институт), жараёнлар ва механизмлардан фойдаланишни назарда тутлади. Бу каби амалиёт Австрия, Швеция, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландияда кенг тарқалди. Масалан, Австрияда ижтимоий шериклик ҳам умуммиллий, ҳам тармоқлараро даражада кенг тизимли маслаҳат кенгашлари ва қўмиталари воситасида амалга оширилади. Ижтимоий шерикликнинг махсус институтлари мавжуд бўлмаган давлатларда плюралистик тизим амал қилади (Буюк Британия, АҚШ, Канада). Бу ерда карама-қарши манфаатларнинг келишуви оддий сиёсий жараён (партия,

¹ Саттарова Г. Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг халқаро стандартлари ва уларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига таъбиқ қилиш масалалари. 05.05.2015. // <http://uzembegyp.com/uz/news-letters/20150503/index.htm>.

парламент, касаба уюшмалари) оркали бутун жамият даражасида, ходим билан иш берувчи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш эса алоҳида корхоналар даражасида амалга оширилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европа мамлакатларининг бу соҳадаги самарали характи натижасида уларнинг аксариятида талбиркорлар, касаба уюшмалари ва давлат ташкилотлари вакилларида иборат бўлган миллий ижтимоий-иқтисодий кенгашлар тузилди. Жумладан, Италияда 1947 йилда Иқтисодий ва меҳнат миллий кенгаши, Белгияда 1948 йилда Марказий иқтисодий кенгаш, 1952 йилда эса Меҳнат бўйича миллий кенгаш, Нидерландияда 1950 йилда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, кейинчалик эса Меҳнат муаммолари бўйича кенгашлар ташкил топган. Францияда 1958 йилдан, Буюк Британияда эса 1962 йилдан ҳозирга қадар Иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар фаолият юритиб келмоқда.

Франция Республикаси Конституциясининг (1958 йил 4 октябрдаги) XI-бўлимида (69-, 70- ва 71-моддалар) Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга биноан Кенгашга ҳуқуқатнинг сўровига асосан қонун лойиҳаларига, ордонас (қонун кучига эга бўлган ва Парламент руҳсати билан ҳуқуқат томонидан тасдиқланган ҳужжатлар) ва директивалар, қонунчилик тақлифлари юзасидан ҳулоса бериши, Парламент палаталарида унга тақдим этилган қонун лойиҳалари ва қонунчилик тақлифлари юзасидан ҳулосани эшиттириш мақсадида ўз аъзосини тайинлаши, иқтисодий ва ижтимоий характидаги исталган муаммолар юзасидан ҳуқуқатга маслаҳатлар беришига доир ҳуқуқий асослар мужассамлашган¹.

БМТ Халқаро меҳнат ташкилотининг стандартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳам ўз ифодасини топа бошлади. 1949 йилдаги «Жамоавий музокараларни ташкиллаштириш ва олиб бориш учун ҳуқуқлар тамойилларини татбиқ қилиш тўғрисида»ги 98-сонли конвенция ва «Жамоавий музокараларга кўмаклашиш тўғрисида»ги 154-сонли конвенция ХМТнинг жамоавий-шартномавий тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қўшилган асосий конвенциялари ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг миллий меҳнат қонунларига таъсири тўғрисида сўз юритилганда, халқаро ҳуқуқда мустаҳкамланган айрим меъёрлар «jus cogens» хусусиятига эгаллиги ва шу туфайли шартнома ратификация қилинганлигидан қатъий назар, барча давлатлар учун мажбурий эканлигини назарда тутиш керак. Ижтимоий шериклик соҳасига тегишли мисол сифатида ХМТнинг «Меҳнат соҳасидаги энг муҳим 8 та конвенциядан ҳуқуқлар тўғрисида»ги Декларациясидаги энг муҳим 8 та конвенциядан бири деб эътироф қилинган «Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли конвенцияни келтириб ўтиш мумкин

¹Қаранг.-Конституция Франци//Конституции зарубежных государств. Учебное пособие. 2-е изд., исправ. и доп.-М.: Издаельство БЭК,1997. С.128.

(1998). Ушбу Декларацияга мувофиқ, мамлакат ХМТнинг энг муҳим 8 та Конвенциясини ратификация қилганлиги ёки ратификация қилмаганлигидан қатъий назар, ушбу мамлакат ҳуқуқати ушбу конвенция томонидан берилган ҳуқуққа қандай роя қилинаётганлиги тўғрисида ҳисобот бериши керак. Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқнинг миллий қонунларга бевосита таъсири юз беради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий шерикчилик муносабатларининг такомиллаштириш асосан БМТ, ХМТ ва бошқа меҳнат муносабатларига доир халқаро ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда ўзимизга хос ва мос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда миллий анъаналар уйғунлиги асосида амалга оширилмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари: қисқача мазмуни, имплементация, касаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти.- Т.:ЎКУФК,2012.-Б.14-15, 37.
2. Саттарова Г. Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчиликнинг халқаро стандартлари ва уларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига татбиқ қилиш масалалари.05.05.2015.//<http://uzembegypt.com/u/news-letters/201505053/index.htm>
3. Қаранг: Конституция Франци // Конституции зарубежных государств. Учебное пособие. 2-е изд., исправ. и доп.-М.: Издаельство БЭК,1997. С.128.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шонмов А.Р.
ТерДУ ўқитувчиси
Ньматова Л.Т.
ТерДУ талабаси

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг 2010 йил 12 ноябрида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатасининг қўшма мажлисида баён қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлат ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Бу кўрсатма мазмун моҳияти билан жуда долзарб эди. Ижтимоий шерикчилик муносабатларини ташкил

этишнинг хорижий тажрибаси ўрганиш биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, XX асрнинг ўрталарида Т.Парсонс ва Ю.Хабермаслар томонидан яратилган консенсус назарияси ижтимоий шерикликнинг кенг миқёсда ёйилишига катта туртки берган эди. Бу назария ижтимоий шартнома назарияси ўрнига келиб, ижтимоий шерикликнинг назарий методологик асоси вазифасини бажара бошлади.

Ижтимоий шериклик ҳозирги кунда жаҳондаги кўпчилик мамлакатларнинг Мехнат кодексларида, мамлакатларни стратегик ривожлантиришга алоқадор ҳужжатларда, турли соҳаларга оид услубий тавсиялар ва меъёрий ҳужжатларда мустақкам ўрин эгалламоқда. Ижтимоий шериклик даставвал меҳнат муносабатларини тартибга солиш мақсадида вужудга келган бўлса ҳам, ҳозирги кунда унинг фаолият юритиш соҳалари меҳнат муносабатлари доирасидан анча четга чиқади. Немис файласуфлари Лейбниц ва Иммануил Кант фикрига кўра, одамлар ўртасидаги мурося ва тинчлик ижтимоий-иктисодий ҳаётда шартнома ва компромиссга эришиш асосида таъминланиши лозим. Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро маҳсулот алмашиш ғояси ҳамда турли ижтимоий кучлар ўртасидаги кураш муаммолари Пьер Жозеф Прудон томонидан тадқиқ қилинди.

Ижтимоий шериклик бозор муносабатларига ўтиш ва демократик институтларни ривожлантиришнинг муҳим шартини эканини жаҳон амалиёти тасдиқлади. Ўзбекистон учун ҳам бозор ислохотларини чуқурлаштириш учун ижтимоий шериклик тамойилларини кенгрок ва тўлароқ татбиқ қилиш зарур бўлди. Ана шу зарурат Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президент Ислом Каримовнинг —Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида аниқ ва яққол кўрсатиб берилди. Президент Концепциясида белгиланган вазибаларни амалга ошира бориб, 2014 йилда мамлакатимизда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ва у 2015 йил 1 январидан кучга кирди. Бу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ҳаётга татбиқ қилишда муҳим босқич бўлди. Шунинг ҳам таъкидлаш жонзки, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий шериклик соҳасидаги ишларнинг яқунланганини эмас, янги масъулиятли босқич бошланганини аниқлатади.

Ижтимоий шериклик бу – давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармок, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ҳамкорликдир. Ижтимоий шериклик фикри ижтимоий ва сиёсий, ижтимоий ва иктисодий

соҳаларда инсоният томонидан кашф қилинган ва пухта ўйлатган энг буюк ихтиролардан биридир. Инсоният ижтимоий шерикликка бўлган эҳтиёжни аниқлаб этиши учун кўп асрларни босиб ўтди. Бу жараёнда узок давом этган изланишлар натижасида муросасиз курашларни, кескин ижтимоий низоларни бошдан кечиришга тўғри келди. «Ижтимоий шериклик» тушунчаси даставвал меҳнат муносабатларини доирасида ва уларни тартибга солиш, тартибот ишларини амалга ошириш мақсадида яратилди ва ҳозирги кунгача қўлланиб келмоқда. Ижтимоий шерикликнинг XX асргача жамиятимизда азалдан мавжуд бўлган шерикликдан асосий фарқи шундаки, авваллари шериклик алоҳида шахслар, нари борса, кичик гуруҳлар ўртасидаги шерикликдан иборат эди. Масалан, содда қилиб оладиган бўлсак, бир жамоада меҳнат қилаётганлар, бир касб эгалари, кўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар бирор юмушни бажаришда бир-бирлари билан кичик шериклик қилар эди. Шерикликнинг бу кўриниши ҳозир ҳам учраб турибди. Ижтимоий шериклик шерикликнинг ривожланишидаги янги юксак босқични кўрсатиб беради. Маълум даражада мураккабликка эга бўлган ҳолда эндиликда ижтимоий шериклик алоҳида шахслар ёки кичик гуруҳлар эмас балки, катта ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги шерикликни билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунининг асосий мақсадларидан бири албатта давлат органларининг нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга ҳисса қўшиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ҳамкорлигини янада кўчайтириш, ўзларига бўлган ишончини орттириш ва давлатимиз ривожини таъминлашдан иборат.

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТимоий ШЕРИКЛИКНИНГ АҳАМИЯТИ

Аллаярова С.П.
ЎзМу доценти в.б., ф.ф.н.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш масаласи белгиланган. Унда халқ билан самарали мулоқот механизмларини жорий қилиш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият

бошқарувидаги ўрни ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш; оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини химоя қилиш билан бирга қаторда, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш масаласи кайд этилган. Ижтимоий шериклик – демократик давлат, фуқаролик жамиятининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, "... бугунги кунда жамиятда умуминсоний кадрятлар устуворлигини таъминлайдиган ижтимоий институтларнинг ўзаро келишув жараёнини, унда умумий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаб турувчи фуқаролик жамияти институтларининг ишлаш механизми ҳам ифодаланиши лозим"¹. Шундай экан, жамиятнинг барча жабҳаларида ижтимоий шериклик муносабатларининг амал қилиниши олдинга қўйилган мақсад, ечимини топиши лозим бўлган муаммолар олдига томонлар манфаатларининг уйғунлашувини таъминлашга хизмат қилади, бир мақсад йўлида томонларни бирлаштирувчи механизм сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 5-моддасида ижтимоий шериклик соҳалари келтирилган бўлиб, унда ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлоднинг шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш билан бир қаторда фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш кабилар ҳам кайд этилган². Таълим, хусусан олий таълим босқичида ижтимоий шериклик муносабатларини йўлга қўйиш малакали, рақобатбардош, етук кадрлар тайёрлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Бугунги кундаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнлар динамикаси бир соҳадаги янгиликнинг бошқа соҳага тез фурсатда трансформация бўла олиши билан характерланмоқда. Мутахассислар ва тадқиқотчилар бу жараённи янгиликнинг инновациялашуви деб баҳоламоқда³. Жамиятнинг инновациялашуви ҳар бир соҳанинг муайян мақсадлар йўлида бирлашиб, консенсусга келиши, тенг ҳуқуқлилик, очиклик ва шаффофлик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг иноватга олиниши ва масъулият, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги, томонлар ўртасида ижтимоий адолат мезонларининг амал қилиши каби ижтимоий шериклик тамойиллари воситасида муаммоларга кам қувват сарфлаб самарали ечим топиш имкониятини яратмоқда. Ўзбекистонда узок йиллардан буён олиб борилаётган "фан – таълим – ишлаб чиқариш" интеграциясини таъминлаш

¹ Муминов А., Нишанбаева Э., Абдухалилов А. Ижтимоий шериклик. Услубий қўлланма. -Т.: Университет, 2018. -Б. 13.
² <http://www.lex.uz/docs/2468214>
³ Фигуровская Ю.Е. Социально-философский анализ партнерства как феномена инновационного общества. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. филос.наук. -Тверь: ТГУ, 2010. www.dslib.net

сиёсатини ҳам соҳани ривожлантиришга оид ижтимоий шерикликнинг намоён бўлиши, деб баҳолаш мумкин. Президент Ш.Мирзиёев жорий йилнинг 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетини олиб таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлган учрашувда ҳам шу масалага эътибор қаратди: Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлишида ҳозиргидан мутлақо янги, креатив, ностандарт фикрлайдиган ёшлар керак... Янги одамни илм, олий таълим муассасаси яратади¹. Жамиятда инсон капиталидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш керак. Янги фикрлайдиган, чуқур илмий билимга эга бўлган ёшларни тарбиялашда саноат, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, маънавият ва барча соҳаларнинг масъулиятини бирдек эътиборга олиб фаолиятни ривожлантириш лозим. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда Президент Ш.Мирзиёев бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича амалиётни ўташ масаласига эътибор бериб, бакалаврлар амалиётни йўналишга мос ишлаб чиқариш корхонасида ўталиши, лозим бўлса ўқишни тугатмасданок тегишли ташкилотларда меҳнат фаолиятини йўлга қўйиш лозимлигини айтди. Токи, бакалавриятни битирган мутахассис ўқишни тугатиб дипломини олгандан сўнг қаерда ишлашини олдиндан мўлжаллини олсин. Магистратура - илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида жорий қилинган таълим босқичи. Ш.Мирзиёев бу масалага ҳам эътибор бериб, ҳар бир магистрант амалиётни илмий текшириш институтларида ўтказиши лозим, дея таъкидлади. Олий таълим муассасаси – талабага назарий билим беради, бироқ амалий қўникма ва малака бевосита амалиётда шаклланади, ривожланади. Тан олиб айтиш лозим – шу пайтгача республикамиз олий таълимда битирувчи кадрларнинг етарлича билим, малака ва қўникмага эга эмаслиги қатор сабаблар билан бирга ДТС, ўқув режалар, ўқув дастурлари, таълимни ташкил этиш, баҳолаш мезонларидаги камчиликларда кўринади. Мана шу камчиликларни бартараф этишда кадр тайёрловчи ОТМ ва истеъмолчи ташкилотлар (вазирликлар) ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Бу муносабатларнинг йўлга қўйилиши аксарият ҳолларда ОТМни битириб, тегишли дипломни олиб йўналиш ва мутахассислик бўйича иш жойи, ўз ўрнини топа олмаётган битирувчилар сонини камайитиришга хизмат қилади. Юқорида айтилган фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси маълум маънода таъминланади.

Бозор талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашда ижтимоий шерикликни йўлга қўйишдан кўзланган асосий мақсад – битирувчининг ташлаган касби, таълим олган йўналиши бўйича қийинчиликсиз фаолият олиб боришига эришишдир. Зеро, Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунда "Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/2592>

ташкilotлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармок, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фукароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”¹, дея таъкидланади. Бу эса, давлат тузилмалари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишни тақозо этади. Таълим – давлат ва жамият ривожини белгиловчи муҳим тизим. Таълимга сарф этилган харажат, киритилган инвестиция вақти келиб албатта ўзини оқлайди. Юқорида келтирганимиздек, дунёнинг ҳозирги ривожланиши, тараққиёт тенденциялари инновацион жамият компонентларига эга бўлишни талаб этмоқда. Инновацион жамият компонентларининг муҳим талабларидан бири – муаммо ва эҳтиёжларга биргаликда оптимал ечим топиш, мақсадга ўзаро манфаатлар кесишуви орқали эришишдир. Худди шу маънода, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида фаолиятни йўлга қўйиш бир томондан замон талаби бўлса, иккинчи томондан ҳамма учун манфаатли эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўрганилган манбалар ва тахлиллар асосида таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ижтимоий шерикликни кучайтиришда қуйидагиларга аҳамият бериш тавсия қилинади:

- бакалаврият ва магистратура ДТС ва ўқув режалари иш берувчи ташкilot (вазирлик)ларнинг реал талаб ва эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилиши лозим;

- илмий кадрлар тайёрлашнинг дастлабки босқичи бўлган магистратурада жамиятнинг барча соҳаларидаги амалий муаммоларга илмий ечим топишга йўналтирилган лойиҳалар асосида изланишлар олиб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

- олий таълимда илмий-педагогик фаолият олиб борувчилар тегишли мутахассисликлар бўйича 3 йилда камида бир ойлан ишлаб чиқариш корхоналарида стажировка олиб боришни йўлга қўйиш лозим;

- ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари иштирокида олий таълим муассасаларида умумқасбий ва мутахассислик фанлари бўйича бир семестр давомида камида бир мартадан мастер-класслар ўтказилишини ташкilot қилиш мақсадга мувофиқ.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

ДАВЛАТ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎРТАСИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШДА КОНСЕНСУСГА ЭРИШИШ

Бегматов Ш.
НамДУ катта ўқитувчиси

Фукаролик жамиятини барпо этишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкilotлар ўртасида ижтимоий шерикчилик асосида фаолият олиб бориш даврнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Бундай шароитларда нодавлат нотижорат ташкilotлар ва давлат ўртасида ўзаро муносабатларни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида самарали олиб борилиши учун республикамизда “Ижтимоий шериклик тўғрисида” қонун ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлиги бир қатор нодавлат нотижорат ташкilotлар билан бирга Ўзбекистон Касаба уюшмаларига ҳам давлат билан ижтимоий ҳамкорлик асосида иш олиб борилишига “тамал тоши” қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида” қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган бўлиб, Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган ва 2015 йилнинг 1 январидан амалда қўлланила бошланди¹. Ҳозирда “Ижтимоий шериклик” деганда, ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари бўлган ишчилар ва институтлари тизими, яқка турдаги келиштириш механизмалари ва институтлари муассасалари, бюджет ташкilotлари, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат муассасалари, касаба уюшмалари ҳамда давлат бошқарув органлари, сиёсий ҳаракатлар, кенг қамровли шериклик бошқа ташкilot ва муассасалар орасидаги кенг қамровли шериклик – турли хил тушунилади². Қисқа қилиб айтганда, Ижтимоий шериклик – турли хил фикрга эга бўлган фукаролар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжихатлигидир, яъни давлат ва нодавлат ва нотижорат ташкilotлар ўртасида эришилишидир. Президент Ш.М. Мирзиёев тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ва мажбуриятлари нодавлат ва нотижорат ташкilotларига берилаётганлиги кузатишмоқда. Шулар қаторида Касаба уюшма ташкilotларига ҳам “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунда белгилаб ўтилган бир қатор моддаларда, айнан 5-модда ижтимоий шериклик соҳаларининг аҳолини соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, хотин-қизларни ҳуқуқларини химоя қилиш, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш каби соҳаларида ҳамкорлик олиб бораётганлиги яққол кўрина бошлади. Ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб бораётган Европа Иттифоқи таркибидаги давлатлардан Полша, Буюк

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2014
² Мирзакаримова М., Хайдаров М. Ижтимоий шериклик ва самарали бандлик. –Т.: 2014.

Британия, Германия, Венгрия ва Осиё давлатлари, ҳамда Америка Қўшма Штатлари ва Россия Федерацияси амалиётида давлат ва касаба уюшмалари ўртасидаги иштимой шериклик масалаларини ягона тартибга солувчи ҳужжат мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган усул, яъни Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси ва давлат ўртасидаги ижтимоий шериклик янги усул бўлиб, ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Ғарб давлатларида касаба уюшмалари ва давлат ўртасида камдан кам ҳолатларда ижтимоий шерик бўлиши кузатилади, аксинча уларда касаба уюшмалари кўпинча давлатга оппонент бўлиб келганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда касаба уюшмалари ва давлат ўртасида ижтимоий шериклик асосида бир қатор ишларни олиб борилиши факат ижобий томондан баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг асосий максалларидан бири албатта, давлат органларининг нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ҳамкорлигини янада кучайтириш ва давлатимиз ривожини таъминлашдан иборат. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси ўртасида 2017-2019 йилларга тузилган Бош Келишув, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги шартлар тизимдаги барча ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва имтиёзларининг энг паст даражасини кафолатлайди. Трипартизм асосида тузилган шартномада аҳолини соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан Ўзбекистон Касаба Уюшмалари федерацияси республикамиздаги 17 санатория ва 2 та дам олиш масканларида қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу объектлар қуриб битказилиши натижасида янги иш ўринлар сони кўпайиши мукаррар. Ана шу максалларни амалда бажариш учун касаба уюшмалари давлат билан ижтимоий шериклик асосида янги замонавий санаторий бинолари ва иншоотларини (Зомин, Чортоқ,

Косонсой ва х.) қуриб бермоқдаки, натижада ўн мингдан ортиқ фуқароларимиз ва чет эллик фуқаролар ўз саломатликларини тиклаб, жонажон Ватанимизнинг табиати ва меҳмондўстлиги билан танишиб кетишмоқда. Маданият ва спортни ривожлантириш каби соҳаларда ҳам Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси фаолликни қўлдан бермасдан келмоқда, қиска давр ичида Наманган вилоятининг ўзидагина бир қатор туманларида болаларнинг ёзги соғломлаштириш масканлари ва Наманган шаҳридаги “Океан” ёпик сув спорт аренасига Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан 33 миллиард сўм маблағ сарф этилиб, бассейн қуриб битказилди. Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 80 дан ортиқ фуқаро ўз иш ўрнига эга бўлди ва уларга йилига бир миллиардан ортиқ иш хақи ва рағбатлантириш фонди ажратилди. Бу иншоотда халқаро спорт мусобақалари ўтказилиши билан бирга минглаб болаларимиз сув спортининг “Синхрон сузиш”, “сузиш”, “сув полоси” ва каноэ билан шугулланишлари учун шароитлар яратилди.

Фуқароларни ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш Конституциямизда, Мехнат кодексда, “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Иш бевуқчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, санитария қондалари ва нормалари, мехнатни муҳофаза қилиш масалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан кафолатланган¹. Барча ҳолатлар бўйича касаба уюшмалари давлат билан ижтимоий шерикли тамойиллари асосида фаолият олиб бораётганлиги ҳаммага аён, бу меҳнатқашларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ёзги болалар оромгоҳлари ва дам олиш уйлари, санаториялардаги санитар қондалари ва нормаларига риоя этилишини назорат этиб бориш касаба уюшма ташкилоти мутассадилари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Хотин-қизларни ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасида касаба уюшма ташкилотларининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексда аёлларга, ёш болали аёлларга, 12 ёшгача фарзанди бор аёлларга, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, таълим муассасаларининг битирувчиларига ва ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган шахсларга бир қатор имтиёзлар берилишига эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқи, эркинликлари ва манфаатларини химоя қилишда самарали натижа беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Мехнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид норматив – ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. Т.1 Тошкент: Академнашр. 2018.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ИЖТИМОЙИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жумаев С.

ЎЗМУ тадқиқотчиси

Ҳозирги кунда ёшлар миллий ўзлигини англашнинг сиёсий-психологик жиҳатларини ўрганиш долзарб муаммо сифатида намоён бўлмоқда, ҳамда кўпгина фан соҳаларини кизиқтирмоқда. Бунинг кўпгина сабаблари мавжудки, асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтаемиз:

биринчидан, жамият турли миллат ва элатларнинг, унга мансуб этник гуруҳларнинг миллий ўзлигини англашга бўлган табиий интилиши мавжудлиги;

иккинчидан, миллий ўзлигини англаш феноменининг кўп қирралиги. турли фан соҳалари билан туташ нукталари ҳисобга олиш орқали уни холисона тушуниш мумкинлиги;

учинчидан, турли миллатга мансуб ёшларнинг миллий ўзлигини англаши нафақат фалсафий, ижтимоий-психологик ходиса эканлиги. Бу фанлар ўртасида ўзаро “интеграция” муҳитига бўлган талабининг ошиб бораётганлиги ва бошқа омиллар алоқадор.

Шунинг учун ёшларнинг психологик кечинмалари ижтимоий-сиёсий ўзгариш ва янгиланишларга, миллий ўзлигини англашга дастлабки омил сифатида таъсир этади, ҳамда сиёсий воқеликни акс эттиради. Амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қўлами ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётдаги ҳар бир янгиллик, фуқаролар, хусусан, ёшларнинг сиёсий қайфияти, қарашлари, эҳтиёжлари ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилади. Миллий ўзлигини англамаслик ҳолати ҳам фуқаро сиёсий психологиясида ифодаланади. Чунки, миллий ўзлигини унутган халқнинг, унга мансуб этник гуруҳнинг бугунги куни ҳам, келажаги ҳам бўлмайди. Айниқса, мустақиллигини қўлга киритган халққа мансуб ёшларнинг сиёсий психологиясида миллий ўзлигини англашда, маънавий тикланиши ва тарихий меросини билишга кизиқиш бениҳоят ортади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, ўзликни англаш – тарихни билишдан бошланади. Ўз тарихини унутган халқ миллий маънавиятидан маҳрум бўлади. Шунинг учун ҳам тарихда ўтган барча динидан ҳуллас, миллий маънавиятидан маҳрум қилишга ҳаракат қилган. Зеро юксак маданиятга эга, миллий онги ривожланган, таълим-тарбиясига эга халқни ўз эътиқотидан қайтариб бўлмайди.

Миллий ўзлигини англай олмаган инсонда маънавиятга нисбатан лоқайдлик кузатилади, виждон, номус, диёнат бўлмайди ва улар ҳар доим ўз шахсий манфаатини халқ манфаатидан устун қўйиб яшайди. Бундай

киши дунёда ҳамма ёмонликларни қилишга тайёр туради. Мустақиллик туфайли ёшларнинг этник гуруҳ сифатида миллий ўзлигини англаши миллий гоё ва ижтимоий тараккиёт ривожига қараб такомиллашиб, янгиланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам миллий ўзлигини англаш гоёси доимий янгиланиш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласидир. Сиёсатда миллий ўзликни англаш халқнинг минг йиллар давомида яратиб келган моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф одатлари, анъаналари, одоб ахлоқи, турмуш тарзи юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан боғлиқ. Деярли унитилаёзган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, удумларимиз, миллий кадриятларимиз ва тарихимизни, улуғ зотлар ва алломаларимизнинг муборак номларини тиклаш, бузиб ташланган масжидлар ва мадрасаларни таъмирлаш, асл холига келтириш миллий ғуруримизни юксак даражага кўтармоқда. Буларнинг ҳаммаси муайян миллатга мансуб ёшлар миллий ўзлигини англашнинг маънавий, сиёсий-психологик муаммолари сирасига қиради.

МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маматқулов Р.У.

ТКТИ катта ўқитувчиси

Ўзбекистонда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ижтимоий аҳамиятга эга қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда парламент ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг нодавлат, нотижорат ташкилотлар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, шакллари ҳамда мезонлари яратилди.

Қонунчиликни мустаҳкамлашда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган, қонунчилик органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги механизмини яратишда, миллий манфаатлар нуктаи-назаридан туриб, ривожланган давлатлар таърибига ҳам мурожаат қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

“Ижтимоий шериклик” тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шерикликка қуйидагича таъриф берилган: “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармок, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий

хужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.¹ Қонуннинг аҳамияти шундаки, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва таъсирини янада ҳуқуқий асосда кучайтиради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда кенг қўламли ишлар самарадорлигини оширишга, ижтимоий аҳамиятга эга дастурлар ва қонуности хужжатларини такомиллаштириш ҳамда амалга ошириш жараёнида, аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олинишида муҳимдир. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича халқаро амалиётда маълум барча воситалар қўлланилмоқда. Жумладан, фуқаролик жамияти, унинг бошқа тузилмалар билан ҳамкорлигига оид миллий қонунчилик асослари яратилгани соҳа ривожига хизмат қилаётганини кузатиш мумкин. Аҳолини ижтимоий химоялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани муҳимдир. Ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган шахсларга беғараз кўмак кўрсатишда, болалар ва аёллар муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик институтларининг фаол шугулланаётгани жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда яратилган миллий қонунчилик фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда эътиборга молик жиҳати, халқаро стандартларни миллий анъаналарга уйғунлаштирилган ҳолда, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси асосида ишлаб чиқилган. Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг бешта стратегик устувор йўналиши, умумий мақсадларимизни рўёбга чиқаришда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Стратегик мақсадларни амалга оширишда янада жонлантириш бугунги талабдир. Айниқса, жамиятда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг таъсири кучайгани, фуқароларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш кўплаб ташкилот ва тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлигини тақоза этади. Ҳамкорлик эса ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш ва кучайтиришдан бошланади. Бу борада қонунчилик тизимини яратиш билан чекланиб қолмай, балки унинг таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда ижтимоий шерикчилик субъектларининг функционал ижтимоий масъулиятини ошириш ҳам зарурдир. Давлатнинг фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаши, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириши, молиялаштириши эътиборга молик.

¹ Ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги қонуни. ЎРҚ-376-сон 25.09.2014.

Давлат томонидан тақдим қилинаётган қулай шароитлар, имтиёз ва имкониятлардан фойдаланишда, ижтимоий шерикчилик муносабатларидан мақсад - турлича манфаатларни мувозанатга келтириш асосий мўлжал қилиб олишлари зарур. Бу ўз-ўзидан амалга ошириб қолмайди. Бунинг учун ижтимоий шерикчилик муносабатларида иштирок этувчи субъектлар - давлат органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, умуман фуқаролик жамияти институтлари ўз функционал вазифаларини манфаатлар мувозанатини таъминлашга қаратишлари лозимдир. Шу асосда жамият ривожини барқарор таъминлаш мумкин. Бу учун эса, ижтимоий шерикчилик субъектлари, жамиятимиз аъзолари, барча фуқароларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ижтимоий фаоллигини, айниқса уларда ижтимоий шерикчилик онги, дунёқараши ва малақасини янада такомиллаб бориш ҳам муҳимдир. Буни биз ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйишда, ижтимоий ҳамкорлик маданиятини юксалтириш деб атасак, мақсадга мувофиқдир. Чунки, ижтимоий шерикчилик маданияти ва масъулиятни бўлмаса, жамият ривожини йўлида қилинаётган ҳар қандай сайн ҳаракат ва интилишлар ўзини қутилган самарасини бермайди. Тўғри, ижтимоий шерикчилик субъектлари ўз функционал вазифалари асосида фаолият юритади. Аммо, пиروвард мақсад - миллий манфаатларни таъминлаш ва шу асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш экан, улар муносабатларида ўзаро ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларисиз бунга эришиб бўлмайди. Ижтимоий шерикчилик субъектлари ўзи даъво қилаётган "Ижтимоий шерикчилик"мақоми ва нуфузига муносиб бўлиши керак.

Юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг реал мустақиллиги, улар фаолиятини давлат ва турли ижтимоий жамғармалар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, унинг пухта ўйланган ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш билан кучаяди. Шунда жамиятда турли манфаатларни мувозанатга келтиришнинг нишончли механизмлари яратилган бўлади.

Ижтимоий шерикчилик ҳам шундай механизмлардан энг муҳимидир. Бундай механизмдан ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, давлат қурилиши, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда фойдаланиш мумкин. Бу механизмлардан асосийсиўзаро манфаатдорликдир. Ўзаро манфаатдорликни таъминлашда келишув - ўзига хос манфаатларни инобатга олиш ҳолда, пиروвардда миллий манфаатлардаги умумий мақсад сари бориш, ўзаро ғоявий маслакка келиш ва оқибатда манфаатлар мувозанатига эришувга йўл очилади. Бу борада юртимизда, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат химоя қилиш балким, олий кадрият даражасига кўтариш борасида жуда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари позициясини янада мустаҳкамлаш эҳтиёжи юзага келмоқда. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш институтларини роли ва нуфузини ошириш чоралари

кўрилмоқда. Зеро манфаатлар оиладан, маҳалладан бошланади, шаклланади, ривожланиб амалга ошади. Ижтимоий шерикчилик асосида манфаатлар мувозанатига эришилган экан, бу жараёнда конкрет инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш муҳим мезон ҳисобланади.

Аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни янада раванк топтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари янги эҳтиёжларга мос ўзгартирилмоқда.

“Жамоат фонди томонидан 60 млрд сўмдан ортиқ маблағ 1,5 мингта яқин Нотижорат ва нодавлат ташкилотлари ва ОАВга субсидия, грант ва ижтимоий буюртма шаклида берилди. 2017 йилда 12 млрд бўлса, 2018 йилда 15 млрд сўм маблағ йўналтирилди.”¹

“Бугунги кунда 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий максалларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.”² Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев ислохотларнинг назарий асосларини амалий ҳаётда, реал кучга айлантиришга қаратилган, шиддатли чора тадбирлар ҳаётда, реал кучга айлантиришга қаратилган, шиддатли чора тадбирлар ишлаб чиқиш ташаббусини илғари сурди. Жамият барча соҳаларида ислохотларни амалга оширишга қаратилган “Йўл харитаси” ижтимоий шерикчилик муносабатларини замон талабида, янада кучайтиришни тақоза этади. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини ошириш, фуқаролар оини ва маданиятини миллий ва умуминсоний манфаатлар сари юксалтиришни аниқлатади.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Сабирова У.

ЎЗМУ Социология кафедраси доценти, с.ф.н.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга ошириладиган ислохотларимизнинг очиқ-ошқоралиги ва самардорлигини таъминлашда, уларнинг родини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш

¹ <http://uza.uz/oz/society/fu-arolik-zhamiyati-institutlari-yuksalish-bos-ichida-08-05-2018>

² Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг родини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон республикаси Президентининг Фармони. Ш.М. Мирзиёев. ПФ-5430-сон 04.05.2018

дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар қўзда тутилиши даркор”¹, деб таъкидлаган эди.

Ижтимоий шериклик жамиятнинг уч сектори – давлат тузилмалари, нотижорат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (баъзан, биринчи, иккинчи ва учинчи секторлар деб аталувчи) ўртасидаги асосли ўзаро ҳаракатни йўлга қўйишдан иборат. Барча уч секторнинг фақат ўзаро ҳаракати ва муштарак саъй-ҳаракатлари билангина энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Ижтимоий шериклик ижтимоий консенсусга эришишга йўналтирилган бўлиб, жамият барқарорлигига эришиш, унинг таракқиётини, самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга имкон беради. Ҳар бир сектор вакиллари бундай муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокда ўз масъулиятини турлича аниқлайдилар, турлича имкониятлар ва захираларга эгадирлар. Бирок улар ўртасида келишувга айнан эришиш, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари кўпгина ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга имкон беради. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишини таъминлаш, мамлакатдаги амалга ошириладиган ислохотларнинг ошқоралиги ва самардорлигини таъминлашдаги уларнинг родини кучайтириш ишида муҳим кадам бўлади. Шу жиҳатларни таълим соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Таълим тизимида ижтимоий шериклик жараёнлари, анъанавий таълим билан замонавий таълим ўртасида ўқитиладиган фанларга нисбатан муносабат қайсидир маънода ўзгарганини маълум қилади. Масалан, анъанавий таълимда асосий ургу психологик педагогикага қаратилган бўлса, замонавий таълимда унинг ўрнини социал педагогика аста секин эгаллаб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири дунёда кечаётган глобаллашув ва интеграциялашув, ҳамда ахборот технологияларининг таракқий этиб боришини мисол қилиб кўрсатилмоқда. Анъанавий таълимда бошқарув жараёнлари шахс ва ижтимоий гуруҳларга йўналтирилган бўлинса, замонавий таълим бевосита улкан маконни камраб олишга қаратилган. Бу билан психологияни родини инкор этиш керак эмас, у ҳар қандай ҳолатда ҳам бугунги куннинг энг муҳим соҳаси сифатида қолади. Аммо шу нарса маълумки, таракқиёт жуда катта ҳудудларда бир вақтнинг ўзида тез суръатларда амалга ошаётган экан, унинг фаолиятини белгилаб берувчи таълим ҳам шу суръатда юқори мавқега кўтарилади. Шунинг учун ҳам бошқарув жараёнларига таъсир ўтказишда кўплаб

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т: Ўзбекистон, 2010. - 56 б.

мутахассислар қатори биз ҳам социал педагогикага алоҳида эътибор қаратишни социолог нуқтаи назаридан таклиф этамиз.

Таълим социологияси ва социал педагогика таълим жараёнлари услубини шакллантиришда узвий алоқадорликда намоён бўлади. Чунки бу икки тармоқ шахсни маънавий-рухий камол топтириш билан бир вақтнинг ўзида жамият ижтимоий муносабатларидаги муҳим жиҳатлар ҳокимият, мулк, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, бошқарув ва таксимотга алоҳида эътибор қаратади. Маълумки анъанавий таълимда шахсни камол топтириш билан бирга, уни мутахассис сифатида тайёрлаш бош вазифа сифатида туради. Бунда кишининг қаерда туғилганлиги, ёшликда орттирилган кўникма, миллий ёки маҳаллий тарбия ва характер у даражада муҳим саналмайди. Аммо тараккиётнинг тез суратларда кечиши, вақт кутиб турмаслигини англата бошлади.

Замонавий таълимда энди нафақат табиий муҳит, демографик ҳолат, миллий характер ва кўникмага эътибор қаратилмасдан, балки мавжуд талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб муносабат билдириладиган бўлинди. XX асрда мутахассислар тайёрлаш жамиятнинг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилган бўлинса, бугунги кунда бозор муносабатлари ҳамма нарсада бўлгани каби таълимга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунинг учун ҳам бозор эҳтиёжи соҳаларида таълим олишга лаёқатли халқнинг катта ва истеъдодли қисми кўплаб тўпланиб қолса, иккинчи бир тармоқнинг даражаси шунчалик пастга тушиб бормоқда. Аслида бундан чўчишнинг кераги йўқ, мутахассислар бу ҳолатни даврий айланиш (цикл) деб баҳолайдилар ва вақтнинг ўзи барча нарсани тартибга солиб қўяди.

Ижтимоий шериклик назариясининг ишлаб чиқилишидан анча олдин кишиларнинг кундалик онгларида адоват эмас, балки муроса, ҳамкорлик ва шериклик тамойиллари устун бўлганлиги пайқалган. Вақт ўтиши билан, антагонистик тамойил ўрнига кўпроқ консенсус тамойили келади. У нафақат қарши томон манфаатларининг асослигини тушуниш ва тан олишни, балки уни ҳисобга олиниши зарур бўлган ижтимоий тараккиёт воқеликлари сифатида идрок этишни кўзда тутади. Консенсус – бу шунчаки ён бериш эмас, бу – умумий мақсадга эришиш йўлида кўпчилик томонлар учун мақбул ҳамкорликни ривожлантириш асосида муросага келишдир.

Таълим – бу инсонларнинг бутун бир ҳаётлари давомида орттирган билим ва тажрибаси, онг ҳамда кўникмаларини алоҳида тартибга келтириб, қайтадан уларнинг ўзларига қайтариб бериш учун шакллантирилган социал тизимдир. У нафақат маданий қадрият ва ижтимоий меъёрларни ўзида мужассамлаштириб қолмасдан, балки авлодлар ворислигини таъминлаб бериш учун тарбиявий, ҳиссий жараёнларни ҳам мушоҳада қилишга ўргатади. Унинг энг юқори чўққиси эса бошқарув муносабатларида ўз иникосини топади. Сабаби таълимни

қанчалик чуқур эгаллаб борилиши, кишини баъзан англаб, баъзан англамаган ҳолатда бошқарув жараёнларига олиб киради.

Семантик маънода, консенсус “келишиш, муроса қилиш”ни билдиради. Шунинг назарда тутиш лозимки, келишувга келиш, муросага эришиш маданияти аста-секин шаклланади. Дастлаб норози, келишмаётган, хусусий масалада келишмаётган, лекин асосий масалада қатъий бир фикрдаги томонларнинг биргаликда яшаши ва ишлаши меъёрларини ишлаб чиқиш асосида келишишига эришиш лозим. Масалан, томонлар ягона мақсадга эга бўлгани ҳолда, унга эришишнинг турли тактикаларини ёқлашлари мумкин. Ижтимоий шериклик назариясининг ишлаб чиқилишидан анча олдин кишиларнинг кундалик онгларида адоват эмас, балки муроса, ҳамкорлик ва шериклик тамойиллари устун бўлганлиги пайқалган.

Кўпинча, муроса келишувчилик ва қатъиятсизлик билан тенглаштирилади, бу хато. Аслида, сиёсат ҳам ҳар қандай жиддий масала каби муросасиз амалга оширилмайди. Муросанинг вазифаси “уйғунлик”ни ўрнатишда эмас, балки, демократик хатти-ҳаракатлар ва кўпчилик учун ўзаро мақбул бўлган қарорларни ишлаб чиқишдан иборат. Мавжуд ва юзага келаётган ихтилоф ва низоларни маданийлашган, инсоний ва адолатли муносабатлар оқимига туширишга ҳаракат қилаётган ижтимоий шериклик сиёсати айнан шунга хизмат қилади.

ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗНИ – ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ШЕРИКЛИКДАГИ ФАОЛИЯТИ

Тошпулатов Б.Б.

ЎзР Миллий гвардияси Ҳарбий – техник институти катта ўқитувчиси

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларда, эришилаётган залворли ютуқларда фуқаролик жамияти институтларининг, хусусан, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг муносиб ҳиссаси бор. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар ҳамда аёллар билан ишлаш, уларни бандлигини кафолатлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида маҳаллаларимизда эътирофга лойиқ ташаббуслар ўзаро шерикчиликда руёбга чиқарилмоқда. Ўз навбатида, маҳалланинг жамиятдаги нуфузини тобора ошириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ушбу ноёб тизимга халқаро миқёсдаги қизиқиш ва эътиборнинг ортишига сабаб бўлаётир.

Янги жамият бунёдкори бўлмиш ёш авлодни тарбиялашда hozирги кунда маҳалларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том манода ўзини ўзи бошқариш идорасига катта хисса қўшиб келаётган маҳалла оксоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий – ахлокий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айнан ана шу инсонларнинг одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида бераётган амалий ёрдамлари, тўғри ва ўринли маслаҳатлари туфайли оила ва маҳалла муҳитида, бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганини эл-юрт юксак қадирлашига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ёш йиғит ва қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятда ўзига муносиб ўрин топишида бу фидойи ва меҳрибон, жонкуяр одамларнинг қанчалик муҳим роль ўйнаётганини ҳурмат билан эътироф этишимиз лозим бўлади.

Бунда маҳалла билан ички ишлар идораларининг шерикчилигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳалла посбони тузилмаси ташкил этилди. Сардор ва посбонлар маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ички ишлар ходимларига шу ҳудудда-яшайдиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга алоқадор бўлган бир қатор вазифаларни бажаришга ёрдам берамоқдалар. Жумладан, фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳалла ҳудудида қонун устуворлиги ва осойишталикни таъминлаш, тартиб ўрнатиш билан боғлиқ ишлар мажмуаси қиради.

Шунингдек, ички ишлар идоралари фуқароларни ўзаро бошқариш тизми билан шерикчиликда қуйдаги ишларни амалга оширади:

- аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий кескинликни юмшатиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишнинг асосий шарти сифатида тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашиш;
- таълим муассасаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва ташкилотлардан мутахассисларни жалб қилган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;
- вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни ўзаро шерикчиликда амалга оширадилар;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширишда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички

ишлар органларининг, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро шерикчиликда фаолият кўрсатадилар.

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, шу жумладан, инфратузилмани ривожлантириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритадилар;

- давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритадилар;

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланган, ғайриижтимоий ҳуқ-атворга эга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор нормалари ва қондаларини сингдиришга қаратилган чораларни амалга оширадилар;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларга қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш бўйича тадбирларни, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда, ўтказиладилар;

- бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқадиладилар ва уларни ўрганадилар, нотинч оилаларни аниқлайдилар, улар билан профилактик ишлар олиб борадилар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда уларнинг манший ва бошқа муаммолари масалаларини ҳал этишга кўмаклашадилар;

- вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари ҳолатлари ҳамда уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли ташкилотлар билан шерикчиликда ўрнатилган тартибда ишлашни таклиф этилади;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ва оммавий ахборот воситалари билан шерикчиликни ҳамда бу борадаги ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайдилар.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинималарининг ички ишлар органларининг бошқа бўлинималари билан жинойтларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича шерикчиликда фаолият юритганлари тегишли натижага эришишни лозимлигини алоҳида қайд этиш лозим бўлади.

ПОЛИПАРТИЗМ - ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ СИФАТИДА

Эрназаров Д.З.
ТДИУ доценти, с.ф.б.ф.л. (PhD)

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк кунлариданок мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш, бу борада кучли ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди. Шу асосда инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳамда эркинликлари таъминланиб, унинг салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш жараёни изчиллик билан давом этмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий шериклик институтининг яратилиши, ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ҳамда қонунчилик асослари, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва ўрни ортиб бормоқда. Ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда парламент ҳамда жойларда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ННТ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, шакллари ҳамда мезонлари шакллантирилмоқда.

Ижтимоий шерикликни тамойилларини ривожлантиришда давлат, хусусий ва нодавлат сектори вакилларини фақатгина қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий нормаларни билиш эмас, балки ижтимоий фаровонлик равнақиға, аҳолининг турмуш даражасини янада ошишига ҳисса қўшувчи ННТларнинг муҳимлиги, улар фаолиятини жамиятда муҳим аҳамият касб этиши муҳимдир. Ижтимоий шериклик давлат органлари раҳбарларини жамоат ташкилотлари билан дўстона муносабатларни ўрнатиш ҳамкорлик қилиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фикримизча, давлат томонидан ижтимоий шерикликни ривожлантириш сиёсати қуйидагилар билан изоҳланади.

- ижтимоий шерикликни мувофиқлаштирувчи қонунчилик базасини шаклланишига замин яратади;
- ижтимоий соҳада қарорлар қабул қилишда нодавлат сектори вакилларини бевосита иштирок этиши таъминлайди;
- ижтимоий шерикликнинг янги қирралари, методлар ва воситалари ишлаб чиқилади;
- ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг ахборот макони вужудга келади, яъни аҳолининг ахборотга бўлган талаби, эҳтиёжи қондирилади;
- ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилинишида ижтимоий шериклик борасида жамоатчилик фикрини шакллантирилади;
- ижтимоий шериклик тамойиллари, механизмлари қонуний, бир вақтининг ўзида очик ва шаффоф бўлиши такозо қилинади.

“Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти одамлар онгида демократик кадриятлар ва қондаларни мустаҳкамлаш, аҳолида сиёсий, ҳуқуқий маданият, маънавият, фуқаролик фаоллиги, миллий ўзликни юксалтиришга таъсир кўрсатиш, шахсда ўз кадр-қиммати, мустақил фикрлаш, келажакни ўз қўллари билан бунёд этишга бўлган масъулият ҳамда хоҳиш-истакни юзага чиқаришга қаратилган”.¹

Аксинча, ижтимоий шерикликни амалга оширишда тизимийлик, доимийликни бўлмаслиги ижтимоий сиёсатнинг таъсирини ва самарасини сусайтиради. Шунинг учун ҳам ижтимоий соҳадаги ислохотларни амалга оширишда “Бош ислохотчи” вазифасини бажариши мақсадга мувофиқдир. Давлатнинг ёрдамида иштирокчилар ҳамкорлик стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади.

Миллий қонунчилигимизда сеторлараро ижтимоий шериклик қуйидаги соҳаларда амалга оширилиши назарда тутилган:

- аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;

- атроф муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

- ҳар томонлама барқамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

- оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом онлани шакллантириш;

- аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

- миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий кадриятларни тиклаш ва сақлаш.²

Биз танлаган модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил охиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.³

¹ Хотамова Г. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари. www.nimfogo.uz

² Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни 2014 йил 28 август.

³ Каримов И. Она юртимиз бахту икболи ва булук келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Ўзбекистон, 2015. - 129 б.

Бугунги кунда хорижий тадқиқотларда ижтимоий шерикликнинг анъанавий шакллари бўлган – бипартизм ва трипартизм ҳақида кўплаб илмий мақолалар, диссертациялар ва изланишлар олиб борилган. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ушбу икки шаклдан кейинги босқичда ижтимоий шериклик полипартизм тизимига ўтиши илмий башорат сифатида ўртага ташланмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида куйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши билан узвий боғлиқдир. Хусусан,

- ижтимоий шериклик тизими ўзининг мақсад ва вазифаларини бажариб бўлиши;

- жамиятда янги мақсадларига эришишга интилишнинг кучайиши;

- ижтимоий шериклик тизимида янги акторлар (катта йирик корпорациялар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар, иктисодий, молиявий субъектлар)нинг вужудга келиши;

- улар орасида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзаро консенсусга эришиши;

- ижтимоий, меҳнат ва бошқалар соҳада сегментациянинг кучли тарзда юз бериши ва акторлар томонидан муайян соҳаларнинг бўлиб олиниши полипартизм шаклини вужудга келтиради ҳамда тез суръатларда шаклланишига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик полипартизм шаклида акторларидан профессионализм талаб этилади ва шу билан бирга зиммасига юклатилган вазифаларни тўла-тўқис бажаришда маъсулияти биринчи даражага кўтарилади. Ижтимоий шерикликнинг трипартизм шаклида амалга оширилаётган ишлар самарасини аниқлаш учун тизимли мониторинг олиб борилиши талаб этилади. Кўзланган асосий мақсад ижтимоий шерикликнинг трипартизм шаклининг ривожланиш даражаси, динамикаси, мавжуд муаммолар, камчиликларни барвақт аниқлаш ва баргараф этишга имкон беради.

Фикримизча, ижтимоий шерикликнинг трипартизм шаклининг вужудга келиши ва ривожланиши “ахборотлашган жамият” шаоритида шерикликнинг трипартизм шакли учун “кучли платформа” вазифасини бажаради. ижтимоий шерикликнинг трипартизм шакли айнан шу платформа устига қурилади. Шундагина, ижтимоий шерикликнинг полипартизм субъектлари ўртасида ахборот алмашинуви, қайта ишлови, истеъмолчига етказилиши, ижтимоий шериклик субъектлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва ошкоралиги таъминланади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг фаолияти устидан давлат органларининг назорат қилинишига умуман ҳожат қолмайди. Ижтимоий назоратни фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ОАВ ва Интернет ҳамжамиятлари олиб боришади.

Фикримизча, келгусида ижтимоий шерикликнинг полипартизм шакли самараси бир вақтнинг ўзида иктисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаб, фуқароларни бир манфаат йўлида бирлашишга, муаммоларни бир жамоа бўлиб ҳал қилиш кўникмаларини шакллантиради. Ўз навбатида, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилинишида ижтимоий шерикликнинг акторларининг бевосита ишироки трипартизм тизимини шаклланишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Ижтимоий шерикликнинг полипартизм шакли асосига қурилган муносабатлар муайян йўналишда бўлиши, локал, минтақавий ва глобал хусусиятга эгаллиги, ўзига хос ёндашув ва воситаларнинг бўлишини талаб этади. Шу ўринда ижтимоий шерикликнинг полипартизм шаклида барча акторлар ўзаро ҳамкорлик ва манфатлари уйғунлигининг туташ нуқтасини топиш муҳимдир.

Ижтимоий шерикликнинг полипартизм шаклини ривожланиши ҳукукий масалаларда давлатнинг расмий бош ислохотчилик функцияларини сусайишига олиб келади. Натижада, давлат фақатгина муайян қонунлар, меъерий-ҳукукий ҳужжатлар ишлаб чиқиш вазифаси билан чегараланиб қолади.

Масаланинг яна муҳим жиҳати шундан иборатки, полипартизм шаклини ривожланишида лоббизм, унинг давлатга таъсир ўтказувчи воситалари ва субъектлари кучайиб кетади. Натижада, давлат қонунчилик ва бошқаруви тизимида коррупциянинг вужудга келиши хавфини кучайтиради.

Ижтимоий шерикликнинг полипартизм шаклида жамият вакиллари эса бош назоратчи, баҳоловчи, танқид қилувчи, йўл кўрсатувчи, маслаҳат ва тавсия берувчи вазифасини бажаради.

Буларнинг барчасини саралаш, тизимлаштириш, қонунийлаштириш ва жорий қилишга замин яратиш давлатнинг муҳим вазифасига айланади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий шерикликнинг полипартизм шаклининг ривожланиши куйидаги муҳим жиҳатларни тақозо қилади.

Биринчиси, ахборотлашган жамиятнинг жадал ривожланиши.

Иккинчиси, жамиятнинг ижтимоий масалаларини ҳал қилишда иштирок этадиган акторлар сонининг кескин ошиб кетиши.

Учинчиси, ижтимоий хизматлар бозори сегментациясини юз бериши билан изоҳланади.

РОЛЬ ННО В ПРОЦЕССЕ ЗАЩИТЫ ИНТЕРЕСОВ И ПРАВ ЛЮДЕЙ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

Абдухалилов А.
Доцент НУУз, д.с.н (PhD)

Мировой опыт показывает, что важным элементом защиты интересов и прав людей с инвалидностью является деятельность общественных организаций инвалидов, так как общественная организация осуществляющая защиту интересов и прав людей с инвалидностью ясно представляют себе проблемы, с которыми сталкиваются люди с инвалидностью и механизмы их решения. Активные люди с инвалидностью являются лучшими экспертами в сфере защиты прав и интересов людей с инвалидностью. Именно поэтому одним из ключевых принципов деятельности Организации Объединенных Наций в сфере инвалидности является принцип: «Ничего о нас без нас».

После приобретения независимости в Узбекистане начался активный процесс становления и развития институтов гражданского общества. В свою очередь данный процесс привел к возникновению различных ННО, целью которых является защита интересов и прав людей с инвалидностью. До 2012 года деятельность различных ННО инвалидов имел разрозненный фрагментарный характер, что не позволяло им активно быть вовлеченными в процессы принятия управленческих решений. Данный консультативный совет объединял 25 ННО инвалидов Узбекистана. Впоследствии появилась необходимость координации деятельности ННО инвалидов Узбекистана разработка общей стратегии действия, а также интеграция в крупные международные организации инвалидов. Исходя из этих причин, лидерами общественных организаций инвалидов Узбекистана было принято решение о создании Республиканской Ассоциации инвалидов Узбекистана. Учредительная конференция, которой состоялась 27 марта 2018 года. Следует отметить, что за этот короткий срок членами Республиканской Ассоциации инвалидов в Узбекистане стали 26 ННО, было открыто 7 филиалов в областях Республики Узбекистан.

В сфере разработки нормативно-правовых актов, направленных на защиту лиц с инвалидностью общественными организациями инвалидов была осуществлена следующая работа: Был разработан проект Национального плана по ратификации Конвенции ООН по правам инвалидов. ННО инвалидов активно приняли участие в процессе разработки Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному усовершенствованию Государственной поддержки лиц с инвалидностью». В Узбекистане от 1 декабря 2017 года. Ассоциацией инвалидов Узбекистана был разработан проект постановления Кабинета

Министров «Об учете статистических данных жизнедеятельности лиц с инвалидностью», в свою очередь который был принят Кабинетом Министров Республики Узбекистан. В партнерстве с Народно-Демократической Партией Республики Узбекистан и с Министерством Здравоохранения и Социальной защиты населения Республики Узбекистан, был разработан законопроект «О правах инвалидов в Узбекистане».

Важным аспектом деятельности общественных организаций инвалидов Узбекистана является участие в политических процессах страны. Так как сегодня существует понимание того, что повышением качества жизни людей с инвалидностью зависит от процессов активного лоббирования их интересов на политическом уровне. Для артикуляции и агрегации своих интересов в политической системе общества ННО инвалидов Узбекистана были предприняты следующие действия:

- Подписаны меморандумы крупных ННО Узбекистана с политическими партиями.
- Выдвигаются кандидаты в органы законодательной и представительной власти.

- ННО инвалидов сегодня принимает активное участие в процессе обсуждения тех или иных законопроектов, касающихся прав и интересов людей с инвалидностью.

- Разработаны предложения для ЦИК Республики Узбекистан по вопросам свободного и равного волеизъявления лиц с инвалидностью в избирательных процессах (Данные рекомендации были приняты и реализованы на последних выборах Президента Республики Узбекистан).

Важным элементом деятельности ННО инвалидов Узбекистана сегодня является повышение осведомленности общества о проблемах людей с инвалидностью, изменение отношения людей к лицам с инвалидностью. Сегодня крупные ННО имеют свои печатные издания и веб-сайты, что позволяет им освещать вопросы, касающиеся интересов и прав людей с инвалидностью. Был заключен меморандум Национальной телерадиокомпанией и Ассоциацией инвалидов Узбекистана по вопросам освещения жизнедеятельности лиц с инвалидностью, а также ННО инвалидов Узбекистана активно сотрудничает с ведущими СМИ Узбекистана в процессе освещения проблем и основных направлений социальной политики в сфере инвалидности.

В свою очередь для повышения потенциала, ННО инвалидов сегодня активно осуществляет международное сотрудничество со многими международными организациями, такими как ООН, ОБСЕ. Для изучения и имплементации опыта в процессе защиты интересов и прав лиц с инвалидностью. Некоторые представители от ННО инвалидов, если прошли стажировку в Японии, США, Германии и т.д.

Несмотря на столь интенсивную деятельность ННО Узбекистана по вопросам повышения качества жизнедеятельности лиц с инвалидностью. Существуют проблемы требующие своего решения:

1. Декоративность деятельности многих ННО осуществляющих свою деятельность в регионах страны;
2. Слабая обеспеченность ННО инвалидов Узбекистана финансовыми ресурсами, что в свою очередь не позволяет им концентрироваться на решении своих уставных задач;
3. Несмотря на активное выдвижение ННО кандидатов в депутаты в законодательные, исполнительные, представительные органы власти практически нет лиц с инвалидностью, способных в парламенте, а также в правительстве отстаивать интересы лиц с инвалидностью;
4. ННО инвалидов Узбекистана недостаточно вовлечены, в качестве экспертов в процессе разработки и принятия нормативно-правовых проектов, это в свою очередь приводит к нарушению принципа ООН (Ничего о нас без нас).

Для решения нами обозначенных проблем мы полагаем необходимо обратить внимание на реализацию следующих механизмов:

1. Для повышения финансовой самостоятельности ННО инвалидов Узбекистана, необходимо разработать и принять закон о социальном предпринимательстве;
2. Необходимо принятие государственных и региональных программ по вопросам инклюзивного бизнеса;
3. Политическим партиям Узбекистана необходимо обратить внимание на подготовку будущих депутатов с инвалидностью;
4. Сегодня существует необходимость всестороннего изучения ННО инвалидов в регионах страны, а также помочь в разработке стратегии их развития.

Думается, что реализация выше нами указанных предложений будут способствовать активной деятельности ННО, а также вследствие этого повышению качества жизни лиц с инвалидностью в Узбекистане.

Список использованной литературы:

1. «История Показывает» Зазуля А.В. Комплексная реабилитация инвалидов, 2003 г. Ст. 200. Г. Москва
2. Устав Консультативного совета при Национальной Ассоциации Некоммерческих Неправительственных организаций, 2012 год
3. Устав Республиканской Ассоциации инвалидов Узбекистана, 2018 год.
4. Доклад на учредительной конференции Ассоциации инвалидов Узбекистана от 27 марта 2018 года. Абдухалилов А.А. «Проект стратегии развития Республиканской Ассоциации инвалидов Узбекистана».
5. Исаков О.Ё. «Равные права без равных возможностей» gazeta.uz
6. Imkoniyat.uz

СИЁСИЙ ФАОЛЛИКДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ашрапов Б.

Ўзбекистон Миллий Гвардияси Харбий-Техник институти
тадқиқотчиси

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамкорликда фаол иштирок этишга ундовчи эҳтиёжлари ва зарурияти уларнинг ҳар бири манфаатларини гуруҳий ҳаракатларда ифодалаш ва қондириш мумкин эканлигини англаб этишга замин яратиб беради. Хозирги замонда ҳам гуруҳларнинг турлича манфаатларининг ўзаро тўқнашувлар ва зиддиятларга киришиши, шунингдек, уларни ўзаро келиштириш ва мувозанатлаштиришсиз ҳаётни изга солиб бўлмаслигини англаш давлат ва сиёсий ҳокимиятга бўлган эҳтиёжларни вужудга келтиради. Шахснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки бар қатор шаклларда намоён бўлади. Ҳар бир жамиятдаги сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиши улар учун зарурий ҳолдир. Шунингдек, давлат бошқаруви тизими таркибига кирувчи институтлар доирасида маъсул лавозимларда ўзаро шериклик сифатида фаолият юритиши ҳам белгилаб қўйилган. Ҳар бир мавжуд партия сиёсий ҳатти ҳаракатларда бевосита иштирок этиш, жумладан, референдум, йиғилишлар, имзолар тўплаш жараёнида фаол қатнашиши уларнинг низомида белгиланган. Шунингдек, ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида ҳам ўзаро шерикчилик сифатида иштирок этадилар.

Миллий қонунчиликда бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 18 та йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятлари эътиборга олинган. Юқорида зикр этилган жамоатчилик тизими ўзининг ана шу назорат икониятларидан қенг қўлланилган шунга ўхшаш фикрлар сиёсий партиялар фаолиятига ҳам нисбатан айтиш жоиз. Сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёни хозирги кунда ҳам давом этаётганлигининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнида сиёсий партияларнинг роли янада муҳимроқ аҳамият қабл этади. Ўзбекистонда қўшпартиявийлик тизими жорий қилиниши сайловларнинг янада демократлашувига, аҳоли турли қатламлари манфаатларини аниқ ва ошқора ифодалашга, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалишига омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу сиёсий қарашлар, концепциялар ва дастурлар ранг-баранглиги, иштирок рақобати вужудга келди. Мазкур жараён йилдан йилга ривожланиб бормоқда деб ҳулоса қилсак бўлади. Демак бу

шерикчилик турли инсонлар билан билан ҳамкорлик қилмай туриб муваффақиятнинг мақсадга мувофиқ равишда фаол вужудга келади. Фақат ўзаро ҳамкорлик туфайлигина бошқа инсонлар онгига таъсир этиш, ижтимоий муносабатларга кмиришиш мумкин. Тўғри ташкил этилган ҳамкорлик ва шериклик шахслараро илиқ муносабатларни вужудга келтиради. Шу маънода, ижтимоий ҳамкорлик - инсон фалсафасининг ажралмас қисмидир.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

Ашурова Н.Х.

Тошкент фармацевтика институти Ёшлар билан ишлаш,
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб Ўзбекистон ўз истикболи ва келажagini оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани юқоридаги анъанавий кадрятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган оила фаровонлигига жамиятимизда алоҳида аҳамият берилиб, бу давлат сиёсати даражасига чиқмоқда.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда жамоат бирлашмалари ва оила ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига асосан давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиб бериши ҳуқуқий кафолатланган.

Жамиятнинг эртаси, давлатнинг куч-қудрати бевосита оила билан чамбарчас боғлиқ ходисадир. Жамоат бирлашмалари оила фаровонлиги йўлида Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қатор ҳамкорлик шартномалари асосида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, унга мувофиқ тадбирлар олиб бормоқдалар. Тошкент фармацевтика институти талаба-ёшларнинг маънавий-маърифий тадбирларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизнинг сиёсий партиялар вакиллари, касаба уюшмалари жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар ташкилотлари, ёшлар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари билан кенг ҳамкорлик ижтимоий ҳамкорлик олиб борилади. Олиб борилган ишлар

юзасидан тегишли идораларга мунтазам равишда ҳисобот ва таклифлар бериб борилади.

Ёшларимизнинг маънавиятини шакллантиришда ижтимоий ҳамкорликда оилалар билан чамбарчас фаолият олиб боришимиз даркор. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қўйидаги фикрни таъкидлайдилар: Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик қабий тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат¹.

Бой илмий-маданий меросимиз, қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримиздан аёнки, ҳар қандай замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас кадрят саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик ҳисобланмиш оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор тараққий этишини аждодларимиз жуда яхши англашган.

Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда ижтимоий ҳавфларга қарши курашнинг - Фикрга қарши - фикр, ғояга қарши - ғоя, жаҳолатга қарши - маърифат билан курашиш, педагогик профилактик имкониятлари қатта авлоднинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, тажриба ва иш услублари, шакл ва воситалари аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Абдурауф Фитрат бобомизнинг ёш авлод тарбияси ҳақидаги куйида фикрлари билан изоҳлайди: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болалиқда олган тарбияларига боғлиқ”².

Оила-жамиятнинг бирламчи ўзаги, ижтимоий-маданий бирлик. Жамият ана шу кичик, аммо фавқулудда муҳим ўзақлардан ташкил топади. Лекин у шунчаки кичик жамоа эмас, балки инсонлар иттифоқидир. Ҳар бир оила шу маънода бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос бир оламдир. Эркак ва аёл, яъни икки инсоннинг муҳаббати, ризолиги ва иттифоқидан пайдо бўладиган оламдир³.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 75.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. // Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. – Б. 124-125.

³ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий лугат). Т. “Янги аср авлоди” - 2002. – Б. 126.

Оила – мукаддас маскан. Ўзбек халқи оилапарвар халқ. Маълумки, ўзбек оилалари хотиржамлик, бағрикенглик, тинчлик ва тотувлик сингари фазилатларни доимо устун қилиб қўйган. Азал-азалдан оилани мукаддас деб билган ота-боболаримиз бу масканга ўзгача меҳр-муҳаббат ила қарашган. Меҳр-оқибат, вафо, садокат сингари фазилатлар оиланинг ажралмас бир бўлаги бўлиб келган. Оилани мукаддас деб билган инсон ҳеч қачон оилага хиёнат қилмаган, оила шайнини ҳимоя қилган, шунингдек, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берган. Фарзандлар тарбияси - оилада муҳим бўғинни, вазифани ўтагани ҳеч қимга сир эмас.

Маълумки, фарзанд илк тарбияни оиладан олади. Бежизга халқимиз “Қуш уясидагини кўрганни қилади”, - деган ҳикматли сўзлари пайдо бўлмаган. Албатта, фарзанд тарбияси шундайин бир нозик масалаки бунда безътиборлик фарзандлар келажакка катта таъсир этиши барчага сир эмас. Агарда фарзандларимизнинг тарбиясига ёшлигидан эътибор қаратсак яқовлик, дангасалик, турли хил зарарли иллатларнинг олдини олган бўламиз. Чиройли одоб – ахлоқ инсондаги барча фазилатларининг нақшидир. Фарзанд эса бир ниҳол. Ниҳолни қай томонга йўналтирилса ўша томонга қараб бўй чўзаверади. Ота-она фарзандига одоб-ахлоқдан кўра яхши мерос қолдира олмайди. Фарзандининг камолини кўриш, унинг ортидан яхши каломлар эшитиш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Ҳеч бир ота-она фарзандини ёмон бўлсин ёхуд жамиятга зарар келтирувчи инсон бўлиб вояга етсин дея ниёт қилмайди. Фарзанднинг яхши ёмони ҳам бўлмайди. Фақат биз ота-оналар тарбия беришда баъзан хатоликларга йўл қўйиб қўямиз. Безътиборлигимиз, фарзанд тарбияси таълим муассасасининг вазифаси деган тушунчани маҳкам тутиб олганимиз, бизнинг вазифамиз эса фақат моддияти билан шугулланиш деган тушунчани онгимизга сингдириб олганимиздир. Ваҳоланки, таълим – тарбия илк қуртакларини оила деб аталмиш маскандан олади. Олис ўтмишдан маълумки, ота-боболаримиз ўз фарзандларининг ортидан ёмон сўзлар эшитса, дилозор бўлса, кўпнинг дуосига мушарраф бўлмаса, отанинг бошини эгиш, уялтириш каби жараёнларни кўрсатса бу каби фарзандлар келажакда ҳам ўз йўлини топа олмасликлари кузатилган. Маълумки, кўпнинг дуосини олиш, инсонларнинг хожатини чиқариш, ахли маҳалла олдида юзини ёруғ қилиб, жамиятга фойдаси тегадиган фарзандлар бўлиб вояга етишларида ота-оналарнинг ўз ўрни борлиги айти ҳақиқатдир. Шу боис фарзанд тарбияси - оила бўғинининг бош мезонидир. Мазкур гўшада вояга етаётган ўзбек фарзандлари аждоқларимизга муносиб ворислар бўлиб камол топишлари, шарқона одобни, ахлоқни ўзига шиор қилган, илм олиш истаги билан ёниб яшайдиган, дилларда ватанпарварлик туйғулари жўш урадиган ворисларни камолга етказиш ҳар бир даврда муҳим бўлгани каби бугуннинг ҳам муҳим вазифаларидан биридир. Ўтмишдан ўзбек халқи фарзанд тарбиясига илм олишга иштиёқини уйғотиш, китобга меҳр қўйиш сингари тушунчаларга жуда катта аҳамият берган. Бугунги кунда ҳам

оилаларда фарзанд тарбиясида китоб мутолаасига қизиқишини уйғотиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам бежиз эмас. Шу боис ҳозирги куннинг энг долзарб масалалардан бири мутолаа маданиятини шакллантиришдир. Дарвоқе, олийгоҳга келган талабада анчагина мутолаа маданияти шаклланган бўлиши керак, агарда унинг ота-оналари фарзанди билан ушбу масалада иш олиб борган бўлса. Ушбу масала юзасидан ҳам олий таълим муассасаси ва оилалар ҳамкорлиги йўлга қўйилиши лозимлиги кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда ўтказилган видеоселектор мажлисининг 12-сонли “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида”ги баён қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кишиларнинг айниқса, ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш борасида ижтимоий акциялар ўтказилаётганлиги ҳам ёшлар маънавиятини шакллантириш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини, китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини ошириш йўлида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу каби вазифаларни нафақат давлат, жамият ёки ташкилот вакиллари бажариши балки оилалар, ота-оналар ҳам ўз ҳиссасини қўшишлари лозим. Барча қилинаётган амалий ишларнинг бош деб очаси ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларнинг эртасини ёруғ қилиш, жамият ривожланишида, тарққий этишида ёш авлод салоҳиятига билим ва малакасига қараб белгиланишидир. Бунга эришишнинг биргина йўли илмдир. Илмдан бошқа нажот йўқлигини нафақат ўтмишда балки бугунги кунда ҳам ўз исботини топиб улгургани айти ҳақиқатдир. Шу боис барча даврларда фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни юкори даражада эканлигини исботлаб, асослаб берилган.

Бола дастлабки тарбияни оилада олганлиги сабабли, оила болаларни китобга қизиқтирувчи асосий маскандир. Шундай оилалар борки, ота-она ва болалар биргаликда китоблар ўқиб, олган таассуротларини муҳокама қилишади. Бу билан шу оилада тарбияланаётган болаларда фикрлаш қобилияти ривожланиб, аниқ мақсадлар сари интилиш, ижтимоий фаоллик юзага келади. Бирок ҳеч бир аъзоси китоб ўқишга қизиқмайдиган оилалар ҳам учрайди. Бундай оилаларда тарбияланаётган болаларнинг кўпчилигининг савияси ва дунёқараши паст, фаоллиги суст бўлади. Бу масалага янада чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, ёшлар маънавиятини шакллантиришда оналаримизнинг, қизларимизнинг маънавий салоҳиятини кўтариш зарур. Қачонки, оналар маънавий олами бой бўлса фарзандларимизнинг олами ҳам биз уйлаган, биз орзу қилган фарзандлар бўлиб камолга етишлари айти ҳақиқатдир. Шу боис қизларимизни оилага тайёрлашда бу каби масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур. Оналаримиз китоб мутолаасига қизиқмас экан фарзандларида ҳам шу

жараёнга интилиш сустиги кузатилади. Бежизга ёшлигимиздан момоларимиз, оналаримиз аллалар билан ором олишга ундашган, эртаклар эшитиб улгайган кунларимиз, китоб оламига қўлимиздан тутиб олиб киргандаги таассуротларимиз хали хануз ёдимизда. Бугунги кунда ҳам китобларга бўлган меҳримиз ўзгача. Шундан кўриниб турибдики ёшларни тарбиялашда биринчи ўринда оилалардан бошлашимиз керак.

Оилада биринчи навбатда ота-оналар болалар учун мўлжалланган китоб жавонини ташкил этишлари лозим. Мазкур жараёнда ота-оналар “Китобсиз уй – гўё рухсиз танадир” деган мулоҳазага таянган ҳолда, шунчаки китоб жавонини тўлдириш билан чекланиб қолишмасдан, балки уйни маънавий озуқа, хикматлар рухияти билан бойитиши зарур. Ота-оналар болаларга дастлаб китобларни ўзлари танлашга ёрдам беришлари, уни ўқиш қондалари билан таништириши, китобнинг қизиқарли воқеаларга бойлиги ҳақидаги ишончни ҳосил қилишлари, сўнгра ҳар бир ўқилган китоблар юзасидан суҳбатлар ўтказиши ва болаларини макташ ва суянтириш асосида мутолаа жараёнинг барқарорлигини таъминлашига эришиши лозим. Китобларни танлаш жараёнида испан файласуфи Балтасиан Грасианнинг “Баъзилар китобларнинг хажмига қараб баҳолайдиар, гўёки китоб аклини чархлаш учун эмас, балки қўл мушакларини машқ қилдириш учун ёзилганидек”¹, -деган фикрига эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ота-оналар болаларни китоб ўқиш гигиенаси, китоб ўқиш учун диққатни йўналтира олиш каби китобхонлик малакаларини ҳам шакллантириб бориши лозим.

Азал-азалдан халқимиз бир фарзандга етти маҳалла ота-она деган ибораларни кўп қўллашади ва буни амалиётда ҳам исбот қилишади. Шу боис фарзанд тарбиясини оила, маҳалла ва таълим муассасаларини узвийлигида олиб борилса кўзланган мақсадга эришилади.

Баркамол авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оилада – ота-оналар, маҳаллада – кўни кўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасаларида – профессор-ўқитувчилар улуғ аждоқларимизга муносиб фарзандлар бўлишлари учун масъулдирлар. Бу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро чамбарчас боғлиқ уч омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадирлар. Бу борада оила институти ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сонли қарори билан “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланди ва ҳамкорлик фаолияти йўлга қўйилди.

¹ Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. - Т.: Фан, 2004

Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида кенг жамоатчилик иштирокида институтимизда таълим-тарбия жараёнига оид масалаларни муҳокама этишга оид тегишли чора-тадбирлар белгилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан олийгоҳнинг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини кучайтириш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида маънавий-маърифий ва тарбиявий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ЎТИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Баратбаев Б.
ЎзМУ мустақил изланувчиси

Бугунги кунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва миллий тараққиётга эришиши биргина табiiй ресурсларига қай даражада ишлов беришда эмас, балки давлатнинг интеллектуал маҳсулотларни юқори даражада қўллаб қувватлаши, меҳнат бозорини янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан шакллантириши, институционал тизим ва қонунчилик базасининг ўзаро мувофиқлигини ва меҳнат бозоридаги мутахассислар рақобатбардошлигини таъминлаши, шунингдек, давлат, фуқаро ва мансабдор шахслар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаши билан боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистоннинг мулкчилик шаклларида рўй берган кескин ўзгаришлар, меҳнат муносабатларини тартибга солиш шакллари ўзгаришини талаб қилди. Шу боис юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг ролни ва таъсирини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш мақсадида янги қонунлар ишлаб чиқиладир. Ўз навбатида, бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1.3-бандида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шериклик самарасини ошириш¹ устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланганлиги ҳам миллий тараққиётга эришишнинг янги босқичида ижтимоий шериклик муносабатларининг аҳамиятини кўрсатиб беради.

¹ ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. 1-илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

Ижтимоий шериклик тизимининг энг мухим элементи шериклик муносабатлари механизми бўлиб, асосини ўзаро алоқа усуллари, шакллари ва жараёнлари, тузилган шартнома ва келишувларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тизими, ташкилий-функционал тузилмалар ташкил этади.

Юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг рўёбга чиқарилиши кенг жамоатчилик манфаатларини кафолатлаш мақсадида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг ишлаб чиқилиши мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фуқаро, нодавлат ноижорат ташкилотлари иштироки ва ўзаро ҳамкорлигини амалга оширилишининг ҳуқуқий асосига айланди.

Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига биноан “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари билан мамлакатни ижтимоий-жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармок, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.”¹ Яъни, ижтимоий шериклик — давлат тузилмалари, фуқаро ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро манфаатли учбурчагидир. Уларнинг ҳамкорлиги қанчалик кучайса, жамият шунчалик кучаяди.

Ижтимоий шериклик - ижтимоий ва меҳнат муносабатларининг тубдан янги тури сифатида, биринчи навбатда, ходим фақат ижтимоий ва меҳнат муносабатларининг объекти бўлиб қолмай, балки иш берувчи билан биргаликда ушбу муносабатларнинг фаол аъзосига айланади ва уларни турли даражаларда тартибга солишда иштирок этади; иккинчидан, ушбу жараёнда давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, иш берувчилар ва иш берувчиларнинг вакиллари иштирокида тенг ҳуқуқлилиқ принципи ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг энг мухим принципига айланади.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари родини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаш бўйича стратегик мақсадларга эришишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Давлат билан «учинчи сектор» номини олган фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикчилиги орқали мамлакатда демократик ислохотлар чуқурлаштирилиши, жамиятдаги долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал этилишининг муҳим омилига айланмоқда. Айни пайтда бундай шериклик жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда

алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг мухим воситаларидан бирига айланмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳамкорлик аниқ муаммони биргаликда ҳис этган ва уни ҳал этишга киришган томонларнинг тенгликка асосланган, узок муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларидир. Шу босидан у юксак масъулиятни тақозо этади. Шундагина уларнинг ҳамкорлик фаолиятлари самарали бўлади, муаммоларга ечим топилади.

Умуман, ижтимоий шериклик — турли хил фикрга эга бўлган фуқаролар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги ҳамдир. Турли мақсадга эга бўлган инсонларни бир мақсад йўлида бирлаштириш мураккаб вазифадир. Аммо Ватан равнаки, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига эришишда ана шу эзгу ғоялар, пок мақсад ва ниятлар яқдиллашуви мухим аҳамият касб этади. Қолаверса, ижтимоий шериклик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлиги, турли миллат, ирқ ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги, илғор ғояларнинг ўзаро уйғунлиги, ҳар бир шахс ўзининг фуқаролик бурчини ҳис этиши, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик асосида шаклланади ва ривожланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш миллий тараққиёт модели ва унинг асосида ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда, жамият ва давлат, фуқаро ва жамоат бирлашмалари, иш берувчи ва ходим каби муносабатларнинг гуманитар муаммоларини ҳал этишда, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқи, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда тўлақонли таянчи бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Дилбарова М.Р.

ТТЙМИ талабаси

Илмий раҳбар: Раҳмонов А.А.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республикаимизда қисқа давр ичида жуда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Шу жумладан мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди ва кўплаб қонун ва қарорлар қайтадан кўриб чиқилди. “Ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги” қонун замирида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг тезкор ривожланишига эришиш, уларни амалга ошириладиган ислохотларнинг очиқ-ошқоралиги ва

самарадорлигини таъминлашдаги ролини янада кучайтириш мақсади мужассамдир.

Дарҳақиқат, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини бўлиши нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларинг бирига айланди. Бунга мисол қилиб улар томонидан ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда давлатнинг молиявий қўллаб қувватлаш ҳолатларини олишимиз мумкин. “Ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги” қонуннинг 8-моддасида келтирилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши ҳам юқоридаги фикримизга асос бўла олади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган фалсафа, социология, сиёсатшунослик ва бошқа фанларга оид адабиётларда асосий эътибор фуқаролик жамияти институтларининг моҳияти, миқдори, функциялари каби масалаларга қаратилган. Бундай институтлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил қилади. Бирок, негизнинг ўзи фуқаролик жамияти, дегани эмас. Бундай институтларнинг сони ўн минглаб ва юз минглаб бўлса ҳам фуқаролик жамияти қурилиб қолмайди. Фуқаролик жамияти вужудга келиши учун ана шу институтлар, давлат ҳақимияти органлари ва бизнес вакиллари ўрташида шериклик муносабатлари бўлиши шарт. Шу маънода айтиш мумкинки, ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятига олиб борадиган асосий йўлдир.

Ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг асосий принциплари қонунда бегиланганидек, қонунга бўйсунуш, тенг ҳуқуқчилик, очикилик ва шаффофлик, ҳаммабоплик, мустақиллик, ҳолислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулияти, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги. Шу жумладан ижтимоий шериклик қуйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин:

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;
- атроф муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;
- ҳар томонлама барқамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;
- оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий.

маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

- фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

- аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Ижтимоий шериклик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ижтимоий шерикликнинг тамойиллари ўзининг мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий адолат, фуқаролар фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида қайғуриш каби мажбуриятни олади. Шунингдек, ижтимоий йўналтирилган сиёсатни ўзининг асосий вазифаси деб билиб, мазкур сиёсатнинг конституцияда белгиланган йўналишларнинг кенг камровли амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатади.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, ижтимоий шериклик тизими фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади. Юқоридаги айтилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, “Ижтимоий шериклик” ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тараққиёт дастурларини амалга оширишда, муаммоларни ҳал этишда турли катламларнинг ҳуқуқ, эркинликларини ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати ташкилий ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси ва таянчи бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий шерикликнинг яна бир хусусияти борки, бу муносабатлар тизимида тарафларнинг барчаси соҳада тенг ҳуқуқ ва манфаатларга эга бўлган ва ижтимоий келишишга асосланган ҳамда баравар манфаатдор бўлган тарафларнинг ҳамкорлигидир.

ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЎРНИ

Джалилов Б.Х.

ЎзМУ доценти

Ижтимоий ҳамкорликнинг моҳияти жамиятдаги хилма-хил манфаатлар ва қарашларга эга бўлган ижтимоий гуруҳларни жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, барқарор ривожланишга эришишнинг шартини ва қаролатини яратиш мақсадида бирлашишларидир. Ўзбекистон каби кўп миллатли, турли диний конфессияларга мансуб бўлган фуқаролардан ташкил топган давлатда ижтимоий ҳамкорлик ғояси мамлакат тараққиётини кафилловчи омиллардан биридир.

Ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мустаҳкамлашда муҳим роль ўйновчи воситалардан бири диний бағрикенгликдир. «Бағрикенглик ва мутаассиблик» китоби муаллифлари таъкидлаганларидек, умуман бағрикенглик «кишиларни ҳамжихатлик ва ижтимоий ҳамкорликка чорлайдиган шарт-шароит ҳамда тамойил сифатида ижтимоий воқелик билан чамбарчас боғлиқ феномен ҳисобланади».

Диний бағрикенглик (толерантлик) муаммоси ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб, унинг замирида жамият аъзоларининг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида (2017 йил 19 сентябрь, Нью-Йорк) терроризм ва экстремизмнинг илдизини жаҳолатпарастлик ва мурасасизлик ташкил этиши тўғрисида гапирди. Жаҳон ҳамжамиятида жуда катта кизикиш уйғотган ушбу нутқида Республикамиз раҳбари икки катта ташаббусни муҳокамага қўйди: биринчиси, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этди ва, иккинчидан, Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисида резолюция қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Қисқа муллатда 53 давлат вакиллари иштирокида Ўзбекистон раҳбарлигида ушбу резолюция ишлаб чиқилди ва 2018 йил БМТ томонидан қабул қилинди.

Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат, - деди Юртбошимиз. – Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмаклашишга қаратилган»[1].

Диний бағрикенглик тушунчаси бу-сабр-тоқатлилик, чидамлилик, бардошлилик ҳамда инсон, жамият, дунё ҳақидаги қарашларнинг ўзаро мувоҳаси усулидир.

Динларнинг келиб чиқиши бир бўлишига қарамай жаҳолатдаги халқлар турли динларга, ҳаттоки бир миллат вакиллари ҳар хил динларга эътиқод қилиши ҳам мумкин. Диний таълимотлардаги мавжуд эзгу фикрлар асосида турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида бағрикенглик тамойили ҳукм суради. Чунки, диний таълимотлардаги Худога сизиниш, кишилар ўртасидаги тотувлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик, виждонийлик, ҳалоллик, поклик, инсоф-диёнатлилик каби талаблари шахс, гуруҳ ва жамият аъзолари ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Ислоҳ манбаларида Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида ишлаб чиқилган қадриятлардаги диний бағрикенглик ғоялари асрлар давомида мусулмон халқлари, хусусан ўзбек халқи ижтимоий-маънавий ҳаётида

муҳим ўрин эгаллаб келган. Зеро, ислом динининг ақидавий, ижтимоий-ҳуқуқий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, кўрсатмалари мазмунида диний бағрикенглик тамойиллари алоҳида ифодасини топган. Қуръонда инсонларнинг турли миллатларга ва динларга мансублиги бир-биридан фарқ қилишлари табиий эканлиги, аммо бу нарса улар ўртасидаги адоват, низо ва урушлар учун сабаб бўлаолмаслиги ҳақида қўпгина оятлар келтирилган. «Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) муқаррамроғингиз такводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир» (Хужурот сураси, 13-оят.) «Динда зўрлаш йўқ...» (Бақара сураси, 256-оят.) «Дин тўғрисида сизлар билан уришмаган ва сизларни ўз юртингиздан (хайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас, албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар» (Мумтахана сураси, 8-оят.) «...Агар Аллоҳ хоҳласа эди, сизларни бир уммат (бир хил шарнатда) қилиб қўйган булур эди. Лекин Узи берган нарса (шарнатлар)да сизларни синаш учун (бир хил қилмади)...» (Монода сураси, 48-оят.) Яна Юнус сураси 19, 193 оятлар, Шуаро сураси 8 оят; Наҳл сураси 125 оят; Монода сураси 32 оят; Нисо сураси 75-76 оятларда ислом динида мажбурлаш йўқлиги ва бошқа ғайридин вакилларига нисбатан адоват қилиш йўқлиги каби диний бағрикенглик талаблари келтирилган.

Ислоҳ асосий манбаларидан бири бўлган ҳадисларда ҳам бошқа диндаги кишиларга нисбатан адоват қилиш, зулум ўтказиш, айниқса, одам ўлдирини у қандай миллатга ва динга мансуб бўлишидан қатъий назар катта гуноҳ ҳисобланиши ҳақида қатор ҳадислар келтирилади.

Диний мурасасозлик ва бағрикенгликнинг ҳуқуқий асослари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, улар асрлар давомида халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, мусулмон қонунчилиги бўйича мусулмон давлатига тижорат ёки бошқа бирор сабаб билан келган ғайридин давлатининг фуқароси худди шунингдек, мусулмон давлати фуқароси бошқа ғайридин мавжуд бўлган давлатларга борганда омонлик, яъни химояга қафолат олиши шарт ҳисобланган. Бу ва шунга ўхшаш диний бағрикенглик билан боғлиқ ҳуқуқий қонунлар ал-Марғинонийнинг «Хидоя» асарига ишлаб чиқилган. Бу диний ҳуқуқий асослар асрлар давомида мусулмон ва ғайридин мамлакатлари ўртасида тинчлик-осойишталик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий ва тижорат ишларини йўлга қўйишга хизмат қилган. Шу билан бирга турли динларга мансуб давлатлар, халқлар ўртасида ишонч, дўстона муносабатларни ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига ўз хиссасини қўшган.

Бугунги Ўзбекистонда 130дан зиёд миллат, элатлар вакиллари истикомат қилиб исломдан ташқари яна 15 та диний конфессиялар мавжуддир. Халқлар турли динларга эътиқод қилишидан катъи назар, улар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, диний бағрикенглик ҳукм сурмоқда.

Мустақиллик йилларида диний бағрикенглик тамойилларига зид ҳолда халқимизнинг тинч ҳаётига раҳна солувчи сиёсий кучлар, диний ҳаракатлар ҳам кириб келди. Халқаро терроризм билан диний экстремизм ҳозирги кунга келиб жиддий муаммога айланди. Ана шундай шароитда ҳам Ўзбекистон ҳукумати диний бағрикенглик сиёсатини собит қадам билан амалга оширмоқда.

Ўзбекистон диёрида диний бағрикенглик ва турли эътиқод соҳиблари орасидаги ўзаро ҳурмат руҳи узоқ тарихга ва дунёга ўрناк олаётган арзийдиган анъаналарга эга. Диншунослар, файласуфлар олдида турган муҳим вазифалар – диний бағрикенглик соҳасида минг йиллар мобайнида Ўзбекистон тўплаган тажрибани янада чуқурроқ ўрганиш, жаҳон миқёсида тарғиб қилишдир. Бунинг учун барча сиёсий ва маънавий имкониятлар мавжуд. Зеро, қабул қилинган резолюцияда БМТга аъзо давлатлар миллий ва халқаро ОАВ ҳамда Интернетда кенг қўлланли тарғибот ишларини ўтказиш, бағрикенглик, дин ва эътиқод эркинлигига раҳна солмаслик тўғрисидаги маърифий ахборотларни тарқатиш каби коммуникацион стратегияни жорий этиш тақлиф қилинган.

Резолюцияда таълим, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва дустликнинг олға сурилиши муҳим рол уйнаши таъкидланади, шунингдек, дунёда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш учун интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бағрикенглик ва ўзаро тушунишнинг муҳимлиги тан олинади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ (2017 йил 19 сентябрь, Нью-Йорк). <https://sputniknews-uz.com/politics/20170920/6345445.html>
2. «Маърифат ва диний бағрикенглик» БМТ Бош Ассамблеяси Резолюцияси <https://www.gazeta.uz/uz/2018/12/%2013/bmt-rezolyutsiya>.
3. А. Утамурадов, А. Абдуллаев, А. Ташанов – Бағрикенглик ва мутаассиблик. Тошкент, 2011, 4-бет.
4. Маърифат-тинчлик асоси. Тошкент, 2017, 6-9 бетлар.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ШАРОИТЛАРИДА ИЖТИМОЙ РЕКЛАМАНING МОСЛАШУВИ

Исанова Г.
ЎзМУ катта ўқитувчиси

Ижтимоий муносабатлар такомиллашувида ижтимоий шериклик тизими қанчалик яхши ривожланганлиги катта аҳамиятга эга. Ижтимоий шериклик "нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қелишилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ечиш, мамлакат аҳолисининг турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўзаро ҳамкорлиги" сифатида талқин қилинмоқда.

Ўзбекистонда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бунинг тасдиғидир (25.09.2014). Ушбу қонуннинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат: "...ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш" [2]. Шунингдек, қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий тамойиллари ва соҳалари белгиланган.

Ижтимоий шерикликнинг қуйидаги асосий тамойиллари тасдиқланган [2]:

- қонунга бўйсунуш;
- тенглик;
- очиклик ва шаффофлик;
- фойдалана олишлик;
- мустақиллик;
- объективлик;
- ўзаро ҳурмат, манфаатларни ҳисобга олиш ва масъулият;
- мажбуриятларни қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

Ижтимоий шериклик соҳалари эса ушбу Қонунга мувофиқ қуйидагилар эътироф этилган [2]:

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш;
- аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш;
- атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини ўрнатиш;
- барқамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларни маърифатини ошириш, маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва касб-хунарга йўналтириш;

- оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

- фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

- аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

- миллатлараро, маданиятлараро ва фуқаролараро тотувлик ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ва тарихий-маданий кадрларни тиклаш ва асраш;

- истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш.

Ижтимоий шериклик бугунги кунда турли-туман жамиятни бирлаштира оладиган ва уни кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал қилишга йўналтирадиган йўл ҳисобланади. Бирок, ижтимоий шерикликнинг деярли барча ташаббуслари эътиборга олинмаган тақдирда, турли хил тўсиқларга дуч келиниши мумкин. Буни олдини олиш учун, бизнинг фикримизча, жамиятни ижтимоий шериклик тизимига интеграциялашувининг кўп томонлама сиёсатини амалга ошириш керак.

Ва бу борадаги катта умидлар ижтимоий реклама билан боғланган. Бугунги кунда ижтимоий реклама жамият ҳаётидаги ижтимоий соҳани шакллантиришдаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кенг жамоатчиликни замонавий инсониятнинг долзарб муаммоларига жалб қилиш орқали ижтимоий фаолиятнинг ҳақиқий акторлари бўлмиш, ижтимоий тараққиётнинг потенциал иштирокчилари сони ошди [3, 81-82].

Замонавий ижтимоий фаолиятнинг тарғиб қилиш, жамиятни ғоялар, хатти-ҳаракатлар ва амалиётларни тарғиб қилиш, назардан инсонпарварлаштиришга ва ижтимоий манфаатлар нуктаи назардан фойдали бўлган шахсий мақсадларга эришишга ёрдам берадиган шахсий бўлмаган вакиллик ва тарғиботнинг махсус шакли ҳисобланади" [4].

Тегишли соҳаларда ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишда ижтимоий реклама имкониятларини кўриб чиқамиз.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида. Бу жиҳатдан ижтимоий реклама аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож катламларини химоя қилиш масалаларига бевосита эътибор қаратиши мумкин. Бундан ташқари, аҳолининг аксарият фаол қисмига алоҳида эътибор қаратиш ёки айниқса, ижтимоий химояга муҳтож аҳоли гуруҳларининг манфаатларини қондириш муаммосини ҳал қилиш учун уларнинг салоҳиятли кучларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш соҳасида. Мазкур соҳа

алоҳида иқтисодий қизиқиш уйғотиб, айнан Ўзбекистонда иқтисодиётни, хусусан, яқка тартибдаги тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича йўналиш қабул қилинди. Ушбу соҳада ижтимоий реклама ҳали ўз ўрнини аниқламаган бўлса-да, бироқ иқтисодий онгни ошириш мақсадида аҳолини фаоллаштириш жараёни ҳали давом этмоқда ва бу турдаги реклама ҳали ўз сўзини айтади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини ўрнатиш соҳасида. Ижтимоий реклама ҳозирги кунда энг кўп фойдаланадиган соҳалардан биридир. Биринчи навбатда, бундай фаолият Орол денгизи қуришининг жуда мураккаб кўп иддизли муаммоси, айрим ҳудудларда нафакат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёда ерларнинг чўлланиши, тоза ичимлик суви, энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, атмосферага зарарли моддалар миқдорини камайтириш, соғлом тежамкор технологиялардан фойдаланиш, болалар саломатлиги ва оналик саломатлигини мониторинг қилиш бўйича тавсиялар билан боғлиқ. Бу каби тенденциялар глобаллашган дунё маҳсулоти бўлиб, бу борада Ўзбекистон нафакат хорижий, балки ўзининг илғор тажрибасини жорий этаётган ва амалга ошираётган мамлакатлардан биридир. Мисол учун, ижтимоий реклама туфайли автомобилсиз кунлар, оммавий велоспорт ва бошқа спорт ва соғломлаштириш тадбирлари эълон қилинди. Ушбу муаммоларга кенг жамоатчиликни жалб қилиш ижтимоий реклама қаҳрамонларининг ажойиб қиёфасини яратган ижтимоий маркетингларнинг фаолияти туфайли юзага келди.

Баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларни маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия ва касб-хунарга йўналтириш соҳасида. Мамлакатнинг келажаги, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг келажақдаги ахлоқий ва касбий йўналиши ушбу соҳадаги ижтимоий шерикликни амалга оширишга боғлиқ. Мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар ижтимоий рекламанинг жамият томонидан ўз барча ижобий ўзгаришлар ижтимоий рекламанинг кадрлайдиган, ўз олдида катта кучи, билим ва қобилиятини биладиган ва кадрлайдиган, ўз олдида катта мақсадлар қўйишга ва уларга эришишга қодир бўлган юксак маънавий-мақсадлар қўйишга ва уларга эришишга қодир бўлган юксак маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳидаги шахсни тарбиялаш билан боғлиқ масалаларга ҳақиқий қизиқиш уйғотади деган хулосага келиш мумкин.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш соҳасида. Ушбу соҳа юқоридаги санаб ўтилганларнинг кўпчилиги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, у билан боғлиқ барча масалалар ва қийинчиликларни ҳал қилиш устувор аҳамиятга эга. Шундай қилиб, ижтимоий ҳамкорлик шакллариининг ижтимоий рекламаси туфайли бугунги кунда аёллар ва болалар соғлигининг деярли барча тиббиёт марказларида турли хил

тадқиқотларни ўтказиш учун зарур бўлган барча ашёлар билан жиҳозланган, улар дастлабки босқичда ҳар қандай оғишларни аниқлай олиб, шунингдек, оналикни тўлик скрининг ва мониторингини ўтказадилар. Бунинг натижасида ҳар қандай салбий оқибатларнинг, айниқса, экологик нуқтаи назардан Ўзбекистон ноқулай ҳудудларининг минимал кийматларгача пасайиши кузатилди.

Фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш соҳасида. Ушбу соҳа ривожини нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон илм-фанини ривожлантирувчи Ўзбекистонлик олимларнинг, шунингдек, турли илмий олимпиадалар ғолиблари бўлган олимпиадачиларимизнинг натижалари ҳам муҳим ютуқлардан далолат беради. Яқинда Индонезиядаги Осиё ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчиларимизнинг муваффақияти ҳам шубҳасиздир. Буларнинг барчаси, шу жумладан, тўғри амалга оширилган ижтимоий рекламадир.

Аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш соҳасида. Ижтимоий шерикликнинг ушбу жиҳатида ижтимоий рекламанинг ролини қайта баҳолаш мушкул. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, улар фуқаролик жамиятига, ошқоралик, фаровонлик ва таракқиёт жамиятига ўтишнинг замонавий талабларига мос равишда, ижтимоий реклама ва у билан боғлиқ барча нарсалар конунчилик даражасида мустаҳкамланган. Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий реклама барча ноқонуний муносабатларни бартараф этишга хизмат қилади ва биринчи навбатда коррупцияни бартараф этади. Ижтимоий реклама туфайли адолатсизликка қарши бўлган онгли фуқароларнинг сони тобора ўсиб бормоқда. Бу эса, айти пайтда ҳуқуқий онг даражаси ҳам ўсиб бораётганлигини англатади.

Миллатлараро, маданиятлараро ва фуқаролараро тотувлик ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ва тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлаш соҳасида. Бу учинчи томон кузатувчиси учун Ўзбекистонда юз бераётган барча жараёнларни кўрсатадиган асосий соҳадир. Бу борада миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамжиҳатлик, маданиятлараро ва фуқаролараро тотувлик ғояларини тинчлик, барқарорлик, оммавий тарғиб килиш борасидаги мамлакатимиз тажрибаси шубҳасиз кизиқиш ўйғотмоқда. Кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ва тарихий-маданий бойликларни асраб-авайлаш борасида, серкўёш Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, табиатининг гўзаллиги, ажойиб меҳмондўст халқи билан гўзаллиги ва жозибдорлигини намойиш этувчи нотижорат ва тижорат ижтимоий роликларда яққол намоён бўлмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасида. Энг долзарб муаммолардан бири. Аслида, ҳар бир киши истеъмолчи бўлиб, товар ва хизматлар ишлаб етказиб берувчидан энг кам қониқарли сифатни талаб

қилиш ҳуқуқига эга. Акс ҳолда, виждонсиз тадбиркорларни жавобгарликка тортиш ва истеъмолчиларнинг шикоятларини қондириш мақсадида ижтимоий ҳамкорлик механизмлари фаоллашмоқда. Борган сари, фуқароларнинг ўзлари товарлар ва хизматлар сифатининг халқ назоратчиси ролида фаолият олиб бормоқдалар. Ижтимоий реклама ушбу йўналишда муҳим рол ўйнайди ва миқозларга хизмат кўрсатиш маданиятининг ўсишига таъсир қилади.

Шундай қилиб, ижтимоий реклама ташкилотчилар, продюсерлар, функциялар, механизмлар ва методлар орқали шахснинг хатти-ҳаракатларини ва умуман жамоатчилик фикрини ўзгартириши мумкин [3, 84]. Ижтимоий шериклик соҳалари билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда, ижтимоий реклама шахснинг ҳуқуқий, иқтисодий онгини, фуқаролик онгини ўзгартириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ижтимоий соҳадаги муаммолар ва муаммоларни зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган жамоатчилик эътиборини жалб этишга қодир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нишанбаева Э. Развитие социального партнёрства в Узбекистане // www.intelros.ru/readroom/credo_new/k3-2013/20018-razvitie-socialnogo-partnerstva-v-uzbekistane.html
2. Закон Республики Узбекистан «О социальном партнёрстве» // www.lex.uz/docs/2468216
3. Isanova G. Social advertising influence on social opinion changing // European Journal of Humanities and Social Sciences (Vienna, Austria), №3, 2018. – S. 81-84
4. <http://adindustry.ru/doc/1132>
5. Уэллс У., Бернет Дж., Мориарти С. Реклама: принципы и практика 2001, 800 с.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

Қудратов А.

Ўзбекистон Миллий Гвардия Харбий Техника институти
тадқиқотчиси

Бугунги кунда ҳар бир шахс ўз фаолиятида ким билан алоқа ёки ҳамкорлик қилмасин, этнопсихологик жиҳатларни ҳисобга олиши, унга таяниши керак. Ҳар бир этник бирлик, халқ ёки миллат ўзига хос этно-психологик хусусиятларини ўзига хос урф-одат, анъаналари, эътиқоди, хулқ-атвор нормалари орқали намоён қилади, унда шерикчилиги этади. Буни ҳисобга олиниш мумкин. Акс ҳолда мулоқотга, муносабатга

киришиш шахс учун кийин кечади. Хар бир жамиятдаги этник жараёнлар тўғрисида фикр юритилганда “анъанавий” жамиятдаги этник хусусиятларни ва ноанъанавий жамиятларга хос этник хусусиятларини ҳисобга олиниши билан бирга, фарқлинишини ҳам такозо этади. “Анаънавий” жамиятда халқлар ёки миллатлар кўпрок этник хусусиятлари оркали ўз урф-одат, анъана, кадриятларини юкори баҳолайдилар. Тўғрироғи маданий кадриятларига кўпрок боғланган ҳолда яшайдилар. Унга баҳо берадилар ва ёндошадилар. Уларда анъанавий этник хусусиятларини сақлаб қолишга соғлом мойиллик кўпрок кўзга ташланади. Шу нуқати назардан, ижобий маънода “консервативлик” ёки “консерватизм” ҳолати мавжуд бўлади.

Этнопсихологик хусусиятларни жамият ривожиди ҳисобга олиш нуқтаи назаридан баҳо берганда, бу ижобий ҳодисадир. Халқларнинг психологик хусусиятлари уларга муайян, айниқса, “миллий ўзлик”ни, “миллий ўз-ўзини англаш” учун реал ҳуқуқий, сиёсий имкониятлар пайдо бўлган шароитда, ўзининг миллий ўзлигидан бегоналашишдан қутулишга эҳтиёж ортади. Бу табиий-маданий ҳолатдир. Унда у ёки бу этник бирликнинг ўзига хос этнопсихологик хусусиятларидан келиб чиққан муносабати намоён бўлиши табиий. Турли хил этнопсихологик хусусиятлар хар хил даражадаги муносабатларда кўринади. Уларни шартли равишда қуйидагича кўриш мумкин; 1) бой тарихий, маданий меросга эга бўлган халқларнинг этнопсихологиясида тарихий хотиранинг излари чуқур бўлади. Бу уларни доимо тарихи билан фахрланиш туйғуларини намоён этади; 2) Муайян тарихий ҳудудда узок йиллар яшаб, биргаликда ҳаёт кечириб келган этник бирлик ёки халқда ҳам уларни бир-бирлари билан боғлаб турган кадриятлар, урф-одат ва анъаналарнинг этник психологияда яққол камоён бўлишини кузатиш мумкин. Бу бир миллатга мансуб бўлсада, лекин бор ҳудудда муҳим яшамаган этнос, халқларнинг психологиясида ўзига хос тафовутли жиҳатларни кўриш мумкин бўлади. Шу маънода халқларни бир-бирига боғлаб, яқинлаштириб турадиган сиёсий психологик хусусиятлар ўзгарувчан бўлишини ҳам таъкидлаш лозим. 3) хар бир ўзлигини англаган халқ ўз-ўзини ташкил этишга ва ўз-ўзини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Унинг муҳим воситаси “этнопсихологик хусусиятлар”ни сақлаб қолиш этнопсихологик яқинлиқдир. Турли миллатлар ва халқларнинг бир-бирларига бўлган муносабати, ўртасидаги ҳамкорлик ёки ихтилофли ҳолатлар ҳам сиёсий “этнопсихологик” хусусиятларни ҳисобга олиш ёки олмаслик билан ҳам боғлиқ бўлади. Хар бир киши ўзининг этник хусусиятларини ҳисобга олиш ва у тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Миллий ўзликни англашда хар бир маданиятли одам, у билан боғлиқ этнопсихологик муаммоларнигина билиши, тушуниши эмас, бугунги турли хил этномаданий муҳтида унга мослашиши ҳамда ўзлигини сақлаб қолиш лозим. “Миллий ўзлигини сақлаб қолиш”га бўлган интилиш салбий ҳолат эмас. У бир томонлама

баҳоланмаслиги керак. Хар қандай шароитда ҳам халқлар ўзининг маданий кадриятларини этномаданий бирлиги билан хусусиятларини сақлаб қолишга ҳақлидир. Халқларнинг “этниқ ривожланиши, аниқроқ қилиб айтганда этниқ жараёнлар, халигача етарли баҳоланмасдан қолмоқда” деган фикрга қўшилиш мумкин.

“Миллий онг-муайян миллий-этниқ гуруҳнинг маънавий ривожланиш хусусиятини ва даражасини, мазмунини характерловчи социал, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, эстетик, фалсафий, диний ва бошқа карашларнинг мажмуидир”. Албатта, бунга қўшиш мумкин. Бу тушунчада “миллий онг”нинг ўзига хос характерли жиҳатлари очиб берилган. Лекин, бир нарсани ҳисобга олиш керакки, мазкур таърифда миллий онгнинг “ижтимоий” жиҳатига эътибор қаратилган, лекин “психологик” негизи билан боғлиқ томони эътибордан четда қолган. Чунки, “миллий онг” миллий, яъни муайян миллий-этниқ гуруҳнинг психологик хусусиятлари билан ҳам узвий алоқада шаклланади. Бизнингча, “психологик” хусусиятларни миллий онгнинг шаклланишида унинг негизи сифатида ҳисобга олиниши керак. Шунга асосланиб, “миллий онг” тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Миллий онг-муайян миллий-этниқ гуруҳнинг маънавий-психологик ривожлаиш хусусиятини ва даражасини, мазмунини характерловчи социал-психологик, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, эстетик, фалсафий, диний ва бошқа тасаввурлар, ҳиссиёт, карашлар ҳамда турмуш тарзининг мажмуидир – дейиш мумкин.

Бу муайян миллий-этниқ гуруҳнинг: 1) жамиятдаги турли хил кадриятларга муносабатини; 2) тарихий ривожланиш жараёнларини; 3) эришилган ютуқлар ҳамда мамлакат таракқиёти олдида турган мақсад ва вазифаларни ўзига акс эттиради.

“Миллий онг” ва “миллий ўзликни англаш” тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. “Миллий ўзликни англашга миллий онгнинг ядроси” сифатида караш мавжуд. Бу фикрга қўшилиш мақсадга мувофиқ. Уни бизнингча қуйидаги томондар билан изохлаш мумкин: биринчидан, миллий онг ўзида миллий-этниқ гуруҳ томонидан англаган моддий ва маънавий кадриятларни ифодалайди; Иккинчидан, миллий-этниқ гуруҳ томонидан ангаданмаган кадриятлар, миллий онгда ўзининг ифодасини томайди; Учунчидан, миллий ўзликни англаш миллий онгнинг муҳим элементи сифатида намоён бўлади; Тўртинчидан, миллий-этниқ гуруҳ томонидан англаган кадриятлар асосида уни ижодий ривожлантириш, бойитиш ҳамда миллатнинг манфаатлари ва миллатларо муносабатларга хизмат қилдириш мумкин; Бешинчидан, турли миллий-этниқ гуруҳларнинг ўзлигини англаши уларни ўзаро бир-бирларининг социал-психологик, маданий хусусиятларини билишга, ҳурмат қилишга ёрдам беради. Бу ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

“Миллий онг” ҳам, онгнинг бошқа шакллари сингари мураккаб, бири бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда ўзининг тузилишига эга бўлади, ҳамда кундалик (умумлашган) онг ва назарий онглاردан иборат бўлади. Миллий онгнинг ҳар икки даражаси ҳам миллий характер билан узвий боғлиқ бўлади. Ҳамда кундалик турмуш ва миллий-этник психологияни тушунишда асос бўлиб, хизмат қилади. Бошқача айтганда, буни “миллий онгнинг” эмпирик даражаси ҳам дейиш мумкин. Бу онгнинг умумлашган кўринишига хос жиҳатлардир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУАММОЛАРИ

Мадаева Ш.О.
ЎзМУ “Фалсафа ва мантик” кафедраси мудир, ф.ф.д., проф.

Президент Ш.Мирзиёев шу йилнинг 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалаларини муҳокама қилди. Ташаббус йўналишларидан мақсад 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган юртимиз ёшлари ҳаётида санъат, китобхонлик, компьютер саводхонлиги соҳаларини такомиллаштириш, ёшлар ҳаётига мазмун-маъно бахш этадиган бадий, илмий, маънавий омилларни кучайтиришдан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу ташаббуси замирида давлат бошқарувида кун тартибида турган оддий режадаги масала эмас, балки алоҳида хавотир ва ёшлар келажаги, тақдирига бўлган узоқни кўзлаб қилинган мақсад борлиги, ҳозирги кунда ижтимоий гуманитар фанларнинг замонавий демократик тамойилларга жавоб бера олмаётгани, шунингдек ижтимоий фанлар ҳамда социал воқеълик ўртасида ижтимоий шериклик механизмининг мавжуд эмаслиги сабаблари ҳам борлигини кўрсатади. Чунки Ўзбекистондаги ёшлар омили алоҳида ҳудудий хусусиятларга эга масала эканлиги билан ажралиб туради. Афсуски, ушбу таҳлил 2017 йилдан бери айрим сабабларга кўра Ўзбекистон олий таълим тизимида қисқариб келаётган, ёшларнинг айнан фалсафий, маънавий, мантikiй ва ахлокий-эстетик характерининг шаклланишига восита бўлувчи биринчи блок фанлари аудитория соатлари тобора қисқариб кетаётган бир пайтда ёзилётган экан, давлат раҳбарининг ушбу соҳада қилаётган ташаббусларини ижтимоий онг масаласи билан шуғулланувчи мутахассислик фанига масъул сифатида таҳлил қилишга уриниб кўрдик. Ўзбекистоннинг учинчи минг йиллик 20-йилларига оид ҳаёти 33 млн аҳоли, 64 фоиз 14 дан 31 ёшгача бўлган ёшлар ҳаёти ва бир қатор иқтисодий, сиёсий, илмий ҳамда дин омили билан боғлиқ муаммолар,

шунингдек ўз ечимини қутаётган долзарб масалаларни акс эттиради. Мамлакат аҳолисининг деярли 20,5 млн аҳолисини ёшлар ташкил этиши ва бу қатламнинг ҳозирги Қозоғистон 18, 200 млн. аҳолиси сонидан кўплиги ва Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон аҳолисини бирга олиб қарагандаги ҳажмидан кўпроқ салмоқни ташкил этиши юртимиз демографик сиёсатидаги ўзига хос хусусиятлар ижтимоий масалалар билан кўпроқ боғлиқлигини кўрсатади. Қолаверса Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги геостратегик вазиятида доимий равишда бу мамлакатда: 1) ғоявий-сиёсий интеграциянинг мафкуравий таҳдидлар; 2) сиёсий муҳитдаги тарих, идеология масалаларида четдан сунъий равишда ҳосил қилинадиган таранг ситуатив ҳолат; 3) ислом дини омили билан боғлиқ радикаль ва террористик ҳаракатлар кучлари, ташвиқоти билан боғлиқ уринишлар ва бошқа феноменларнинг мавжудлиги ижтимоийлик касб этган демографик хусусиятнинг гуманитар таълим билан боғлиқ зарурагини шарт қилиб қўяди.

Ўзбекистонда ўзининг узоқ тарихий илдизларидан шакланган фалсафа, мантик, этика, эстетика фанлари, демографик ва ижтимоий-руҳий омилга боғлиқ бўлган социология, психология, диншунослик фанлари, мустақиллик даври ғоя ва илдизларини бирлаштириб турган миллий ғоя, Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиши фани, шунингдек ёш кадрларни оз соат ҳажми доирасида бўлсада ҳуқуқий маданият билан таништиришга йўналтирилган ҳуқуқшунослик фани ҳозирги кунда ватанимиз таълим тизимида биринчи блок фанлари орқали ижтимоий вазиятни ижобий томонга баланслаштирувчи, Ўзбекистоннинг катта қатлами бўлган ёшларнинг бир кичик гуруҳи бўлган талабаларни мафкуравий ва маънавий химоя қилувчи гуманитар вазифани бажаряпти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда илм-фан савияси ва ҳолатига катта эътироз бўлаётган бир даврда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам умумий савияси, яратаётган илмий кадриятлари, соҳа олимларининг компетентлик даражаси, етиштирилаётган кадрларнинг дунё стандартлари асосида рақобатлашиши юзасидан ҳақли-танқидий саволлар пайдо бўлмоқда. Шунингдек бу саволлар соҳани бошқарувчи ижтимоий институт ва органлар, Ўзбекистон зиёлилари даражасида биринчи блок фанларини аксарият ҳолатда керак ёки керак эмаслиги, ёки йилма-йил қисқартириб борилиши, тенденциоз равишда биринчи блок фанлари мазмуни ва номини ўзгариб туриши жараёни билан характерланмоқда. Ўзбекистонда 2012 йилдан кейин фанлар академияси тизимида ижтимоий гуманитар институтларнинг бир неча марта реформация қилиб, тугатилиб қайтадан очилиши, бу орада “Фалсафа ва ҳуқуқ” институтини умуман дисформацияга учрагани ушбу соҳага оид сиёсатда ҳам оптимал позитив ёндошув шаклланмаганини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистондаги илм-фан таракқиётида чет эл тажрибасини ўрганиш асосида хориж моделларига мурожаат қилингани ҳолда, хориж тажрибасини ижтимоий –

гуманитар соҳага ҳалигача қўлланилмаётгани бу соҳанинг деструктив жараёнини кучайтириб юборди. Хусусан, Германиянинг Гумбольдт университетида тўртта “Фалсафа” факультети борлиги, ёки Россиянинг Москва давлат университетида фалсафа, политология, социология, психология ва замонавий янги йўналишларга тегишли 11 та факультетнинг (жумладан, “Социология”, “Политология”, “Психология”, “Дунё сиёсати факультети”, “Глобал жараёнлар факультети”, “Замонавий ижтимоий фанлар олий мактаби” факультетлари ва б.) мавжудлиги, биргина “Фалсафа” факультетининг ўзида 16 та кафедра ва иккита: “Инсон онгини ўрганиш” ва “Креатив технологиялар маркази”нинг мавжудлиги Россиядек дунё рейтингда жуда ҳам илгарилаб кетмаган давлатда ҳам ижтимоий-гуманитар фанларнинг ролига катта аҳамият қаратилганини кўрсатиб турибди.

Умуман олганда биринчи блок ижтимоий-гуманитар фанлари концепциясининг яратилиши масаласининг қўйилиши биринчи блок ижтимоий гуманитар фанлари штатлари эвазига катта оқимдаги педагог ўқитувчиларни ҳаёт манбаи бўлган соатларини саклаб қолиш ёки қолмаслик орасидаги дилемма билан эмас, балки олий таълимга эга бўлаётган ёшларнинг онгида биринчи блок ижтимоий-гуманитар фанлари орқали ҳосил қилинадиган билимларнинг малака ҳосил қилишдаги реал имкониятлари механизмини давлат сиёсати, алоҳида социал институтлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шериклик тамойилларига таянган ҳолда ҳал қилиниши мазмунида қўйилиши зарур. Бу механизм Ўзбекистондаги таълим сиёсатининг бир қисми бўлган ижтимоий-гуманитар таълимга бўлган давлат сиёсати даражасидаги координат муносабат билан белгиланади. Ушбу тубдан ўзгартирилган муносабатнинг ташкил қилувчи механизмлари нимадан иборат бўлиши керак?:

1) Биринчи блок ижтимоий-гуманитар фанларини ташкил қилиб берувчи илмий-назарий мазмунни тиклаб берувчи фанлар академияси бўлинмалари ва пухта ташкил қилинган факультет ва кафедралар аро тармоқлар механизмини яратиш зарур. Чунки, ижтимоий-гуманитар фанларнинг фанлар академияси тизимида соҳага доир бўлинмаларнинг йўқлиги, биринчи блокда мунтазам равишда қисқартириб борилиши кўринишидаги инқирози Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёт соҳалари: ёшлар, аёллар масаласи, оила, ҳуқуқий маданият, сўз эркинлиги маданияти билан боғлиқ регрессив ҳолатни юзага келтиради. Чунки ижтимоий-гуманитар фанлар ўз-ўзидан инсоннинг онги, онг ости дунёқараши, шуури, рухияти ва ҳаётий қизиқиш ва максадларини элементар сўз санъати ва таъсири орқали тарбиялаш, изга солиш, ўзлигини англаш, тахлилий ва тизимли фикрлаш, тафаккур қонуниятларини амалиётда қўллаш, депрессив ва муаммоли вазиятларда қарор қабул қилиш, инсонийлик маданиятини сақлаш каби элементар кўникмаларга ўргатади. Шунингдек Ватан тараққиётига масъулият, бурч ва содиқлик, ўзини англаш орқали

яратувчанлик ва креатив илмий кашфиётларга интилиш иштиёқи ҳам ижтимоий-гуманитар фанлардаги биргина сўз қуроли орқали ҳосил бўлади.

2) Ўзбекистоннинг генотип ва ментал стереотиплар бўйича тоза илдизларга эга бўлган ёшларни турли нейро-лингвистик дастурлар орқали хориж дастурларига жалб этиш, юртимиз ёшлари онгини радикал индустриаллаштирувчи космополистик дастурлари орқали диний радикал ва экстремистик оқимларга жалб этиш иллатларини олдини олиш ҳам айнан давлатимиз сиёсатида ижтимоий-гуманитар фанлар ҳолатига жиддий эътибор қаратиш орқали кучли интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёшлар оқимини четга чиқиб кетишдан олдини олади.

3) Ўзбекистон тарихи, миллий ғоя, сиёсатшунослик даражасида бутун дунё ижтимоий-гуманитар фанлари муҳитида апробациядан ўтувчи тахлиллар, лойиҳалар ва фундаменталь китоблар яратиш зарур. Шунингдек юқори савиядаги бундай апробация учун ҳозирги вақтда таълим соҳасининг бюрократик тизимига қарам бўлган олимлар илмий ва тил маданияти жиҳатидан тайёр эмас. Айни вақтда янги методологик маданият ва замонавий парадигмал ўлчовларни ижтимоий – гуманитар фанларига кирита олиш олимларнинг эркин ижод қила олиши ва ўз устида ишлаши билан чамбарчас боғлиқ.

4) Ўзбекистоннинг тарихан ментал-стереотипларга кўра анъанавий жамият эканлиги бу ерда доимий равишда ижтимоий соҳада методологик юқори ташкил этилган гуманитар характердаги тарғибот – ташвиқот, маънавий-маърифий ишларни талаб этади. Бу ишларни компетент даражада соҳа мутахассислари билан ҳал этишгина келажакда бу соҳадаги самарали ўзгаришларни бериши мумкин. Ҳозирги кундаги ОАВ, тегишли марказлар томонидан олиб борилаётган ишлар компетентлиги ва савияси талабга жавоб бермайди.

5) Миллий университет тасарруфида ижтимоий фанларнинг миллий стратегик марказини ташкил этиш зарурдир. Ўзбекистонда ёшлар билан боғлиқ диний омил ва мафкуравий таҳдид масалалари кенг режа асосида алоҳида миллий стратегик ижтимоий-гуманитар фанлар маркази ёки фонди доирасида социологик, эмпирик тадқиқот лабораторияси асосида иш олиб боришни тақозо этади. Чунки фан ва техника янгиликларини мувофиқлаштирувчи ДИТД (ГНТП) доирасида ташкил этилган илмий гуруҳлар, фундаменталь, амалий, инновацион лойиҳаларга катта маблағ ажратилса ҳам, бу фонднинг бир максадга қаратилмагани, натижалари самарасининг пастлиги бундай тизимни янгилаш ва инновацион даражага олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда демократик жамиятнинг энг муҳим механизмларидан бири бўлган ижтимоий тузулмаларнинг ўзаро шерикчилик асосида иш олиб бориши Ўзбекистон ҳудудий, миллий

хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда айнан фалсафий-маънавий фанлар тизимига татбиқ этилишига зарурат мавжуд бўлиб, ўз навбатида бу тузилма мафкуранинг барча жабхаларини ўзига бирлаштирар экан, юртимизнинг келажагида иқтисодий ёки сиёсий соҳадан кам бўлмаган таълим-тарбия, маданият ва маънавият масалаларини ташкил қилишга сафарбар этилади.

ХАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРИ

Маматқулова Д.
ТАТУ тадқиқотчиси

Таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш борасида сўнгги йилларда қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Ислохотлар самараси ўлароқ яхши натижаларга эришилмоқда. Лекин эришилган натижалар билан чекланиб қолиш керак эмас. Давлат таълим муассасалари, уларнинг ҳар бир тузилмаси ўз олдига қўйилган вазифаларни аниқ бажарса, халқ хизмат қилса, ислохотлардан кўзлаган мақсадларга эришиш учун бўлади. Давлат томонидан мамлакат таракқиётининг таъминлашида, ёшлар манфаатининг ҳимоя қилинишида баркамол ҳарбий хизматчиларни муваффақиятли бажаралишида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун тарбиялашнинг тўғри йўлга қўйилиши ташкил этиш ва уни фаолиятининг асосий таълим ва тарбия жараёнини ташкил назарий ғояларини ўрганиш ҳамда принципларини белгилаб берадиган назарий ғояларини ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш унинг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб олиш зарур бўлади.

Бизга маълумки, таълим муассасаларининг асосий вазифаси – умуминсоний, миллий, ижтимоий қийматларини руёбга чиқариш, ёшлар манфаати йўлида барча илғор тажрибаларни бирлаштириш, ҳарбий ҳолда тарбиялаш, давлат уни таълим ва тарбияни нги воситасида такомиллаштириш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда таълим-тарбия орқали янги авлодни тарбиялаш асосида вужудга келган ва такомиллашиб бораётган бўлиб, унинг шакиллантиришида бой маънавият мерос ва тажрибалар, халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари ва нормалари, ўзимизда тажрибадан ўтган қоида ва миллий ғоялар ўз ўрнини топиб бормоқда. Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг умумий асосларини ўзида мужассамлантирувчи ягона ҳарбий таълим тўғрисидаги концепция қабул қилинди.

Ваҳоланки, иқтисодий, айниқса, сиёсий ислохотлар муваффақияти, аввало, таълимни ривожлантириш орқали кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ. Худди шу бонс ҳам ёшларни тарбиялаш ва ёшлар тўғрисидаги дастурни қабул қилиш зарурияти сезилди. Давлат томонидан қабул қилинаётган дастур ва меъёрий ҳужжатларда ёшларни соғлом қилиб тарбиялаш тизими, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, масъулияти, ўниб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси, имтиёзлари белгилаб берилган.

Ҳарбий таълимда ишларни тартибга солиш, уни такомиллаштириш, ҳарбий тарбиячиларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаш соҳасидаги биринчи навбатда етарли, ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда баркамол ҳарбий ёшларни тарбиялаш ва малакасини ошириш ҳолатини ўрганиб чиқиб, уни таҳлил қилиш асосида тегишли ҳужжатларнинг қабул қилаётганлиги айни муддаодир. Бугунги кунга келиб биз, ҳарбий таълим муассасалари хорижий мамлакатларининг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларига асосланган ҳолда ташкил этишимиз лозим. Шундагина ҳарбий ўқув юртларидаги ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиясига эриша оламиз. Кадрларни тайёрлаш ва танлашнинг шундай бир объектив механизмининг яратиш лозимки, бунда танлов захирада турган мутахассисларнинг рейтинг кўрсаткичларига, жамоатчиликнинг улар тўғрисидаги фикрга боғлиқ бўлишини таъминлаш лозим. Бунда танлов тизимининг жорий этилиши катта самара беради деб ўйлаймиз.

СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЁРСТВО В ПРЕДОТВРАЩЕНИИ ГЕНДЕРНОГО НАСИЛИЯ ПО ОТНОШЕНИЮ К ЖЕНЩИНАМ

Мирабдуллаева Т.
Студентка НУЎз
Научный руководитель Абдухалилов А.А.

Актуальность темы статьи определена кардинальными изменениями во всех сферах общественной жизни, повлекшими, в частности, необходимость развития социального партнёрства. В 46 статье Конституции Республики Узбекистан говорится о том, что женщины и мужчины имеют равные права. Взаимодействие государственных органов с негосударственными некоммерческими организациями эффективнее обеспечивает равные права женщин и мужчин, а также не допускает дискриминации на гендерной основе и гендерного насилия. Институты социального партнёрства в настоящее время выступают одним из инструментов управления обществом, минимизации средств достижения поставленных целей. В центре общественного внимания находится

обеспечение социальной стабильности, где важную роль играет социальное партнёрство.¹ Вышеуказанные аспекты определили выбор темы данной статьи.

В Законе Республики Узбекистан о социальном партнёрстве даётся следующее определение:

Социальным партнёрством — является взаимодействие государственных органов с негосударственными некоммерческими организациями и другими институтами гражданского общества в разработке и реализации программ социально – экономического развития страны, в том числе отраслевых, территориальных программ, а также нормативно - правовых решений, затрагивающих права и законные интересы граждан.²

Основой и внутренним стержнем социального партнёрства является принцип взаимовыгодного сотрудничества между государством и ННО. Этот принцип вступает в действие в виде проведения переговоров, в ходе согласования проектов любых нормативно-правовых актов, советов в процессе принятия решений партнёрами на всех доступных уровнях.³

Современный этап международного сотрудничества в сфере защиты прав женщин назван в международных документах «комплексным». Он нацелен на учет гендерных аспектов в политике правительства, органов местного самоуправления, деятельности иных правовых и политических институтов, общественных организаций. Комплекс предполагает введение в практику целостной политики, основанной на результатах гендерного анализа, планирования и институционального развития во имя равенства мужчин и женщин.⁴ Происходящие в современном мире изменения важны для достижения равноправия, но ситуация неравенства полов и дискриминации (преимущественно) женщин в контексте Республики Узбекистан изменяется поэтапно.

Для развития социального партнёрства важно создавать площадки для коммуникации между разными группами общества. При реагировании на нарушения прав женщин важно наличие структур предотвращения дискриминации на основе пола и возраста, важно создать институты защиты и восстановления прав, в которых будут работать подготовленные специалисты. Опыт создания подобных институтов может быть заимствован из опыта стран Скандинавии и Балтики, где созданы Омбудсмены по гендерному равенству, действуют комиссии/комитеты по гендерному равенству на разных уровнях принятия решений и сферах деятельности (бизнес, образование, социальная сфера и т.д.). Опора подобных институтов в деятельности по защите от гендерных форм

¹ <http://cheloveknauka.com/sotsialnoe-partnerstvo-kak-forma-sotsialnogo-vzaimodeystviya>
² Закон Республики Узбекистан о социальном партнёрстве №ЗРУ-376 25.09.2014
³ <https://biznes-prost.ru/socialnoe-partnerstvo.html>
⁴ <https://refdb.ru/look/1302737.html>

дискриминации и развития прав женщин создается сильными сетями и некоммерческими неправительственными организациями (ННО), активным взаимодействием между негосударственным и государственным сектором. Так же важным видится роль женского движения и в развитии информационного обмена, образовательной и просветительской работы с населением и органами власти. Важны контакты с женскими ННО в регионах, как с носителями знания о «гендере», привлечение их для проведения программ просвещения населения, разработки на основе поступающих жалоб программ и индикаторов в сфере контроля над соблюдением прав женщин и девочек.¹

В условиях мегаполиса необходимо проведение гендерной политики и на районном уровне, на котором значительно проще отработать механизм взаимодействия государственных структур и организаций гражданского общества в реализации этой политики.² Сегодня в процессе использования механизма социального партнёрства существует ряд проблем. Так, не в полной мере используется ресурс ННО для улучшения гендерного равенства и защиты прав женщин. Также не в полной мере используются ресурсы ННО для осуществления совместных просветительских проектов в сфере защиты прав женщин, где эксперты общественного сектора могли бы выступать полноправными партнерами и помощниками становления деятельности новых государственных структур.

Однако основной проблемой является отсутствие механизма взаимодействия и планомерного информационного обмена на постоянной основе между ННО и региональными государственными структурами, занимающимися вопросами социальной защиты и защиты прав женщин, развитием гендерного равенства в регионе.

Таким образом, будет налажено взаимодействие между секторами, возрастет количество и качество совместных проектов и программ по решению общих проблем, в том числе, по развитию гендерного равенства и защите прав женщин.

Использованная литература

1. Конституция Республики Узбекистан.
2. Закон Республики Узбекистан о социальном партнёрстве №ЗРУ-376 25.09.2014.
3. <http://cheloveknauka.com/sotsialnoe-partnerstvo-kak-forma-sotsialnogo-vzaimodeystviya>.
4. <https://refdb.ru/look/1302737.html>.
5. <https://biznes-prost.ru/socialnoe-partnerstvo.html>.

¹ <https://refdb.ru/look/1302737.html>
² <https://refdb.ru/look/1302737.html>

ОСОБЕННОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА

Назарханов Ф.

Магистрант Ташкентского Финансового института

Совершенствование развития экономики требует преобразования и регулирования всех направлений государства. Закон № ЗРУ-376 от 25 сентября 2014г. «О социальном партнерстве» подписанный первым Президентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым был ещё одним шагом по развитию, реформированию и модернизации страны.

Основными чертами деятельности социального партнерства определяют следующие:

- социальная активность населения;
- повышение роли и ответственности представительных и исполнительных органов, власти на местах;
- активность негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества в разработке и реализации программ социально-экономического развития.

В современных рыночных отношениях социальное партнерство занимает особое место.

Социальное партнерство требует нас взглянуть по-новому на социально трудовые отношения:

во-первых, работник кроме того что является объектом социально трудовых отношений, наряду с руководством-нанимателем, принимает активное участие при регулировании вопросов по различным аспектам;

во-вторых, одним из важных принципов регулирования социально-трудовых отношений подразумевает равноправие участников, таких как органов государственной власти, органы местного самоуправления, представители работодателей и работников;

в-третьих, социальное партнерства в трудовых отношений будет благоприятно воздействовать на развития деятельности по обеспечению взаимного понимания с социально уязвимыми группами населения.

В данное время внимание уделяемое со стороны правительства по социальной сфере создает благоприятный климат по решению задач связанных с социальным партнерствам. Но наряду с этим участие в деятельности, развития социального партнерства требует новых подходов, креативных не ординарных решений, для этого думаю, нужны грамотные кадры с рвением и желанием участвовать во всех аспектах деятельности государства.

Это одна из первостепенных проблем, на которую нужно уделить внимание. Государственная политика по достижению и реализации целей в

этой сфере планомерными шагами стало воздействовать на внедрение новых идей.

Термин социальная стабильность – выражает устойчивость социальной системы, позволяющий ей эффективно функционировать и развиваться в условиях внешних и внутренних воздействий, сохраняя свою структуру и основные качественные параметры. Механизмами, обеспечивающими социальную стабильность являются, социальные институты государства и гражданского общества. Социальный институт является определенным образом организованной, стандартизированной и согласованной между участниками общественной жизни структурой, направленной на удовлетворение общественно значимых потребностей.

Перспективы социального партнерства укрепление, развитие, роль и место институтов гражданского общества в демократическом обновлении и модернизации страны, разработка механизмов взаимодействия парламента, представительных органов государственной власти на местах с негосударственными некоммерческими организациями, органам самоуправления граждан и СМИ в разработке и обсуждении общественно значимых законопроектов. Механизм взаимодействия правоохранительных органов с гражданскими институтами в сфере укрепления законности и защиты прав свобод граждан.

Отражая своё мнения по значимости социального партнерства хотел бы сказать что конкретизация принимаемых решений и поставленных задач с изучением и прислушиваясь к мнению общественности будить благоприятно воздействовать на все сферы общественных отношений.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА ИЖТИМОЙ
ХАМКОРЛИКНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ ВА ФАРҚЛИ
ЖИХАТЛАРИ

Нишанбаева Э.
ЎзМУ доценти в.б.

Илмий адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, ижтимоий шериклик дастлаб ижтимоий, биринчи навбатда меҳнат тартибини белгилаш усули, хусусан, тадбиркорлар (иш берувчилар), ходимлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида талкин қилинган. Шунингдек, бу даврда меҳнат муносабатлари доирасида ижтимоий шериклик тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, айниқса ишчиларни бозор муносабатлари тизимига интеграциялашувини ақс эттирган эди. Ижтимоий шериклик сиёсати жамиятнинг турли гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик дастурини амалга ошириш ва консенсусга эришиш билан боғлиқ. Иқтисодий жиҳатдан ижтимоий шериклик иш берувчиларнинг даромадлари ва жамиятнинг ялпи

махсулоти ўсишини таъминлаш, ишчиларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ставкаларининг ўсиши, меҳнат унумдорлигини оширишга ижарачиларнинг кизиқишини моддий ва маънавий рағбатлантиришни назарда тутди. Шу боисдан ҳам кўп ўлчовли жараён бўлган ижтимоий шериклик жамиятдаги мавжуд гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришни талаб қилади. Ижтимоий шериклик ғояси I-жаҳон уруши даврида шаклланиган ва синф манфаатларини ўзида акс эттирган. XX асрда ижтимоий зиддиятларни кучайиши ижтимоий шерикликка бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Шу боисдан ҳам бу даврга келиб ижтимоий шерикликнинг мафкуравий асослари Л.Блан, П.Прудон, Ф.Лассал Вирт, О.Михаэлс каби олимлар томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур олимлар қарашларидаги асосий ғоя турли синфлар манфаатини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикликни аҳамиятини ошириш ва саноат жамиятини ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи шакли эканлигини исботлашдан иборат бўлган¹.

Замонавий жамиятда ижтимоий шериклик тушунчалари жамиятнинг ҳаётини тартибга солишнинг икки тамойилининг амал қилишига алоҳида эътибор қаратади: 1) давлат муассасалари томонидан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиётни назорат қилиш; 2) фуқаролик жамияти учун ижобий ўзгаришларни тўплаш ва “ижтимоий давлат” шаклланишини таъминлаш учун ижтимоий тузилмаларни бирлаштиришдан иборат. Ижтимоий шерикликнинг мафкураси ижтимоий зиддиятларнинг синфий хусусиятларини инкор этади. Ижтимоий шериклик бу аҳолининг турли катламларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун янги имкониятлар яратган ва айни пайтда меҳнат сифатига ва касбий маҳоратига ўта юқори талаблар қўйган илмий ва технологик инкилоб маҳсули десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Янги шароитда ишлаб чиқариш жараёнида иштирокчилар ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-психологик контексти, меҳнат ва ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлаштириш, синфлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги чегараларни лойҳалаш, турмуш тарзидаги умумий стандартларнинг пайдо бўлиши ижтимоий шериклик тизимини ривожланишида устувор аҳамият касб этган эди. Буларнинг барчаси гуруҳлар ўртасида ижтимоий ҳамкорликка эришиш учун қўшимча имкониятлар яратган. Замонавий шароитда ижтимоий шериклик сиёсати тортишувлар билан эмас, балки ўзаро ҳамкорлик, ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишга имкон беради.

Ижтимоий шериклик иштирокчиларни ўзаро шартнома ва ўзаро ҳамкорлигини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратади. Саноати

¹ Осипов Е.М. Социальное партнерство и российский малый бизнес: состояние и тенденции развития: Монография. Академический Проект 2018. - 236 с.; Матвеева А. И. Социальное партнерство: цель или средство. Русаков В. М. (Рецензия), Некрасов С. Н. (Рецензия), Любутин К. Н. (Ответственный редактор) Казань Бух 2016. - 193 с.; Социальное партнерство: социальная трансформация институтов и практик. Сборник статей и материалов Международного казанского научного форума (19-20 октября, г.Казань). Под ред. А.Г. Большакова. Казань КГУ 2013. - 320 с.

ривожланган мамлакатларда ижтимоий шерикликнинг мафкураси ва сиёсати жамият ҳаётининг иқтисодий ҳаётини барқарорлашувида муҳим рол ўйнайди ва ижтимоий муносабатларнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлашга катта хизмат қилади. Корхоналарда меҳнатга оид низоларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик одатда ижтимоий шерикчилик нуктан назаридан кўриб чиқилади. Кенг маънода, бу турли синфлар, катламлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини тор маънода уйғунлаштиришни англатади - иш берувчи ва ишчи ходим ўртасидаги муносабат принципни акс эттиради. Ижтимоий шерикликнинг марказида ўзаро келишув, ўзаро фойдали имтиёзлар ётади.

Шундай қилиб, тадбиркорлар қасаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш истаги турли сабабларга кўра, айниқса ишчиларнинг моддий фаровонлиги учун қайғуриши ижтимоий шериклик тамойилида ўз ифодасини топади. Бу эса корхоналарда меҳнат келишмовчилигининг олдини олишда муҳим ўринни эгаллайди. Шунини таъкидлаш жонзқи, жамиятда шерикчилик факатгина бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги шароитида амалга оширилиши мумкин, негаки ҳар қандай нархда даромад олиш истаги эмас, балки жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, унинг аъзоларининг фаровонлик даражасини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Ижтимоий шерикликни тизимли-тузилмалар, сиёсий таҳлил қилиш учун “шериклик” ва “ижтимоий ҳамкорлик” каби тушунчалар мазмунини аниқлаш лозим. Зеро, тадқиқ қилинаётган объект ва предметнинг категориал аппаратини, тушунчаларни мазмунини конкретлаштириш назарий-методологик вазифа бўлиб, муаммонинг илмий-амалий ечимини топишнинг зарурий шартидир. Аксарият илмий адабиётларида “шериклик” тушунчаси турлича нуктан-назардан таъриф ва тасниф этилади¹. Шунинг билан бир қаторда кўп ҳолатларда мазкур тушунча олимларнинг методологик ва парадигмал нуктан назарларидан келиб чиқилган ҳолда, ўта субъектив қабул қилинади. Бизнинг нуктан-назаримизга кўра эса қатъий ҳуқуқий нормалардан фарқли равишда, шериклик субъектлар ўртасидаги муносабатларда маълум даражада ихтиёрийликни назарда тутди. Шу ўринда, ижтимоий шериклик билан боғлиқ ҳолда ишлатилаётган «ижтимоий ҳамкорлик» тушунчасини сиёсий мазмунини янада чуқурроқ англаш, унинг моҳиятидан бохабар бўлиш ҳам муҳим ҳисобланади. Шу боис мазкур тушунчанинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Т.Матибаев таъкидлашича, “ижтимоий ҳамкорлик – жамиятнинг бош стратегик максади билан чамбарчас боғланган, шахс, ижтимоий субъект ва гуруҳларнинг манфаат, талаб ва эҳтиёжлари умумийлигидан келиб чиқиб, жамиятнинг яхлит ривожланишини таъминлашга йўналтирилган

¹ Энциклопедия менеджмента. Справочник. Социальное партнерство. Социальное партнерство в социально-трудовой сфере как общественное явление // <http://besonus.narod.ru/partnership.htm> 2005

биргаликдаги фаолиятдир”¹. Бизнинг назаримизда бу таъриф ижтимоий ҳамкорликнинг субъектив характеристикаси ҳисобланади. Чунки ижтимоий ҳамкорликнинг мазмун-моҳияти, замон ва маконда локаллашуви, воситачилик мавжудлигига, доимийликка, шаклларининг ўзгарувчанлигидан келиб чиқиб ёндашиш тўғри бўларди. Ижтимоий шериклик эса ижтимоий ҳамкорликнинг шакли сифатида жамият тараккиётининг барча босқичларида иштирок этади. У ўзаро харакат килувчи ижтимоий субъектлар ўртасида келишув ва ўзаро тил топишга имкон яратади, уларда бир-бирига тўғри келадиган ва тўғри келмайдиган кизиқишлар бўлган тақдирда ҳам ўзига хос феномен сифатида намоён бўлади. Бундай ҳамкор муносабатлар асосида ихтиёрлик билан мустаҳкамланган томонлар ҳамкорлигининг норматив мажбуриятлари, рационалиги, муносабатлар симметрия тамойили ётади. Шу билан бирга ижтимоий шериклик ижтимоий субъектлар интеграциясининг ва ижтимоий тизим яхлитлигини мустаҳкамловчи курол сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий шерикликнинг муҳим хусусиятларидан бири, бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилиш ҳақидаги ўзаро келишувигина эмас, балки улар ўртасидаги юксак ахлоқий қондалар мажмуидир. Дарҳақиқат, ижтимоий шерикликка бозор иктисодиётига асосланган маданиятли жамиятга хос бўлган ижтимоий муносабатларнинг бир тури сифатида қараш мумкин. Биринчидан, бу умумий манфаатлар ва қарашлар билан бирга, мутлақо фарқ қилувчи ижтимоий, иктисодий ва сиёсий манфаатларга эга тарафлар ўртасидаги муносабатдир. Иккинчидан, ижтимоий шериклик тарафларнинг қарама-қаршилигига эмас, балки ижтимоий консенсус(келишув)га эришишга асосланади. Учинчидан, бу шундай муносабатлар турики, уни амалга оширишдан барча ижтимоий гуруҳлар ҳамда давлат манфаатдор бўлади. Чунки айнан ижтимоий шериклик шароитида жамият ижтимоий барқарорликка ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланишга эришади.

Сиёсатшунос А.Мирзаевнинг фикрича, бу долзарб муаммони пухта ва мукамал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлатнинг, у қайси ижтимоий-сиёсий тизимда бўлишидан қатъи назар, энг зарурий ва масъулиятли вазифаларидан бирига айланиши объектив қонуниятдир². Бошқа томондан, ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантириш, эътироф этиш, сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шarti сифатида намоён бўлади. Шу нуқтан-назардан қараганда, ижтимоий шерикликни англаш ва турли субъектлар (ҳокимият тизимлари, касаба уюшмалари, иш берувчилар, жамоатчилик бирлашмалари ва ҳ.к. Э.Н.)

¹ Матибаев Т. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизини ривожлантириш омиллари [Матн] : социология фан. докторлик дис. автореферати. 22.00.02 / Т. Б. Матибаев ; Ўзбекистон Миллий университети. 2018. –Б. 15.
² Мирзаев А. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: ТошДТУ, 2000. –Б.159.

ўзаро ҳамкорлигининг янги шаклларини ривожлантиришга онд тадқиқотлар, уларнинг энг мақбул ҳамкорлик йўллари, умуман жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланиши, ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва бошқа жабҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, жамиятда эҳтимолли низоларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ана шу нуқтан назардан, бугунги кунда ижтимоий шерикликни жамият ривожини ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этади.

Ижтимоий шериклик тизим сифатида бир томондан, турли важларни белгилаб олиш, биргаликдаги фаолият давомида уларга қатъий риоя қилиш, иккинчи томондан, юзага келадиган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда уларни ўзгартириш имконига муҳтож бўлади. Чунки файласуф олим А.Бегматов таъкидлаганидек, ўз даврида “Ижтимоий шериклик мафқураси синфий зиддиятларни юмшатиш, манфаатлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган мафқура эди”¹. Бизнинг назаримизда муаллиф бу ёндашуви орқали ижтимоий шерикликнинг ғоявий-мафқуравий жиҳатларини ёритишга эътибор қаратган. Аслида эса ижтимоий шериклик кенг тушунча бўлиб, унинг мазмунини ҳам меҳнат муносабатларидаги, ҳам давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг манфаатли алоқалари нуқтан назаридан келиб чиқиб талқин қилиш мумкин.

Тор маънода эса ижтимоий шериклик ё меҳнат ёки давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг аниқ муносабатлари шакли ҳисобланади. Ўз навбатида ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро махсус шериклиги бўлиб, бундай муносабатларни олиб боришга қаратилган объектнинг қандай бўлишидан қатъи назар, яъни нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий-иктисодий дастурларини амалга ошириш қабилар ҳам бўлиши, давлат ва нодавлат ташкилотлари манфаатларининг ягона бир соҳадаги муштараклиги ҳам тушунилади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, ижтимоий шериклик деганда бу нодавлат нотижорат ташкилотлар, тижорат ташкилотлари ва давлат ўртасида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги самарали ҳамкорлиги тушунилади. Бу борада қуйидаги жиҳатни қайд этиш алоҳида аҳамият касб этади: ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятига хос, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги учун энг қулай мувозанатни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай муносабатларда ижтимоий шериклик – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими бўлиб, унда манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш йўллари кўзда тутилади. Т.Матибаев таъкидлашича, “ижтимоий шериклик – ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишнинг муҳим механизми,

¹ Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий ҳавфсизлик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 2014. - №1. -Б.43.

давлат органлари, иш берувчилар (бизнес тузилмалар), ишчи ходимлар (касаба уюшмалари) ва жамоат ташкилотларининг ўзаро манфаатдорлик асосида биргаликдаги фаолиятидир”¹. Бизнинг назаримизда муаллиф ўз илмий изланишларидан келиб чиқиб ижтимоий шерикликни ижтимоий ҳамкорликнинг амалга оширишдаги муҳим механизм эканлигига алоҳида эътибор қаратади. Ваҳоланки, ижтимоий шериклик ҳар бири учун турлича вазибаларга мувофиқ тузилгани ва фаолият кўрсатгани туфайли, унинг бошқарув объектлари ҳам, шакллари, усуллари, воситалари ҳам янги шароитлардаги фаолиятни ифодалаш ҳақида гапириш мумкин бўлади. Дарҳақиқат, ижтимоий шериклик сиёсий субъектларнинг тавсифи сиёсий муносабатлар турини белгилайди ва сиёсий институтлар фаолият кўрсатадиган аксарият босқичларда уни бошқаришга имкон беради. Чунки ижтимоий шериклик субъектлари турли сиёсий мақсадларни амалга оширишга интилади. Айниқса, фуқаролик жамиятида шерикликни бошқаришда ижтимоий ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари муҳим роль ўйнайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ижтимоий шерикликнинг мавжуд ҳолатлари жамият сиёсий ҳаётини барқарорлигини таъминлаш соҳасида фаолликнинг турли даражаларини ҳамда уларни ҳал қилишнинг мақсадларига мос услуб ва воситаларини талаб қилади. Шу боисдан ҳам ижтимоий шерикликнинг шакллари хилма-хил бўлиб, у кооперациянинг уюшма(альянс)лар, тармоқ структуралари, трансмиллий корпорациялар каби бошқа шаклларида фаркли равишда, шериклик асосига келишув ғояси қўйилганда амалга ошади.

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК РИВОЖИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Нурбоева Ҳ.Б.
ТТА услубчиси

Жамиятимиз тараққиётида ижтимоий барқарорликнинг аҳамияти бекиёсдир. Ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг асосий ва самарали воситаларидан бири ижтимоий шериклик тамойилини ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифага айланмоқда. Юқорида тилга олинган тамойиллар амалга оширишимизда аёлларнинг ўрни жуда каттадир.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда аёлларнинг ўрни ва мақомини юксалтириш давлат сиёсатидаги ўта муҳим устуворлик ҳисобланади. Шу мақсадда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини

¹ Матибаев Т. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизини ривожлантириш омиллари [Матн]: социология фан. докторлик дис. автореферати. 22.00.02 / Т. Б. Матибаев; Ўзбекистон Миллий университети. 2018. –Б. 15.

ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, оила институтини, оналик ва болалик муҳофазасини янада кучайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, истиклол йилларида давлатимиз хотин-қизларга катта эътибор бериб келмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитларни яратилмоқда. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабатда ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган аجدодларимиз доимо аёлларни кадрлашга, уларга нисбатан ҳурматли ва иззатли муносабатда бўлишга даъват этишган.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилинганлиги бунинг ёркин ифодасидир.

Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу Фармон хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Ижтимоий фаолликнинг негизини инсоннинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ташкил этади. Фаолият қандай мақсадга ва қандай механизмларга таянишини яхши англамай, билмай жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришда қатнашиб бўлмайди. Ф.Мусаев Ўзбекистонда шаклланган сиёсий маданиятнинг қуйидаги умумий хусусиятлари мавжуд, деб кўрсатади:

- алоҳида олинган шахс манфаатларининг давлат ва жамият анъаналарига ҳамоҳанглиги;
- ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи аҳамиятга молик роли эътироф этилиши;
- ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанасининг мавжудлиги, раҳбарларнинг маънавий киёфасига юксак талаб қўйиш;

– парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги;

– деярли барча сиёсий партиялар вакилларига хос бўлган ҳислат – ўз ғоя ва тамойилларининг тўғрилигига қатъий ишонч. Муаллиф ушбу хусусиятларни таҳлил қилиб ёзади: “Шахс – давлат – жамият тизимида манфаатларни уйғунлаштириш нафақат сиёсий жараёнларни рационал бошқариш эҳтиёжидан, шу билан бирга, шарқона ахлоқ-одоб ва демократия талабларидан ҳам келиб чиқади. Демократик таракқиётнинг манфаатлар ранг-баранглиги кенгайган шароитда уларни мутаносиблаштириш, уйғунлаштириш сиёсий фаолиятнинг бош вазифасига айланади. Алоҳида олинган ҳар бир шахс ва гуруҳнинг манфаатларини рад этмаган ҳолда, уларни синтезлаш ва шу тарика уйғунликка эршиш – ғоят мураккаб вазифа, аммо бу вазифани ҳал этишнинг рационал усулини топмай фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат куриб бўлмайди”.

Аёлларнинг ижтимоий фаолиятини ва бу муаммога бағишланган илмий, методик адабиётларни, тавсияларни ўрганиб, аёллар сиёсий-ҳуқуқий фаолиятидаги ўзига хосликларни қуйидагиларга ажратиш мумкин.

1. Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги умумий ижтимоий фаолликнинг бўш вақт, ихтиёрийлик, оммавийлик, рационаллик, уюштирилганлик каби белгиларини ўзида ифода эттиради.

2. Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги хусусий ва умумий манфаатларни ҳар доим уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

3. Махсус уюштирилганликни тақозо этади ёки масъулдор субъектнинг йўл-йўриқларига, ташкилотчилигига таянади.

4. Ижтимоий вазифани тўла адо этиш қафолати кам.

5. Ижтимоий вазифани кўпроқ вербал усуллар билан ҳал этишга мойиллик кучли.

Ижтимоий фаоллик сиёсий-ҳуқуқий билимларни, маданиятни талаб этади. Минг афсуски, аёлларда ушбу билим ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш кўникмаси ҳали юқори эмас. Шунинг учун аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришга қаратилган миллий дастурлар ишлаб чиқиш ва махсус қонунлар қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Фақат сиёсий-ҳуқуқий билимга ва маданиятга эга шахсгина жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашади, ижтимоий фаолликни ўзининг фуқаролик бурчи деб билади.

ИЖТИМОЙ ОНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗАРО ШЕРИКЧИЛИК

Ражабов О.
ЎЗМУ тадқиқотчиси

Фанда иқтисодий фаолликнинг миллий-тарихий генезисига мурожаат этилса, унинг руёбга чиқишига ўзаро ички шерикчилик ахлоқий, ички-ботиний, мотивацион-имманент белгилари, хусусияти сифатида тасаввуф назариясида бир бутун концепцияси юзага келади. Шунинг учун ўзбек халқининг эътиқоди, оддий халқ имон-маслағи тасаввуфидан озуқа олиб, иқтисодий ҳаётнинг этномаданий кўринишларида ахлоқий-эстетик сифатлар мужассамлашган. Шу боисдан, ҳалоллик, поклик, ўзганинг ҳаққига хиёнат қилмаслик сингари иқтисодий фаоллик регламентлари орқали назорат қилинган. Шахснинг иқтисодий фаоллиги тўғрисида ўзига хос йўл кўрсатган тасаввуф алломаси бу - Абдулҳолик Ғиждувонийдир. Унинг тасаввуфий-эстетик қарашлари ваҳдати вуҷуд таълимотига асосланган. Ғиждувонийнинг илм олиш, касб-хунар эгаллаш, нафсни тийиш, ҳалол ва пок яшаш, гўзал ахлоқли бўлиш ҳақидаги ахлоқий-эстетик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас десак хато бўлмайди.

Тасаввуф таълимотларидан бирида яъни Баҳоуддин Нақшбанд асос солган Нақшбандия тарикатидир. Унинг “Кўнглинг Оллоҳда, Қўлинг меҳнатда бўлсин” инсонни имон эътиқодга, иқтисодий фаолликка, бунёдкорликка чорлайди. Баҳоуддин Нақшбанд дейдики: “Бизнинг тарикатимиз жаҳрия зикрию ракс эмас, бизнинг тарикатимиз анжуманда хилват (сафар дар ватан)дир. Хилватда шухрат бор, шухратда эса офатдир. Жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толиблардан бир гуруҳи бир-бирволари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру-барақа кўп бўлади. Умид борку бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан яқунланади”. Тасаввуф таълимотининг асл мақсади “фаол инсон ахлоқи”ни яратиш ва унинг турли тарикатларида худди шу инсонни яратишдаги йўллар, усуллар ва жамиятнинг бир бутун моделини яратишдек ишларга қўл урилган.

Ёшларни шахс сифатида шакллантиришда ўзбек халқи этномаданий ҳаётида фаол инсон бўлишга, нофаол-текинхўр бўлмасликка чорлайдиган ривоят, эртак ва афсона-дostonлар шаклланган. Ватани раўнақи учун хизмат хизмат қилиш, ўз манфаатларини бўйсундириш ўйи, фикри билан яшаган қаҳрамонларнинг образини яратиш ўзбек халқ ижоди ва санъатида устувор мавзулар ва бадий услублардан юртимизни фаровонлигини танлаш мақсадида меҳнат қилиш, моддий неъматлар яратиш, фарзандларини ҳам иқтисодий фаол инсон сифатида тарбиялаш каби мавзулар ўзбек халқи анъаналари, ижод намуналари, байраму томошалар, мақол ва маталларидан кенг ўрин олган. Бу ўринда биз эртақлар орқали

меҳнаткашлик, иқтисодий фаоллик улғайганини кўраимиз. Меҳнат ҳақидаги кўшиқлари ёшларни иқтисодий фаолликка, фаол ҳаётдан завқ олишга ўргатади. Албатта меҳнатни улғламайдиган халқ йўқ. Айнан меҳнат халқ ҳаётини фаровон қилиши, Ватан, эл равақининг асоси эканини барча халқ билади. Аммо меҳнат ўзбек халқи учун эътиқод, умр мағзи, олий бахт-саодат даражасида тараннум этилади. Шунинг учун ўзбек этномаданиятида касб-ҳунар мавзуси алоҳида меҳр, энг гўзал кўшиқ, қуй, бадиий-эстетик маҳорат билан ёритилади. Меҳнат қилиб яшаш халқимиздаги энг олийжаноб, улуғвор фазилатдир. У ҳеч қачон меҳнатдан ҳазар қилмайди, қочмайди, чунки у “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш булар чиройлик” деган мақолга монанд яшайди.

Бизнинг жамиятнинг асрлар давомида шаклланиб келган анъаналари, иқтисодий фаоллигининг этномаданий таракқиётига махсус тўсиқлар қўйилди. Меҳнат қилиш ва мулкка эгаллик қилиш сингари иқтисодий ҳаётнинг имманент белгилари ва қонуниятларининг ишлаш механизми инкор этилди. Ўз даврида жаҳон халқлари иқтисодий фаоллик, моддий фаровонликни яратувчанликка, замонавий илм-фан ютуқларини жамиятга татбиқ этаётган бир пайтда, собиқ шўролар тузумида инсон онгининг мафқуралаштириш ва уни кучайтириш чора-тадбирлари билан овора бўлдилар. Натижада ўзбек жамиятида журъатсиз, нофаол (пассив), субутсиз, шижоати паст шахслар шакллантирилди. Асрий давом этиб келган халқ хунармандчилиги таназзулга учради. Натижада асрлар мобайнида яратилган фақат моддий бойликлар эмас, балки беҳисоб маънавий бойликлар ҳам талон-тарож қилинди, яратиш, дунёга келтириш хисси ўрнини бузиш, йўқ қилиш иштиёқи эгаллади. Ҳалол меҳнат қилишга ўрганган, ўз ризқини фақат фаол меҳнат орқали рўёбга чиқарган халқ мустақилликкача бир зум тўхтамади. Тарбияда меҳнат менталитетига таянди. Бу эса менталитетимиз маънавий-ахлоқий кадриятлар тарихи мустаҳкам шаклланганлигини, уни исталган вақтда ўзгартириши мумкин эмаслигини, меҳнатнинг яратувчанлик кучи ўзаро шерикчилик инсонни, албатта, озодликка олиб чиқишини амалда кўрсатди.

Ўзбек халқининг янги авлодни тарбиялаш, саводли қилиш ва айни пайтда иқтисодий фаоллаштириш анъаналари натижасида, меҳнат фаолиятига тегишли ахлоқий-эстетик сифатлар шаклланган. Бу, ўз навбатида, фаолликни ахлоқий императивлар билан детерминлаштирган, фойда олиш мотивини намоён этадиган этномаданий белгилар ва сифатлар билан тўлдирган. Булар қуйидагилардир: меҳнатсеварлик, миришкорлик, тадбиркорлик, фойда олишга интилиш, саҳийлик, бегараз ёрдам, алтрунизм, ҳозиржавоблик, табиийлик, шериклик, ижтимоий ҳамкорлик, сабр-тоқатлик, қаноат, андишалилик, меҳрибонлик, жамоавийлик, раҳбарларни ҳурмат қилиш, ўзгалар меҳнатини кадрлаш, ўз меҳнати натижаларидан завқланиш, оилавий бизнес амалиёти ва ўзини-ўзи моддий

таъминлаш каби ахлоқий-эстетик сифатлар миллий ва локал этноиқтисодий муҳитда юзага келган.

Бизнинг фикримизча, тарихий-миллий ва этномаданий жихатдан эволюцион шаклланган иқтисодий фаоллик ўзбекларнинг янги авлоди меҳнаткашлиги, даромад топиши, муҳит иқлимга мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, “йўқдан бор қилувчи” машаққатли меҳнат субъекти сифатида намоён бўлади. Тарихан шаклланган иқтисодий фаоллик объектларини шартли равишда, менталитетимизга хос асосий соҳаларини ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи гуруҳга, табиий ландшафт туфайли юзага келган суғорма деҳқончилик ва унинг машаққатлиги асносида мураккаб суғориш инфратузилмасининг пайдо бўлиши. Бу ҳам деҳқончиликни, ҳам чорвачиликни такомиллаштиришга ва бу соҳада фаол ҳаракат қилишга олиб келган. Иккинчи гуруҳга, тўрт фаслга мос равишда яшашга кўникиш ва бу шаронгга мос равишда саноат, кончилик, металлургия ва хунармандчиликнинг турли соҳалари яратилишини киритиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш жонзки ижтимоий-иқтисодий соҳаларда шунингдек ўзаро шерикчилик ва таълим тарбия тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида, фуқароларнинг онги, дунёқарши, иқтисодий мўлжаллари ва ингилишлари янгилади, шахсларнинг ўзлари ҳам ўзаро шерикчиликда меҳнат қилишлари ўзгарди. Ҳозирги кунда ҳаётга янгича фикрлайдиган дунё халқлари билан тенг шерикчилик ва ҳамкорлик қила оладиган баркамол фуқароларимизнинг янги авлодлари кириб келмоқда. Айнан мана шу янги баркамол авлод иқтисодий ислохотларни бундан кейинги муваффақиятларни таъминлаб беради десак хато бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ҳозирги замоннинг мафқуравий киёфаси. “Ижод дунёси” нашрлиги. – Т.: 2003.
2. Хақимов Н. Инсонийлик зийнати. –Т.: Меҳнат, 1997.
3. Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти. –Т.: “Sano Standart, 2015.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Райхонов У.А., ЎзМУ таянч докторанти
Мирзамахмудова М.О., ЎзМУ таянч докторанти

Бугунги кунда дунё мамлакатлари олдидаги устувор вазифа жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиш, ўз халқига муносиб турмуш даражасини таъминлаш, аҳоли фаровонлигига эришиш, демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиш, фуқаролик жамияти институтлари

фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданиятини ошириш ҳисобланади. Мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда ижтимоий шерикчиликни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Дастлаб ижтимоий шерикчилик ижтимоий меҳнат соҳасидаги иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштириш, ижтимоий ва меҳнат можароларини ҳал қилишда давлатнинг воситачилик роли билан ходим ва иш берувчининг ўртасида юзага келадиган муносабат сифатида кўзга ташланган бўлса, у бугунги кунда тадбиркор, агентлик ва фуқаролик жамиятлари ўртасида амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамиятини қуришда ижтимоий, сиёсий, корпоратив ва ижтимоий мулоқот кенг қўлланилади. Шунингдек, фуқароларнинг номоддий эҳтиёжларини кондирини, уларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, низоларни бартараф этишда ижтимоий, хайрия, маданий, маърифий, илмий ва бошқарув максаларига эришиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий шерикчиликнинг энг муҳим вазифалари турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва синфлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва долзарб иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам бериш, демократияни чуқурлаштириш, ижтимоий ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва очик демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришдир.

Ижтимоий-шерикчилик мазмун – моҳиятига кўра жамиятда тинчлик, фуқаро тинчлигини шакллантириш, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ўртасидаги муносабатлардаги кескинликни пасайтириш; ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг барча даражадаги сиёсий консолидациясига қаратилган.

Ижтимоий шерикчилик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш; аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш; атроф муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш; ҳар томонлама барқамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш; оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш; фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш; аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва спортни маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш; кадриятларни тиклаш ва сақлаш; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; жамиятда

коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш каби соҳаларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ижтимоий шерикчилик муносабатларини Ўзбекистонда шакллантириш мақсадида 2014 йилда “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қонунга кўра, ижтимоий шерикчилик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир¹.

Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида жамият ва давлат олдида турган ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ижтимоий шерикчилик институтини кенг жорий этиш белгилаб ўтилган. Унга кўра:

- ижтимоий шерикчиликнинг амалдаги “давлат + фуқаролик жамияти институтлари” механизмини “давлат + фуқаролик жамияти институтлари + тадбиркорлик субъектлари” механизмга ўзгартириш;
- ижтимоий шерикчиликни амалга оширишда иштирок этадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларига имтиёзлар бериш;
- республика давлат бошқаруви органлари ҳар йили бюджетдан ташқари маблағлари харажатлари сметасида давлат ижтимоий буюртмасини бериш учун мажбурий тартибда маблағлар ажратиш;
- ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат комиссияси аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш назарда тутувчи лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган².

Ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш мақсадида жаҳон тажрибасига назар ташласак, на давлат на бозор, на оила ижтимоий низоларни бартараф эта олмайди. Ижтимоий шерикчилик – ижтимоий соҳадаги турли кучларнинг конструктив шов-шуви одамлар учун муносиб турмуш даражасини ошириш учун тенг имкониятлар яратади.

Бунинг асосий сабаби ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солишда ходимлар, иш берувчи ташкилот ва давлат манфаатлари тўқташади. Ижтимоий ҳамкорликнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш механизми сифатида ижтимоий шерикчилик тизими Иккинчи жаҳон уришидан сўнг 60-70 йилларда яратилган. Бугунги кунда ижтимоий шерикчиликнинг энг ривожланган

¹ <http://www.lex.uz/docs/2468214>

² <https://regulation.gov.uz/ru/document/1678>

тизими Германия, Австрия, Швеция ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Жанубий Европа, АҚШ, Японияда ижтимоий шерикчилик кам кўзга ташланади. Ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда ушбу тизим мавжуд эмас. Россияда эса у шаклланмоқда. Россияда ижтимоий шерикчилик давлат учбурчаги: ҳукумат тузилмалари, бизнес тузилмалари, касаба уюшмаси ва жамоат ташкилотларининг ўзаро манфаатларига хизмат қилади.

Ижтимоий шерикчилик – тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида ишлайдиганлар ва иш берувчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирокчилар манфаатларини мувофиқлаштириш учун институтлар ва механизмлар тизимидир¹.

Ижтимоий шерикчиликнинг турли шаклларида ривожланиши – замонавий бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини мустаҳкамлаш ва уни ижтимоийлаштиришнинг муҳим қисмидир. Ижтимоий шерикчилик тизимида ишчиларнинг манфаатлари, одатда, касаба уюшмалари², иш берувчилар манфаатлари – тадбиркорлар уюшмалари манфаатлари³ билан ифодаланади.

Жаҳон амалиётида ижтимоий шерикчилик “уч томонлама” деб аталади, манфаатларни мувофиқлаштириш жараёнидаги учинчи тўғридан-тўғри иштирокчи – бу давлат бўлиб, қабул қилинган қелишувларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Саноати жихатдан тараққий мамлакатларда ижтимоий шерикчилик турли шаклларда намоён бўлади. Корпоратив тизим махсус органлар, воситалар ва механизмлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу тизим Австрия, Швеция, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландияда кенг тарқалди. Масалан, Австрияда ижтимоий шерикчилик кенг миқёсда маслаҳат кенгашилари ва қўмиталари, ҳамда миллий ва тармоқлараро даражаларда тенглик комиссиялари орқали амалга оширилди. Ижтимоий шерикчиликнинг махсус институтлари мавжуд бўлган мамлакатларда плюралистик тизим (Буюк Британия, АҚШ, Канада) фаолият юритади. Бу ерда қарама-қарши манфаатларнинг қелишуви одатий сиёсий жараёнлар (партиялар, парламентлар, касаба уюшмалари) ва турли компанияларнинг ишчилари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали бутун жамият даражасида амалга оширилади.

XX асрнинг 60- ва 70-йилларида Ғарб мамлакатлари бизнес-ҳамжамиятлари учун оғир синов – ишбилармон ташкилотларга солиқ-юқламасининг анча ўсиши давлатнинг бизнесни турли ижтимоий лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришга жалб қилиш бўйича фаол

¹ Скачкова Г.С. Социальное партнёрство / председ Ю.С. Осипов и др. – Большая Российская Энциклопедия (в 35 т.). – Москва: Научное издательство «Большая Российская Энциклопедия», 2016. – С. 5. – 766 с.
² Манба: <http://www.fipr.ru/n/251/6004.html>
³ Манба: <http://www.tpprf.ru/ru/members/communities/>

сиёсати билан бирга борди. Бу даврда оммавий бўлган “корпоратив альянсу” концепцияси бизнеснинг ижтимоий жавобгарлигини компания барча манфаатдор томонларининг биргаликдаги ҳаракати натижаси сифатида тушунишни ёқлаб чиқди¹.

Бугунги кунда бизнес ўзининг атроф-муҳитга таъсирини тўла ҳисобга олиш фалсафасини қўллаб-қувватлаш зарурлигини ёқлайдиган концепция кўпроқ эътирофини топмоқда. Бизнеснинг иши – филантропия ва альянсу каби хайрия иши эмас, балки рационал қурилган, бизнесни ривожлантириш шароитларини оптималлаштирадиган ижтимоий инвестициялар ва ижтимоий шерикчиликдир².

Юқоридаги барча тадбирлар қуйидаги жиҳатларни қамраб олиши зарур³:

- ижтимоий шерикчиликда иштирок этиш ишчиларнинг иш шароитидан норозилиги, меҳнат унумдорлигини ошириш, махсулот сифатини ошириш ва натижада даромадларни кўпайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш;
- иш берувчи билан конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- ташкилотнинг барқарорлигини ривожланишини таъминловчи энг мақбул йўлни танлаш.

Фикримизча ижтимоий шерикчилик асосида жамиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

- инфляцияни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи индексацияси масалалари бўйича Меҳнат кодексига ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар бериш;
- ҳодимнинг касбий ва малакаси бўйича энг кам ойлик иш ҳақини тасдиқлаш тартибини жорий этиш;
- жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда прогрессив солиқларни жорий этиш;
- барча ходимлар тоифалари учун пенсия миқдорини белгилашнинг айна тартибини назарда тутувчи пенсиялар тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- пенсиянинг жами қисмини ходимнинг маблағлари ва шахсий ҳисобварағидаги корпоратив нафақалар ҳисобидан шакллантирилишини таъминлаш;
- имтиёзли пенсия олиш тартибини кўриб чиқиш.

¹ Индилов Э.В., Синяев В.В. Разработка эффективной маркетинговой стратегии: комплексный подход // российское предпринимательство, 2009, №10, вып. 2 (145). – С. 33–38.

² Тульчинский Г.Л. Корпоративная социальная ответственность (социальные инвестиции, партнерство и коммуникации). – СПб., 2006. – С. 37–38.

³ <https://ru.wikipedia.org>

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ
ШЕРИКЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ**

**Расулов Б.Б.
СамДУ тадқиқотчиси**

Асосий Қонуниimizда ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартлари бўлган қонун устуворлиги, ҳуқуқ ҳукмронлиги, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари реал таъминланиши, давлат ҳокимиятининг демократик тамойили бўлган ҳокимиятлар бўлинишига асосланиши ва нуфузли мустақил суд ҳокимиятининг мавжудлиги, шахс ва давлат ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган ўзаро масъуллик каби қоидалар ўз ифодасини топган.

Ўтган давр тажрибаси шуни кўрсатдики, фуқаролик жамияти институтлари Европанинг янги ва эски дунёсидаги мамлакатлар каби фуқаролик жамияти қуриш босқичларини босиб ўтиши анча мушкул ва машаққатли ўтиш даври бўлишини тақозо этар экан. Айниқса, Марказий Осиё минтақаси тарихида бозор иқтисодиётига асосланган тажриба ва давлатларнинг ҳар бирида бозор иқтисодиётига ҳос ягона миллий бозорнинг ривожланмаганлиги каби ҳолатлар фуқаролик жамияти қуриш ислохотларини жадал ривожланишига ғов эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Қолаверса, миллий менталитет, маданият, маънавият, миллат руҳияти каби жиҳатларнинг демократик кадриятларни ўзлаштириш учун ҳали тайёр эмаслиги ҳам ўзини намоён қилиши натижасида “фуқаролар фаоллиги” ёки нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ташаббусларини унчалик сезилмаслиги ҳам ўтиш даври ислохотларига салбий таъсир этмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи, фуқаролик жамиятига ўтишда асосий иқтисодий ва сиёсий куч сифатида намоён бўладиган ўрта ижтимоий катламнинг ҳали шаклланиб бўлмаганлиги омили ҳам фуқаролик жамияти ривожланишига имкон бермаётганлиги сезила бошланди. Жамиятдаги ижтимоий катламлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг сустрлиги сиёсий партияларнинг демократик принциплар асосида фаолият юрита олмаслигига сабаб бўла бошлади. Жамиятдаги ана шу ҳолатлар ҳозирги даврда ҳар бир мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожланиш йўли турли хилда ва турли мезонларда бўлишини тақозо эта бошлади.

Шимолий Америка ва Европа мамлакатлари фуқаролик жамияти қуришдан аввал индустриал жамиятни барпо этганлиги, саноат ва технологияларни юксак даражада ривожланганлиги, хусусий мулкчилик иқтисодиётнинг асоси даражасига кўтарилганлиги каби тажрибалар

Марказий Осиё давлатлари жамиятларида энди шаклланиш босқичини ўз бошидан кечираётганлиги ҳам ҳозирги ислохотларни амалга оширишда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳали олдинги анъаналардан тўлиқ ҳалос бўлмаганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва демократик кадриятлар фуқаролар дунёқарашида намоён бўлиши каби жараёнлар ҳам иқтисодий ва сиёсий омилар билан боғлиқ ҳолда секин кечаётганлиги ҳам ўтиш даврининг катта муаммоларидан бири сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдан асосий манфаатдор бўлган ва бу каби жамиятга кучли эҳтиёж сезаётган асосий ижтимоий катлам – мулкдорларнинг кичик бизнес қорхоналари ҳам ҳали фуқаролик жамияти амал қилаётган АҚШ ҳамда Европа мамлакатлари даражасига етгани йўқ.

Марказий Осиёдаги жадал ривожланиш йўлини бошлаган Ўзбекистон Республикасида 2017 йилдан бошланган фуқаролик жамияти қуриш ислохотларини янада чуқурлаштириш зарурияти ҳорижий тажрибаларни янада кенгроқ ўрганишни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда. Фуқаролик жамияти қуришда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон учун ҳос бўлган муаммолар асосан қуйидагилардан иборатдир:

- бу мамлакатларда жамият ва давлатни бошқаришда ҳамон миллий анъаналардан воз кечиш жараёнлари секинлик билан кечмоқда;

- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатга мутаносиб ҳолда ижтимоий катламлар ўзлари иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотларни (ННТ) молиявий жиҳатдан таъминлашда пассивлик қилмоқда;

- мамлакат ўтиш даврини ўз бошидан кечираётганлиги сабабли аҳоли ўз манфаатларини ННТ воситасида қондириш тажрибасини ҳали тўлиқ эгаллагани йўқ;

- мамлакатда демографик жарёнлар кучли тарзда кечмоқда. Бу жараён давлатнинг иқтисодий-молиявий салоҳиятини ривожланишига ҳалакит бермоқда. Масалан, Ўзбекистонда ҳар йили аҳоли 1,4-1,5 фоиз ўсгани ҳолда, ялпи ички маҳсулот 5-6 фоизга ўсмоқда;

- фуқароларнинг демократик принципларга ҳос ҳуқуқий ва сиёсий маданияти энди ўз ривожланиш босқичини бошлади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ННТ сони 1991 йилдаги 200 тадан 2018 йилда 9200 тага кўпайди. Мамлакатда аввал бир партиявийлик тизими ҳукмрон бўлган бўлса, ҳозирги кунда 5 та сиёсий партия фаолият юритмоқда. 16 та йирик тармоқлар қасаба уюшмалари фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини қондиришга ҳаракат қилмоқда. 10000 га яқин

Ўзини-ўзи бошқариш органлари, 1500 та оммавий ахборот воситалари (уларнинг аксарияти хусусий ва мустақил) фаолият юритмоқда¹.

2016 йил охирида Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши билан фуқаролик жамияти куриш соҳасида бир неча ўн йилларга тенг бўлган ўзгаришлар амалга оширилди. Дастлаб, фуқаролик жамиятининг ривожланишига тўсик бўлиб турган – ижроня ҳокимияти тизимини ҳуқуқий давлат талаблари асосида ислох этишга муҳим аҳамият берилди. Зеро, фуқаролик жамияти фақат демократик принциплар асосида фаолият юритадиган давлат шароитидагина ривожланиши мумкин.

Дастлаб фуқаролик жамияти куришга асосий тўсик бўлиб турган давлат ижроня ҳокимияти тизимини фақат бошқариш органи эмас, балки фуқароларга давлат хизмати кўрсатиш органига айлантиришга доир ислохотларни амалга оширди. Бу соҳадаги ислохотларга “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” принципи асос қилиб олинди. 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди. 2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ҳамда шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхоналари тузилди. Қабулхоналар иши натижаси асосида фуқароларнинг турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларга дуч келиши, конунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятини тубдан ўзгартиришга доир ишлар амалга оширилди². Бир йил ичида халқ қабулхоналарига 1,5 млн.дан ортиқ муружаатлар келиб тушди.

2017 йилнинг 8 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси” мамлакатда ижроня ҳокимияти тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий асоси ва стратегик концепциясини мужассамлаштирди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонуни устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза (2016 йил 7 декабрь) // Миллий тараққиёт йўлимининг катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.114-115.

² Информация о состоянии и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. 23.12.2018//www.minescopomy.uz/ru/node/2089.

Концепциянинг мазмун-моҳияти ва унда қўйилган вазифалар ривожланган мамлакатлардаги давлат ижроня бошқаруви тизимини модернизациялаш тажрибаси билан миллий анъаналар ўзаро уйғунлашди. Мазкур концепцияга мувофиқ, 2017 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Маълумки, қисқа давр – бир йил ичида мамлакатда давлат органларининг хизмат кўрсатишга доир фаолияти сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда макбул шарт-шароитлар ва қулайликлар яратишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2017 йил 1 февралдан тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича муҳим кадам бўлиб, вертикал бошқарувни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада ушбу марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 100 тагача ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилган “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроня ҳокимияти ва унинг маҳаллий тузилмаларини модернизациялашнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармонда, биринчидан, ижроня ҳокимияти ва унинг маҳаллий тузилмаларини асосий фаолиятини аҳолига давлат хизмати кўрсатишга мослаштириш ислохотларининг вазифалари эълон қилинди. Унда давлат хизматлари агентликларига муружаатлари давлат ҳокимияти органлари мансабдорлари фаолиятига доир ахборотлар, уларни ўз хизмат вазифаларини суистеъмом қилишларига доир хабарларни тезлик билан етказиб турувчи ўзига хос “халқ мониторинги”ни шакллантириш назарда тутилди. Натижада ижроня ҳокимияти фаолияти устидан нафақат жамоатчилик назорати, балки фуқаролар назорати амалга ошди.

Ижтимоий шерикчиликни янада ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки, ижтимоий шериклик субъектлари ўз ваколатлари доирасида ўқув-услубий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватлаш орқали ҳам мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш имконияти ошади.

Албатта, ҳозирги вақтда фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини

янада ошириш борасида юзага келаётган муаммоларни ечишда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб, ҳисоблайман:

- нодавлат нотижорат ташкилотларни (ННТ) молиявий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш бўйича турли инновацион воситаларни ишлаб чиқиш ва янги молиявий манбаларни яратиш;

- аҳоли ўз манфаатларини ННТ воситасида қондириш тажрибасини ошириш, фуқаролардан ННТлардан манфаатдорлик ҳиссини кўчайтириш;

- ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига таъсир этиш механизмларини кучайтириш;

- фуқароларнинг демократик принципларга ҳос ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга қаратилган ижтимоий тадбирларни янада таъсирчанлигини ошириш, аҳолининг фаол ва пассив фаол қатламлари ҳуқуқий онги ва маданият даражасини янада юксалтириш;

- Ижтимоий шерикчиликнинг барча шакллари кенг ривожлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда маъмурий ислохотларни амалга ошириш мақсадларидан бири – бу номарказлаштириш асосида фуқаролик жамиятини шакллантиришдир. Фуқаролик жамияти ҳокимиятлар бўлинишининг нафақат горизонтал, балки вертикал бўлиниши, яъни сайланадиган давлат органларининг ўзаро мувозанатда мавжудлиги шароитидагина ривожланиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Рашидова М. талаба ЎЗМУ
Илмий маслаҳатчи – ЎЗМУ доц. в.б. Нишанбаева Э.

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун»¹ бири билан баҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва фидоийлик сифатларини ўзида нарсадан устун кадрят деб қарашган. Урф-одатларда, турли-туман маросимларда, қундалик ижтимоий ҳаётда хилма-хил кадрятлар вужудга келиб, барчаси инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун хизмат

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд – Т.: Ўзбекистон 131 бет.

қилгани, шарқона миллий уммуминсоний кадрятлар шаклланишида асос бўлиб, инсон омили унинг кадр-қиммати юксак даражада баҳоланганлигини узоқ ўтмиш зарварақлари айтиб турибди албатта. Йиллар давомида, хусусан, мустақиллик даврларида ҳам инсон кадр-қимматини ошириш, шу мамлакатда туғилиб, истиқомат қилувчи ҳар бир инсоннинг манфаатларини чуқур англаган ҳолда қатор ислохотларни амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Таъбир жоиз бўлса эркин фуқаролик жамиятини қуришдаги илк қадамлар сифатида давлат аҳамиятига молик бўлган қонунлар, қарорлар қабул қилиниши, турли жамғармалар, жамоат ташкилотлари, қасаба уюшмаларининг, қолаверса ҳеч қайси мамлакатда учрамайдиган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ташкил этилиши барчаси инсон манфатларини ўйлаган ҳолда ишлаб чиқилганлиги жамият ҳаётидан салмоқли янги ўзгариш десак муболаға бўлмайди. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни ҳам шу ислохотларнинг давомийлиги сифатида инсон манфатларини ўйлаган ҳолда ҳаётга талбик этилган йўналиш доирасида қарашимиз мумкин.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун эркин фуқаролик жамияти яратишдаги янги босқич, йўналиш сифатида қаралмоқда. Бу қонуннинг мазмун моҳияти юртимизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва давлат ҳокимияти, бошқарув органларининг биргалиқда ҳамкорлиги натижасида жамиятни бошқаришда иштирокини янада ошириш ҳамда эркин фаровон жамият қуришда янгидан – янги лойиҳаларни яратиш, мамлакат ички бошқарув инфратузулмасини бундан кенг равишда такомиллаштириш, халқнинг онгида янги эзгу ғояларни узвий боғлиқлигини таъминлаш, миллий аъёналаримиз, кадрятларимизни қамраб олган ҳолда улар онгидаги маънавий бўшлиқни юзага келишини олдини олиш мақсадида, дунё ҳамжамиятига мос равишда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади ва бу йўналишларнинг қамровини бутун мамлакат бўйлаб амалга оширишни кўзда тутди. Бу олиб борилаётган ўзаро ижтимоий шерикчилик очик ошқора равишда амалга оширилиб оммавий ахборот воситаларида бутун халқ олдида муҳокама этилиб, таклифлар, шикоятлар мулоҳазалар шу ернинг ўзида иложи борица кўриб чиқилиб муаммоли вазиятларни ҳал этиш чоралари олиб борилади ва янги фикрлар, ғоялар инобатга олиниб, улар асосида керакли бўлган ишлар амалга оширилади.

Ижтимоий шерикчиликнинг ўзига ҳос йўналишлари мавжуд бўлиб, бу йўналишларнинг асосий мақсади аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож

катламига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликни (ёшлар ва хотин-қизлар) қўллаб қувватлаш, касаба уюшмаларидаги ишчи ходимларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, оилавий низоларнинг олдини олиш ва шу каби ижтимоий йўналишларда давлат бошқарув органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг шериклик алоқалари янада мустаҳкамлаш ва бу шериклик алоқаларини қай тартибда амалга ошириб борилаётганини кўздан кечириб боришдан иборатдир. Бу шериклик алоқаларнинг маҳсули сифатида ҳар бир соқа йўналишида сезиларли даражада ўзгариш кузатиш мумкин. Хусусан соғлиқни сақлаш йўналишини оладиган бўлса, Республика болалар мостлашув маркази ва ЮНИСЕФ хайрия фонди томонидан сўнгги 10 йил ичида 500 га яқин бола Германия давлатида соғлигини қайта тиклаб қайтишди. Республика онкология марказида кўкрак саратонга қарши даволанаётган аёллар соғлигини тиклаш ва керакли дори дармонларни етказиб бериш мақсадида Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ва Республика Ёшлар Иттифоқи, қатор жамоат хайрия фондлари билан шерикчилик натижасида ўтказилган тадбирлар натижасида йиғилган пул маблағлари ва бемор аёллар учун сарфланди.

Нафақат соғлиқни сақлаш борасида балки бошқа йўналишдаги ўзаро шерикчилик муносабатларида ҳам яхши натижаларда эришилди. Мисол тариқасида айтиб ўтадиган бўлсақ ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида Республика Хотин қизлар қўмитаси ва Маҳалла хайрия жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилди. Шу ўринда Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: “Бизнинг муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқадди. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”¹. Юртбошимиз ушбу фикр мулоҳазалари билан тадбиркор давлат бойлиги ақлли тадбиркор ҳамма ерда ўз ўрнига эга бўлади албатта. Ижтимоий шериклик давомида тадбиркорлик соҳасига эътиборни юқоридаги нутқда айтиб ўтилган муносабатларида қўшимча тариқасида сиёсий партияларда ишлаб

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. 1 жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.11-12.

чиқилаётган ижтимоий шерикчилик доирасида янги дастур ва лойиҳаларда ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон Либерал Демократик партияси томонидан ҳар бир вилоятда тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 100 дан ортиқ маслаҳат кенгашларининг очилганлиги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонга кириб тижорат банклари билан ижтимоий шериклик натижасида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш, меҳнатга қобилиятни бўлган аҳолини тадбиркорликка жалб этиш борасида қатор ютуқларга эришилмоқда. Ижтимоий шерикчилик мамлакат ҳаётида янги ривожланиш босқичи ҳисобланади, бу эса жаҳон миқёсида танилаётган мамлакатимиз учун муҳим йўналиш ва марра эканлигини чин қалбдан ҳис қилиб англаб турибмиз.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: “КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ”

Тугалов А.Х.

Тошкент Фармацевтика институти ўқитувчиси

Мамлакатимизда барча жабҳада қонун устуворлигини таъминлаш, инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият даражасига кўтариб, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш юзасидан изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштириш, бу борада яратилган қонунчиликни амалиётга татбиқ этиш, фуқаролар фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш замирида ҳам, аввало, инсон манфаатлари устуворлигини қафолатлаш мақсади мужассамлаштирилган.

Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қўллаб қувватлаш ҳужжатлари фуқаролик жамиятини юксалтиришда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш борасида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини, давлат ва жамият қурилишидаги ваколатларини кенгайтиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база нодавлат нотижорат ташкилотларининг барқарор ривожланиб боришига замин яратмоқда. Хусусан, 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш

борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. ННТнинг давлат рўйхатидан ўтиши тўғрисидаги адилия органларига килинган мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 2 ойдан 1 ойга қискартирилди. Ушбу ҳужжатга мувофик, аёллар ва болалар манфаатларини химоя қилувчи ташкилотлар учун тегишли имтиёзларнинг назарда тутилгани яна бир эътиборли жиҳат ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 400 га яқин ННТ фаолият кўрсатаётгани, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ҳиссаси ортиб бораётгани ҳар томонлама пухта ўйланган қонуний шарт-шароитлар ҳамда берилаётган имтиёз ва имкониятларнинг ёркин ифодасидир.

Моддий-техника, ахборот ва услубий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватланиши натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлари бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асраш, эҳтиёжманд қатлам вакилларига ижтимоий кўмаклашиш, спортни ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хусусий тадбиркорликни раванк топтириш, бандлик даражасини ошириш ва бошқа йўналишлардаги долзарб масалаларни ечишда фаол қатнашмоқда. Сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик давлат дастурларини амалга оширишга жалб этилган нодавлат нотижорат ташкилоти сони ошиб бораётгани, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса кўшаётган ННТ сафи ҳам сезиларли даражада кенгайиб бораётгани ушбу институтнинг жадал раванк топаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун нормаларига мувофик, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузурда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари ташкил қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир стратегиянинг самарадорлигини оширишга хизмат қилапти. ННТлар ижтимоий акциялар, давра суҳбатлари ва илмий-амалий анжуманларни ташкиллаштирамоқда.

Имконияти чекланган болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш, ёлғиз аёлларга, кексаларга кўмак беришга қаратилган хайрия ярмаркаси, акциялари ҳам бугун ижтимоий шерикликнинг яққол кўринишидир.

Фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги ортаётганини, жумладан, уларда ишлаётган ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганини ҳам кузатиш мумкин.

Мана шу ННТларнинг фаолиятига бағишланган форумларда ҳам юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари, давлат тузилмалари вакиллари ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ННТ

ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятида шаффофликни таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларини атрофлича муҳокама қилмоқдалар.

Қаердаки жамоатчилик назорати кучли бўлса ўша ерда ноҳақликлар бошбошдоқликлар барҳам топади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг муҳим йўналиши Маҳалла — ўзига хос ажралиб туради. Маҳалла жамоатчилик назоратини олиб боришда салоҳият ва имкониятга эга шу боис ундан самарали фойдаланиш “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқаришнинг муҳим талабидир. Маълумки, фуқаролар йнғинлари қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига қирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Шу билан бир қаторда, маҳаллалар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб боради. Бу эса ҳар бир ташкилот ва муассасаларнинг ўз устида масъулият билан ишлашини назорат қилиш десак муболаға бўлмайди.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИ ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ – ТАРБИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Усманов А.
ЎзМУ талабаси

Адолат, фаровон ҳаёт, тенг имконият, таракқиёт, мувафаккият — мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичини белгилаб берган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ўз аксини топган тамойилларнинг бир қисмини ташкил этади.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, ижтимоий зарурияти, аҳамиятини англаш учун халқимизнинг, хусусан, олис кишлоқ жойларидаги аҳоли турмуш тарзига назар солиш, маҳаллаларимизни аввалги ва ҳозирги ҳолатларни таҳлил қилишнинг ўзи етарлидир. Маълумки, халқимиз ҳаётида маҳалла азал - азалдан маълум бир ҳудуд аҳлининг ижтимоий ҳамкорлиги бўлиб, миллий давлатчилигимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳам айнан маҳаллада ўз ифодасини

топган. Ана шу хусусиятлари билан маҳалла ўзини - ўзи бошқариш тузилмаси сифатида оиладан фуқаролик жамиятига ўтишда ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилади. Шу маънода ўзини - ўзи бошқариш органи бўлган маҳалланинг макomini ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида кенгайтириш бўйича республикамизда бир қатор ҳуқуқий метъёрлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясининг 1.3 - бандида назарда тутилган жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, хусусан, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини оширишга қартилганлиги бу борадаги ишларнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Албатта, ижтимоий ҳамкорлик маҳалла институтига ўзини - ўзи назорат қилиш имкониятини берибгина қолмай, балки ҳудуд ободлигини яхшилаш учун шарт - шароит яратади. Халқаро тажрибага таянсақ, иқтисодий - ижтимоий юксалиш аввало кишлоқ жойларни ривожлантиришдан, кишлоқ одамлари ҳаёти даражасини оширишдан, уларнинг онги ва дунёқарашини ўзгартиришдан бошланади.

Мамлакатимиз раҳбари ғояси билан бугун халқимизни ҳаётдан рози қилишнинг, юртимиз янги кийфасини яратишнинг энг самарали механизмларидан бирига айланиб улгурган «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари бу борадаги ишлар самарасини янада мустаҳкамлади. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги фармонида мувофиқ қабул қилинган «Обод кишлоқ» дастури доирасида жорий йилда 159 та тумандаги 386 та кишлоқда курилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ кишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган курилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.¹

Фуқаролик жамиятини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш билан биргаликда олиб боришни тақозо этади. Дарҳақиқат, маҳалла институти эса бу босқичдаги энг катта тарбия даргоҳидир. Бугунги жамиятнинг янгиланиши, демократлашуви ва модернизация жараёнларида ҳам миллий - маънавий кадриятларни ҳисобга олишни замоннинг ўзи тасдиқламоқда. Тарбиявий тадбирлар ўтказиш, уларда қатнашиш ва унинг маъсулиятини ҳис этиш маҳалладаги ҳар бир инсоннинг муҳим вазифасидир. Зеро, ёш авлодни тарбиялаш энг аввало оилада, мактабда ва маҳаллада олиб борилади. Шу маънода мамлакатимизда ёшларнинг бўш вақтидан мафкуравий ишларни мувофиқлаштириш, турли ижтимоий институтлар, оила, мактабгача таълим муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари ва маданий - маърифий уюшмаларнинг тарбиявий имкониятларини

¹ Фуқаролик жамияти - Гражданское общество - Civil society. - 2019. - №2. - Б.90-95.

тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари ҳамда воситалари услублари ва усулларнинг яхлит бир бутун уюшмасидан омилкорлик билан фойдаланиш ўринлидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун мавжуд шарт - шароитлар яратилган. Айни вақтда эса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунчалик қучли бўлади. Бу каби масалалар энг аввало ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли, 2019 йил 19 март кунин Президент Ш.Мирзиёев томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни белгилаб бердилар. Унга кўра, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби бир қатор муҳим масалалар камраб олган.

Мазкур ташаббусни бутун республикамизда кенг жорий қилиш мақсадида, барча ҳудудлардаги мутасаддилар, яъни, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб бириктирилганлиги ҳам бежиз эмас албатта. Бир сўз билан айтганда, ушбу 5 ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши, ўз ҳаёт йўлларини топиб ўзининг шахсий ижтимоий мавқенга эришуви, қарашлари интилишлари, қизиқишлари, шинингдек, маънавий - маданий психологик ҳолатлари доимий эътиборда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИДА ШЕРИКЧИЛИК МУАММОЛАРИ

Ҳақбердиев Н.
ЎЗМУ тадқиқотчиси

Ўзини ўзи бошқариш (ёки муниципал - “municipal” (инг.) - “ўзини ўзи бошқариш”) деб, у ёки бу таъмурий- ҳудудий бирликлардаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг таъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга

эга бўлган ишларни шерикчиликда бошқаришга айтилади. Махаллий ўз-ўзини бошқарув давлат ва фукаролик жамияти ўртасида боғловчи бўгин ролини ўйнаб, демократия шароитида фукароларнинг манфаатларига амалда хизмат қилиши, иктисодий ва сиёсий ўзгаришларни амалга оширишнинг мухим вазифасини бажарган. Айни вақтда мамлакатимизда ўз ечимини қутаётган муаммолар, аввало, жамиятни янгилаш ва ислох қилиш, халқнинг оғирини енгиллаштириш йўлида ғов-тўсик бўлиб турган салбий ҳолатларни яна бир бор аниқлаб олиш ва уларни бу ҳолатни биргаликда шерикчиликда бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш заруриятга айланмоқда. Шунингдек аҳолини иш билан таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, коммунал хизмат соҳасини тартибга солиш каби қатор долзарб кўп жойларда ханузгача ўз ечимини топгани йўқ. Мамлакатимиздаги турли бўгиндаги раҳбарлар томонидан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини химоялаш, аҳолининг таъминоти ва ижтимоий муаммоларини ечиш сингари мухим масалаларга беписандлик билан қараш, қонунбузарлик, таъмагирлик, ўз вазифасини сунистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Таҳлиллар кўрсатишича, икки ярим йил давомида 8045 нафар мансабдор шахс жиной жавобгарликка тортилган бўлиб, уларнинг 1120 нафари – республика, 1072 нафари вилоят ва 6855 нафари – туман миқёсидаги давлат бошқаруви органлари хизматчилари эканлиги ҳеч қимга сир емас. Жавобгарликка тортилган бундай мансабдор шахсларнинг деярли тенг ярми мулкни талон-тарож қилганлиги ва ҳар еттигадан бири таъмагирлиги учун судга тортилдилар. Маълум бир мансабдор шахсларни бу жараёнда бўлганлиги келганлиги ҳам статистикадан маълум жинойатлари оқибатида жиддий иктисодий зарар етказилмоқда.

Ҳозирги даврда жамиятни самарали бошқаришда ўзаро шерикчиликда яъни маҳаллалар, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласида, уларнинг муаммоларини ечишда маҳаллий хокимлик идоралари томонидан эътибор етарли эмаслиги салбий таъсири жиддий хавф туғдирмоқда. Бу масалада амалий ишдан кўра расмиятчилик устуворлик қилмоқда. Давлат бошқарувида қўлланилиб келаётган анъанавий усуллар вилоят ва туман бошқаруви мисолида мураккаб ва зиддиятли ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг вилоят ва туман раҳбарларининг аксарияти хокимлик институтининг тикланиши, қадимги даврлардагидек, вилоят ёки туман хокимининг шахсий мулкига айланишидан иборат, дея ҳисобланиши каътий мумкин бўлмаган ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов қуйидаги фикрни билдирган эди - "... агарки, хоким фақат ўзининг ва уруғ аймоқларининг манфаатларини кўзлаш, данғиллама уй қуриш, бойлик орттириш билан банд бўлиб, одамлар кўриб турган қинғир-қийшиқ ишларини худдики сезмасдан юрадиган бўлса, туман ва қишлоқларда кўпчиликни қийнайидиган муаммолар сурункасига

ечилмасдан қолаверса, бунинг оқибатида жойларда норозилик пайдо бўлишини гўёки билмагандек юраверса, бундай номаъқул ҳолатлар бизнинг олиб бораётган сиёсатимизга қарши чиқадиган ғанимларимиз кўлига бамисоли қурол бериб қўйгандек бўлмайдими?"-, деган ўринли саволни ўртага қўйганида мутлоқ ҳақ эдилар.

Жамиятимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотлар муайян даражада қийинчиликлар юзага келтириб ёш авлоднинг дунё қаршида, ҳаётида юксак даражада мувоффақиятга эришишлари учун қонун устуворлигига эришиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли мамлакатимизда мунтазам тарбиявий, маънавий маърифий, ташкилий, ҳуқуқий профлактик ва ижтимоий-иктисодий ишларни ўзаро шерикчиликда узвий боғлиқликда олиб бориш зарур. Бузғунчи ғоялар ва ахборот хуружларига жавобан мафкуравий, ҳуқуқий имунитетни шакллантириш бўйича ишларни такомиллаштириш ҳамда оммавий маданият никоби остидаги акси маданиятга қарши фаол кураш олиб боришда ҳам маҳаллий бошқорувнинг ролини ва ўрнини ҳамда унинг фаолиятини самарадорлигини оширишдир.

АЁЛЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Холмуродов Ғ.
ЎЗМУ магистранти

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, ҳуқуқий, демократик давлат, фукаролик жамияти қуриш жараёни кетаётган ҳозирги кунда оналик ва болаликнинг муҳофазаси, уларни ижтимоий ҳаётдаги ҳуқуқлари, хотин-қизлар муаммолари жамиятнинг кундалик вазифасига айланиб бормоқда. Бу жараёнда давлат қонунлари билан бир қаторда маданий меросимизнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, қадимий ва бой тарихимиз, кадриятларимиз, аждодларимиз азалдан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган урфодат, удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда яшаш зарурлигини англаб етмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва она институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармони орқали аёллар муаммоларини ўрганишда ижтимоий шерикчилик механизларини қўллашга замин яратилди.

Хотин-қизларга оид муаммолар бир томондан, ижтимоий ҳаётдаги имкониятлар, манфаат ва эҳтиёжлар, улар ўртасидаги зиддиятлар замирида вужудга келса, иккинчи томондан эса, уларни ижтимоий фаоллигини

ошириш жараёнини амалий ҳаётга татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади. Ана шу имкониятни ўрганиш, уни реаллаштириш назарий фундаментал илмий тадқиқотларни тақозо этади¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан аёлларнинг ҳуқуқлари доирасида мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётдаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Зеро, аёлнинг асосий вазифаларидан бири дунёга келган фарзанди, зурриётини баркамол инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказишдир. Бу вазифани мақсадга мувофиқ тарзда бажарилишини таъминлаш учун унга етарли ижтимоий иқтисодий шарт-шароитларни таъминлаш зарур. Умуман айтганда, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тизимнинг ривожланиш даражаси аёлга бўлган муносабатда намоён бўлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқарувини замон талаблари даражасида ташкил этишда фуқаролар бирдамлиги ва яқдиллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода “ижтимоий шерикчилик” тушунчаси фундаментал мазмун касб этади.

Умуман олганда, ижтимоий шерикчилик феноменининг назарий-методологик таҳлили бугунги кунда ижтимоий фанлар олдига турган долзарб масаладир, чунки мазкур тушунча ҳар қандай жамиятда бошқарувни самарали амалга ошириш ёки бозор муносабатларини тартибланишнинг негизи бўлгани холда, у назарий-методологик жиҳатдан кам тадқиқ этилган.

Тарихдан маълумки, давлат ва у таъминлайдиган ҳуқуқ ижтимоий қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, жамиятни тартибга солувчи ва тинчлик-осойишталик олиб келувчи омил сифатида намоён бўлган. Фуқаролик жамияти назарияси инсоният томонидан яратилган сиёсий қарашлар тарихи – жамият ва инсон, сиёсат ва давлат тўғрисидаги назарий қарашлар, шунингдек, илк жамоалардан ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишининг тажрибаси асосида такомиллашиб борди. Шу билан бирга, бу жамият инсоният яратган цивилизацияларнинг энг сўнгги ҳосиласи ўлароқ шаклланишига ишонч ҳосил қиламиз². Ҳозирги замонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда мураккаб жараёнлардан бири ижтимоий ён бериш ва кишилар ўртасидаги келишувларни таъминлашдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ижтимоий шерикчиликка йўналтирилган ижтимоий шериклик омиллари орқали жамиятда “йўналтирувчи” ва “амалга оширувчи” кучларни қўпайтириш муҳим

¹ Мирзакаримова М. Бандликда ижтимоий шериклик (назария ва амалиёт масалалари). – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2013. – 202-б.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

ижтимоий-сиёсий жараён ҳисобланади. Хусусан, фуқаролик жамиятида ижтимоий адолатга асосланган тартибни яратиш ва таъминлаш муаммоси бугунги кунда бир қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар ижтимоий шерикчилик ва унинг таркибий қисми ҳисобланган ижтимоий шерикчиликни шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. “Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизни очиқ-ошқоралиги ва самарадорлигини таъминлашда унинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор”¹. Шу нуқтан назардан, ижтимоий шерикчилик асосига ўрнатилган ижтимоий шерикчиликнинг мазмун-моҳияти, таркибий қисми, функционал жиҳатларини ўрганиш орқали назарий-методологик ва амалий хулосалар, тавсиялар бериш лозим. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий омиллари саналган ижтимоий ён беришлар ва кишилар ўртасидаги келишувларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида таъминлашдир.

Шуни таъкидлаш зарурки, “ижтимоий шерикчилик” тушунчаси собиқ мустабид тузум даврида бир томонлама тушунилиб, “меҳнат жамоаларидаги воқелик”, “социал мажбурият”, “режали хўжалик юритиш омиллари”² сифатида қаралган. Мустақиллик даврида бундан фарқли тарзда, одамларнинг онги, тафаккури, турмуш тарзи бутунлай ўзгарди. Уларда тадбиркорлик ҳисси, меҳнатнинг пировард натижасига бўлган ёндашувлар тубдан ўзгармоқда. Шу маънода ҳам муаммони илмий тафаккур нуқтан назаридан кенг таҳлил қилиш эҳтиёжи мавжуд. Бунда муаммони, бир томондан, жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари нуқтан назаридан, иккинчи томондан, мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялашувнинг ўзига хос кўринишлари, шунингдек, иқтисодий либераллаштириш ҳосиласи сифатида қараш даркор.

Жамиятда кўплаб муаммолар бўлгани каби аёллар муаммолари биринчи даражалигича қолган. Хусусан ушбу муаммони ечимини топишда ижтимоий шерикчиликнинг вужудга келиши ва самарали амалга оширилишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: 1) ижтимоий муаммо; 2) ҳамкорларнинг манфаатлари; 3) шерикчиликнинг ҳуқуқий асосланганлиги; 4) унинг имкониятлари ҳамда ресурслари даражаси ва

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 94-95.

² Семинин Г.Ю. Социальное партнерство. – М.: Изд ЮНПТИ, 2006.

яратишда ахлоқ тамойиллари ва қонуният билан ҳисоблашиш та мажбурдир. Иқтисодий фаоллик ва ахлоқшуносликнинг ўзаро алоқа и нималарда кўринади. Биз буни қуйидаги ҳолатларда кўриб чиқамиз. 1) жаҳон цивилизацияларининг маънавий-ахлоқий, маданият ва кадрият қатлами билан иқтисодий тизим, иқтисодий фаоллик ўртасида қанда алоқадорлик мавжуд? 2) ҳозирги цивилизацияга хос бўлган асрлар ош шаклланиб келаётган маънавий-ахлоқий кадриятлар иқтисодий фаолликка ёки тўсик, ёки кенг йўл очиш лозимми? 3) жамият ва яқка инсоннинг кадриятларини ўзгартириш билан иқтисодий фаолликка эришиш ёки иқтисодий тизимни тубдан ислох этиш мумкинми?

Ушбу саволларга жавобни ахлоқшунослик фани доирасидаги илмий тадқиқотлар бериши мумкин. Инсоннинг ахлоқий онг маънавий-руҳий. маънавий-ахлоқий кадриятларни тирик тизими сифатида ижтимоий-иқтисодий ўсиш сифатини, даражасини белгилаб бермоқда. Айни даврда Ўзбекистонда иқтисодий соҳадаги олиб борилган иқтисодий ислохотлар азалий шаклланиб келган маънавий-ахлоқий кадриятлар цивилизациясининг трансформацияга учраётганини билдиради. Цивилизацион шахс бугунги кундаги иқтисодий фаоллашиш назариясига муҳтожлик сезиб турибди. Чунки жамиятнинг кадриятли қатламини, ўзинга хослигини ҳисобга олиб яратилган иқтисодий назарияси мавжуд эмас. Айни вақтда бу соҳада бўлаётган илмий тадқиқотлар тор, хусусий ва амалиётга хос десак хато бўлмайди.

Ҳозирги вақтда фуқароларнинг ўзаро шерикчиликдаги фаоллигининг ахлоқий имманент хусусиятларини ўрганмасдан туриб натижага эришиш қийин. Ахлоқий кадриятлар ёшларнинг мотивацияси акс этиши, иқтисодий шерикчиликда бошқарувчанлик характеридаги кучли мезондир, бу соҳада самарали ахлоқий меъёрлар, мезонлар ва кадриятлар бирдан бир вазифаси мавжуд ижтимоий институтларнинг барқарорлигини таъминлаш, янги пайдо бўлувчи сиёсий ва иқтисодий кадриятларни ўзлаштиришдан иборат инновациядир. Иқтисодий соҳада эркинлик берилиши, тадбиркорлик, ишбилармонлик давлат ҳимоясида бўлиши, унинг ҳуқуқий-меъёрий базаси, ўз навбатида, ахлоқий, маданий кадриятларни ўзгаришига кучли импульс бериши табиийдир. Шунинг учун жамиятнинг пешқадам кучи бўлган ёшлар фаол иқтисодий инсон сифатида иқтисодий институтларнинг ривожига катта хисса қўшмоқдалар. Шахс фикрининг ўзгариши, қарашларни трансформацияга учраш ҳолати аввало ёшларда намоён бўлмоқда. Мазкур соҳада “ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битгади” деган тамойил ёшлар ичида фаоллашиб улгурган. Жамиятнинг ўзаро манфаатли шерикчилик қатлами (асосан ахлоқий кадриятлари) ва шунга мос равишда ёшларнинг ахлоқий кадрияти тизимида “соғлом рақобат” ахлоқи шаклланимоқда.

шахснинг функцияга салбий мунособати натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Бажариладиган функцияга салбий мунособат муайян оқибатлар, масалан, ташаббуснинг ёки зарур ташкилотчиликнинг йўқлиги, бепарволик, эътиборсизлик ва хоказоларни тугдириб, шахс психологик структурасига таъсир этади. Бу, ўз навбатида, шахснинг ғазабланиш, кўполлик, ҳукмини ўтказишда ўриниш ва хоказолар каби, кўпинча инсонийликка ҳилоф ҳаракатларига сабаб бўлиб, низоли мунособатлар учун замин ҳозирладийди.

Шу борада, шахс ижтимоийлашувидаги ушбу нуқсонлар муайян шароитда уни ижтимоий таназзулга олиб келиши мумкин. Бунда эҳтиёжлар тизимнинг бузилиши, уларнинг ҳажми тўғрисида нотўғри тушунча, ижтимоий аҳамиятга эга манфаатларнинг йўқлиги, индивиднинг функцияларни бажариш истамаслик кўзга ташланади. Индивиднинг инкирози ёхуд хос бўлган алоҳида ижтимоий психологик нуқсонлар қонунга зид бўлган йўналишга олиб келиши мумкинки, бу йўналиш қўйидаги ҳолатларда намоён бўлади, шахс: а) низоли вазиятларда ўзини кўйидаги ҳолатлардан намоён қилади ва бундай вазиятларни қонунга кўра ўз-салбий томондан намоён қилади ва бундай вазиятларни қонунга кўра ўз-ўзидан пайдо бўлмайдиган жойларда яратади; б) бошқа индивидларда ўзидан пайдо бўлмайдиган жойларда яратади; в) ахлоққа ҳилоф хатти-асоциал ҳаракатлар шаклланишига имкон яратади; г) ўз ахлоқсизлик фаолияти кўламини ҳаракатлар, ахлоқсизликлар қилади; г) ўз ахлоқсизлик фаолияти кўламини активлаштиради ва кенгайтиради.

Лекин, шерикчиликка ҳилоф йўналиш учун замин тайёрловчи шахснинг ижтимоийлашувидаги нуқсонлар кўп ҳолларда индивид ўз ижтимоий функцияларини бажарадиган муҳитга, унинг манфаатларига, психофизиологик майл ва хоссаларига, шунингдек жамиятга, динга қарши фаолиятга ундовчи вазиятларга боғлиқ бўлган хилма-хил ахлоқсизликларда ифодаланади.

Бу ҳолатларда шерикчиликни психологик тизими шерикчилик ҳодисадан олдин бўлган таркибий қисмлардан ҳам шаклланади. Бундай диний фаолиятни таҳлил қилишда унинг содир бўлиш манбаларини юзага чиқариш ва кузатишда, шунингдек, уларни тугдирувчи сабабларни ўрганишга имкон беради. Шу билан бирга ўз хоссасига кўра шахсий диний ахлоққа тегишли бўлган бошқа элементлар ҳам имконият тизимидаги киради. Улар орасида психологик пландаги маънавийни ҳосил қилиш мақсади ва мотиви катта аҳамиятга эга.

Шерикчилик фаолиятнинг психологик механизми элементи бўлган шу мотив предмет ёки объектга шахснинг мунособатини ифодалайди. Ҳар қандай ҳаракатини амалга оширишда шахс муайян хоҳиш-истакка амал қилдаи. Мотивнинг аҳамиятлиги ҳаракат мазмунига таъсир қилади. Диний ахлоқ динамикасида мотивга энг муҳим ўринлардан бири берилади. Баъзи муаллифлар диний ахлоқнинг асословчи босқичи билан амалий босқични бажариб кўрсатадилар.

дунёкарашнинг ишлаб чиқаришга ва ижтимоий тажрибанинг қўлга киритишига ёрдам беради. Шунинг учун кичик жамоанинг ижтимоий характеристикаси шахснинг салбий ёки ижтимоий хоссалари ташкил топишини белгилайди. Ижтимоийлашув нуксонлари кўп ҳолларда ўз ўрнига эга. Улардан одатдагиларни ажратиш мумкин. Жумладан: а) кичик жамоа асоциал йўналишга эга; б) раҳбарнинг йўқлиги туфайли ижобий структурага эга эмас; в) жамиятга зид кайфиятдаги шахслардан тизилган; г) кичик жамоанинг ўз аъзоларига таъсири шу қадар ахамиятлики, ҳатто уларнинг шахс сифатидаги майллари ва интилишларини бўйсундиради. Кейинги ҳолатда стихияли тарзда, асоциал манфаатлар бирлашуви асосида пайдо бўладиган, норасмий деб аталувчи гуруҳларни ҳисобга олиш айниқса муҳимдир. Шундай гуруҳларда бўлиш шахсда ижтимоий-психологик нуксонлар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Аммо шахснинг ўз муносибатлари системасига нисбатан умумий салбий муомаласини келтириб чиқарувчи эҳтиёжлари ва уларни қондириш усуллари билан белгиланувчи салбий йўналиши ҳам муносибатдаги нуксонларнинг авж олишига ёрдам беради. Бу системанинг инкирозга юз тутиши шахснинг акс ижтимоийлашувига олиб келади, унинг салбий хислатлари ва майлларини чуқурлаштиради. Бу эса, одатда, алоҳида ҳилоф ҳаракатлар юз беришида сабаб бўлади.

Шунинг учун ижтимоийлашуви тизимида шахс томонидан ижтимоий функцияларнинг бажарилиши алоҳида ўрин тутди. Айни маҳалда бу функцияларнинг оқибати сифатида пайдо бўлувчи нуксонлар ҳам муҳимдир. Шахс танлаган ёки унинг учун жамият белгилаб қўйган хилма-хил ижтимоий функциялар унинг махсус маълумоти, инсонлар билан муносибатда бўлиш шакллари, муайян психик хислатларини ишлаб чиқишни талаб қилувчи тадбирларни амалга оширишга мажбур қилади. Индивид у ёки бу функциянинг ижтимоий ва шахсий ахамиятини англаган ҳолдагина ўша функциянинг фаол бажариши мумкин.

Бунда, индивиднинг у ёки бу ижтимоий функцияни бажариши шахснинг ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин бўлган психик хоссалари билан ҳам белгиланади. Салбий хоссаларнинг шахсий ахлоқига таъсири кўпинча қонунга зид ҳаракатларга айланувчи хилма-хил қўринишдаги қоида бузишлар билан боғлиқ бўлган нуксонлар юзага келишига олиб боради. У ёки бу функциянинг бажарилиши шахснинг психик хислатлари, жумладан, салбий хислатларининг шаклланишига таъсир қилиш мумкин, бунинг учун эса муайян шароит мавжуддир. Бунга, биринчи навбатда, индивид ўзи бажарадиган функцияларнинг моҳияти ва ахамияти тўғрисида старли билимга эга эмаслиги сабабдир. Бошқача айтганда – унинг ваколати даражасининг ушбу функцияга номуаносиблиги, шунингдек, уни тегишли тарзда бажаришга имкон берувчи зарур психофизик хусусиятлар номуаносиблигидаир. Нуксонлар

эришиш учун актив фаолият кўрсатишга қаратилгандир. Мақсадга эришиш жараёнида психик фаолият ҳар хил бўлиши мумкин; юқори ва аниқ бир мақсадга қаратилиши; олдиндн қилинган ҳаракатлар айни пайтдаги ҳолатни белгилаб бериши мумкин. Чунки юқсак маънавиятга эга бўлган киши ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқаради, ортикча ҳатти-ҳаракат қилмайди.

ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА ТАҲЛИЛ ВА МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАР ТАНЛОВИ

Фарфиева К.А.

ТДТУ «Фалсафа ва миллий ғоя» кафедраси мудир, доцент

Давлат сиёсатини ишлаб чиқишнинг методологияси вазиятни, ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш, реал дунёда амалга ошайтган ҳолатнинг эҳтимолли сценарийсини яратишдан иборат. Кейин эса сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари белгилаб олинади. Сўнгги босқичда мақсадни амалга ошириш бўйича режа ёки ҳаракат дастури таклиф этилади ва давлат ҳокимияти ижроия органларининг ваколатлари белгилаб олинади. Реал тажриба шунга гувоҳлик берадики, давлат сиёсатининг мувафакяти давлат хизматчиларининг режалаштириш ва аналитик ишларига боғлиқ.

Биринчи босқичда давлат сиёсатининг концепцияси ишлаб чиқилади ва ушбу сиёсатни амалга оширишнинг илмий қарашлари, тамойиллари, устувор йўналишлари, асосий механизмларининг ўзига хос тизимини намоён этади. Агар мавжуд шароитлар имкон бераётган бўлса ва тегишли ресурслар мавжуд бўлса, сиёсатчилар бир қанча муқобил вариантларни тақдим қилишга уринадилар. Ҳар бир вариант олдиндан белгиланган мезонлар бўйича баҳоланади. Муқобил вариантларнинг муҳимлиги шундаки, уларни ишлаб чиқишда:

- барча фикр ва мулоҳазалар эътиборга олинади;
- муаммони ҳал этиш учун оптимал танлов имконияти яратилади;
- муқобил вариантлар чуқур таҳлил этилади;
- консультация ва келишув механизми шаклланади.

Давлат сиёсатининг барча босқичларида муқобил вариант ёки энг яхши йўл варианты танлови амалга оширилиши мумкин: мақсаддан тартиб, сиёсий натижаларни баҳолаш усулларигача танлов амалга оширилиши мумкин.

Мисол тариқасида иқтисодий ва ижтимоий тартиблштириш соҳаси сиёсатини ишлаб чиқариш жараёнини кўрсатиш мумкин.

Сиёсатни ишлаб чиқишда муқобил вариантларни қидириб топиш ва белгилаш энг мураккаб босқичлардан ҳисобланади. Бу ерда муқобил

вариантни тақдим қилувчи манбалар сифатида давлат раҳбарлари, бевосита ижрочилар, жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар ва бошқалар номён бўлиши мумкин. Муаммони ҳал этишнинг муқобил вариантларини шакллантиришда турли усуллар қўлланилади.

Сиёсий стратегияни ишлаб чиқишда кўпинча муқобил курсни ишлаб чиқувчи ролида сиёсий муҳолифат ёки жамоат ташкилотлари номён бўлиб, улар муаммони ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим қиладилар. Қарор ёки дастурларнинг муқобил вариантлари белгиланган ва ишлаб чиқилгандан сўнг асосий вариантни танлаш керак бўлади, бу эса жуда мушкул иш. Бунинг асосий сабаби шундаки, давлат сиёсати қуйидаги масалаларни ҳал этиши керак бўлади:

- бугунги ва келажак авлоднинг фаровон ҳаёти;
- ўсишнинг статистик самарасизлиги ва хавфлари;
- иқтисодий ўсиш ва тенглик.

Аниқ бир вариантнинг танлови аниқ мезонлар ва вазият асосида амалга оширилади. Барча мезонлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади: ижтимоий, сиёсий, техник, натижани кўрсатувчи.

Масалан, йўлларда автомобиль ҳалокатларини камайтириш учун чоратadbирларни ишлаб чиқишда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин:

1. Қутқариб қолинган ҳаётлар сони;
2. Белгиланган даражадан паст бўлмаган кўрсаткичда йўлларда ҳаракатланиш тезлигининг пасайиши;
3. Лойиҳани амалга ошириш учун белгиланган суммадан юқори бўлмаган давлат харажатлари.

Муқобил вариантлар ишлаб чиқилганидан сўнг ва уларга баҳо берилганидан кейин энг маъқул деб топилган вариант танланади. Сўнгги вариантни танлашга ёрдам берувчи бир қанча усулларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Қуйидаги моделлар асосида барча муқобил вариантларни таққослаш: сарфланган маблағ - фойда; сарфланган маблағ - натижа; сарфланган маблағ - самарадорлик; сарфланган маблағ - ташқи иқтисодий йўналиш;

2. Жамият сиёсий ёки ижтимоий гуруҳининг кўпчилиги розилиги остида асосий вариантни танлаш;

3. Сайлов йўли билан сўнгги вариантни белгилаш (референдум), шу қаторда ихтилофли вазиятларда мазкур технологиялардан фойдаланиш;

4. Сиёсат мақсад ва вазифаларини таҳлил этиш, кейин истеъмолчилар нуқтаи назари бўйича муқобил вариантларни белгилаш.

Таҳлил бошида иқтисодий, ташқи иқтисодий характердаги барча асосий чекловларни белгилаб олиш керак, бу муқобил вариантлар миқдорини қисқартиришга ёрдам беради. Ундан кейин белгиланган мақсад, умумий натижалар ва муқобил вариантлар кетма-кетлигини амалга ошириш эҳтимолини белгилаш керак. Шундай қилиб, муқобил вариантни

танлашда сиёсий, иқтисодий ва техник омилларни ҳисобга олиш зарур, танланган қарор қуйидагиларни амалга ошириш имкониятини бериши кўзланган бўлади: а) кўпроқ фойда кўриш; б) кам сиёсий қаршилиққа учраш; в) яхши натижаларни ва иқтисодий ресурсларни танлаш.

Масалан пенсия сиёсатини модернизация қилишда танланган тегишли модел асосида 3 вариантда қарор қабул қилиш мумкин: 1. Пенсия таъминотининг давлат тизими; 2. Пенсия таъминотининг хусусий тизими; 3. Аралаш тизим.

Амалий тажриба шунини кўрсатадики, давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишда асосий муваффақиятсизликлар сабаби – бу билимсизлик ва мукамал бўлмаган иш. Шунинг учун сиёсий таҳлил жараёнида давлат сиёсатининг субъектлари ва уларнинг роли, кадриятлари, манфаатлари, хулқ-атвори тури, қучли ва заиф томонларига эътибор юқори бўлади:

- давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этилган барча тузилмалар, ташкилот ва шахслар таҳлил этилади;
- муаммога бўлган уларнинг муносабатлари ва мотивацион фаолияти ўрганилади;
- улар эга бўлган асосий ресурслар;
- ушбу ресурсларни самарали қўллаш қобилияти;
- давлат қарор қабул қилишнинг умумий механизмида уларнинг роли;
- уларнинг ҳаракатлари турли моделларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш.

Режалаштириш ва таҳлил этишнинг асосий шарты ташқи омилларни ҳисобга олишдан иборат. У жамият сиёсатининг мазмуни, характери, мақсад ва инструментларига таъсир ўтказади. Масалан, Ўзбекистон миллий муносабатлари соҳаса самарали бўлиши учун чуқур тарихий, маданий ва ижтимоий илдишларга эга бўлган бир қанча фундаментал омилларни ҳисобга олиш керак.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Палванов И., Содиков Х.
ЎзМУ катта ўқитувчилари

Бугунги кунда ҳеч бир соҳа йўқки, у ахборот коммуникация технологиялари, айниқса, Интернет тармоғидан фойдаланмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган бўлса. Бундай замонавий, тезкор, қулай имкониятнинг яхши жиҳати билан бирга унинг хавфсизликдан холи

эмаслиги билан боғлиқ иккинчи томони ҳам борки, бу ўзига хос чораларни кўришни талаб қилади.

Шу боис ҳам соҳанинг ҳуқуқий асосларидан бири "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун алоҳида моддалари бевосита шу масалага бағишланган. Чунончи, қонуннинг 19-моддасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини таъминлаш, муҳофаза қилиш шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, бузиб талқин этилиши, тўсиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, ахборот ресурсларининг тарқалиб кўйилиши, калбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда руҳсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш, ахборотни йўқ қилиш, тўсиб кўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир руҳсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш, ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш максалларида амалга оширилади деб ёзиб қўйилган¹.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, ахборот хавфсизлиги деганда ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг химояланиши тушунилади. Ахборот хавфсизлиги масаласи ҳуқуқ ва манфаатлари химоя қилиниши лозим бўлган ва унинг химоясини таъминлайдиган субъектларга қуйидагилар қиради:

- ахборот ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар; ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқарадиган, қўллайдиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар;

- ахборот ресурсларини юзага келтирадиган ва улардан истеъмолчиларга ахборот тақдим этадиган ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар қиради.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги давлатнинг доимий диктат-этиборида. Ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш бўйича миллий ҳуқуқий норматив асосни ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида фармон, қарор ҳамда қонунлар қабул қилинган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва асосий йўналишларини ўзида мужассам этган. Бу Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат сиёсатини шакллантириш, ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий, методик, илмий-техник ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 19-модда;

ахборот хавфсизлигининг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим қисмидир. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигига таҳдид сифатида қаралади:

- фуқароларнинг маънавий турмушига, ахборот соҳасидаги конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига, индивидуал, жамоавий, ижтимоий онга ҳамда Ўзбекистоннинг маънавий тикланишига таҳдидлар;

- Ўзбекистон Республикасининг ахборот таъминотида онд давлат сиёсатида таҳдидлар;

- республика ахборот саноати, жумладан, ахборотлаштириш, телекоммуникация ва алоқа воситалари саноатининг ривожланиши, ички бозорнинг ушбу маҳсулотларга бўлган талабнинг қондирилиши ҳамда уларнинг жаҳон бозорига чиқиши, шунингдек, республикада ахборот ресурсларининг тўпланиши, сақланиши ва улардан самарали фойдаланилишига бўлган таҳдидлар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яратилган ахборот-телекоммуникация восита ва тизимларининг хавфсизлигига таҳдидлар.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилган:

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни амалга оширишда Конституция, қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига амал қилиш;

- давлат ҳокимияти органлари ва жамоат уюшмаларининг функцияларини амалга оширишда ошқораликни таъминлаш;

- ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнлари барча иштирокчиларининг, қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мақомга эга бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг ахборотни қонуний тарзда эркин қидириш, олиш, бериш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш борасидаги конституцион ҳуқуқига асосланган ҳуқуқий тенглигини таъминлаш;

- республикада замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, миллий телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва уларни дунё миқёсидаги ахборот тизимларига улаш имконини берадиган техник ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, ахборот хавфсизлигининг долзарб муаммога айланишига асосан ташқи манбалар сабаб бўлган. Чунки, бугун замонавий дунёга эгаллик қилиш учун курашнинг асосий воситаси сифатида ахборот тилга олинмоқда. Бундай вазиятда ахборот технологиялари ва ахборот бошқаруви юксак даражада

тараккий этган давлатлар ўзидаги бу устуликдан ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишдан том маънода манфаатдор ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ташки манбалари:

— чет эл жосуслик ва махсус хизматларининг фаолияти;

— чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари;

— халқаро гуруҳлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг ноқонуний

харакатлари;

— ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар сиёсатининг амалга оширилиши

— табиий офатлар ва фожеалар.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ички манбалари:

— сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг ахборот тўплаш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолиятлари;

— ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимларининг қонуний

харакатлари ва кўзда тутилмаган ҳатолари;

— ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий саноатнинг талаб даражасида эмаслиги.

Ахборот хавфсизлиги жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашни муҳимдир. Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида рухий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзлиқни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш¹.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

¹ Сборник тезисов и докладов. Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий РУз. ГУП "UNICON.UZ". Центр научно-технических и маркетинговых исследований. -Т.: 29.10.2013. 2-4 бетлар, 2-бет.

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан руҳсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни ўз

ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш¹.

Ахборот соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, аввало, ахборот соҳасида қонунийликка риоя қилиш

ҳамда фуқаролар, жамият ва давлатнинг бу соҳадаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилларига асосланиши лозим.

Қонунийлик тамойилига риоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органларидан ахборот соҳасидаги низоларни ҳал қилишда бу соҳадаги муносабатларни тартибга солидиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилишни талаб этади.

Фуқаролар, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилига риоя қилиш эса, жамият ҳаётининг турли соҳаларида бу манфаатларнинг устуворлигини қонунан белгилаш,

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши шаклларидан фойдаланишни назарда тутди. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги фаолиятга тааллуқли

конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш давлатнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги энг муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тегишли дастурнинг ишлаб чиқилишини назарда тутди. Давлатимиз

ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсатининг айрим йўналишларини жамият ва давлат фаолиятининг алоҳида соҳаларига татбиқан

¹ Ўша ерда 3-бет

конкретлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган тегишли ҳужжатларда амалга оширилиши мумкин.

ЁШЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИДА СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

Хурсандов А.С.

ЎЗР Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти кафедраси катта ўқитувчиси

Ёш авлодни сиёсий ижтимоийлашувида жамиятда фаол сиёсий субъект сифатида намоён бўлиш ва самарали сиёсий фаолият кўрсатиш, муайян сиёсий бошқарув вазифаларни бажариш қобилиятидан иборат бўлган тажриба катта аҳамиятга эга. Ижтимоий-сиёсий тажрибага инсон ўзининг бутун умри давомида ўз фаолияти ва сиёсий маданиятини шартли қилиб қўядиган вазиятлар билан боғлаган ҳолда эришади. Бу сиёсий тажриба унинг характеристикасини белгиловчи бир неча компонентлар: оила ва ўқув муассасидаги тажрибани; кичик жамоалардаги муносабатларни; шахсий сиёсий маданият даражаси; ташки сиёсий билимларини оммавий ахборот воситалари ва бошқалар орқали ахборот олиш йўли билан ўзлаштириш орқали тўпланади.

Баъзи ёшлар томонидан субъектив қабул қилинадиган, унинг салбий аҳамиятига эга бўлган ҳолатлар жамиятга, миллий сиёсий манфаатларга хилоф хатти-ҳаракат учун реал асос сифатида жамият сиёсий кўрсаткичларига тўғри келмайдиган муҳитни вужудга келишига замин ҳозирлайди.

Жамиятда қабул қилинган ижтимоийлашув моделлари бирлаштирувчи ёки ажралмас белгига эга. Баъзи ҳодисалар, масалан, халқаро низо ёки машҳур давлат арбобини вафот этиши, бутун бир халқни бир хил тарзда таъсир қилиши мумкин. Турли ижтимоийлашув моделлари ёрдамида у ерда субмаданиятларнинг мавжудлиги жамиятга бутунлай бошқача таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боисдан ҳам Р.Мерелман сиёсий кадрятлар ва муносабатларни ассимиляция қилиш ва ўтказиш учун иккита мумкин бўлган моделни таклиф қилади. Бунда ландшафт - дунёдаги мумкин бўлган ва рақобатбардош тасвирлар ва хатти-ҳаракатларнинг кенг доирасидан доимий танлаш жараёнини ифодалайди. Ижтимоийлашган субъектнинг шахсияти, шубҳасиз, таъсирланиш занжирининг "охирига" айланадиган вертикал ижтимоийлашув моделидан фарқли ўларок модел марказига қўйилади.

Сиёсий ижтимоийлашув жараёнининг тўртта асосий моделини ажратиш мумкин, деб ҳисоблаймиз: демократик анъаналар ривожланган ва ҳукумат билан шахс ўртасидаги мулоқотни ташкил этувчи бир хил

бурчлари, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролига доир масалаларда сиёсий фаолият акс этади. Бунинг маъноси шундаки, ахлоқий мазмунга эга бўлган масалалар ёшлар онгида сиёсийлашади, сиёсий ва ахлоқий маданиятнинг ўсишига ёрдам беради. Ўз навбатида сиёсий маданиятга эга бўлган масалалар ахлоқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиб боришида муҳим рол ўйнайди.

Ёшларнинг сиёсий маданияти сиёсий ижтимоийлашув орқали шаклланади. Яъни мазкур тушунчалар моҳиятан ўзаро алоқадордир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш жараёнининг самарали бўлиши сиёсий ижтимоийлашув ҳамда ёшлар сиёсий маданиятнинг тўғри шакллантирилишига боғлиқ. Шу нуқтан назардан, замонавий демократик жамиятларда таълим ва коммуникация тизимларининг ўрни ёшлар сиёсий маданиятини шаклланишининг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу борада ёшлар таълим жараёни натижасида тўплаган тажрибаси асосида телевидение ёки бошқа ОАВ орқали тарқатилаётган ахборотлардан хабардор бўлиш мобайнида сиёсий жараёнларда иштирок этиб боради. Натижада ёшларнинг сиёсий онги ва маданияти шаклланиб, унинг сиёсий жараёндаги фаоллиги ошади. Бу борада ахборот оқимини назорат қилиш, берилаётган ахборотларда миллий ғурур, ватанпарварлик, адолат, кадр-қиммат ва инсонийлик тушунчалари салмоғи ва мазмунини бойитиш зарурдир.

Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади: Ёш - авлодда сиёсий билим ва маданиятни аввало оилада болалиқдан бошлаб юксалтириб бориш; Барча ўқув юртларида, мактабларда ҳаттоки мактабгача таълим муассасаларида ҳам сиёсий билимни ўрганиш билан бирга айни мақсадга йўналтирилган турли тадбирлар ўтказиш; Оммавий ахборот воситалари билан барча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини ошириш, сиёсий масалаларни кенг тарғиб ва ташфиқ қилиш; Турли фанлар доирасида сиёсий маданиятга оид сабоқлар бериш; Аҳолининг мустақил равишда сиёсий билимларини ошириш мақсадида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардан тўлиқ ва мунтазам равишда хабардор қилиб бориш; Ошкоралиқни, фуқароларнинг конун олдида мавқендан катъий назар тенглигини таъминлаш; Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш; Сиёсий онг ва сиёсий маданиятли инсонларни рағбатлантириш; Илғор давлатлар сиёсий тажрибасини ўрганиш, фойдаланиш ва ҳоказолар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эшов Х.
ОЎМТВ хузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим
бошлиги

Ижтимоий шериклик тамойили ўзининг мазмунига кўра, ижтимоий адолат, фуқаролар фаровонлиги, уларнинг ижтимоий химояси ҳақида қайғуриш каби мажбуриятни олади. Мазкур сиёсатнинг Конститутцияда белгиланган йўналишларнинг кенг камровли амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатади. Ижтимоий шериклик тамойилга амал қилган ҳолда давлат ўз органи орқали узлуксиз равишда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўриб боради. Ижтимоий шерикликнинг энг муҳим жиҳати бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя қилиш ҳақидаги ўзаро келишуви эмас, балки улар ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида энг нуфузли ахлокий қондалар мажмуидир.

Ижтимоий шериклик соҳасидаги хорижий мамлакатларни тажрибасига таянадиган бўлсак, асосан бу соҳада иккита модел мавжуд. Улар: бипартизм ва трипартизмдир. Бипартизм тизими икки томонлама модели иш берувчилар ва ходимларнинг ихтиёрий тарзда томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги амалга оширилади. Ижтимоий шерикликнинг трипартизм яъни уч томонлама модели шундай шерикликдаги давлат ҳокимияти вакиллари ҳам иштирок этадиган тури ҳисобланади. Шерикликнинг бу қоидаси бўйича, ходимлар манфаатлари уларнинг ваколатли ташкилоти – касаба уюшмалар, иш берувчиларни – уларнинг уюшмалари, Давлатники эса – ижро этувчи ҳокимиятнинг органи ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлиги кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади" деб белгилаб қўйилган.

Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари тенг ҳуқуқлилиқ, қонунопарлик, буйсуниш, ошқоралиқ ва аниқлик, ўзаро ҳурмат ва жавобгарлик, мустақиллик, мажбуриятни бажаришда ихтиёрийликни ташкил этади.

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий химоя, қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий фаоллигини ошириш;
- аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;

маданий муҳит мавжуд фуқаролик жамиятига ҳосилдир. Бу моделлар асосан Британия-Америка сиёсий маданиятига таълуқлидир.

Ғарбда ўтказиладиган асосий ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар дастурларини баҳолашда қуйидаги заиф нуқталар мавжудлигини таъкидлаш мумкин:

1. Оилавий аҳвол ва эрта турмуш тажрибаси жамиятда ҳукм сурадиган сиёсий қадриятларни салбий қабул қилишга олиб келиши мумкин бўлган болаларнинг жуда оз миқдордаги иши.

2. Сиёсий ижтимоийлашувни ўрганиш, уларнинг табиати бўйича, бу ҳақиқатнинг ўзи томонидан бу ҳақда хабардор қилинмасдан устун қадриятларга эга бўлиши мумкин бўлган нотўғри тушунча ёки бошқа йўлни кўрсатмайди.

3. Партиянинг ўзини ўзи идентификация қилиш овоз бериш ёки сиёсий муносабатнинг ишончли кўрсаткичи бўлиши шарт эмас.

Сиёсий ижтимоийлашувни ўрганиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжудлигига қарамадан, асосий масала бу ҳодиса сиёсий тизим учун қандай аҳамиятга эга деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Д. Истоннинг таъкидлашича, сиёсий ижтимоийлашув сиёсий тизимни қўллаб-қувватлаш учун сув омборини яратади¹.

Қўллаб-қувватлаш ва гуруҳлар сиёсий ижтимоийлашувга жалб қилинади. Шу билан бирга, Т.Парсонс фикрича хатто у онланнинг таркибига қиради ва шунинг учун ҳеч бир сиёсий тузум ижтимоийлашув жараёнини тўла назорат остида ушлаб тура олмайди. Р. Инглхарт ҳақли равишда таъкидлаганидек, "бир халқнинг маданияти бир кечада ўзгармайди; сиз ҳукмдорларни ва қонунопарларни ўзгартиришингиз мумкин, бироқ миллат маданиятининг ўзига ҳосилгини аниқлайдиган асосий муносабатларни ўзгартириш учун кўп йиллар кетади"².

Кўриб турганимиздек, барча янги тузилган назариялар ва тушунчалар, янги тарихий ҳақиқатларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиши ва қайта кўриб чиқиши ва ижтимоий тизимларнинг ўзгариши жараёнида янги сиёсий семантик парадигмаларга эришилади. Сиёсий ижтимоийлашув - жамиятнинг аъзоси сифатида шахснинг шаклланиши ва ижтимоийлашув - жамиятнинг аъзоси сифатида шахснинг шаклланиши ва фаолият юритиши, шахснинг сиёсий имтиёзлари векторини, жамиятнинг сиёсий ривожланиши ва сиёсий маданиятини белгиловчи мураккаб, кўп қиррали жараёндир. Натижада, сиёсий ижтимоийлашувнинг назарий моделлари ривожланиши мумкин, аммо муайян даврда устунлик мавқеига эга бўлган сиёсий бўлиши мумкин, аҳолининг сиёсий маданиятида маълум бир жамиятда асосий бўлиши таъсири остида тўлиқ ёки қисман ўзгаришларга учрайди.

Инсоннинг сиёсий ижтимоийлашув модели (тури) - бу жамиятнинг индивидуал ва сиёсий институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг

¹ Easton D., Dennis J. Children in the Political System. - New York: McGraw-Hill, 1969. - 230 p.

² Инглхарт Р. Постмодерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Полис. - 1997, № 4. - С. 6-23.

аник кийматланган моделлари ҳисобланади. Яъни, бир кишининг сиёсий ижтимоийлашув тури бир қатор объектив омилларнинг бирлашувидан келиб чиқади: жамиятнинг тарихий ривожланиш даражаси, иктисодий шароит, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, сиёсий маданият, сиёсий ижтимоийлашув устунлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, бир кишининг сиёсий ижтимоийлашув тури жамиятнинг сиёсий ҳаётининг меъёрлари суръати билан белгиланади, бу шахсни маълум бир жамиятнинг сиёсий маданиятига мос келадиган сиёсий ҳатти-ҳаракатнинг маълум бир йўлини белгилаб беради. Натижада, жамиятнинг ривожланишида сиёсий барқарорлик ва узлуксизлик таъминланади.

Жамиятда қабул қилинган сиёсий ҳаракатларнинг меъёрларига қараб, замонавий сиёсий фан одамнинг сиёсий ижтимоийлашувининг куйидаги тўртга асосий тури: гармоник, плюралистик, гегемонлик ва низоли турлари кўрсатиб ўтилади:

Инсоннинг сиёсий ижтимоийлашувининг гармоник тури.

Ушбу турдаги ривожланиш учун:

- бир ҳил ижтимоий-маданий муҳит;

- етук фуқаролик жамияти;

- ҳуқуқий давлат шаклланади.

Бундай сиёсий ижтимоийлашув билан инсон нафақат мавжуд сиёсий тартибни ва ҳокимиятни қабул қилади, балки давлат ва сиёсий тизимни ҳам ҳурмат билан муомала қилади. Шахсиятнинг ўзи сиёсий ҳаётнинг сиёсий мавзуси, сиёсий ҳаётда ихтиёрий ва онгли иштирокчи сифатида фаолият юритади.

Сиёсий маданият, сиёсий сезги инсоннинг ўз имкониятларини тўлиқ баҳолай олиши, теварак атрофдаги жараёнларнинг қайси бири муҳиму қайси бири номуҳим эканини фарқлай билиши, нимага устувор аҳамият бериш керагу нимага эътибор бермаслик лозим, шахсий манфаат билан юрт манфаати, шахсий манфаат билан Ватан манфаати ўртасидаги уйғунликлар нималарда намоён бўлганини белгилай олиш борасида жуда қўл келади.

Сиёсий маданият жамият ҳар бир аъзосининг сиёсий онглилиги, сиёсий қобилияти, сиёсий билими ва кўникмалари билан характерланувчи фаолиятнинг ўзига хос кўринишидир. Сиёсий маданият ижтимоий маданиятнинг бошқа шакллари билан бирга ёнма-ён шаклланиб боради. Жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларнинг қонуналарда ифода қилиниши ва тартибга солиниши билан чуқур алоқада ва сиёсий моҳиятга эга бўлади. Чунки қонуналар ва бошқа ҳуқуқий нормаларнинг давлат томонидан ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши унинг фаолияти сиёсий моҳиятга эга эканлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ахлоқий маданият сиёсий маданиятни ўзига хос даражада акс эттиради. Фуқаролик ҳуқуқида давлатнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳуқуқ ва

- атроф-муҳитни химоя қилиш, аҳоли саломатлиги ва соғлом ҳаёт тарзини ташкил этиш;
- соғлом ёш авлод ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш;
- она ва бола химояси, шунингдек аёллар ҳуқуқларини химоя қилиш, уларни ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш, оилаларда соғлом муҳитни ташкил этиш;
- илм-фан, таълим, ахборот узатиш, маданият ва спорт соҳаларини янада шакллантириш.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини бўлган нодавлат тижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўнги ўн йилликда аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб, қувватланаётган фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш янги босқичга ўтди.

Ижтимоий шериклик бозор муносабатларида алоҳида ўрин эгаллайди. Ижтимоий шериклик ижтимоий меҳнат тамойилларида янги тамойил бўлиб, биринчидан, ходим ижтимоий-меҳнат муносабатларида фақатгина объект вазифасини бажарибгина қолмасдан, турли даражаларда субъект вазифасини ҳам бажаради. Иккинчидан, ижтимоий меҳнат муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқ тамойили асосида фаолият юритади. Қонунга кўра, ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат тижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришдаги ҳамкорлиги, деб белгиланган.

Чиндан ҳам, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари турли соҳалар ҳамда тармоқлари ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида хилма-хил дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Худудлардаги долзарб муаммолар, маблағ ҳамда эътиборни кўпроқ қайси масалаларга қаратиш маъқул, қандай йўл тутилса дастурлар янада кўпроқ самара беради. Фуқаролик жамияти институтлари шу каби саволларга энг мақбул жавобни топишда муҳим ўрин тутди. Чунки, бу институт одамларга давлат идораларидан кўра, яқин туради, ҳаётни, фуқаролар хоҳиш-иродасини яхши билади.

Шундан келиб чиқадикки, ижтимоий шериклик жамиятни ич-ичидан, чуқур ўрганишида, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда, уларни самарали амалга оширишда, бу борада жамоатчилиқ назоратини кучайишида муҳим аҳамият касб этади. Биламизки, халқимиз азалдан кўпнинг манфаатлари билан боғлиқ бўлган ишларни, масалаларни доимо маслаҳатлашиб, бошқаларни таклиф мулоҳазаларини инобатга олиб, шу асосда ҳал қилиб келинган. Ижтимоий шерикликнинг қонуний асослари мустаҳкамланиши асрлар давомида

шакланган. Мана шу эзгу кадрятлар замонавий меъёрлар билан бойишига, янада шаклланишига йўл очиб беради.

Ижтимоий шериклик субъектларига – давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар (фондлар, жамғармалар, уюшмалар, бирлашмалар), ҳамда фукаролик жамияти институтлари (сиёсий партиялар) кирази. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги конуннинг асосий максадларидан бири, албатта давлат органларининг нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамияти институтлари мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фукароларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларига дахлдор бўлган конунларни ишлаб чиқишда ҳамкорлигини янада кучайтириш ва давлатимз ривожини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 2015 йил 1 январдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фукаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ташкил этилаётган турли танловларда ҳам жамоат тузилмаларининг долзарб ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Нуроний”, “Экосан”, жамғармалари, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ўзбекистон врачлар уюшмаси, Ёшлар ташаббуслари маркази каби нодавлат нотижорат ташкилотларининг лойиҳалари бунга мисолдир. Жойларда аҳолининг эҳтиёжманд катламларини, ногиронлар, аёллар, болалар, ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла инфратузилмасини кенгайтиришга йўналтирилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Оилада оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни ошириш, ёшларнинг жамиятимиздаги фаоллигини, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокларини кенгайтириш бўйича кенг камровли лойиҳалар ҳаётга тадбик этилмоқда.

Ижтимоий шериклик соҳасидаги низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Ижтимоий шериклик субъектлари конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, жамоатчилик муҳокамалари, хашарлар, фестиваллар, социологик сўровлар шаклида биргаликда тадбирлар, маслахатлашувлар ва музокаралар, биргаликдаги учрашувлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари фикрларини сўраш, улар иштирокида давлат органлари ҳузурида ишчи гуруҳлар, комиссиялар жамоатчилик маслаҳат органлари тузиш йўли билан ўтказилади.

Бундан ташқари, ижтимоий шериклик соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фукаролик жамиятининг бошқа институтларига конун

ҳужжатларида белгиланган тартибда, шартнома асосида давлат мулки текни ёки имтиёзли шартларда вақтинча фойдаланишга берилади.

Юқорида айтилганларни умумлаштирадиган бўлсак, сиёсий партиялар ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган жараёнларнинг иштирокчиси сифатида ўз қарашларида собит туриши керак. Бунда ижтимоий институтлар, хусусан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шерикчиликни такомиллаштириш яхши самара беради.

ФУКАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КАДРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ

Юсубов Ж.Қ. ЎзМУ Миллий ғоя кафедраси доценти в.б., PhD
Сапаев Ж.К. ЎзМУ Харбий кафедраси умумқўшнн тайёргарлик цикли
ўқитувчиси

Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият механизмлари тубдан ислоҳ қилина бошланди. Мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларда ривожланган илғор мамлакатларнинг тажрибалари ва асрлар давомида ривожланиб келган миллий давлатчилигимизнинг ўзига хос анъана ва удумлари асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Мазкур мезонлар уйғунлиги асосида мамлакатимиз раҳбари томонидан маҳаллий ҳокимият институтлари бошқарувининг кучли механизми яратилди. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, уларнинг асосий вазибалари белгилаб олинди. Фукаролик жамияти инсоннинг ўзини-ўзи ҳаётда намоён қила олиши учун шарт-шароитлар яратиб бериши билан алоҳида ажралиб туриши ўз исботини топди. Шу боис жаҳондаги барча халқлар ва давлатларнинг фукаролик жамияти куришга бўлган кизиқишлари тавора кучайиб бормоқда.

Бугунги кунда мазкур тизимда иш услубларини тубдан ислоҳ қилиш, меҳнатга муносабатни ўзгартириш, кишилар меҳнатининг самарасини ошириш, лўнда қилиб айтганда, ҳаётимизни яхшилаш ҳар бир ҳокимият органларининг фаолияти, самарали конунчилик, хўжалик ёки туман раҳбарининг ташкилотчилиги, ишнинг негизини билиши, тадбиркорлиги, кучли назорат ва бошқаларга боғлиқлиги аниқ намоён бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев бу тамойилларнинг бевосита давлат хизмати ва раҳбар кадрлар дунёқарашда масъулият билан уйғунлигига эътибор қаратиб, қуйидаги фикрни билдирди: “Биз ҳаётда ўзини тўла оқлаган “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун”

¹ Қирғибоев М. Сиёсатшунослик. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Янги аср авлоди. 2013. 197-б.

деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий соҳадаги ислохотларни, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш йўлини давом эттирамиз. Яъни тараққиётнинг “Ўзбек модели” таркибидаги машҳур беш тамойилдан бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат юритиш принципига катъий амал қиламиз”².

Давлат хизматчиларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш борасидаги субъектив масалалар борасида уларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишни, жамоатчилик манфаатлари ва демократик кадриятларга хизмат қилишнинг таъминлаб берувчи амалий воситаларга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Ҳозирги кунда жамоатчилик томонидан дунёдаги маънавий-ахлоқий муаммоларга бўлган қизиқишнинг ўсиши, шу жумладан, давлат хизматини таъминлаб берувчи чоралар мажмуасида маънавий талабларнинг кучайиши қуйидаги масалаларга ижтимоий эътибор кучайтирилишини талаб қилади:

- давлат хизмати кадрлар корпусини маънавий соғломлаштириш масаласини ҳал қилишни белгиловчи омилларини аниқлаш;
- давлат хизматчилари маънавий-ахлоқий киффасини яхшилаш, давлат ва хизмат назорати шакллари долзарблаштириш;
- давлат хизматчилари одоб-ахлоқ кодекси талабларини таъминлаб берувчи аниқ механизмларни ишлаб чиқиш;
- ахлоқий муносабатлар соҳасида ходимларни бошқариш усуллари илмий ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, давлат хизматчиларини ахлоқий баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улардан кадрларни танлаш, тақсимлаш, имтиҳон қилишда фойдаланиш;
- давлат хизматчиларининг ахлоқий билимларини доимий равишда ошириб бориш.

Давлат хизматининг ижтимоий хусусияти қуйидаги миқёсларда намоён бўлади: жамият миқёсида (ижтимоий институт табиати, унинг мақсади ва вазифалари); давлат хизматчиларининг ижтимоий кадриятлари миқёсида (қоидалар, мажбуриятлар, анъаналар, меъёрлар); алоҳида давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш миқёсида (ижтимоий мавқе, нуфуз, имиж, рейтинг).

Бошқарувнинг давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро муносабатлари тизимидаги юксак мавқеи тегишли равишда бошқарув ходимларига ҳам алоҳида талаблар қўяди, хусусан, уларнинг нафақат шахсий, касбий ва маънавий-ахлоқий фазилятларини, балки жамият ва давлатга нисбатан фуқаролик нуқтаи назарини ҳам кучайтиришни тақозо этади. Чунки, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқ ва бурчлар воситасида бир-бирларига ҳуқуқий жиҳатдан узвий равишда боғлиқдир. Бошқача айтганда, бошқарув ходимларининг алоҳида ижтимоий мақоми уларнинг шахсий ва фуқаролик

² Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т. Ўзбекистон, 2017, 21-б.

хизмат фазилятларини оширишга ҳам алоҳида талаблар қўяди. Бу жараён қуйидаги икки ҳолат билан тавсифланади:

- биринчиси, бошқарув ходимлари амалдаги қонунларга биноан ўз хизмат мавқеидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек давлат ва фуқаролар манфаатларига дахлдор бўлган алоҳида мажбуриятларга эга;
- иккинчиси, бошқарув ходими фуқаролик жамияти тузилмаларининг шаклланиши ва фаолияти жараёнида шахс сифатида бевосита иштирок этади. Бошқача айтганда, у ўз фуқаролик табиатини йўқотмайди, аксинча, ўзининг фуқаролиги бўйича қолаверади. Шу сабабли, бошқарув ходимининг ўзига хос хусусиятларига биноан, унинг фуқаролик масъулиятини ошириш зарурати бутун бошқарув тизими фаолиятининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу жиҳатдан фуқаролик фуқаролик масъулиятини ошириш давлат ва жамиятнинг ходимларни муносабатларини мустахкамлайди.

Мамлакатимизда қурилаётган янги давлат, барпо этилаётган янги жамият ва жамиятимиз ҳаётида эзгу кадриятларни қарор топтиришда муҳим бўлган ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти институтлари фаолияти устидан кучли назорат тизими ўрнатилди. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида 2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни¹ қабул қилинди. Ушбу қонун давлат хизмати соҳасида ҳам жамоатчилик назоратини олиб боришда сиёсий-ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат хизматида давлат хизматчиси фаолиятини назоратга олишнинг турли кўринишлари амал қилмоқда, назорат механизми тобора такомиллашиб бормоқда. Мамлакатимизда давлат хизмати кадрлари фаолиятини назорат қилишнинг бир нечта кўринишлари амал қилмоқда. Давлат хизматчиларининг амалдаги қонун меъёр ва қоидаларга риоя қилишларни назоратга олиш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб, ушбу вазифа давлат ҳокимиятининг барча даражаларида махсус тизим ва механизмлар орқали амалга оширилади. Мамлакатимизда бундай тизимлар турли мамлакатлар томонидан орттирилган ижобий тажрибани таҳлил этиш, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш орқали такомиллаштирилмоқда.

Хуллас, жамиятда қонунларнинг амалда қўлланилиши жазосизлик ва бошбошдоқлик муҳитининг вужудга келишига ёрдам беради, фуқароларнинг ҳокимиятга бўлган ишончига путур етказиб, жамиятдаги ижтимоий таянчдан маҳрум этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам раҳбар фаолиятини баҳолашнинг Ижтимоий аудит институти шаклланиши учун барча асослар пайдо бўлди. Мазкур ташкилотнинг хатти-ҳаракатлари

¹ Қонун - www.lex.uz

жамият истагига кай даражада мувофиқлигини текширилиб, шу ҳақда маълумот бериши керак. Бошқарув талабларини амалга татбиқ қилишнинг ушбу механизмдан кадрлар корпуси ҳаракати ва фаолияти даражасини ички назорат қилишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Фуқаролик жамиятида ҳар қандай бошқарув фаолияти ташкилий тузилмани қуриш, функционал мажбуриятларни аниқлаштириш, ҳуқуқ, ваколат, масъулиятни белгилашдан бошланади. Шу боисдан касб маҳоратини такомиллаштириш, шахснинг ўз-ўзини ижодий ривожлантириши борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан бошқарув доимо ҳам фан сифатида, ҳам санъат сифатида юзага чиқади. Бошқарувнинг санъат даражасида намоён бўлиши давлат хизматидаги раҳбарнинг шахсий ва касбий билимларини аниқ вазиятларда қўллаш олиш қобилиятига асосланади. Булар биргаликда унинг бошқарув услубини белгилайди. Шунинг учун замонавий турдаги давлат хизмати кадрлари ва замонага мос бошқарув услубини шакллантириш – бугунги бошқарув назарияси ва амалиётининг, бошқарув тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

ННО И ГОСУДАРСТВО: ОТ УЧАСТИЯ — К ПАРТНЕРСТВУ

Исаков О.

Глава Ассоциации инвалидов Узбекистана

Всем известно, что Узбекистан привержен построению правового демократического государства, открытого гражданского общества, важным компонентом которого является наличие развитой сети независимых, устойчивых гражданских институтов и конечно же партнёрские отношения между этими институтами и государством. Такие взаимоотношения между госорганами и ННО практикуемые не только за рубежом, но и в нашей стране обеспечивает открытости и эффективности деятельности государственной власти, повышения социально-политической активности и правовой культуры граждан. Чтобы механизмы социального партнерства заработали, государственные организации должны быть больше заинтересованы в партнёрских отношениях.

Характер взаимодействия государства с институтами гражданского общества, в т. ч. с негосударственными некоммерческими организациями (ННО), можно рассматривать как показатель сущности и уровня развития гражданского общества. Нынешняя система взаимодействия государственных структур с ННО в Узбекистане требует значительных

К партнёрству ННО и государства. Для этого в наличии есть веские причины: отсутствие механизмов социального партнёрства и развитых представлений о возможностях использования потенциала ННО, не позволяющих сформировать социальное партнёрство на системной основе.

Достаточно симптоматична и причина — отсутствие у государственных организаций заинтересованности в партнёрских отношениях, которая свидетельствует о недоверии и государственных организаций к ННО и ставит под сомнение существование открытого диалога между ними.

Органы госуправления принимают решения, усложняющие деятельность ННО, в том числе, и по причине отсутствия у них достаточно полной и объективной информации о некоммерческих организациях и их деятельности.

Отсутствие полноценного социального партнёрства лишает общество дополнительных ресурсов для развития, таких как независимые суждения и оценки ситуаций, экспертные оценки и рекомендации, возможности распространения информации среди представителей социальных групп, содействие в решении проблем граждан, в первую очередь, социальных.

Установление действенных механизмов социального партнёрства могло бы повысить уровень взаимного доверия, улучшить качество государственных решений, расширить участие граждан в их исполнении, улучшить контроль над их исполнением за счет вовлечения в него граждан, а также в целом поддержать государственную политику и уважение к закону.

Проблемы развития гражданского общества Узбекистана были обозначены в майском указе президента «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны»:

- не налажены механизмы диалога государства с гражданским обществом, не осуществляется анализ нужд ННО, не созданы эффективные площадки для обмена мнениями по вопросам государственного и общественного развития;
- низкий уровень вовлеченности ННО в разработку и реализацию программ социально-экономического развития, нормативно-правовых актов не позволяет изучать и учитывать интересы всех социальных групп, представляемых ННО;
- несмотря на достаточную законодательную базу, социальное партнёрство не смогло превратиться в эффективный механизм взаимодействия между государственными органами и ННО;
- не должным образом реализуются меры государственной поддержки и поощрения ННО, предлагающих инновационные

идеи по социально-экономическому, общественно-политическому развитию;

- правовое регулирование создает излишние бюрократические требования и препоны для регистрации ННО и в регуляции их деятельности;
- применяемые органами исполнительной власти методы организации межведомственного взаимодействия неэффективны, отсутствуют единые механизмы обмена данными и информацией;
- материально-техническая обеспеченность ННО недостаточна, выделяемые государством средства на поддержку институтов гражданского общества не позволяют реализовывать среднесрочные и долгосрочные масштабные и общереспубликанские проекты и программы.

Иностраный опыт партнерства в предоставлении социальных услуг. В зарубежной практике применяются разные формы взаимодействия субъектов социального партнерства в предоставлении социальных услуг. Эти услуги могут оказываться как государственными, так и гражданскими организациями.

Например, в Германии сегодня негосударственными учреждениями являются более 35% всех детских садов, более 60% интернатов для инвалидов, приблизительно 50% домов престарелых и 40% больниц. Важную роль в социальном обслуживании граждан играют добровольные объединения, в первую очередь, немецкий Красный крест и церковные благотворительные союзы, которые осуществляют уход за больными, престарелыми и инвалидами, оказывают им социальную и медицинскую помощь.

В Финляндии около 75% услуг по социальному обеспечению предоставляют муниципалитеты и 25% — частные организации и учреждения. Гражданские организации в этой стране предоставляют комплекс услуг от содержания центров дневного пребывания до помощи на дому.

Богатый опыт некоммерческих организаций в социальном обслуживании накоплен в Великобритании, Швеции, где негосударственные организации участвуют в создании домов-интернатов для пожилых граждан и инвалидов, помогают в уходе за детьми.

Как правило, государство оказывает социальные услуги в дополнение к социальным услугам, предоставляемым негосударственными организациями. Общей тенденцией является децентрализация и делегирование функций государства негосударственным организациям.

Как может развиваться социальное партнерство? Без активного участия бизнеса и гражданского общества сегодня уже невозможно обеспечить конкурентоспособность услуг. Практика показывает, что

эффективная социальная политика возможна только в сотрудничестве государства с ННО, потому что они ориентируются на адресное решение проблем, оказание точечных социальных услуг с учетом их последствий.

Укрепление гражданского общества становится необходимым условием для повышения эффективности принимаемых решений и контроля за их реализацией.

Для реализации социального партнерства в Узбекистане необходима стратегия развития гражданского общества. Основной целью стратегии должно быть определение конкретных шагов по реализации действительно равноправного партнерства между государственными организациями и институтами гражданского общества. Предложения общественных организаций инвалидов по стратегии развития гражданского общества:

- Разработать и принять закон «О негосударственных некоммерческих организациях» в новой редакции, учитывающий современные тенденции и требования в развитии ННО. Многочисленные нормативные акты, регулирующие деятельность ННО, должны найти свое отражение в едином законодательном акте. Данный закон должен освободить регистрирующий ННО орган от несвойственных ему функций. Сейчас, например, Минюст проверяет наличие книги учета трудовых книжек или наличие графика отпусков, хотя этим должны заниматься правовые инспекторы по труду, находящиеся при Центрах занятости. Также ликвидировать многочисленные барьеры в развитии деятельности ННО. «Государственные органы могут с их согласия привлекать негосударственные некоммерческие организации и другие институты гражданского общества к разработке и реализации программ социально-экономического развития и нормативно-правовых актов», — говорится в статье 7 закона «О социальном партнерстве». Данная статья не работает, так как не обязывает государственный орган привлекать ННО к разработке и реализации программ социально-экономического развития и нормативно-правовых актов. «Могут» необходимо заменить словом «обязаны». В этом случае активизируется взаимодействие госорганов и ННО.

- Принять закон «О государственном социальном заказе», поскольку существующие нормативные акты, регулирующие выделение государственного социального заказа, не содержат механизмов стимулирующих государственных органов к реализации государственного социального заказа и привлечению ННО.

- Возложить на Консультативный совет по развитию гражданского общества при президенте составление ежегодного доклада о состоянии и перспективах развития гражданского общества. В этом докладе могли бы найти свое отражение проблемы, с которыми сталкиваются в своей деятельности ННО, и рекомендации по их устранению.

- Проводить ежегодные парламентские слушания о состоянии и развитии гражданского общества.

- Законодательно закрепить обязательное привлечение общественных организаций к подготовке, принятию государственного и местных бюджетов, а также установить действенные механизмы и возможности проведения общественного контроля за расходованием государственных бюджетных средств по целевому назначению.

- Законодательно закрепить право ННО обжаловать в Конституционном суде нормативные акты, противоречащие Конституции и международным договорам.

- Дать право ННО свободного посещения и участия их представителей в заседаниях палат Олий Мажлиса и местных Кенгашей народных депутатов при рассмотрении профильных вопросов, затрагивающих интересы целевой группы, которую представляет то или иное ННО.

- Законодательно закрепить обязанность руководителей государственных организаций не реже одного раза в месяц лично встречаться с представителями ННО. На практике обычно с представителями ННО проводят встречи работники, не уполномоченные принимать какие-либо решения.

- Пересмотреть порядок и приоритеты выделения государственных субсидий на поддержку деятельности ННО. На практике этот процесс носит достаточно закрытый характер. Информация о субсидировании публикуется, но широкой публике неизвестно, как проходят обсуждения, какие предложения звучат; неизвестны критерии выделения средств, а также эффективность использования выделенных субсидий. Во многих странах государственные субсидии, в первую очередь, выделяются на поддержание деятельности общественных организаций инвалидов, которым по объективным причинам трудно финансировать свою общественно полезную деятельность. Например, в 2017 году на поддержание деятельности российским общественным организациям инвалидов было выделено 1,5 млрд рублей. К сожалению, за прошедшие 10 лет общественные организации инвалидов ни разу не получили субсидии.

- Законодательно определить понятие и сроки краткосрочных, среднесрочных и долгосрочных грантовых программ и исходя из этого увеличить в разы суммы денежных средств для реализации грантовых проектов. Размер выделяемых денежных средств на реализацию грантового проекта должен быть адекватен усилиям, затраченным на подготовку и достижение поставленных целей.

- Уменьшить налогооблагаемую базу организаций и предприятий независимо от форм собственности на сумму оказанной благотворительной помощи, направленной на развитие ННО. Такая

налоговая политика стимулирует граждан и бизнес поддерживать общественные организации.

- Создать электронный информационный портал с базой данных ННО, информацией об их деятельности и реализуемых проектах, проблемных вопросах, требующих широкого обсуждения, а также с информацией о социальном партнерстве, деятельности общественных советов для их широкого практического использования всеми заинтересованными сторонами.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК-ДЕМОКРАТИК ТАРАКҚИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ОМИЛИ

Пардаев С. - ЎзМУ магистранти
Илмий раҳбар – ЎзМУ доц.в.б. Аллаярова С.

2014 йилда қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун 5 боб, 30 моддани ўз ичига олади. Ушбу қонунда ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари ва меъёрий талаблари белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат тоқимияти ва бошқаруви ўрганларининг биргаликдаги сай-ҳаракатлари камровини самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ ижтимоий шериклик деганда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини шу жумладан, тармок, ҳудудий дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришдаги ҳамкорлиги тушинилади.

“Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармок, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Давлат органларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонулар билан

тартибга солинади”¹. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларга нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ўзини ўзи боҳқариш органларининг кенг жалб қилиниши ва уларнинг иштироки ўзининг узок муддатли ижтимоий-иқтисодий тараккиётини белгилаб беради. Ижтимоий шериклик бугун жамиятда амалга ошираётган ислохотларнинг ошқоралигини жамиятнинг ҳар бир аъзоси тўғри англашга имкон яратади. Бинобарин мамлакатда азалдан ижтимоий ҳамкорлик муҳитининг мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади. Шу нуктага назардан, фуқаролар фаровонлиги, энг аввало мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг сифати ва сарамасига боғлиқлигини ҳисобга олсак, ижтимоий ҳамкорликнинг нечоғлик эътиборга сазовор эканлиги ойдинлашади. Ижтимоий шериклик нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг келишилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мамлакат аҳолиси турли катламларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоялашдаги ўзаро фаоллиятини назарда тутати. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик соҳасидаги фаолиятини ижтимоий шериклик бўйича комиссия ишида қатнашиш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш, ижтимоий муҳтож шахсларга зарурий ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатишда иштирок этиш, шунингдек, ижтимоий шериклик соҳасидаги битимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан олиб борилади. Ўзбекистондаги ижтимоий шерикликнинг ўзига хослиги шундаки, давлатнинг ўзи ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий майдонини яратишни ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларига тегишли моддаларни бузганлиги учун мансабдор шахсларни жазолашни кучайтириш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини киритишни тақлиф этмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали фаолияти ижтимоий муҳит сифатини ошириши, жамиятнинг ижтимоий кудрати ва ҳаёт даражаси такомиллашувига имкон яратади. Айнан шу нарсада уларнинг муҳим ижтимоий-сиёсий вазифасини амалга ошсади ва шу билан давлат бу фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши лозим.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларининг бирига айланди. Сўнгги ўн йилликда аҳолининг кенг қатламлари томонидан

¹ Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Қонуни. 2014 йил 28 август

қўллаб, қувватланаётган фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши янги босқичга кирди. Бугунги кунда юртимизда 6500 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Айни вақтда нодавлат нотижорат ташкилотларининг 40 фоизи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, 14,2 фоизи хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, 13,6 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, экология 32 фоизи эса бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар билан шуғулланмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғриси”ги қонунлар, Президентимизнинг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори мазкур соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Ижтимоий шериклик тамойили ўзининг мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий адолат, фуқаролар фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида қайгуриш каби мажбуриятни олади. Шунингдек, ижтимоий йўналтирилган сиёсатни ўзининг асосий вазифаси деб билиб, мазкур сиёсатнинг Конституцияда белгиланган йўналишларнинг кенг қамровли амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатади. Мазкур тамойилга амал қилган ҳолда давлат, ўз органлари орқали узлуксиз равишда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўриб боради. Фуқаролик жамиятининг асосий элементлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларни ўзини –ўзи бошқариш органлари ана шу тамойил асосида давлат ташкилотлари билан ҳамкорликни шакллантириб боради. Ижтимоий шериклик- ўз навбатида юқорида кўрсатиб ўтилган уч сектор манфаатларини мувофиқлаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча муаммоларини ҳал этишдаги ҳамкорликдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий шерикликнинг энг муҳим жиҳати бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилиш ҳақидаги ўзаро келишуви эмас, балки улар ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида энг нуфузли ахлоқий қоидалар мажмуидир. Ижтимоий шерикликнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бу муносабатлар тизимида тарафлар барчаси барча соҳада тенг ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган ва ижтимоий келишишга асосланган ҳамда баравар манфаатдор бўлган тарафларнинг ҳамкорлигидир. Бизнинг мамлакатимиз ижтимоий шериклик тизimini амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари дунё тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунини давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари

фаолиятининг кафолатланишига, улар томонидан ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши масалалари кўзда тутилган. Энг муҳими нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Шу аснода ҳар бир фуқаронинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши, уларнинг сотсиал фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ғамхўрлик қилиш ва шароитлар яратиш учун ўз фаолиятларини йўналтирмоқда. Худди шу маънода бугунги кунда жамоатчилик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан биригга айланмоқда. Фуқаролик жамиятининг институтилари ҳар бир давлат, шу жумладан Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида жуда муҳим функцияларни амалга оширмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат-нотижорат ташкилотларни, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Жамоат фонди ва парламент комиссияси ташкил этилди. Парламент комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликлари тегишли тузилмалари, нуфузли нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятлари ва бошқа институтлари вакиллари киради. Жамоат фонди маблағлари бевосита нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларга мувофиқ, субсидиялар грантлар, ижтимоий буюртмалар тарзида ажратилади. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари танқидий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ривожланган мамлакатларида чуқур ўрганилди. Дарҳақиқат, Европанинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий шериклик бўйича алоҳида қонунлар қабул қилинган. Мазкур қонунларда давлат органлари билан ноҳуқумат ташкилотларининг ҳамкорлик шакллари, тартиблари, муносабатлари ва молиялаш усуллари тартибга солинган. Ижтимоий шериклик соҳасидаги хорижий давлатлар тажрибасига чуқурроқ эътибор қилсақ, бу соҳанинг икки моделини ажратиб кўрсатишимиз мумкин, яъни улар бипартизм ва трипартизмдан иборат. Ижтимоий шерикликнинг бипартизм икки томонлама модели иш берувчилар ва ходимларнинг ихтиёрий, томонларнинг мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида манфаатларни мувофиқлаштиришдан иборат. Ижтимоий шерикликнинг трипартизм яъни уч томонлама модели - ана шундай шерикликда давлат ҳокимияи вакиллари ҳам иштирок этадиган

тури ҳисобланади. Шерикликнинг бу қондаси бўйича, ходимлар манфаатларини уларнинг ваколатли ташкилоти-қасаба уюшмалар, иш берувчиларни-уларнинг уюшмалари, давлатникини эса ижро этувчи ҳокимиятнинг органлари ҳимоя қилади. Хорижий тажриба шунини кўрсатадики, ижтимоий шерикчиликнинг бипартизм модели меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли катта бўлмаган яъни иш берувчи бирлашмалар ва ходимлар ташкилотлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик амал қилади ҳамда ижтимоий низолар чиққанда давлат фақат ҳакам ёки воситачи ролида қатнашиши лозим. Ижтимоий шерикчиликнинг бу модели кўпроқ АҚШ, Канада, Буюк Британия тажрибаларида намоён бўлмоқда. Ижтимоий шерикчиликнинг трипартизм моделида ҳамкорлик тенг манфаатлар асосида уч томонлама шаклланади ва унда давлат фаол ижтимоий шерик ролини бажаради.

МУНДАРИЖА:

1. <i>Марахимов А.Р.</i> КИРИШ СЎЗИ.....	3
2. <i>Хамроқулов А.К.</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ: ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	5
3. <i>Камилов Р., Холбеков А.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК – ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	11
4. <i>Умаров У.</i> ННТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.....	17
5. <i>Якубов Б.</i> ЎЗЛИДЕПНИНГ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	23
6. <i>Исаев М.Н.</i> МЕХНАТ СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АСОСЛАРИ.....	27
7. <i>Бегматов А.С.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ.....	32
8. <i>Муминов А.Г.</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	37
9. <i>Алимов Ш.Қ.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ.....	42
10. <i>Қараходжаева М.Х.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	44
11. <i>Мирзаахмедов К.</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	49
12. <i>Норбоев Т., Мухторов И.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ.....	54

13. <i>Расулов Х.М.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ШАКЛЛАНИШ МУАММОЛАРИ.....	58
14. <i>Тошбекова М.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	61
15. <i>Тургунова Н.Т.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚ ИШОНЧИГА ЭРИШИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	64
16. <i>Умурзакова Н.М.</i> “ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН –ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУҚУҚИЙ АСОСИ.....	69
17. <i>Бекназарова Ш.Т.</i> ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ДАВЛАТ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИ.....	72
18. <i>Усманов М.Ш.</i> ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В СФЕРЕ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА КАК ВАЖНОГО ФАКТОРА РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА.....	75
19. <i>Ўтамурадов А.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	77
20. <i>Шоимов А.Р., Негматова Л.Т.</i> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	83
21. <i>Аллаярова С.Н.</i> ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ.....	85
22. <i>Бегматов Ш.</i> ДАВЛАТ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎРТАСИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШДА КОНСЕНСУСГА ЭРИШИШ.....	89
23. <i>Жумаев С.</i> МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШДА ЎЗАРО ШЕРИКЧИЛИК РОЛИ.....	92
24. <i>Маматқулов Р.У.</i> МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	93

25. Сабирова У. ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ.....	96
26. Тошпулатов Б.Б. ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ – ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ШЕРИКЧИЛИКДАГИ ФАОЛИЯТИ	99
27. Эрнazarов Д.З. ПОЛИПАРТИЗМ - ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ СИФАТИДА ..	102
28. Абдухалилов А. РОЛЬ ИНО В ПРОЦЕССЕ ЗАЩИТЫ ИНТЕРЕСОВ И ПРАВ ЛЮДЕЙ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ.....	106
29. Ашрапов Б. СИЁСИЙ ФАОЛЛИКДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ.....	109
30. Ашурова Н.Х. ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ.....	110
31. Бааратбаев Б. МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЎТИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	115
32. Дилбарова М.Р. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ.....	117
33. Джалилов Б.Х. ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЎРНИ.....	119
34. Исанова Г. ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ШАРОИТЛАРИДА ИЖТИМОЙ РЕКЛАМАНИНГ МОСЛАШУВИ.....	123
35. Қудратов А. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ.....	127
36. Мадаева Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИ БИЛАН БОҒЛИК ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУАММОЛАРИ.....	130
37. Маматқулова Д. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ.....	134
38. Мирабдуллаева Т. СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЁРСТВО В ПРЕДОТВРАЩЕНИИ ГЕНДЕРНОГО НАСИЛИЯ ПО ОТНОШЕНИЮ К ЖЕНЩИНАМ.....	135
39. Назарханов Ф. ОСОБЕННОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА	138

40. Нишанбаева Э. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ.....	139
41. Нурбоева Ҳ.Б. ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК РИВОЖИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ.....	144
42. Ражабов О. ИЖТИМОЙ ОНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗАРО ШЕРИКЧИЛИК.....	147
43. Райхонов У.А., Мирзамахмудова М.О. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ ЎРНИ.....	149
44. Расулов Б.Б. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ.....	154
45. Рашидова М. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	158
46. Тугалов А.Х. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: “КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ”.....	161
47. Усманов А. ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИ ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ – ТАРБИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.	163
48. Хақбердиев Н. БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИДА ШЕРИКЧИЛИК МУАММОЛАРИ.....	165
49. Холмуродов Ф. АЁЛЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ.....	167
50. Худойбердиев О. ИҚТИСОДИЙ ШЕРИКЧИЛИК ШАХС ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МЕЗОНИ СИФАТИДА.....	170
51. Худойбердиев И. ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК.....	173
52. Фарфиева К.А. ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА ТАҲЛИЛ ВА МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАР ТАНЛОВИ.....	177
53. Палванов И., Содиқов Х. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА АҲБОРОТ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	179

54. Хурсандов А.С. ЁШЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИДА СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.....	184
55. Эшов Х. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	188
56. Юсубов Ж., Сапаев Ж.К. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КАДРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ.....	191
57. Исаков О. ННО И ГОСУДАРСТВО: ОТ УЧАСТИЯ – К ПАРТНЕРСТВУ.....	194
58. Пардаев С. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК - ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ОМИЛИ.....	199

Босишга рухсат этилди 31.05.2019. Ҳажми 13 босма табак.
 Бичими 60×84 т 16. Адади 60 нусха. Буюртма 140.
 М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
 босмахонасида чоп этилди.

